



ҲАМИД ЗИЁЕВ



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ
УЧУН КУРАШЛАРНИНГ ТАРИХИ



Ўзбекистон мустақиллигининг
10 йиллигига
багишлайман

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001 ЙИЛ



63.3 (54)

3-60 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ҲАМИД ЗИЁЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН
КУРАШЛАРНИНГ
ТАРИХИ**

(Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил
31 августтacha)

БИБЛИОСТЕКА

Бух. ТИП и ЛП

№ 4/2683

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2001 ЙИЛ

ИСТОРИЯ
УЗБЕКИСТАНА
ХАМИД ЗИЁЕВ

Зиёев, Ҳамид.

Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: (Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача. — Т.: «Шарқ», 2001. — 448б.

Сарлавҳада: Узбекистон Республикаси ФА Тарих институти.

ББК 63.3(5У)+63.3(2)2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001 йил.

МУҚАДДИМА

Бу табаррук түпроққа милоддан олдинги VI асрда эронлик Кайхусрав, милоддан олдинги IV асрда юнонистонык Искандар Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларининг тажовузлари не-не күлфатлар көлтирмади.

... Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байргони күттарган Широқ, Спитамен, Махмуд Торбий, Темур Хотун (Тұмарис), Малика Кабаж Хотун каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпаварлық ва шижсаат тымсолидір.

Ислом КАРИМОВ

Мұхтарам юртбошимизнинг мазкур сатрларда из-хор этган фикрлари тарихий ҳақиқатни акс эттириб, катта сиёсий ва илмий ақамият касб этади. Маълумки, ватан озодлиги учун жонни ҳам, молни ҳам фидо айлаш, мардлик, жасоратлик ва жанговарликни намойиш этиш ҳар бир кишининг орномуси ва муқаддас бурчидир. Шу боис ватанини севиш иймонданыр, деган ибора бежиз айтилмаган. Бизнинг ота-бобо ва аждодларимиз бу нақлни юрагига түккан ҳолда ватанга содиқликни, мардлик, жасоратлик ва жанговарликни намойиш этиб келмоқда. Шунингдек, маданиятни ривожлантириб, жаҳон цивилизациясыга муносиб ҳисса құшди. Машхур олим Махмуд ибн Вали үзининг «Баҳр ал-асрар» китобида шундай деган: Туркистан кенг ва ҳавасни келтирадиган ажойиб мамлакатдир. У үз ичига күп шаҳарлар, қишлоқлар, вилоятлар, тогутошлар, чүл ва текис жойларни олади. Унинг ахолиси үзларини туркйлар еки үзбеклар деб юритадилар. Бу халқ үзининг жасоратлилiği ва жанговарлиги билан шуҳрат қозонған. Хоразмлик ва тошкентликлар ҳам шундай фазилатларнинг соҳибиidlар.

Унинг ахолиси үз ватанини ҳар жиҳатдан бошқа мамлакатлардан юқори үринга қуяди. У ҳозирда ислом динининг соғлигини сақлаш, мадраса, масжид,

хонақо, талабаларнинг кўплиги, оби-ҳавосининг юмшоқлиги, ажойиб bog ва дараҳтзорлари, тог ва дарёларининг гўзаллиги ва озиқ-овқатларининг муллиги жиҳатидан бошқа мамлакатлардан устун туради. Туркистон заминида олим ва шоирлар шу даражада кўпки ҳисобига етиш амри маҳолдир. Унинг бойлиги «илм ва донишмандлик»дадир.¹

Ҳақиқатан ҳам Туркистон жаннатмакон мамлакат сифатида оламга маълум ва машхурдир. Узбекистон эса бу минтақанинг юраги ва жавоҳиридир. Бу ердан инсон ҳаёти ва тараққиёти учун нимаики зарур бўлса барчаси мавжуд. Моддий ва маънавий бойликлар бит-мас-тугалланмасдир.

Узбекистоннинг бунчалик ажойиб ва гаройиб мамлакат бўлиши жаҳонгашта ҳукмдорларнинг диққатини жалб этмасдан қўймас эди, албатта. Зоро, Аҳмонийлар, Македониялик Александр, Араб халифалиги, Чингизхон, Чор Россияси ва Совет давлати ўлкага бостириб кирдилар. Улар мисли кўрилмаган қирғин-баротларни, талон-тарож ва вайронагарчиликларни қилиб, ҳукмронлиги бир неча юз йиллар давом этди.

Хусусан, Аҳмонийлар — 200 йил, Грек-македонияликлар — 180 йил, Араб халифалиги салкам — 200 йил, Чингизхон босқинчилари — 150 йил, Чор Россияси ва Совет давлати — 130 йил ўлкани уз панҷаларида ушлаб турдилар. Умумластирганда мазкур рақамлар 800 йилдан ошади. Бинобарин, Узбекистон ўзининг салкам уч минг йиллик тарихидан урта ҳисобда 800 йилини босқинчиларнинг қули остида ўтказишга мажбур бўлди. Бу гоятда даҳшатли ва фожеали даврларда юз минглаб одамлар улдирилди ёки жароҳатлантирилди. Кўп бойликлар таланди, шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Бироқ ҳеч қандай қирғинлар ва вайронагарчиликлар қанчалик ваҳшийларча амалга оширилмасин, узбек ҳалқининг ер юзидан супириб ташлай олмади. Чунки бу ҳалқ Аллоҳнинг марҳамати ила «оловда ёнмайдиган ва сувда чукмайдиган» қилиб яратилганки, мисли кўрилмаган талафот ва азоб-уқубатлардан бутун чиқаверди. Ҳамда босқинчиларга қарши курашни давом эттираверди.

Хуш, шундай экан, нима учун озодлик курашлари

¹ Маҳмуд ибн Вали. Баҳр ал-асрар. Тошкент, 1977, 32, 44, 76-бетлар.

маглубиятга учраб босқинчиларнинг ҳукмронлиги урнатилган вақтлари бўлган?

Бунга биринчи навбатда таҳтнинг меросхўрлиги ва унинг учун олиб борилган ўзаро қонли урушлар сабаб бўлган. Маълумки ҳукмронлик қилаётган сулолада ҳамма вақт отаси ёки бувасига ушаган ақл идрокли ва истеъдодли фарзанд туғилавермаган. Шунга қарамай меросхўрлик қонуни буйича ноқобил фарзанд ҳам таҳтни эгаллай берган. Бу хилдаги ҳукмдорлар узларининг ожизлиги туфайли шахсий манфаат ва ҳузур-ҳаловатни умумдавлат манфаатидан устун қўйиб иш юритган. Натижада мамлакатда инқироз ва қолоқлик юзага келган. Ҳукмдорлардаги кўпхотинлик ва серфарзандлик ҳам катта зиён келтирган. Уларнинг орасида унта ва ундан ортиқ хотинли ва 10—20 та фарзандли ҳукмдорларни учратиш мумкин. Бундай отаси бир ва онаси бошқа фарзандларнинг ҳар бири «таҳт менга тегишли» деган фикр билан яшаб, уни эгаллаш учун ака-укаларини ўлдиришдан тоймаганлар. Бундай таҳт талашиш шундай фожеали оқибатларга олиб келганки тасвирлашга қалам ожизлик қиласди. Авваламбор у мамлакатда парокандалик ва тарқоқликни, хавотирлик ва нотинчликни юзага келтириб, ҳокимият бошқаруви ва салоҳиятига қаттиқ зарба берди. Қушин орасида эса тарафкашлик ва узбoshimchaliq ҳукм суриб, мамлакат мудофааси жуда заифлашган. Ҳатто таҳт учун курашлар қудратли темурйилар давлатини емирганлигини ким билмайди дейсиз.

Диний фанатизм ҳам мустақилликни қўлдан бой берилишига олиб келган эди.

Маълумки истеъдодли кишилар ҳар қадамда учрамай озчиликни ташкил этади. Шунга ухшаш ақл-идрокли, фаросатли, жасоратли, ватанпарвар ва моҳир ташкилотчи ҳукмдорлар юз йилларда бир дунёга келган. Унга ишонч ҳосил қилиш учун кейинги минг йиллик тарихга назар ташланса бас. Бу кўп асрлик давр мобайнида юқорида кўрсатилган олий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, том маънодаги давлат арбобларининг хизматлари туфайли 900, 1370 ва 1991 йилларда уч маротаба ватан мустақиллигини тиклашга эришилди. Унинг биринчиси Исмоил Сомоний, иккинчиси Амир Темур ва учинчиси Ислом Каримов номи билан чамбарҷас боғлиқдир. Бу табаррук

зотлар мустақилликни тиклаш билан бир қаторда мамлакатнинг куч-кудрати ва тараққиётини таъминладилар.

Амир Темурдан кейин 600 йил мобайнида озодлик курашларига бошчилик қилиб галабани таъминлашга қодир давлат арбоби кўзга кўринмади. Ниҳоят, 1991 йилга келиб халқ орзишиб кутган буюк давлат арбоби Ислом Каримов кўз ўнгимизда намоён бўлди. Унинг доно раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон мустақиллиги тикланди. Ў шу даражада ўтқир сиёsat юргиздики, мустақиллик ва озодлик бамисоли шернинг оғизидан «бир томчи қонсиз», яъни жангу-жадалсиз ва қурбонларсиз тортиб олинди.

Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига мустақиллик ва тараққиёт учун олиб борилган курашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ҳақда кейинги саҳифаларда, яъни ўз ўринда сўз юритилади.

Юртбошимиз айтганидек Ўзбекистон мустақиллигининг тикланиши тасодифий ва фавқулоддаги ҳодиса бўлмай, унинг учун курашнинг илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Мазкур асар мана шу нуқтаи-назардан ёзилиб, узбек халқининг милоддан олдинги асрларидан то 1991 йил 31 августача олиб борган қаҳрамонона курашларини ёритишга багишланган. Унда бу курашларнинг сабаблари, моҳияти ва йўналишларини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Шу нарса аниқландикки, миллий гоянинг асоси бўлмиш — мустақиллик, озодлик ва тараққиёт учун кураш чукур тарихий даврларда ёк шаклланиб, қанчалик вақтларнинг ўтиши билан шунчалик чукур илдиз отиб борган. Чет эл босқинчилари миллий гоянинг бекиёс катта куч-кудратини англаб қўпориб ташлаш учун аёвсиз курашдилар. Инсон кўзи кўрмаган ва қулоги эшитмаган жазоларни қулладилар. Лекин миллий гоя узбек халқининг онги ва қалбига шу даражада чукур сингиб кетган эдики, ҳеч қандай даҳшатли куч уни йўқ қила олмади. Аксинча, бу гоя вақти келиб халқ қалбидан вулқон каби отилиб чиқиб, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги ва озодлиги тикланди. Шу тариқа бу тарихий воқеа ўтмишдаги кўп асрлик миллий озодлик курашларининг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди.

Бу билан ота-боболаримизни асрлар мобайнида

озодлик учун олиб борган курашлари голибона якунланди. Уларнинг курашларда дарё каби оқсан қонлари, мисли кўрилмаган талафотлар ва зулмлар пироварлида бехуда кетмади. Зеро, құллик занжирлари ва «төмір қафас» парчаланиб, озод ва эркин халқ сифатида жаҳон даврасида муносиб уринни эгалладик. Чоризм ва Совет даврида жаҳон харитасидан учирилган Ўзбекистонни билмаган ва сийламаган мамлакат қолмади. Куз ўнгимизда содир булаётган буюк ўзгаришлар ва улкан ютуқларни қулга киритишида Президентимиз Ислом Каримов ҳал қилувчи уринни эгаллаб келмокда. У дунёга юз йилларда бир марта келадиган буюк давлат арбобидир.

Хозирги замон авлодлари баҳтлиларнинг баҳтлисидир. Зеро, Президентимиз билан замондош булиб яшаш ва озодликнинг гаштини суриш Аллоҳнинг олий неъматидир.

* * *

Кенг уқувчилар оммасига ҳавола қилинаётган ушбу китоб маҳаллий манбалар, архив ҳужжатлари ва адабиёт маълумотлари асосида ёзилди.

Шубҳасиз, салкам уч минг йилларда содир бўлган мустақилик учун курашлар тарихини бир асар ҳажмида янада чуқур ва атрофлича ёритишининг имкони йўқ. Аммо, шунга қарамай, асар муҳтарам уқувчиларда маълум даражада қониқиш ҳосил этса ўзимни баҳтиёр деб ҳисоблар эдим.

Милоддан аввалги асрларда мустақиллик ва озодлик учун олиб борилган курашлар

АҲМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ БОСҚИНИГА ҚАРШИ КУРАШ

Милоддан аввалги VII асрда Хоразм воҳасида биринчи ўзбек давлати ташкил топган эди. Бу давлат кейинги салкам уч минг йил мобайнида бирин-кетин ҳукм сурган давлатларнинг асоси сифатида намоён бўлди. Афсуски унинг тарихига доир ёзма манбалар жуда оз ва қисқа сақланган бўлиб, чуқур ва атрофлича таърифлашнинг иложи йўқ. Айрим маълумотларга кўра минтақадаги подшоҳлардан бири унинг нафратига дучор бўлган 400 кишини Хоразмга сургун қилган. У бир неча йиллардан кейин уларнинг аҳволини билиш мақсадида ўз одамларни юборган экан. Натижада шу нарса маълум бўладики, сургун қилинган кишилар сог-саломат ҳаёт кечиргандар. Подшоҳ бу хабарни олгач, 400 кишидан иборат туркий аёлларни уларнинг ихтиёрига жуннаттан экан. Шундан кейин Хоразмда оиласалар юзага келиб одамларнинг сони кўпайиб борган. Шубҳасиз у ерга атроф-жойлардан бошқа одамлар ҳам келиб ўрнашганлар. Шу тариқа Хоразмда аҳоли кўпайиб, вақтларнинг ўтиши билан шаҳарлар ҳам пайдо бўлган. Воҳада Амударё туфайли сунъий сугориш ривожланиб, деҳқончилик, ҳунармандчиллик, ички ва ташқи савдо ўсган. Давлат ва кушиннинг куч-кудрати ошгандан кейин улуғ давлатчилик гоялари юзага келиб, узоқ жойларга ҳарбий юришлар уюштирилган. Натижада Хоразм давлати йирик империяга айланган. Хусусан, унинг чегараси Қора дентиз бўйлари ва Грузиягача бориб тақалган. Шуниси диққатга сазоворки, 1944 йилда Камчаткада милоддан аввалги асрларда Хоразмда зарб этилган танга топилган. Эҳтимол, буюк Хоразм давлатининг чегараси ёки таъсир доираси Камчаткагача етгандир.

Хоразм давлати асосан сак номи билан аталувчи туркий аҳолини ўз ичига олган. Бу халқ ўша қадимиий

даврларда гарбда Днепр дарёсидан тортиб, шарқда Тянь-Шань тоғларигача чўзилган улкан ерларда ҳаёт кечирғанлар. Аммо, уларнинг илғорлашган қисми ҳозирги Узбекистон ҳудудида истиқомат қилғанлар. Эрадан аввалги икки мингинчи йилнинг иккинчи ярмида ёзилган ҳиндларнинг «Маҳобхарата» достонида кўрсатилишича, Туркистон заминида уша даврда истиқомат қилган қадимий аҳоли юнг, ипак, пахта ва бошқа нарсалардан тўқилган газламалардан лиbosлар кийишган. Бу ҳолат уша чуқур тарихий даврларда ёк дехқончилик ривожланганлигидан далолат беради. Ҳунармандчиликда эса газламаларни тўқиши, тикувчилик ва бүекчилик усган эди. Грек манбаларидан бирида қайд қилинишича аҳолининг куйлаклари ўсимликлардан тайёрланган бүеклар билан безатилган ола-була рангли газламалардан тикилган. Аҳоли чарм кийимларидан ҳам фойдаланганлар. Улар кийимларини қимматли тошлар билан безатиб турли хушбуй ҳидли атиrlарни ишлатганлар. Уларнинг ҳарбий қуроллари ҳам анча такомиллашган эди. Зоро, жангларда ўтқир қилич, ханжар, болта, уқ-еъ, қалқон ва темирдан ясалган қуроллардан кенг фойдаланилган.

Демак, миңтақада маъданчилик ривожланган эди. Аҳоли узининг жасоратлилиги ва жанговарлиги билан шуҳрат қозонган. Қушин отлиқ ва пиёда аскарлардан ташкил топган. Грек тарихчиси Клавдий Элланнинг ёзишича, сакларда кимки уйланмоқчи булса қиз билан кураш тушиши шарт бўлган. Мабода бу курашда қиз галабага эришса, у вақтда йигит унинг асири ҳисобланган. Борди-ю йигит устун келса, қизга уйланиш ҳуқуқини олган.¹ Бундай тартиб бежиз қулланилмаган, албатта. Чунки у даврларда ички узаро курашлар ва чет эл босқинчиларининг ҳужумлари тез-тез бўлиб турадиган воқеа эди. Ш боис нафақат эркаклар балки хотин-қизларни ҳам жангларда қатнашиши муқаддас бурч ҳисобланган. Ҳатто аёллардан маҳсус ҳарбий қисмлар ташкил этилиб, улардан моҳир лашкарбошилар етишиб чиқсан.


Курилаётган даврларда «ҳар бир сатрап қўл остида яхши қуролланган, ёланма аскар тұдаси булар эди. Булардан ташқари сатрапликдаги ҳар бир уруг ёки қабила бошлиғи ҳамда қалъа бошлиқлари уз қўл остидаги

¹ Древние авторы о Средней Азии. Ташкент, 1940, 23 с.

қуролли халқ оломонини бошлаб урушга чиқар эди. Ас-кар отлик ва пиёдаларга айрилар эди. Жангчилар уқ-еїй, найза ҳам шамшир (ханжарга үшшаган түгри ва узун қилич) ишлатар эди. Ҳар қүшинда икки гилдиракли жанг араваси қисмлари ҳам бұлар эди. Ҳар бир жангчидеги әңгімә ҳам бошида уқ ва шамшир үтмайдыган те-мир совет, құлида қалқон булар эди.

Елланған қисмлардан ташқары ҳар бир жангчи са-фарға чиқища талқон, қурут, гүшт ва сув идишни олиб юришга мажбур эди¹.

Хавф-хатарлы шароит шаҳарларни қалин ва баланд деворлар билан құршаб олинишига олиб келди. Буни бунёд этиш учун күп мөхнат билан маблаг сарфланиб, азоб-уқубатлари ҳалқнинг зиммасига тушган. Аммо, унинг ватанпарварлары шу даражада кучли булғанки, мамлакат мустақиллиги ва озодлиги учун жонини ҳам, молини ҳам тиккан. Натижада шаҳарларни девор билан үраб олиш кенг қулоч өйгөн. «Бу даврда, — деб ёзади академик Яхё Ғуломов, — шаҳарларнинг ҳамма-си девор билан үралған булиб, ҳар қандай душманға қарши бардош бера оладиган даражада мустақжам килиб қурилған эди. Улар бир одам зұрга кутара олар-лик хом гиштлардан солинган. Шу даврда қурилған қалъалардан Жонбосқалъани олсак, унинг бүйі 200, эни 170 метр булиб, икки қатор девори орасыда узун айланма йулаги бор. Ташқары деворида 2000 га яқын ост-уст икки қатор тор-тор түйнуклар қойылған. Бу түйнукларда қальядагилар душманға уқ отиб, унинг



1-расм. Милоддан олдинги асрларда қадимги Хоразмнинг Тешик-қалъа номли ҳарбий истекоми.

¹ Я. Ғ. Ғуломов, Р. Н. Набиев, М. Ф. Ваҳобов. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 1958, 48-бет.

хужумига қарши турғанлар. Қалъанинг ичи 400 хона-
дондан иборат уйлар билан лиц түлиб уртада фақат
бир күчагина бўлган. Қалъанинг тўрида зардўштлар
ибодатхонаси — «оташ-када» бўлган. Унда доимий ра-
вишда муқаддас олов ёниб турган. Қалъанинг гарбида-
ги ёлғиз дарвозасидан ташқарида асосий аҳоли тура-
диган деворсиз шаҳар майдони бўлган».¹

Мазкур маълумотлар Хоразмдаги фақат бир қалъа-
га тегишли бўлса-да, лекин унга ухшашлари кўп
бўлган. Чунончи амалда ҳарбий қалъага айлантирил-
ган шаҳарлар Туркистоннинг барча ерларини қамраб
олган. Хоразм давлатидан кейин Туркистон мин-
тақасида Бақтрия давлати юзага келган. Бу давлат-
нинг таркиби Амударенинг ўрта оқимидағи ерлар,
ҳозирги Тожикистоннинг жанубий туманлари, Узбе-
кистоннинг Сурхондарё вилояти, Туркманистоннинг
шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий томони
кирган. Унинг пойтахти Балхнинг атрофидаги Зари-
аспа шаҳри ҳисобланган. Бақтрия давлатида деҳқон-
чилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланганли-
ги ҳакида маълумотлар мавжуд. Унинг довруги узок
мамлакатларгача тараған. Шу боис грек, ҳинд ва
эрон манбаларида тилга олинган. Милоддан аввалги
III аср бошида Сирдарёning ўрта оқимида Қанга дав-
лати ташкил топди. Унинг аҳолисини негизини Тош-
кент воҳаси ва жанубий Қозогистонда истиқомат
қилаётган саклар ташкил этган. Олим С. П. Тол-
стов Қангани Хоразм давлатининг мантиқий давоми
эканлигини айтиб, уни Қанга-Хоразм давлати деб
таъкидлайди.

Қанга давлатининг пойтахти Сирдарёning ўрта
оқимидағи Қанқа шаҳри бўлган. У ҳозирги Тошкент
вилоятининг Оққурғон туманидаги Қанқа тепалигини
ўрнида эди. Унинг харобаси 150 гектардан ошироқ
ерни ташкил этган. «Қанғаликлар, — деб ёзди, —
грек олими Страбон, — энг яхши отлиқ ва пиёда ас-
карлар ҳисобланиб, уқ-еъ, қилич, қалқон, мис болта-
лар билан қуролланган. Улар жангларда олтин бел-
богни бойлаб оладилар»².

Қанга давлати ҳозирги Узбекистон ҳудудини эгал-
лаган эди.

¹ Уша жойда, 47—48-бетлар.

² Уша жойда.

Шундай қилиб, милоддан олдинги асрларда Туркестон заминида Хоразм, сунгра Бақтрия ва Қанға давлатлари ҳукм сурган эди. Шунингдек Зарафшон водийсидан сўғд номида давлат юзага келганилиги маълумдир. Уларнинг орасида Хоразм давлати энг қадимийси ҳисобланади. Умуман, миңтақанинг туб аҳолиси — саклар кўплаб халқлар ҳамон ибтидоий жамиятда яшаётгандариди узларининг қудратли давлатларни ташкил этиб, маданият соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритган эдилар. Шунинг учун ҳам қадимги грек манбалариди «қадимийликда улар (саклар) мисрликлар билан баҳслашадилар» — деб қайд қилинган.

Милоддан аввалги VIII асрнинг охирги — VII асрнинг биринчи чорагида Эронда Аҳмоний бошчилигида форс қабилаларининг иттифоки юзага келган эди. Ундан кейин унинг угли Чишиши таҳтга ўтиради. Шу тариқа Аҳмонийлар давлатига замин ҳозирланган эди. Милоддан аввалги VI асрнинг урталарида Кир II қудратли Аҳмонийлар давлатини ташкил этади. Бу давлатдан олдин ҳозирги Эроннинг шимоли-гарбидаги Мидия давлати юзага келган. Милоддан аввалги 550 йилда Кир II уни эгаллаб Эронни бир мамлакатга бирлаштириди. Бу вақтларда Туркистонда, олдинги саҳифаларда курсатилганидек, «Катта Хоразм» ва Бақтрия давлатлари ҳукм сурмоқда эди. Кир II нинг шахсан узи катта қушин билан бу давлатларга қарши ҳарбий юришларни уюштириди. Ватан ҳимоячилари душманга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар. Шундай даҳшатли жангларнинг бирида Спаретра исмли аёл 200 минг эркак ва 200 минг хотин-қизлардан ташкил этилган аскарлар билан Кир II қушинини маглубиятга учратиб, эри Амаргани асирийдан қутқарган.

Демак, озодлик курашларида аёллар ҳам фаол қатнашиб, моҳир жангчилар сифатида намоён бўлгандар. Бу уларнинг ватанпарварлиги, ҳарбий жасорати ва мардлигидан далолат беради.

Кир II қаттиқ жанглардан кейин катта талафотлар эвазига Туркистонни бўйсундиради. Аммо улкада босқинчиларга қарши кураш тўхтамайди. Шу боис милоддан аввалги 530 йилда Кир II кўп сонли қушин билан яна ҳужумни бошлайди. Бу вақтда Туркистонда сакларнинг ҳукмдори Тўмарис исмли аёл душманга



2-расм. Милоддан аввалги V асрда яшаган кишиларнинг
күйимлари.

қарши урушга мохирона бошчилик қиласди. Кир II Тўмариснинг куч-кудратини англаб аввал унга уйланмоқчилигини элчи орқали маълум қиласди. Бу билан у тингчлик билан Туркистонни қулга киритишни кўзлаған. Тўмарис Кирнинг шум ниятини англаб, таклифи ни рад этади ҳамда урушишга тайёрганини маълум қиласди.

Кир II қушин билан Амударёдан кечиб утиб ҳарбий лагерь куради. Аммо у бу ерда куп вино ва ноз-неъматларни қолдириб, гуё чекингандек бўлиб орқага қайтади. Тўмарис бундан хабар топиб, ўғли бошчилигига ҳарбий қисмни жўнатади. Унинг ўғли бу ерга келгандан кейин ёшлиги ва тажрибасизлиги туфайли душман томонидан қолдирилган виноларни аскарлари билан меъеридан ортиқ ичишиб, ҳушёрликни йўқотадилар. Худди мана шундай ҳолатни кутган Кир тусатдан ҳужум қилиб ватан ҳимоячиларини қириб ташлайди. Шу жумладан Тўмариснинг ўғли ҳам үлдирилалди. Бундан қаттиқ газабланган Тўмарис душмага қарши жангни бошлаб юборади. Бу жанг шу даражада даҳшатли тус оладики, душманнинг 200 минглик аскари қириб ташланади. Бу оламишумул аҳамиятта молик галаба Аҳмонийлар давлатига берилган қаттиқ зарба булиб, Тўмариснинг давруги грек дунёсигача тарқала-

ди. Айниңса құдратли империянинг подшохи Кирни аәл киши томонидан маглубиятта учратилиши ута шармандали воқеа сифатида тарих саҳифаларига битилди. Тұмарис Кир II нинг калласини қон тұлдирілған халтага солиб: «Сен бутун умринг бўйи қонга тўймадинг, мана энди уни тўйиб ич», — деб житоб қылған. Аҳмоний давлати катта талафотта қарамай қандай бўлмасин Туркистонни бўйсндириш учун ҳеч нарсадан тоймади. Унинг подшохи Доро I Туркистонга бостириб кириб Сирдаре бўйига жойлашади. Бу ерга Широқ исмли бир оддий отбоқар қулоқ-бурни кесилган ҳолда келиб шундай дейди: «Сак ҳукмдори мени ноҳақ шундай жазолади, агар мен сизларни яқин йулдан улар устига бошлаб борсам, ўзимнинг учимни олиб берасизларми?» Доро подачининг суронини бажонидил инобатта олиб, унинг кетидан йўлга чиқади. Улар етти кун юришгандан кейин сувсиз саҳрого келишади. Бу вақтда душман аскарларининг үzlари билан олиб юрган сувлари тугаган эди. Шунда Широқ уларни ҳалок этиш учун бу ерга олиб келганлигини курсандчилик билан айтади. Бундай оддий бир кишининг ватанга ута содиқлиги ва онгли равишда қулоқ-бурнини кесиб, узини қурбон этиши тарихда учрамайди. Шу боис унинг номи мана икки минг йилдан ошдики кишиларнинг хотирасида ҳамон сақланмоқда. Широқнинг жасорати ва ватанпарварлиги умуммиллат ва давлат манфаати учун курашнинг энг ёрқин намунасиadir. Доро ва унинг угли Сарахс (Ксеркс) қатор жанглардан сўнг Туркистонни босиб олдилар. Умумлаштирганда Аҳмоний босқинчилари 200 йилдан ортиқ улқада ҳукмронлик қилиб, бойликларни таладилар. Шу орада Туркистон халқи озодлик курашини тұхтатмади. Бу ҳақда подшоҳ Доро I өзади: «Мен Бобил (Вавилон)да банд булиб, суст ҳаракат қылған пайтимда тубандаги мамлакатлар мендан бош тортиб, айрилиб кетдилар: Сүгдиена, Мидия, Асур, Армения, Парфия, Маргиёна (Марв), Саттакиция ва саклар». Маргиёнадаги ва Парфиядаги кураш ҳақида шундай өзади: «Маргиёна вилояти мендан бош тортди. Үнда Фираат (Фарҳод) деган киши бор эди; уни үzlарига ҳукмдор қилиб күттардилар. Мен унга қарши Бақтрия сатрапи бошлиқ аскар юбордим... Шундан кейин бу вилоят яна менга қараш булди. Парфияликлар ҳам Гиркания (Гугон)ликлар менга қарши бош күтариб,

Фираат (Фарҳод)нинг томонига ўтдилар, мен сакларга қарши юриш қилдим, душманни ўлдиридим ва асир олдим. Менга қарши бош кутарган (саклар бошлиғи Сакука номли киши эди...) мен уни енгдим¹. Аммо, улкада Аҳмонийларнинг ҳукмронлигига қарши кураш тұхтамади. Милоддан олдинги IV асрда Бақтрия үз мустақиллигини тиклади, лекин у яна Аҳмонийлар томонидан босиб олинди. Шундан кейин Зарафшон, Қашқадарे ва Сурхондаре ҳавзаларидағи жойлар Бақтрия таркибиға киритилди.² Айрим маълумотларға кура Хоразм, сұнгра Сирдаре атрофида яшовчи саклар мустақилликка эришгандар. Хуллас Аҳмонийлар қыргын-барот ва вайронагарчиллар ҳисобиға ҳукмронликни үрнатып туб аҳолини қаттық зулм остида ушлаб турди. Бу ҳолат үлканинг изчилик билан ри-вожланишига йүл бермади.

Курилаёттан даврда Аҳмонийлар империяси Греция ва Македонияда Александр бошлиқ юзага келган кучли давлат қаршилигига учрайди. Уларнинг ўртасида жаҳонда яккажокимлик учун кураш қызғин тус олиб боради. Оқибатда ҳар иккى томон ўртасида уруш бошланиб, македониялық Александр бирин-кетин Аҳмонийлар давлатига зарба бериб боради. Сұнгра у катта қүшин билан Туркистонға ҳарбий юришни бошлайди.

МАКЕДОНИЯЛИК АЛЕКСАНДР ТАЖОВУЗИГА ҚАРШИ КУРАШ

Подшоҳ Александр милоддан аввалги 334 ва 333 йилларда Галлас-Понтдаги Граник дарёсининг буйида, сұнгра Иса шаҳрида Аҳмонийларнинг устидан галабага эришади. Шундан кейин у Кичик Осие, Сурия, Фаластин, Финикия ва Мисрни эгаллады. Милоддан аввалги 331 йилда Месопотамияда Аҳмонийлар қүшини яна мағлубиятта учратилади. Шундан кейин Македониялық Александр томонидан Бобил, Сузи, Персеполь ва бошқа Аҳмонийлар құл остидағи жойлар босиб олинади. Подшоҳ Доро III эса қочишиға мажбур булади. У нафақат катта бойлайлардан, балки қүшинининг талай қисмидан маҳрум

¹ Я. Е. Ғуломов. Набиев Р.Н., Ваҳобов М.Ф. Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 45—46-бетлар.

² Уша жойда.



булади. Мана шундай ниҳоятда оғир вазиятда Доро III қўрқоқлик, ожизлиқда айбланиб, қариндоши Бесс томонидан улдирилади.

Бесс узини Ахмонийлар давлатининг ҳукмдори деб эълон қиласди. Милоддан аввалги 329 йилда Александр Бақтрияни эгаллаб, Бессни асир олади. У маҳсус ўигин ташкил этиб, Бессни унга хизмат қилиши ҳақидаги суронини айтиб: «Узининг ҳукмдорига хоинлик қилиб, уни улдирган Бессга ишонмаслигини маълум қиласди ҳамда уни ўз ҳукмдорига хоинликда айблаб ўлимга маҳкум этади». Бурни кесилиб икки оғи эгилган икки дараҳтнинг учига бояланади. Шу тариқа унинг танаси ўртадан иккига ажратиб ташланган.

Александр қаерни босиб олса, шу ернинг аҳолисини қириб ташлади, бойликларини талади. Милоддан аввалги 329 йилда Александр Самарқандни босиб олади. Бу ерда у ҳарбий гарнizon ва атроф жойлардаги қишлоқларни ёндиради. Сунгра у ҳарбий юришни давом эттириб, Самарқанд билан Хўжанд оралигидаги Усрушанга келганда ватан ҳимоячилари билан тўқнашган. Бу ерда шундай қаттиқ жанг бўлди, 30 минг кишилик ватан ҳимоячиларидан 22 мингтаси ҳалок бўлди. Ҳатто бу жангда Александрниң ўзи жароҳатланди. У Усрушанликларни ваҳшийларча бўйсиндирандан кейин Сирдарё бўйлаб юришни давом эттиради. Бу ерда жойлашган еттита шаҳарнинг аҳолиси Александрга қарши бош кутариб мустақиллик учун курашдилар. Айниқса Крипол шаҳрида ватан ҳимоячилари билан босқинчилар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб туб аҳолидан 8 минг киши ҳалок булади. Куп кишилар яраланди. Душман аскарлари катта талафот курди. Лекин улар галабага эришдилар. Бу ерда ҳам Александр жароҳатланган эди. У бундан газабга тулиб тошиб аҳолининг кўпини қириб ташлади.

Бу вақтда Бақтрия ва Самарқандда босқинчиларга қарши умумхалқ қўзғолони кутарилди. Унга Спитамен деган шахс бошчилик қилди. Милоддан аввал 329 йилда бошланган бу қўзғолон шу дараҷада кучли бўлганки, ҳатто қудратли подшоҳ Александрни ҳам саросимага солиб қўйган. У қўзғолончилар томонидан Самарқандни қамал қилингандигини эшитиб, уларга қарши кўшин жўнатади. Кўшин яқинлашганда Спитамен Самарқанддан чўл томонга чекинади. Кўшин қўзғолончиларнинг орқасидан юриб жанг қилишга

даъват этади. Аммо Спитамен қүшинни жўртага чўл ичкарисига яқинлаштиради. Сунгра унга ҳужум қилиб қириб ташлайди. Шундан кейин Спитамен Самарқанддаги душманнинг ҳарбий гарнизонини қайта куршаб олади. Шу боис Александр катта қўшин билан Самарқандга йўл олади. Спитамен жанг қилишдан бош тортиб чўлга чекинган. Аммо Александр чулнинг ичкарисига қириб урушишнинг хавфлилигини англаб, Спитамен билан тўқнашишдан бош тортади. Бироқ у йўлдаги туб аҳолини қолдирмай қириб ташлаш ҳақида фармон беради. Шуниси дикқатга сазоворки, ўлимга ҳукм этилган 30 та нуфузли кишилар ўлим жазоси бажарилаётганда ашула айтганлар. Душманлар уларнинг бундай мардлиги ва жасоратидан ҳайратланганлар. Қузголондан газабланган Александр Зарафшон водийсида кечасию қундузи билан одамларни қириш билан шугуllandи. Унинг аскарлари 120 минг туб аҳолини бошини танасидан жудо этдилар. Куп шаҳар ва қишлоқларнинг номигина қолиб, аҳолиси ҳалок этилди. Бундай қилишдан асосий мақсад озодлик курашларини илдизи билан қўпориб ташлаш ҳамда улкада грекларни жойлаштириш учун шароит яратиш эди. Шунинг учун ҳам минтақада греклар яшайдиган қатор шаҳарлар бунёд этилган эди. Александр милоддан аввал 329—328 йилнинг қишини Бақтрияда ўтказади. Бу ерга Хоразм подшоҳи Фарасман номидан элчи ташриф буюриб Александр билан дўстлик алоқаларини ўрнатиши ва унга Қора дengиз тарафига ҳарбий юрища ёрдам бериш истагини билдириди. Александр бу таклифни мамнуниятлик билан қабул қилиб, Ҳиндистонга ҳарбий юришида Хоразм ёрдамидан фойдаланишини маълум қилди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, Хоразм подшоҳи босқинчиларнинг куч-қудратини ҳисобга олиб муроса қилишни лозим топди. Натижада Хоразм ўз мустақиллигини сақлашга эришди.

Милоддан аввалиги 328 йилнинг баҳорида Александр яна Самарқандга келиб унинг атроф жойларида яширинган қузголончиларга қарши курашди. Шундан сўнг у Спитаменни ушлаш учун ҳарбий қисмни жұнатади. Аммо Спитамен 600 отлиқ аскарлар билан тусатдан Бақтрияда пайдо бўлиб ҳарбий гарнизонга ҳужум қиласди. У қўшимча душман аскарларини келаётганлигини эшитиб чўлга чекинади. Бу ердан у яна Са-



3-расм. Спитамен құзғолони.

марқандға ҳужум қиласы, лекин 800 кишини йүқотиб чекинишга мажбур бұлады.

Хуллас, ватан ҳимоячилари Спитамен бошчилигиге мустақиллікни тиклаш учун фидокорона жанг қилдилар. Аммо улар мунтазам ва яхши қоролланған қүшинга бардош беролмай пировардиде тор-мор этилади. Ватан ҳимоячиларининг асосий қисмини эса ҳарбий маҳоратни яхши үзлаشتیرмаган оддий кишилар ташкил эттән зәді. Бу озодлик курашини ентилишига олиб келтән асосий омиллардан бири зәді. Айрим маълумотларнинг күрсатишича, Спитамен үйкудалигига хотини үлдириб, калласини Александрға юборған. Бу ҳолат ҳам босқынчиларға қарши курашға қаттық зарба булып түшгән. Шунингдек айрим юқори табақа вакиллари шахсий манфаатларини күзлаб душманға хизмат қилдилар. Бу хоинлик ҳам Александр галабасини таъминлашыда мұхим үрин әгаллади. Аммо халқ оммавий равищда Александр тажовузига қарши қаҳрамонона курашиб ватанпарварлық намуналарини намойиш этти. Озодлик кураши шу даражада қызғын тус олдикі, Александрға ўз ҳукмронлигини үрнатыш учун уч йил (329—327) вақт сарфлади. У милоддан аввалги 323 йилда вафот эттәнди. Шундан кейин унинг тузған империяси Македония, Миср ва Суриядан иборат уч қисмға булинниб кетади. Айни пайтда меросхұр

бұлмаганлиги учун ҳокимият лашкарбошилар ўртасида тақсимланади. Улардан бири Селевка Бобил мамлакати (Бобил) ва унинг шарқига жойлашган мамлакаттарга эга бұлади. У Эрон ва Туркестонни ҳам құл остига олади. Шундан кейин бу ерда ҳам Селевкийлар сулоласи ҳукмронлик қилиб, халқни әзиді, «суви»ни ичади.

Қанғилар македониялик Александр ва Селевкийларнинг тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қаттық қаршилик күрсатғанлар. Улар жанговар халқ бұлғанлыктары туфайли босқинчилар қанчалик ҳаракат қилмасын барибир уларни бүйсендіра олмадилар. Аксинча Қанғи қабилалари босқинчиларға қарши кураш жараёнида үзларини мустақил давлатини ташкил этділар. Милоддан аввалги учинчи асрнинг ўрталарыда Грек-Бақтрия ва Парфия сингари мустақил давлатлар юзага келиб селевкийлар ҳукмронлиги тутатылды.

Грек-Бақтрия давлати Туркестон, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳукмронлик қилди. Афғонистондаги Мозори Шариф атрофидаги Бақтрия шахри унинг пойтахти әди. Айтиш лозимки Грек-Бақтрия давлатини греклар бошқариб, уларнинг тили давлат тили ҳисобланған. Эрадан олдинги 70-йилларда Қанғ давлати Сүғд ва Амударғача бұлған ерларни ҳамда Тошкент воқасини Грек-Бақтриядан тортиб олған әди. Натижада грек ва македонияликларнинг ҳукмронлигига қақшатқыч зарба берилади. Милоддан аввалги II асрнинг иккінчи ярмида сакларнинг қавмларини бир қисми — юәчжи қабилалари Грек-Бақтрия давлатини тамомила тор-мор этділар. Эрадан аввалги I асрнинг охирида юәчжиларнинг Гүйшон (Күшон) хонадонига мансуб кишилар ҳокимиятни құлға олиб Күшон империясини тұздылар. Бу маҳаллій давлат Туркестоннинг күп вилоятларини, шарқий Туркестонни, Афғонистонни ва шимолий Ҳиндистонни үз ичига олған. Самарқанд вилоятига қарашли Каттақурғон Күшон империясининг пойтахти әди. Аммо, кейин пойтахт шимоли-ғарбий Ҳиндистондаги Пешовар шахрига күчирилди. Империя I—IV асрларда, яғни тұрт аср ҳукм суриб, Туркестон тарихида салмоқлы урин әгаллади.

Умуман айттанда грек ва македонияликлар Туркестонда озодлик курашларында зарба беріб 180 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилдилар. Бу ҳисобға 100 йилдан

ортиқ ҳукм сурган Грек-Бақтрия давлатининг ҳукмронлиги ҳам киради. Гарчанд бу давлат селевкийларнинг сиртмогидан чиқиб, мустақилликни қулга киритган бўлса-да, лекин ҳокимият грекларнинг қулида эди. Грек тили давлат тили ҳисобланган.

Агар Аҳмоний давлатининг 200 йилдан ортиқ ҳукмронлигига юқорида келтирилган 180 йил рақами қўшилса, у вақтда умумлаштирганда Туркистон замини 400 йил атрофида хорижий босқинчиларнинг панжасида ҳаёт кечирган. Мана шу тўрт аср мобайнида ўлка сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан инқизозни бошидан кечирди. Бунга мустақиллик ва озодликнинг йўқотилиши, қаттиқ зулм ва бойликларнинг таланиши сабаб бўлди. Аммо ҳеч қандай қиргингарот, назорат ва таъқиблар халқнинг онги ва қалбидаги мустақиллик ва озодлик гояларини қўпориб ташлай олмади. Натижада озодлик курашлари сўнмай давом этаверди.

Араб халифалигига қарши олиб борилган жанглар

ХАЛИФАЛИКНИНГ ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

632 йилда Пайгамбаримиз Мұхаммад саллоллоху алайхі вассалам вафотидан кейин унинг эң яхши сафдошларидан бири Абу Бакр халифалик таҳтига утиради. У 632—634 йилларда мамлакатни бошқаради. Үндан кейин Умар (634—644), Усмон (644—656), Али (656—661) таҳтни эгаллаб ҳарбий юришларни қызитиб юборадилар. Халифа аскарлари 634 ва 642 йилларнинг орасида Мисрни эгалладилар. 633—634 йилларда Месопотамиядаги Хир шаҳри босиб олинди ҳамда Сурия-га қарши ҳарбий юриш уюштирилди. Ҳатто Византия қүшинига зарба берилди. Сурия ва Фаластин ҳам бўйсиндирилди. Шу тариқа араб халифалиги борган сари кучайиб, жаҳон даврасида салоҳиятли уринни эгаллаб борди. 651 йилда халифалик қүшини бир қатор жанглардан кейин Эронни босиб олди. Бу ерга кўп араблар үрнашиб ислом динини тарғибот қўлдилар. Натижада мамлакатда асрлар мобайнида ҳукм сураёттан зардўшт (оташпаратлик) дини тобора сиқиб чиқарилди. Араб тили давлат ва илм-фан тили сифатида намоён бўлди. Пировардида Эрон ислом динини Туркистон ва бошқа мамлакатларга тарқалишида муҳим урин эгаллади.

Халифа ҳукмдорлари Эрондан кейин Туркистонни эгаллаш учун ҳаракатни бошлаб юбордилар. Араб қүшини 651 йилда Марв шаҳрини эгаллади. Шундан кейин улар Амударёни кечиб утиб, бир неча маротаба улканинг ички томонларига ҳарбий юришларни уюштирганлар. Бу вақтларда Эрondаги Хуросон вилоятида арабларнинг қароргоҳи ташкил этилиб, у ерга 50 минг араб кўчириб келтирилган эди. Булар қүшиннинг асосини ташкил этиб, босқинчилик урушларини олиб борганлар. Хуросоннинг пойтахти Марв шаҳри эди. Худди мана шу жойдан Туркистонга ҳужумлар уюштирилиб турилган. Буларга Хуросон вилоятининг ҳокимлари бошчилик қилганлар. Улардан бири — Убайдул-

лоҳ ибн Зиёд Бухорога ҳужум қилганда қаттиқ жанг бўлган. Бу Наршахий асарида қўйидагича таърифланган: «Араб қушини Жайхун дарёсидан утиб Бухорога келган вақтда Бухоро подшоҳи, угли Тағшода кичик ёшли булганилиги туфайли, бир хотин киши эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Пайканд ва Ромитанни олиб кўп кишиларни асир қилди. Турт минг бухоролик асирни шахсан узига олди. Бу воқеа эллик учинчи йилнинг охири ва эллик тўртинчى йилнинг бошида (ноябрь-декабрь 673) бўлган эди. У Бухоро шаҳрига етгач, аскарларини саф қилиб, палаҳмонларни шаҳарга тўгрилаб қўйди. Хотин туркларга одам юбориб, улардан ёрдам сўради ҳамда Убайдуллоҳ ибн Зиёдга ҳам одам юбориб етти кун муҳлат талаб қилди ва: «Мен сенинг итоатингдаман», — деб, кўп ҳаджалар юборди. Шу етти кунда турклардан ёрдам келмагач, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга қайтадан одам юбориб, яна етти кун муҳлат сўради. (Ниҳоят) турк лашкари етиб келди ва бошқалар ҳам йигилишиб лашкар кўпайди; кўп урушлар қилдилар ва охири коғир (ватан ҳимоячи)лари енгилиб қочдилар, мусулмонлар (араблар) уларнинг орқаларидан бориб кўпларини үлдирдилар. Хотин қатъага кирди. У (йигилиб келган) лашкарлар ўз вилоятларига қайтдилар. Мусулмонлар қурол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп үлжани кўлга кирилдилар. Улар Хотин (хукмдор)нинг бир пой этигини ҳам пайпоги билан топиб олдилар. Этик ва пайпок тилла ишлатиб тикилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди, баҳо қилганларида икки юз минг дирҳам турди».¹

Куриниб турибдики, Бухорода босқинчилар билан ватан ҳимоячилари ўртасида урушлар бўлган. Шубҳасиз кўп одамлар үлдирилган ёки жароҳатлантирилган. Уларнинг галаба қилишининг сабаби шундан иборат бўлганки, улкада тарқоқлик ва парокандалик хукм суриб, давлат анча заифлашиб, турк ҳоқонлиги инқизорзни бошидан кечираётган эди. Аммо шунга қарамай араб истилочилари асосан турк ҳоқонлиги билан кўп йиллар мобайнида кураш олиб борди. Бухоро ҳукмдори — Хотин, яъни аёл киши жанг майдонларида бевосита қатнашганки, босқинчилар унинг қим-

¹ Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфор ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1991, 115-бет.



4-расм. VI—VIII асрлардаги Самарқанд жангчилари.

матбаҳо этигини үлжага олганлар. Түрт минг кишини асирга олиниши шу ҳақда гувоҳлик берадики, ватан ҳимоячиларининг сони анча кўп бўлиб, она-юрт мустақилигини сақлаш умумхалқ курашига айланган.

Убайдуллоҳ ибн Зиёд галаба қозонгандан кейин унинг «Фармони билан дараҳтларни кесдилар, қишлоқларни вайрон қилдилар, шаҳар ҳам хатарда эди; Хотин одам юбориб омон тилади, бир миллион дирҳам барабарига сулҳ тузилди. (Хотин) мол юборди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд молни олиб қайтди ва мазкур түрт минг буҳоролик асиrlарни ҳам узи билан олиб кетди».¹

Афтидан Убайдуллоҳ ибн Зиёд гарчанд галабага эришган бўлсада, лекин шаҳар ичидағи Хотин яширинган қалъани забт эта олмаган. Хотин бу ердан туриб у билан сулҳ тузган ва белгиланган бойликни юборган. Босқинчилар ярог-аслаҳа, олтин, кумуш, кийим ва кўп асиrlарни олиб орқага қайтганлар. Хурросон вилоятининг ҳокими этиб тайинланган Сайд ибн Усмон ҳам Бухоро ва бошقا жойларга бостириб киради. У 676 йилда Бухорода Самарқанд, Шахрисабз

¹ Ўша асар, 116-бет.

ва Қаршидан келган 120 минг кишилик ватан ҳимоячилари билан жанг қиласы. Аммо самарқандилердің нима учундир жант майдонини ташлаб кетгандар. Ағтидан үзаро чиқишимовчилек орқасидан самарқандилер Бухородан чиқып кетгандар. Натижада босқинчилар устун келиб, Хотин подшохни сұлх тузишга ва төвөн тұлашта мајбур этадилар. Гаров сифатида 80 бухоролик нұфузли кишилар Сайд ибн Усмон құлиға топшириледі. Сайд ибн Усмон Бухорони босиб олғандан кейин Самарқандга бориб урушни давом эттиради. «Шундай қилиб, — дейилади Наршахий асариды, — Сайд Бухоро ишларидан фориг булғач, Самарқанд ва Сүғдга бориб күп жанглар қиласы ва зафар унинг томонида бүлди. У вақтда Самарқандда бирор подшох йүк әди. Сайд Самарқанддан үттис минг кишини асир қилиб, күп молни құлға тушириб (қайтды). У Бухорога етиб келганида Хотин одам юбориб: «согсаломат қайтиб келдинг, энді гаров (80 киши)ни бизга қолдириб кет», — деди. Сайд эса «Хали сендан хотиржам булғаним йүк, токи Жайхундан үтгунимча құяту», — деди. Марвга етганида эса «Нишопурга етгунимча құяту», — деди. Нишопурга етганида «Куфага етиб олай», — деди ва ундан Мадинага олиб кетди. Мадинага етганидан кейин, Сайд гулом (куллари)га буюриб (у гаровға берилған одамларнинг) қилич ва камарларини ечтириди ва уларда бор булған кимхоб кийимлар, тилла ва кумушларнинг ҳаммасини олдирди. Кийимлар эвазига уларға шолча (кийим)лар бериб әкин әкиш ишларига банд қилиб қойдилар. Улар бундан жуда хафа булиб: «Бу киши бизге бермаган яна қандай хүрлик қолди? У бизни күл қилиб олиб оғир ишларни буюрмоқда, биз хүрлик билан үлгандан күра бир йула фойдали иш қилиб үлайлік» — дедилар ва Сайднинг саройига кириб әшикларни мақкам беркитдилар. Сайдни үлдирдилар ва үзларини ҳам үлімга топширдилар. Бу (воқеа 680—683 йилларда) булған әди».¹

Бундан минг йил мұқаддам битилған ушбу мисралар халифаликнинг ҳарбий юришларини асл мақсадини янада кенгрөк очиб беради. Аввалин бор унинг вакиллари мол-мұлк ва асирларни құлға киритиш үчүн курашғанлар. Шу боис уларнинг тажовузларини

¹ Ұша асар, 117—118 бетлар.

қароқчилик деб баҳолашга барча асослар мавжуд. Уша мисраларда бухороликларнинг эркесварлиги яхши баён этилган. Зеро, улар зулм ва ҳақсизликка қарши бош кўтариб, онгли равишда ўзларини ўлимга маҳкум этиб, қаҳрамонлик намуналарини намойиш этганлар.

Хуросон вилоятига ҳоким этиб тайинланган Муслим ибн Зиёд ҳам Туркистонга кўз олайтириб катта бойликни қулга киритишга аҳд қилди У 704 йилда урушга отланганда Бухоро, Самарқанд ва Туркистон шаҳарларининг ҳукмдорлари иттифоқ тузишиб, биргаликда курашдилар. Самарқанд подшоҳи Тархун 120 минг аскар билан, Туркистон шаҳридан Бидун бошчилигига жангчилар келдилар. Авваламбор халифаликнинг бир ҳарбий қисми Бидун қўшинининг ҳужумига йулиқди. Бу жангда халифалик аскарларидан тўрт юз киши улдирилди, қолганлари қочишга улгурдилар. Кейинги тўқнашувда ҳам Бидунни қули баланд келаётганда улдирилди. Бу ҳолат ватан ҳимоячиларини сардорсиз қолишига олиб келиб уларнинг кучини заифлаштиргири. Пировардида босқинчилар голиб келдилар. «Улжалар тақсимланганда ҳар бир отлик аскарга икки минг тўрт юз дирҳамдан тегди»¹. Бундан ташқари Бухоро ҳукмдори Хотиндан сулҳ бўйича кўп моллар олинди. Шундан кейин Муслим ибн Зиёд «чүнтаги»ни тўлдириб Хуросонга жунади.

Халифалик томонидан Туркистонни тамомила буйсиндириш Хуросон ҳокими Кутайба ибн Муслим зиммасига тушди. Унинг ҳарбий юришларининг тафсилоти Наршахийнинг асарида анча яхши берилган. Унда кўрсатилишича, Кутайба ибн Муслим 706 йилда Амударёдан утиб Бухоронинг яқинидаги Пайканд шаҳри томон йўл олган. Бундан хабардор бўлган пайкандликлар қаттиқ тайёргарлик кўрдилар. «Қадимги вақтда Пайкандни, — дейди уша муаллиф, — Шористон деганлар ва мустаҳкамлигидан уни «жез шаҳар» деб ҳам атаганлар. Кутайба жуда қаттиқ жанглар қилди; Мусулмонлар эллик кунгача (ҳисорни олиш учун) чора тополмай, заҳмат чекдилар ва (охири) ҳийла ишлатдилар. Бу гурух (аскарлар) девор тагидан минорга ва ҳисорнинг ичкариси томон лаҳм қазиб, отхонадан чиқдилар, (сўнг) деворни кавлаб раҳна очдилар; му-

¹ Уша асар, 119-бет.

сулмонлар ҳануз ҳам ҳисорга кела олмаётган эдилар, (энди) раҳна орқали ичкарига кирдилар. Қутайба: «ҳар ким шу раҳнадан ичкарига кирса унга хуни баҳосида (мукофот) бераман, агар у улдирилса (мукофотни) унинг фарзандларига бераман, — деб қичқириди. (Шундан кейин) ҳар ким ичкарига киришга қизиқди ва (ниҳоят) ҳисорни олдилар. Пайканд ахолиси омон тилади. Қутайба сулҳ тузиб, мол олди ва Варқо ибн Наср Бохилийни уларга амир қилди-да, узи Бухорога қараб юрди... Қутайба Хунбун (қишилогига) келганида унга: «Ҳисорнинг кишилари қўзғолон қилиб амирни улдирди», — деган хабарни етказдилар. Қутайба лашкарига: «Боринглар, Пайкандни талон-тарож қилинглар. Уларнинг қонларини (тукишни) ва молларини (одишни) ҳалол қилдим», — деб бўйруқ берди... У қайтиб Пайкандга келди ва у ерда кимки урушга яроқли бўлса ҳаммасини улдирди, қолганларини асир қилиб олди. Шундай қилиб, Пайкандда ҳеч ким қолмади ва Пайканд хароб бўлди».¹

Пайканд шаҳрининг ахолисини талай қисми савдо-гарчилик билан шугулланиб, Хитой, Каспий денгизи ва бошқа жойларга қатнаб турганлар. Шу боис шаҳар ўзининг бекиёс катта бойлиги билан арабларни жуда ҳайратлантирган. Олтин ва бошқа қимматбаҳо улжаларнинг ҳисобини қилиш анча қийинчилик түгдирган. Бошқачароқ айтганда араблар Пайкандни эгаллаб, «жиққа мой»га ботганлар. Зеро «Қутайба Пайкандни фатҳ қилганида бир бутхонада оғирлиги тұрт юз дирҳам келадиган битта кумуш бут топған. У яна бир кумуш жомлар топиб олган ва уларнинг ҳаммасини жамлаб тарозида тортганида бир юз эллик минг мисқол чиққан. У ҳар бири кабутар тухумидек келадиган иккита марварид ҳам топиб олган... Қутайба бу қимматбаҳо нарсаларни йигиб ҳалиги иккита марварид билан биргаликда Ҳажжожга (халифаликнинг шарқий қисмининг ноиби)га юборди ва унга Пайканднинг фатҳ этилғанлиги ҳақида хат ёзид, у икки дона марварид қиссасини ҳам қайд қилиб ўтди»².

Қутайба Пайкандни талон-тарож ва вайрон қилиб атроф-жойлардаги қишлоқларни эгаллашга кириши. У Хунбун, Тароб, Ромитан сингари қишлоқларида ва-

¹ Уша асар, 120—121-бетлар.

² Уша асар, 120-бет.

тан ҳимоячилари билан қаттиқ жанглар қилишга мажбур булди. Ҳамда бу ерларни үзига бўйснидирди. Уша вақтларда араблар орасида «токи биз (араблар) бу ерда эканмиз бу турклар биз билан уруш қиласилар», деган ибора юарди. Ҳақиқатан ҳам Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларнинг туб аҳолиси — туркийлар халифаликнинг ашаддий душманлари сифатида намоён бўлган эдилар.

Қутайба 708 ва 709 йилларда Бухорога қайта ҳужум қилганда қаттиқ жанг булиб икки томонидан кўп одамлар үлдирилди. Аммо у шаҳарни сўнгти туртинчи юришидагина эгаллашга муваффақ бўлди. «Қутайба ва унинг ёронлари, — дейди Наршахий, — яна Бухорога бордилар; Бу унинг Бухорога туртинчи марта келиши эди. У жанг қиласар, мол олар, айрим вилоятларни талар, баъзи кишиларни үлдирадар, баъзиларни асир ҳамда қул қилиб олиб шу тарзда то Марвгача борар ва яна Бухоро вилоятига қайтиб келар эди... Қутайба туртинчи марта келиб Бухорони олганида у (қўйидаги) шартларга биноан сулҳ тузди; Бухороликлар ҳар йили юз минг дирҳам халифага, ўн минг дирҳам Хурсон амирига, уйлар ва экин ерларининг ярмини мусулмонлар (араблар)га берадиган бўлдилар».¹ Қутайба Бухорони ваҳшиёна равишда бўйснидириб ва талаб бўлгандан кейин 710 йилда Несеф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз)ни эгаллади. Қутайба Самарқандда подшоҳ Тархун билан сулҳ тузиб улпон тўлашни унинг бўйнига қўйган эди. У 710 йилда мана шу улпонни ундириш мақсадида укаси Абдураҳмонни юборган эди. Тархун улпонни тўлаганда жамоа аҳли нафратланаб норози бўлади. Натижада у таҳтдан туширилади. У бунга чидай олмай үзини ўзи үлдиради. 710 йилда Гурек таҳтга утириб халифаликнинг босқинига қарши курашни қизитиб юборади. У ёрдам сўраб Тошкент ва Фаргона ҳукмдорларига хат жўнатади. Тошкент қўшини келаётганда йўлда пистирмада турган араб қўшини томонидан тор-мор этилади. Бундан ниҳоятда руҳланган араблар 712 йилда Самарқандга ҳужум қилиб қаттиқ жанглардан сўнг галабага эришадилар. Сунгра ҳар

¹ Уша асар, 123—128-бетлар.

иекки томон ўргасида самарқандликлар учун ниҳоятда катта талафот келтирувчи сұлқ тузилади. Бунга күра подшоқ Гурек ҳар йили 2 миллион 200 минг дирхам тұлашни, 300 минг соғлом кишиларни беришилкни зиммасига олади. Шунингдек барча олтин ва кумушдан ясалған нарсалар бир жойга тұпланиб душманлар құлиға топширилди. Улар оловда әритишлиб құйма ҳолига келтирилганды оғирилиги 50 минг мисқолни ташкил эттән. Қутайба Гурекни халифаликнинг вассали сифатида таҳтада қолдириб ва ҳарбий қисмни үрнаштириб Самарқанддан кетади. Аммо күп үтмай шаҳар аҳолиси құзғолон күтәради, лекин Қутайба құшин билан келип уни ваҳшыларча бостиради.

712—713 йилларда Панжакент ҳукмдори Деваштичнинг ташаббуси билан Самарқанд, Тошкент ва Фарғона сингари шаҳарларнинг халифаликка қарши қаратылған иттифоқи тузилади. Бу қатор мағлубият ва катта талафотларға қарамай озодлик кураши тұхтаманлығы ҳақида далолат беради. Қутайба қүшинининг катта қисмини Тошкенттә, уни иккінчисини Хужанд ва Фарғона томонға сафарбар этади. Гарчанд душман күчләри галабага эришган бұлсаларда, лекин озодлик курашини тұхтатолмади. Шу боис 714 йилда Қутайба Тошкенттегі згаллайды. Сунгра у Сайрам ва Чимкентни буйсандыради. 715 йилда яна Фарғонага бостириб кириб галабага эришади. У бу ерда күрсатылған йили сафдошлари томонидан уюштирилған исен орқасида 55 ёшида үлдирилған. Унинг қабри Фарғонадаги «Работи Сарханг» деган жойда, Коҳ номлы қишлоқда жойлашған.

Қутайба үн йил давомида құшин билан Туркистан бүйлаб кезиб үн минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин булды. У күп шаҳар ва қишлоқтарни вайронага айлантируди. Наршахийнинг сүзи билан таърифлаганда: «У күп жиду-жаҳид қилиб, ҳар кимниңи шариат ҳұммәрини бажаришда камчилік содир бұлса уни жазолар эди. У масжиди жоме бино құлди ва одамларға жума намозини үқишигә бүйрүқ берди».¹

Дархәқиқат Қутайба құлниң қонға белаб, үлкада илк бор ислом динини илдиз отдириб ва масжид қуриб зардұшт динига зарба берди. Аммо ислом динини туб аҳолининг онгига сингдириш ва ривожлантириш

¹ Уша асар, 13-бет.

ниҳоятда қийин кечди. Чунончи «Бухоро аҳолиси ҳар сафар (ислом лашкари келганды) мусулмон бұлар, араблар қайтиб кеттанида эса улар яна диндан қайтар әдилар. Қутайба ибн Мұслим уларни уч марта мусулмон қылған, улар эса яна диндан қайтиб коғир бұлған әдилар. Бу тұртинги марта (келганида) Қутайба жант қилиб Бухоро шаҳрини олды, күп қийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чиқарди ва ҳар турли йұллар билан уларга қийинчиликлар тұғдириб дилларидан мусулмончиликни үрнаштируди».¹

Бу ерда шуны унугтаслық керакки, Туркистанда ислом динининг тарқалиши катта тарихий вөкөа ҳисобланади. Чunksи у зардұшт динига нисбатан такомиллаштан ва илгор дин әди. Зардұшт дини эса ибтидоий жамият бузилиб, әндигина давлат пайдо бұлғанда юзага келган әди. Ҳали сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ислом дини пайдо бұлған даврга нисбатан анча орқада әди. Шу боис зардұшт динининг ожиз төмөнлари күп булиб, тобора ривожланаётган жамиятting әхтиёжини қондира олмас әди. Шунинг учун ҳам у ҳар жиҳатдан замонавий ва келажаги порлоқ ислом динига қарши курашишга кучи етмади. Ҳатто араб халифалигига қарши курашнинг мағлубиятта учратилишига зардұшт динини ожизлиги ҳам сабаб бұлған әди. Эндилиқда у «ошини ошаб, ёшини яшаб», жамият тараққиётини таъминлашға қодир бұлмай қолди. Шунинг учун ҳам зардұшт дини қанчалик вақтларнинг үтиши билан шунчалик күп четте сурилди. Натижада VIII—IX асрларда ислом дини бутун Туркистан үлкесини қамраб, маънавий ҳаётнинг таркибий қисмігі айланди. Унинг үлкада тарқалишининг ижобий томони шундан иборатки, у мамлакатда күпдинликни бартараф этди. Маълумки мамлакатда зардұшт динидан ташқари христиан, будда, шомон динидаги кишилар булиб, турмуш ва маънавиятда «ола-булалық» ва тарқоқлик мавжуд әди.

Бу ҳолат урғодат ва ҳис-түйгуларда хилма-хиллик тұғдириб жамиятнинг бирдамлігі ва ҳамкорлігінша пүтүр етказмоқда әди. Ислом дини эса бу ҳолатни бартараф этиб бир хилдаги маънавият ва турмуш тарзини ҳаётта жорий этиб жамиятни илгорлаштиришга көңгимкөніятларни яратди.

¹ Ұша асар, ұша жойда.

Аммо ислом динини кириб келиши туб аҳолининг ватанга содиқлиги ва эркесварлигига тамомила алоқаси йўқдир. У халифаликка қарши қаҳрамонона курашганда биринчи навбатда она юрт мустақиллиги ва озодлигини сақлашни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Олдинги саҳифаларда курсатилганидек халифаликнинг қўшини илк бор 651 йилда Туркистонга бостириб кириб Марв шаҳрини эгаллади. Мана шу вақтдан то 715 йилгача, яъни 65 йил мобайнида халифалик улкага бир неча бор ҳарбий юришларни ўюштирганда туб аҳоли ислом дини ҳақида тўла тасаввурга эга ҳам эмас эди. Бундан ташқари арабларнинг ўзи ҳам то Қутайбагача ҳарбий юриш қўлганларида ислом динини тарқатиш эмас, балки кўпроқ бойлик ва асирларни қўлга киритишни назарда туттан эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу ниятга эришишлари биланоқ Хуросонга қайтиб кетаверганлар.


Ватан ҳимоячилари мана шундай босқинчилик ва талончиликка қарши курашиб, мустақиллик ва озодликни қўлдан бой бермаслик учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Ватан озодлиги учун курашларда минглаб кишиларнинг қони тўкилди. Шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди. Ҳатто 720—722 йилларда ҳам озодлик кураши давом этиб, жанглар қизгин тус олди. Пировардида босқинчилар голиб келиб, уз ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Бунга халқнинг қарши турмаслиги ёки жанг қилмаганлиги эмас, балки озодлик курашларига мардлик, жасоратлик, билимонлик билан раҳбарлик қиласидиган кимсани йўқлиги асосий сабаб булди. Агар мана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган давлат арбоби ёки лашкарбоши бўлганда озодлик курашининг галабага эришиши турган гап эди. Шунингдек мамлакатда ҳукм суроётган тарқоқлик ва парокандалик ҳам катта зиён келтирди.

СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Халифалик Туркистонни Хуросон вилоятининг таркибиға киритиб, у ерга тайниланган ҳоким орқали улкани бошқариб турди. Аммо унга гоҳ Туркистонда, гоҳ Хуросоннинг ўзида кутарилган қўзғолонларга қарши курашинга тўгри келди. Ҳатто баъзан Хуросоннинг ўз мустақиллигини тиклаган вақтлари ҳам бўлди.

Бироқ халифалик үз ҳукмронлигини тиклашга мұваффақ бўлган эди. Умуман айтганда оддий ҳалқнинг ҳам, юқори табақа вакилларининг орасида ҳам халифалик ҳукмронлигига қарши кучлар мавжуд эди. Натижада қонли тўқнашувлар содир бўлган халифалик Хурсон вилоятининг ҳокими орқали Туркистондан ҳар йили катта ҳажмда маблаг олиб турган. Масалан, Самарқанд — 326 минг дирхам, Фарғона — 280 минг дирхам, Тошкент — 607 минг дирхам, Усрушана — 50 минг дирхамни солиқ тарзда халифа саройига юбориб турган. Бундай ҳажмдаги тўловлар үз даври учун салмоқли маблаг ҳисобланган. Халифалик томонидан мустақиллик ва озодликни барбод этилиши, зулм ва адолатсизлик нафақат меҳнаткаш оммани, балки маҳаллий юқори табақанинг илгор вакилларини ҳам курашга отлантирган эди. Бундай кишилардан ташкил томган Сомонийлар сулоласининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Бу сулоланинг асосчиси Сомон қишлоғи бошлиғи Сомонхудот ҳисобланаб, Хурсон ҳокими Мъмуннинг ҳурматига сазовор бўлган. Ҳатто, ҳоким унинг невараларини Туркистон вилоятларига раҳбар этиб тайинлади. Ҳусусан, Нух — Самарқандни, Аҳмад — Фарғонани, Яхъе — Тошкент ва Усрушананинг ҳокими бўлди. Даставвал улар халифаликнинг хизматини сидқидиллик билан адо этиб катта ишонч қозондилар. Учта ака-укалар бамаслачат ўлкани бошқардилар. Уларнинг тепасида Аҳмад Сомоний турган эди. Бу вақтта келиб, халифалик анча заифлашиб кетганлиги туфайли Аҳмад Сомоний ўлка мустақиллигини тиклаш чораларини амалга ошириб борди. Бу сиёсатни унинг Фарғонада тугилган ўғли Наср янада кучайтируди. 874 йилда у укаси Исмоилни Бухорага ҳоким этиб тайинлади. Бу ҳоким 893 йилда акаси Насрнинг вафотидан кейин бутун Мовароуннаҳрни үз кулига бирлаштириб мустақиллик сиёсатини юргизади. Бундан газабланган халифа Мұтазид (892—902) Исмоил Сомонийга қарши қўшин жунатади. 900 йилда бўлган жангда Исмоил Сомоний душман қўшинини тор-мор этиб, Хурсонни ҳам эгаллаб, мустақилликни тиклайди. Бунда ҳалқнинг қўллаб-қувватлаши ва қатнашиши муҳим ўринни эгаллади. VII асрнинг иккинчи ярмида мамлакатнинг мудофаасига катта аҳамият берилган эди. Ҳусусан Бухоро воҳаси «Кампирак» номли узундан узун ва баҳайбат девор билан

ураб олинди. «Бу девор Конимех районида Қоратогдан бошланиб, Зарафшон дарёсининг унг бетида Конимех, Қизилтепа, Гиждувон, Шоғиркон районларининг шимолидаги чул чегарасини ураб олган. Сунгра ҳозир қум босиб қолган жойлардан утиб, Бухоро вилоятининг қадимги обод ерларини гарб ва жануб томондан үрайди. Сунгра Қизилтепа районига чиқиб, Зарафшоннинг чап томони билан кетиб, Кармана билан Қизилтепа оралигига дарё лабида тугайди. Деворнинг узунлиги таҳминан 350 километрга яқин булиб кенглиги баъзи ерларда 2 метрдан ошикроқ сақланган. Девор ҳам гишт ва пахсадан қурилган булиб, бир қанча жойларда дарвозалари бўлган. Текширишларга қараганда, бу девор ҳақиқатан ҳам VIII асрнинг иккинчи ярмидаги обод, сувли ерларни ураб олган. Обод ерларнинг майдони уша вакtlарда ҳозиргига нисбатан бир мунча кенг бўлган. Чунки Бухоро вилоятининг ҳозирги сугориладиган ерлари билан «Кампирак» девор чегараси утган оралиқдаги ерлар чулга айланган катта майдонни ташкил қиласди. Бу ерларда хароб булиб қолган кўхна қишлоқ излари, уй-



5-расм. Сомонийлар давлатининг асосчиси
Исмоил Сомоний мақбараси.

жой қолдиқлари ва рўзгор буюмларининг синиклари жуда кўп».¹

Бу ниҳоятда катта ва узун девор Исмоил Сомоний вақтида таъмирлашни талаб этган. Бу ҳақда унга гапирилганда: «Мени ўзим Бухоро девориман», — деб жавоб берган. Бу билан Исмоил Сомоний ўзининг кучкүдратини англатиб, деворсиз ҳам Бухорони сақлашини баён этган. Ҳақиқатан ҳам у ақл-идрокли, мард ва жасоратли давлат арбоби булган эди. Шунинг учун ҳам у мамлакат мустақиллигини тиклашда ҳал қилувчи ўринни эгаллади.

Исмоил Сомоний 907 йилда вафот этган. Унинг даврида мамлакатда тараққиёт кўзга ташланиб, пойтахт сифатида Бухоро шаҳрининг мавқеи жуда ошди. «У, — дейди Наршахий, — йигирма йил Хуросон амири бўлди. Ҳукмронлик муддати ўттиз йил эди. Худойи таоло уни раҳмат қилсин, негаки уни даврида Бухоро пойтахт бўлди, Сомонийлар сулоласидан чиққан ҳамма амирлар Бухорода турдиган бўлдилар. Ундан олдин Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорода туришни ўзи учун муборак деб ҳисоблар, унинг кунгли Бухородан бошқа ҳеч бир ерда ором топмас ва у қаерда бўлмасин: «бизнинг шаҳар, яъни Бухоро, ана бундай, — ана шундай дер эди».² Ҳуллас Исмоил Сомоний Мовароуннаҳр ва Эронни ўз ичига олган мустақил ва қудратли давлатни ташкил этиб, араб халифалигининг ҳукмронлигини тугатди.

¹ Ғуломов Я. Ўша асар, 117-бет.

² Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Ўша асар, 159-бет.

Мұғулларнинг тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар

ХОРАЗМШОҲЛАР ИМПЕРИЯСИННИГ АҲВОЛИ

Қадимий ва ажойиб Хоразмнинг ватанимиз тариҳида тутган ўрни беқиес қаттадир. Айниқса бу ерда милоддан аввалги VII асрда биринчи узбек давлатининг ташкил топиши мұхим тарихий воқеа ҳисобланади. Мана шу чукур тарихий даврдан то XIII асрнинг бошларигача бўлган даврларда Туркистон заминида ўша қадимий Хоразм давлатининг мантиқий давоми сифатида кўп давлат ва империялар юзага келдилар. Масалан, қанга, кушонлар, эфталитлар, турк ҳоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, газнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар давлатлари шулар жумласидандир. Хоразмшоҳлар давлатининг асосчиси шимолий Хоразмнинг ҳокими Мамнун ибн Мұхаммад ҳисобланиб, 996 йилда Хоразмшоҳ унвонини олган эди. Унинг вафотидан кейин укаси Мамнун ибн Мамнун (997–1017) таҳтни эгаллайди. У ниҳоятда ақл-идроқли, тадбиркор ва билимдонлик билан иш юритиб, қудратли давлатни ташкил этишга қаттиқ ҳаракат қилган. Пойтахт Урганчда ҳашаматли бинолар қурилиб, меъморчилик ва умуман санъатнинг юксак намуналари намойиш этилди. Айни пайтда Хоразмда Мамнун академияси ташкил этилиб, фаннинг турли соҳалари бўйича илмий ишлар олиб борилди. Хусусан Беруний ва Абу Али Ибн Сино сингари машҳур олимлар ҳам Мамнун академиясида илм билан шугулландилар.

Аммо Хоразмшоҳларнинг гуллаб-яшинаши узоққа чузилмади. У 1017 йилда Газнавийлар давлати томонидан босиб олинди. 1043 йилда эса Хоразмни газнавийларга зарба берган салжуқийлар давлати эгаллайди. Шу тариқа Хоразм бир қўлдан иккинчи қўлга утказилиб мустақиллигини қўлдан беради. Бироқ мустақил Хоразмшоҳлар давлатини тиклаш гояси йўқолмади. Аксинча у эркесвар кишилар қалбида яшаб, вақти келиб у юзага чиқа бошлади. XI асрларнинг охирларида

салжуқий хукмдори томонидан тайинланган Хоразм ҳокими Ануштегин мустақил сиёсатни юргизишга дастлабки қадамни ташлади. У 1097 йилда вафот этгандан кейин Қутбиддин Мұхаммад (1097—1127) исмли үғли отасининг изидан бориб мустақилликни тиклашга ҳаракатни давом эттириди. Бироқ у салжуқийлар сиртмогидан қутилолмай дунёдан кўз юмди. Унинг урнига таҳтни эгаллаган үғли Жалолиддин Отсиз (1127—1156) ғанимларга қарши ошкора сиёсат юргизиб, 1138 йилда Мангишлоқни ва Сирдарёнинг қўйи ҳавzasидаги Жанд шаҳрини босиб олди. Кейинги йил Бухорони ҳам эгаллади. Шу равищда Отсиз узининг давлатининг чегарасини салжуқийларга қарашли ерлар ҳисобига кенгайтиради. Шу орада Туркистон заминида Тунгусдан келган қорахитойлар (туркий тилли манжурлар)нинг тажовузи давом этаётган эди. Улар Хоразмшоҳ давлатига ҳам, салжуқийларга ҳам катта ҳавф тутдирган. Шу боис Отсизни салжуқийларнинг султони Санжар билан муроса қилган вақтлари булган. Аммо 1141 йилда Санжарнинг қорахитойлар томонидан қақшатгич зарбага учратилиши салжуқийлар давлатининг тақдирини ҳал этади. Отсиз бу қулай вазиятдан фойдаланиб, Султон Санжарнинг пойтахти Марвни, сунгра 1142 йилда Нишопурни эгаллайди. Бироқ, куп утмай Санжар Марвни қайта қўлга киритишга эришади. Шундан кейин Отсиз ноиложликдан қорахитойларга товоң тўлаб туришни бўйнига олиб у билан иттифоқ тузди. Султон Санжар узини ўнглаб тайёргарликни кўргандан кейин Хоразмга ҳужум қилиб Отсизни яна бўйснидиради. Аммо Отсиз ундан бош үтириб салжуқийларнинг марқидаги Жанд шаҳрини эгаллаб, мустақил сиёсатни давом эттириди. У 1156 йилда Хоразмшоҳлар давлатининг тула мустақилгини таъминловчи заминни ҳозирлаб вафот этади. Отсиз узининг ватанпарварлиги ва тараққийпарварлиги билан донг чиқарган эди. У Хоразмни қудратли давлатга айлантиришга куч-гайратини аямади. Шунинг учун ҳам у ҳалқнинг ҳурмати ва иззатини қозонади. «Алоиддин Отсиз, — деб ёзади муалифлардан бири — таҳтга утирганида 29 ёшда эди. У ҳам отасига уҳшаб Султон Санжарнинг пойтахти Марвда яхши таълим олган эди. Отсиз мусулмонлар подшоҳига хос ислом динига ва илоҳиёт олимларига ҳомийлик қилишдан ташқари, турли фанлар ва санъат

аҳлини қадрлар, узи ҳам форсча қасида ва рубоийлар ёзар, жуда күп буюк шоирларнинг байтларини ёддан билар эди. У Хоразм аҳолисига гамхўр, адолатли подшоҳлик қилди». Бир манбада айтилишича фуқаролар Хоразмшоҳ Отсизни яхши кўрар, унинг замонида фуқаролар хавф-хатардан мутлақо ҳоли, тинчлик ва осойишталиқда, адолатда яшади. Алоиддин Отсиз жасур саркарда эди, жангларда толеи кулиб боқарди.¹ Умумлаштирганда Отсиз 29 йил таҳтда утириб, шундан 16 йил мустақил ҳукмронлик қилди. Шу орада унга бир неча маротаба жанг қилишга тұғри келди. Отсизнинг угли Ил Арслон (1156—1172) ҳам Хоразм мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилди. Бу борада унинг угли Такиш (1172—1200) анча муваффакият қозониб, 1187 йилда Нишопурни, 1192 йилда Рейни, 1193 йилда Марвни, Эроннинг шарқий томонини кўлга киритди. Бу билан у Хоразмшоҳлар давлатининг мустақиллигини сақлади. «Урта асрлар муаллифларининг, — ёзишларича — Хоразмшоҳ Такиш ўз фуқароларига нисбатан адолатли бўлган, одатдан ташқари қобилиятга эга, буюк дипломат ва лашкарбоши эди. Ҳарбий кучдан ўринли фойдаланиб ва сиёсий аҳволни тұғри баҳолаб, Такиш ўз мулки қаторига Мозандарон ва Ироқни күшиб олди. Унинг мусиқани севиши алоҳида эсга олинади. Ҳеч ким удни унингчалик қойил қилиб чалолмаган... Такиш ҳозиржавоблиги, чечанлиги билан ҳам ажralиб турарди... Хоразмшоҳлар давлатнинг кучайиши Алоиддин Такиш фаолиятининг натижаси бўлди. Бу эса узоқ давом этган оғир жанглар натижасида, шунингдек, яккаҳокимлик учун курашларда қўлга киритилди; Такиш мамлакат таҳтига даъвогар биродари Султоншоҳга қарши йигирма йилга яқин кураш олиб борди. Такиш йилдан йилга астасекинлик билан ўз мамлакат ҳудудини кенгайтириб, сарҳади халифа ан-Носир мулкига бориб тақалтан йирик империя барпо қилмагунча кураш олиб борди. Манбаларнинг хабар беришича, Хоразмшоҳ қаерда булмасин, уша ер аҳолиси унинг идора усули ва кўрган маъмурий чораларидан мамнун бўлган. Такиш давридаги ҳокимият марказлашуви ўлпон тўлайдиган халқ аҳволини анча енгиллаштирган кўринади.

¹ Зиё Буниёдов. Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати. Тошкент, 1998, 10-бет.

Такиш даврида давлат маъмурий идора бошқаруви қатъиятлиги ва тартиб-интизоми билан ажралиб туради».¹ Шунингдек Такиш кучли қўшин тузиб шахсан узи ҳам жангларда фаол қатнашган. Уни 170 минг отлик аскарлари бор эди. Бундай кўп сонли қўшинни озиқ-овқат, ярог-аслача, от ва бошқа нарсалар билан таъминлашнинг узи бўлмаган, албатта. Аммо ҳалқни ва шахсан Такишнинг мустақиллик ва озодликка қаратилган хоҳиши-иродаси қийин ва мураккаб масалаларни ҳал этиш имконини берган. Такиш ўз ватанинг тараққиётини ва ҳалқаро мавқеини таъминлаш учун фақат уруш билангида эмас, балки дипломатик усулларни моҳирлик билан қўллаб, мақсадини изчиллик билан амалга ошириб борди. У 400 га яқин шаҳарларни қўлга киритиб, давлатни йирик империяга айлантириш заминини яратди. Такишнинг ватан-парварлик сиёсатини ўғли Султон Мухаммад (1200—1220) юқори босқичга кутарди. Натижада Хоразмшоҳлар давлатининг чегараси янада кенгайиб, ҳалқаро мавқеи ошди. Зеро, 1217 йилга келиб унинг таркибиға Мовароуннаҳр, Хоразм, Исфахон, Мозандарон, Кармана, Мекран, Кеш, Фазна, Гур, Байман, Утрор, Озарбайжон, Афран, Ироқ, Сижистон, Форс, Табаристон, Журжон ва бошқа шаҳар ва ерлар кирган. Империя шаҳарларида хунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди. Дехқончилик ҳам ўсган эди. Айниқса унинг пойтахти Кӯхна Урганч энг йирик ва обод шаҳар сифатида шуҳрат қозонди. Бу хусусда ўрта аср муаллифи Еқут шундай ёзган: «Хоразм ерлари дай кенг ва аҳоли кўп яшайдиган жой дунёning ҳеч бир ерида булмаса керак, деб уйлайман; бунинг устига аҳолиси машақатли ҳаётга ва оз нарсага қаноат қилишга урганиб қолган. Хоразмнинг аҳоли ўрнашган аксари жойлари, бозорлари, гамлаб қўйилган нарсалари ва дўконлари бўлган шаҳарлардир. Аҳоли ўрнашган жойлар ичida бозори йўқлари камдан-кам топилади. Шу билан бирга бу ерларда умумий хавфсизлик ва тинчлик-хотиржамлик ҳукмрондир... Бойликларнинг мўллиги ва пойтахтнинг катталиги, аҳолисининг кўплиги, яхшиликка яқинлиги ҳамда дин ва мазҳаб буюрган нарсаларни бажариши жиҳатдан дунёда Хоразмнинг бош шаҳрига ухшашиб шаҳар бўлмаса керак».

¹ Уша жойда, 83—84-бетлар

Хуллас, мустақиллик туфайли Хоразмшохлар давлати Шарқ оламининг энг йирик ва обод диёри сифатида учмас из қолдирди. Фан ва маданият ривожланиб ва ҳашаматли бинолар қурилиб, шуҳрати узок мамлакатларгача тараалди.

Хоразм шоҳи саройида 27 хукмдор ёки уларнинг вакиллари итоат камарини белларига боғлаб, олтин ногора чалиб турганлар.

Аммо Хоразмшохлар давлатининг шон-шуҳрати саройдаги ички зиддият ва фитналар, гурухвозлик ва шахсий манфаатларнинг авжига миниши орқасидан сўниб борди. Бу фитнанинг асосий айбори Султон Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун хисобланади. Бу мансабпаст ва узбошимча аёлнинг саройдаги таъсизи шу даражада баланд эдик, ҳатто шоҳнинг фармонлари ва кўрсатмаларини бекор қилиб турган. У узининг қариндош-уругларини қобилият ва ташкилотчилигини суриштиrmай ута масъулиятли лавозимларга тайинлаган. Натижада давлат бошқарувида узбошимчалик ва тартибсизлик кенг қулоч ёиди. Султон Муҳаммад эса онасининг қилмишларига қарши чора кўришга ожизлик қилди. Чунки давлатнинг салоҳиятли лавозимлари онасининг қариндош ва тарафдорлари томонидан эгалланган эди. Туркон хотун фарзандларни орасига ҳам низо ва келишмовчилик ургунини сепади. Натижада таҳт учун кураш ҳаракати тобора кучайиб боради. Пойтаҳт Кўхна Урганчда Туркон хотуннинг қилмишлари орқасидан сув шу даражада лойқалашиб кетадики, Султон Муҳаммад пойтаҳтни Самарқандга кўчиришга мажбур булади. Аммо, шунда ҳам унинг боши тинчимай жасоратлик, мардлик, тадбиркорлик ва сезигрлик сингари фазилатлари ниҳоятда заифлашиб кетади. Натижада катта қурбонлар ва қийинчиликлар хисобига бунёд этилган империя ичичидан чирий бошлади. Султон Муҳаммад эса давлатни бошқаришда изчилилк ва мувозанатни йўқотади. Хоразмшохлар давлати оғир кунларни бошидан кечираётган пайтда Чингизхон бошлиқ мұгулларнинг тажовузи бошланди.

МЎГУЛЛАР БОСҚИНИНИНГ БОШЛАНИШИ

XII асрнинг охири — XIII асрнинг бошларида узок Мұгулиядада анча қудратли давлат ва жанговар қушин

ташкыл топган эди. Унинг асосчиси Чингизхон ҳисобланиб асли оти Темучин булган. У 1115 йилда туғилиб, ун ешида отаси вафот этади. Мирзо Улугбек нинг ёзишича у онадан туғиларкан, құлу мушти қонли эди. Замон донолари: бу бола сохибқирон булып туғилған дейишиди. Яна шуки, муштида бир кафт қотиб қолған қон бор эди. Бу шундан далилки, вакт үтиши билан замон ахлини қатл этур; күплаб подшоларни оеқ ости қиласы. Худодан бошқа ҳамма унинг қул остида хор булади.¹ Темучин күч-қувватга тұлиб, балогатта еттандан кейин атрофига 43 жасоратлы йигитларни түплаб ҳарбий гурухни тузади. Бу вактларда Мұгулиядың күчмәнчи қабилалар узаро урушыб үлкада парокандалик ҳукм сурмоқда эди. Темучин ташкилотчилеги ва ҳарбий маҳорати туфайли қабилаларни үз қул остига бирлаштиришга еришади. 1206 йилда унга Мұгулиядаги юқори табақаларининг қатнашувида үтказылған қурутгойда Чингизхон номи бериліп, мамлакатнинг хоқони деб әйлон қилинди. Чингизхон шоҳлар шохи маъносини англатади.² У ва унинг сафдошлары үзларининг гоятда шавқатсизлиги билан она юртида ҳам ном чиқарған әдилар. Уларнинг қылмишларининг жоны гувоҳи ва ватандошларидан бири шундай деган: Чингизхоннинг атрофидаги кишилар одам гүшти беріб бοқылған ва темир кишанга солиб қүйилған итлардир. Уларнинг пешоналари мисдан, тишилари қайрилған, тиллари бигиз сингари үткір, юраклари темирдан ясалған. Буларда қамчи үрнига қайрилған қилич бор. Улар шудринг ичади, шамолда учади, жангларда одам гүштини ейди. Ҳозирда улар занжирдан бушатып юборылған.

Дарҳақиқат, Чингизхон бошлиқ мүгүл газандалари одамлар қонини дарә каби оқызыб, 100 минглаб кишиларни ёстигини қуриптан. Улар инсоний фазилатлардан маҳрум этилған ваҳшый ҳайвонлар эди, холос. Зеро, улар үз мақсадлари йүлида ҳеч нарсадан тоймай күз күрмаган ва қулоқ әшитмаган жазо усууларини құллайдылар. Бу хусусда урта аср муаллифи Ибн ал-Асир шундай ёзған эди: «Тангри таоло одамни ато қилғандан бөшлаб то ҳозиргача жаҳонда шу тариқа ҳодиса рүй бермаган», — деса, унинг гапи ҳақдир.

Мирзо Улугбек. Тұрт улус тарихи. Тошкент, 1994, 81-бет.
Уша жойда, 100-бет.

Чиндан ҳам солномаларда баён қилинган воқеаларнинг энг даҳшатлиси Навуходононосорнинг истроилликларни қириб юборгани ва Қуддуси Шарифни вайрон қилганидир. Бу, лаънати мўгул лашкарлари ер билан яксон қилган мамлакатларга қиёс қилганда Қуддуси Шариф ҳеч нарса бўлмай қолади, бу мамлакатларда мўгуллар қириб ташлаган одамлар улдирилган истроилликларнинг сонидан кўп марта ортиқдир. Улар ҳар қайси шаҳарда ҳамма истроилликлардан ҳам кўпроқ кишини қириб юбордилар. Одамзод охиратгача яъжуҷ ва маъжуждан бўлган бундай даҳшатни асло кўрмаса керак. Булар (мўгуллар) ҳеч кимга раҳм қилмайдилар, хотинларни, эркакларни, гўдак болаларни улдириллар, ҳомиладор хотинларнинг қоринларини чавақлаб, она қорнидаги болаларни нобуд қилдилар. Шундай бир ҳодиса рўй бердики, унинг учқунлари (ҳар томонга) сочилиб кетди ва балоси ҳамманинг бошига тушди; у шамол қувган булутдек ҳаммаёқни босиб утди».

Ушбу сатрларда баён этилган даҳшатли фожеалар даставвал Туркистон заминида содир бўлган эди.

Чингизхон 1211 йилда Еттисувнинг гарбий томонига бостириб қириб, унинг бир қисмини эгаллади. 1215 йилда у Хитойга ҳужум қилиб Пекинни босиб олди. Бу ерда у ваҳшийларча жанг қилиб улдирилган одамларнинг сүяклари тог сингари уйилиб ётди. Мўгулларнинг қонхўрлиги шу даражада даҳшатли бўлганки, уларнинг қўлига тушмаслик учун 60 минг қизлар ўзларини ҳалок этганлар. Чингизхоннинг Хитойдаги ғалабаси ва қўлга туширган катта бойликлари номини тарқалишига олиб келди. Бундан хабар топган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳақиқий аҳволни билиш мақсадида Мўгулияга, Чингизхон ҳузурига Баҳовиддин Розий бошчилигига элчиларни жунатади. У билан катта савдо карвони ҳам йўлга чиқсан эди. Бу вақтларда Туркистон савдогарлари ип ва ипак газламалар, кийим-бош ва бошқа моллар билан Мўгулияда савдо билан шугулланмоқда эдилар. Чингизхон Хоразм элчиларини ҳурмат ва иззат билан қарши олиб Султон Муҳаммад билан тинчлик ва дўстлик алоқаларини урнатиш зарурлигини баён этган. Чингизхон жавоб тариқасида хоразмлик Маҳмуд Ялавоч, бухоролик Алихўжа ва утрорлик Юсуф Канқга сингари кишилардан иборат уз эчиларини юборади. Улар савдо карвони билан йўлга чиқиб Хоразмга етиб келадилар. Элчи-

лар Чингизхон томонидан юборилган бир катта булак олтин құймаси, қымматли тошлар, түя юнгидан ишланған нафис газмоллар ва бошқа совгаларни Султон Мұҳаммадға топширишади. Бу ерда айтиш лозимки, Чингизхон Мұгулия билан савдо қилаёттән хоразмлик, бухоролик ва бошқа шаҳарлик савдогарларнинг айримларини үз тарафига оғдириб олған эди. Улар Чингизхонга Хоразмшоҳлар давлати ҳақидағи маълумотларни етказиб турғанлар. Бу хусусда айниқса юқорида қайд қилинған элчиларнинг бошлиғи Маҳмуд Ялавоч жонбозлик күрсатған. У үз ватанига хиёнат қилиб, ошкора Чингизхонга сотилған эди. Султон Мұҳаммад тунда Маҳмуд Ялавочни ҳузурига қақыртириб үз ватанига хизмат қилишга даъват этди. Зеро, унга Чингизхон даргоҳида айғоқчилик қилиш топширилғанда, үлдирилишдан құрқиб розилик билдирди. Аммо у умрининг охиригача Чингизхонга содиклигича қолаверди. Султон Мұҳаммаң унинг куруқ ваядасига ишониб Чингизхон ҳузурига қайтишиға рухсат берди. Ҳамда унга үзининг Чингизхон билан тинчтотувликда алоқада бўлиш ҳақидағи ёзма ҳужжатни топширади. Бу аҳдномага кура Чингизхон 1218 йилда Умархужа Утрори Ҳаммол Мараби Фахриддин Дизаки Бухорий ва Аминаддин Ҳарави бошчилигида 450 киши ва 500 туялардан иборат карвонни Утроргача жұнатади. Туяларга олтин, кумуш, хитой ипак газламаси ва турли қымматли мўйналар ортилған эди. Карвон Утрор (ҳозирги Туркистон шаҳри атрофи)га келганды фожеа рўй беради. Бир манбада күрсатилишича Утрор ҳокими Гайирхон карвондаги молларни үзлаشتариш мақсадида савдогарларни үлдирирган. Бошқа манбада эса бу иш Султон Мұҳаммаднинг күрсатмасиға биноан амалга оширилған. Карвон фожеаси Чингизхоннинг газаби ва нафрatinи құзитиб Туркистон заминига ҳарбий юриш бошлашга катта баҳона булған. Буни англаган Султон Мұҳаммад саройда кенгаш үтказғанда қүшинни бир жойга түплаб, душманга зарба бериш ҳақида фикр билдириганды. Бунга қарши ularoқ ҳарбий кучларни вилоятларга тақсимлаб бўлинған ҳолда жанг қилиш таклифи уртага ташланған. Мирзо Улуғбекнинг асарида күрсатилишича «Султон Мұҳаммад Хоразмшоҳ ихтиёрида саноқсиз аскар, кўпгина лашкар бўлған. Мұҳосиблар унинг сони 400 мингдан кам бўлмаганини айттанилар. Аммо,

мүгүл лашкари юришидан кейин Қорача Ҳожибни ун минг киши билан Утрорга Файирхонга мадад учун жұнатди. Токи, у Утрор муҳофазасини уюштиргай. 30 минг кишини Бухоро мудофааси учун тайинлади. 110 минг кишини Самарқандға қолдирди. Шу жумлада, 60 минги турклар эди. Уларнинг сардори Султон ашроғу аъенларидан бұлған хонлар булиб, ҳар бири үз даври асфандиәрларидан эди. 40 минги кишига қалъалар ва ҳисорлар қуришга фармон берди'.¹ Аммо бундай чоралар үзини оқладамади. Чунки Султон Мұхаммад империянинг ҳали у, ҳали бу жойида кезиб юриб жаңг тақдирини ҳар вилоятнинг ҳокимларининг үзига топшириш билан чегараланды. Мамлакат тақдирі қыл устида турган бир пайтда душманга қарши курашни бошқарадиган марказ ташкил этилмади. Бунинг устига-устак Султон Маҳмуддинг онаси Туркон хотуннинг сиёсатта аралашуви оғир вазиятни янада кескинлаشتirdи. Давлат бошқарувидаги парокандалик авжига минди. Минг афсуслар бұлсинки, агар саройда ахиллик ва бирдамлик ҳукм суріб, оқилюна иш юритилғанда душман күчларини голиб келиши ҳеч мүмкін эмас эди. Чунки Чингизхон давлатининг ҳарбий күчлари ва салоҳияти Хоразмшоҳлар давлатига солиштирганда анча паст эди.

Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатининг заиф томонларини ҳисобға олған ҳолда устун келишига қаттық ишониб, даставвал Утрорни босиб олишни режалаштириди. 1220 йилнинг кеч күнінде уннинг бошчилигидаги қүшин у ерга бостириб кирғанда ватан ҳимоячиларининг қаттық қаршилигига дуч келди. У бу ердаги урушни өзүлишини англаб, Чигатай ва Угатай сингари угилларини ҳарбий қысм билан Утрорда қолдирди. Қүшиннинг қолғанини уч қысмга тақсимлаб, биринчиини Утрор атрофидаги Жанд ва Барчинлигентни, иккінчиини Банокат билан Ҳужандни босиб олиш учун жұнатди. Уннинг узи үгли Тулуй билан Бухорога йўл олди. Мұгуллар Утрорни беш ой мобайнида қамалда ушлаб турди. Шу орада ҳар икки томон уртасыда қаттық жанглар булиб үтди. Аммо лашкарбошлиардан бири — Қорача Ҳожиб құл остидаги 10 минг кишиilik ҳарбий қысм билан шаҳар дарвозасидан чиқиб мұгулларга таслим булиши ватан ҳимоячилари-

¹ Мирзо Ұлубек. Ұша асар, 135-бет.

га қаттиқ зарба булиб түшди. Душман күчлари мана шу очилған дарвозадан шаҳарга бостириб кирадилар. Бу ерда даҳшатли жанглардан сұнг шаҳар босқинчилар томонидан эгалланади. Бу тұгрисида Абулғози әзади: «Мұгуллар дарвозаи Сүфийдан кириб Үтрорнинг ичига кирдилар ва Үтрорнинг жами халқини саҳрода чиқарып, шаҳид құлдилар. Ул ҳолда Файирхон йигирма минг киши билан аркка қамалди. Ҳар кунда чиқиб урушур әрди. Яхши мардоналиклар құлди ва мұгул асқарларидан күп кишиларни үлдирди. Узининг құшинидаги кишилар тамом шаҳид бўлди. Мұгуллар Аркнинг қалъасини тақи олди. Аҳирул амр Файирхон иккى киши билан қочиб бир томнинг устига чиқди. Ул иккى навкари ҳам шаҳид бўлди. Ахир уруша-уруша Файирхоннинг үқи тугади. Оқибат канизлари девордан гиштларни олиб бера бошладилар. Ул гиштларни отиб урушди».¹ Пировардида Файирхон асирикка олиниб үлдирилади. Демак амир Файирхон бошчилигидаги ватан ҳимоячилари шу даражада қаҳрамонона жанг құлдиларки, у беш ой давом этди. Шунинг учун ҳам босқинчилар шаҳар халқини кириб ташлади. «Үтрорнинг бутун аҳолисини, — дейди Мирзо Улугбек — (мұгуллар) саҳрода ҳайдаб чиқдилар ва қатли ом құлдилар. Файирхон йигирма минг киши билан қалъага кириб олишди. Барчаси жонидан умид узиб, үлим юзига тик боқиб, қарию ёш үлимни замирлари лавҳига чекиб жанг құлдилар. Бу орада мұгул лашкарининг күпчилиги қалъага кириб олишди. От, яроғ, сипоҳи қолмаганидан уйи ва томидан бўлак паноҳи қолмади. Мұгул сипоҳи уларни қўлга олди. Бу гулдек нозикларни от ёлига босдилар Үтрор ҳисорни қўлга киритиб, ер билан баробар құлдилар. Тирик қолганлардан, раъият ва ҳунармандларнинг баъзиларини ҳибсга олдилар, баъзиларини эса қул қилиб ҳайдадилар».² Бинобарин үтрорликлар «бир томчи» қонлари қолгунча мустақиллукни сақлаш учун жанг құлган эдилар. Мұгулларнинг қирғин-баротидан кейин салоҳиятли савдо-хунарманд шаҳри Үтрор харобага айлантирилди. Бу вақтда мұгулларнинг Жужи бошчилигидаги құшини Сирдарёнинг күйи оқимидағи Сигноқ шаҳри ёнига келиб хоин савдогар Ҳасан хожини тас-

¹ Абулғози. Шажараи Турк. Тошкент, 1992, 65-бет.

² Мирзо Улугбек. Уша асар, 142-бет.

лим булишликни сұраб әлчи сифатида жұнатди. Аммо шаҳарлікларнинг ғазаби ва нафрати қузыб әлчини үлдирадилар. Шундан кейин мұгуллар билан ватан ҳимоячилари уртасида етти күн давомида жанг бўлиб пировардида улар галабага эришадилар. Шаҳарлікларнинг барчаси қириб ташланади. Мұгуллар 1219—1220 йилларда Узганд, Барчин, Лигкент, Ашноси ва Жанд шаҳарларини эгаллаб кўп кишиларни үлдирадилар, асирикка оладилар. Банокат ҳам ваҳшийларча босиб олинади. Бу ерда бойликлар таланди, одамлар үлдирildи ёки асирикка олинди.

Мұгуллар құлга киритилган жойлардаги аҳолини маълум қисмини асирикка олиб, уларни турли ишларда құл каби меҳнат қилдирған. Хусусан асиirlарни ҳарбий юриш вақтида қалқон сифатида олдинги сафга турғизғанлар. Шунингдек, улардан қамал қилинган шаҳарларга ҳужум қилишда фойдаланғанлар. Натижада жанглар пайтида бириңчи үқлар ва зарбалар асиirlарга тегарди. Бундан ташқари улар душманларнинг отларини оёғи остида ҳам қолиб ҳалок бўлғанлар. Асиirlарни олдинги сафларда турғизилиши ватан ҳимоячиларининг ҳужумини даф этиш мақсадида қилинган, албатта. Худди мана шундай усулни қўлла ниши мұгулларнинг галабаларини таъминлаган омиллардан бири эди.

ТЕМУР МАЛИК БОШЧИЛИГИДАГИ ЖАНГ

Мұгуллар Банокатни босиб олганларидан кейин 50 минг кишидан иборат асиirlарни олдига солиб ҳарбий юришини давом эттирдилар. Улар Алак-нүён бошчилигига Хужанд шаҳрига яқынлашдилар. Бу вақтда узбек ўғлони Темур Малик шаҳарнинг ҳокими эди. У табиаттан паҳлавон ва жасоратли киши бўлиб ватанпарвар ва моҳир жангчи ҳисобланған. «Шаҳар валийси, — дейди Мирзо Улугбек, — Темур Малик эди. Шихоатда шундай мартабада эдикى, Рустаму Зол тирик булғанда унинг савлатидан фаҳрланған бўларди. Агар Соми Сувар ҳаётдан баҳрадор булғанда, унга бўлган бандалити ҳалқасидан боши осмонга етарди. Лекин давр толеъи инқилобидан noctoru ноилож қолди ва Сайхун номи билан маълум Хужанд дарёси уртасидаги Ҳисорда сув икки шохга бўлиниб оқадиган жойда, бир олий қалъя бино қилған эдилар. Мўътамид ул-ис-

төъдод минг нафар киши билан у ерда ўрнашиб олиб, тезлик билан ҳисорни мустаҳкамлаш ва жангга тайергарлик билан машғул бўлди».¹

Аммо, Темур Малик қанчалик пухта тайергарлик кўрмасин барибир душман кучлари кўп бўлиб жангварлиги ҳам баланд эди. Шунга қарамай ватанпарварлик ва жасоратлик туйгулари билан тўлиб тошган ҳалқ ва Темур Малик имкони борича босқинчиларга қарши курашишни муқаддас бурч деб билдилар. Мўгулларнинг 20 минглик аскарлари Хужандни куршаб олдилар. Улар 50 минг кишидан иборат асиirlарни ҳам ўзлари билан олиб келиб ҳарбий ишларда фойдаландилар. Шиддатли жанглардан сунг Темур Малик мингта аскар билан Сирдарёдаги оролларнинг бирига чекинишга мажбур бўлди. Абулгозининг маълумотига кура «Темур Малик ўн икки кема ясатиб эрди. Усти сарпушлик.² Анга ўқ отмоқ ва тўпанг учун даричалар тортиб бериб эрди. Ул кемаларга бир амал қилиб эрдиким, ўқ ва тўпанг ва ҳеч нимарса анга ўтмас эрди. Ул кемаларни миниб кунда андоғ урушлар ва мардоналиклар қилдиким, тамом мўгуллар таҳсинлар қилдилар ва ҳеч бобда ани олабилмадилар. Оқибат мўгуллар эллик минг хашарий (асиirlар)ни олдига солиб тош ва кесак ташитдилар, ўзлари тошни ва кесакни сувга солур эдилар. Ахирул Амр мўгул лашкари голиб бўлган сабабдин Темур Малик етмиш кемага, қўш ва асбоб юклаб, ул мазкур бўлган ўн икки кемасига минг йигити билан миниб кеча бўлгач, рудхонасининг ичи билан юрийберди. Алак нўён бирлан Сукату Бука мўгулларга сизлар ҳам дарё лаби бирлан Темур Маликнинг ортидан юрунг, деб ҳукм қилди. Мўгуллар тики рудхонанинг кемасига ёнашиб уруша-уруша юрур эрдилар».³

Куриниб турибдики, Темур Малик душманнинг Сирдарёнинг икки қиргогидан ёғдирган ўқлари остида жанг қилган. Мўгуллар кўп минглик асиirlарни тошларни келтиришга мажбур этиб оролга ташиттирган. Бу билан ўзларига йўл қуриб ватан ҳимоячилари билан юзма-юз жанг қилишга ҳаракат қилганлар.

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 145-бет

² Бу ерда гап кемаларни лой суртилган намат билан ўрашиб ва сирка септириб ўқ ўтмайдиган қилинганилиги ҳақида гап кетаяпти.

³ Абулгози. Ўшар асар, 67-бет.

Аммо, Темур Малик душман режаларини барбод этиб уларни яқинлаштирган, шу тариқа уруш узоқ давом этиб ватан ҳимоячиларининг қуроллари ва озиқ-овқатларида етишмовчилик қаттиқ сезилди. Четдан эса ҳеч қандай ёрдам берилмади. Натижада ватан ҳимоячилари Темур Малик бошчилигиде 70 кемада Сирдарёning қўйи оқими бўйлаб суздилар. Улар Банокат шаҳрига яқинлашганларида курдиларки мўгуллар дарёning бир қирғогидан иккинчи томонига темир занжирни тортиб қўйишган экан. Бироқ Темур Малик кемалари билан занжирни ёриб утиб йулни давом эттиради. У Утрор, Сигноқ ва Жанд шаҳарларини босиб утиб Барчинлигга келганда душманларнинг қайиқларидан ясалган тўсиққа дуч келади. Темур Малик уни ёриб утишни иложи йўқлигини англаб ва кемаларини соҳилга яқинлаштириб ташқарига чиқадилар. Бу ерда «Темур Малик ҳар соатда ўз дўстлари билан елкама-елка туриб жанг қиласади, токи дўстлари узокроқ кетгайлар. Яна ўз дўстлари ортидан югуришарди. Бир ке-чаю кундузда шу тарзда лашкарининг аксари нобуд бўлди, баъзилари ярадор бўлдилар. Молу мулкларини душманлар талаб олди. Темур Малик бир гуруҳ барқарор одамлари билан шошилмай душман йўлини тўсди. Енидагилар ҳам нобуд булгандан кейин, унинг қурол-яроги қолмади. Фақат уч уқи қолганди. Уларнинг ҳам бири синган ва пайконсиз эди. Уч мўгул не-комиши билан елиб келарди. Темур Малик ҳалиги синиқ пайконсиз ўқ билан бир мўгулнинг кўзини чоғлаб отди. У кур булиб қолди. Қолган иккисига деди: «Бу ўқ бирла сизларга жавоб бера олурман десам бўлади; қайтингларки, сизнинг тақдирингиз шу ўқларда. Ул икки мўгул Темур Малик қўлидан келган, кўз ўнгиларида бўлган ишларни куриб, уни сўзини тасдиқладилар ва қайтиб кетдилар. Темур Малик сог-саломат қолди. У Хоразмга жўнади ва халқ ишига аралашди».¹

Ушбу сатрларда баён этилган воқеалар шу ҳақда гувоҳлик берадики, Ҳужандда шиддатли жанглар булиб Темур Маликнинг моҳир лашкарбошилиги туфайли кўп сонли босқинчиларга қарши узоқ ва марданавор курашилган. Бунда шахсан Темур Маликнинг ўзи ниҳоятда билимдонлик билан иш юритиб душманга қақшатгич зарбаларни бериб турган. Мўгуллар Тे-

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 146-бет.

мур Маликни ўта хавфли душман ҳисоблаб, уни қандай булмасин құлға туширишга қаттық ҳаракат қила-дилар. Бунга эришмак учун барча чораларни күриши-ди, лекин уddасидан чиқа олмадилар.

Темур Малик үзининг ватанпарварлыгини, моҳир жангчилигини шу даражада намойиш этдики унга душманларининг үzlари тан беришга мажбур бўлди-лар. У ҳақиқатан ҳам ҳалқ қаҳрамони, мустақиллик ва озодлик учун жонини тиккан шахс эди. У охирги ўқи қолгунча жанг майдонидан кетмади. Темур Малик Хоразмга боргандан кейин ҳам курашни давом эттириди. У ҳарбий қисм билан Катта бориб, бу ерга тайинланган мўгул ҳокимини үлдириб қайтади. Шундан кейин Урганч мудофаасида қатнашади, сўнгра Жалолиддин билан биргаликда курашни давом эттиради.

БУХОРО, САМАРҚАНД ВА КЎҲНА УРГАНЧДАГИ ЖАНГЛАР

Чингизхон ўғиллари Тулуй, Жеба нўен ва Субутой билан биргаликда Қизилқум чуллари бўйлаб ҳарбий юришни давом эттиридилар. Улар Зарнук ва Нури Бухоро сингари кичик шаҳарларни эгаллаб бир неча юз ёшларни асирилкка олдилар. Шундан кейин босқинчи галалар 1220 йил 7 февралда Бухоро шаҳрининг остонасига жойлашиб урушни бошлаб юбордилар. Бу вақтларда Бухоро ҳар жиҳатдан обод ва ривожланган шаҳар сифатида шуҳрат қозониб, «Ислом қуббаси» деган юксак баҳога сазовор бўлган эди. Бухороликлар мустақиллик ва озодликни сақлаш учун жон-жаҳдлари билан жанг қилдилар. Ватан ҳимоячилари Ихтиёриддин Кушну, Инанчхон Үғил Хожиб, Ҳамид Пура, Суюнчхон ва Гурхон сингари лашкарбошилар раҳбарлигига шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қилганлар. Ҳар икки томондан кўп кишилар үлдирилди. Кечқурун Кукхон, Ҳамид ва Севинчхон қўмондонлиги остида уч минг кишилик аскарлар шаҳардан чиқиб душманлар билан тўқнашди. Қаттиқ жанглардан кейин душман галаба қилиб шаҳарга бостириб кирди. Шаҳарнинг нуғузли кишилари тўпланишиб таслим бўлишликка розилик билдиридилар. Чунки кўп аскарлар ва оддий кишилар қирилиб, урушни давом эттиришининг иложи қолмади. Мугуллар шаҳар аҳолисини дўппослаб ва аёлларни зурлаб, қулоқ әшишмаган азоб-уқубатларни

намойиш этдилар. Улар масжид ва хонадоңларни талаб ва Қуръони каримни отларининг оғзи остига ташлаб талон-тарожни уччига чиқардилар. Бунга чидай олмаган дин пешволари Рукиаддин Имомзода ва ўгли, қози Садриддинхон ва Садр Мажиддин мұгуллар билан жаңг қилиб ҳалок бұлдилар. Чингизхоннинг шахсан узи шаҳарнинг бойликларини талаш ва уни вайронага айлантириш ҳақида күрсатма беріб турди. У буйруқ берди: «Шаҳарда нимаики зоҳирда турған бұлса, келтиришнинг ҳожати йүк. Махфий сақланыттан нарсаларни бизга топширишларингиз зарур». Бунга жавобан, — деб өзади Мирзо Улугбек, — бойлар ва амалдорлар иттифоқ булишиб, уз бошларини олтпн эвазира сотиб олдилар.

Бухоронинг барча давлатманд кишилари тотор (мұгуллар) сипоҳи дастидан омбордаги моли, харвортар тиллаларини беріб, Чингизхондан уз бошларини сотиб олдилар. Хоразмшоҳ сипоҳидан бащарти уз уйларida үтирумай, шаҳардан ташқари чиққанлари бұлса, қаҳрдан бошқа нарсани топмадилар... Қазою қадар амри билан тоторлар Бухорода ажаб қотиллуклар қылдилар... Хоқон (Чингизхон)нинг газаби қайнади. Шоҳ қаҳридан оташ чиқарди. Шаҳар ахолиси ундан ёниб адо бұлды. Бир кунда ҳұлу қуруқ ёниб битди: на жонсиз нарса қолди, на жонли. Шаҳарда бирорта ҳам сипоҳ қолмади. Уларни үрнида фақат қора тутун бурқсирди.

Шаҳар батамом ёниб бұлғандан сұнг, атроф-теваракда яшайдиганларни тұплаб, қалъа пойига ҳайдаб келдилар, қалъа ҳандақининг тұлдирилмаган жойларини күмдирдилар. Тез кунда қалъани ҳам құлға киритиб, үт қүйдилар. Унинг ҳокими Куюхонни, ұшақтадағилар билан бирга сиесатта етказдилар. Ҳисорни ер билан яксон қылдилар.

Шаҳру бору, дарвозадан қолмади нишон; Бунда-йин дардга ким топар дармон¹. Шаҳар ахолиси сұяигигача шилингандан кейин фақат әгниларидаги кийим билан шаҳардан ташқарига чиқарылди. Бақывват әркаклар асирилек олинди, аәллар мұгулларнинг аскарлари уртасида булинди. Аскарлар ва шаҳарликлар душман бостириб кирганидан кейин қалъага киришиб курашни давом эттирган әдилар. Улар ҳам тор-мор этилиб, битта қолдирмай улдирилди.

¹ Ұша жойда, 141—142-бетлар.

Хуллас, Бухоро босқинчилар томонидан мисли курилмаган даражада вайрон этилди.

«Бу шаҳар, — деб ёзади Ибн Баттута, — бир вақтлар Жайхуннинг соҳилидаги шаҳарларнинг энг улуғи эди. Лаънати Муғул Тенгиз (Чингиз)... уни шу қадар хароб қилганки, масжиду мадрасалар, бозорлар деярлик бари вайрона булиб ётибди. Ҳозир улар орасида билим — фандан хабардор ё унга қизиқувчи бирон кимса йўқ»¹

Мазкур маълумотлар XIV асрнинг биринчи ярмида Бухорода шахсан бўлган Ибн Баттутанинг қаламига мансубdir. Унга кура Бухоро мўгуллар томонидан шу даражада қаттиқ вайрон этилганки, 100 йилдан ортиқ вақт утган бўлсада ҳамон ўзига келмаган. Ваҳоланки, Бухоро мўгулларнинг босқинидан олдин кипши ҳавасини келтирадиган обод шаҳар ҳисобланган. Бу хусусда аллома Ёкут ал-Хамавий шундай ёзган: «Шубҳасизки, бу жуда қадимиш шаҳар, унда боғлар, сархил мевалар кўп. Мен борганимда Бухоро мевалари ўн саккиз кун йул босиб Марвга, ун беш кун йул юриб Хоразмга ҳам элтиб сотилар эди». «Китоб ас-сувар» асарининг муаллифи ёзади: Мовароуннаҳр ерларининг гўзаллигига келсак, (айтиш керакки) мен ислом мамлакатларининг бирортасида Бухородан кўркамроқ шаҳарни курган эмасман. Унинг аркига чиқсанг, атрофида зангори осмон туташ кўм-кўк масофаларни кўрасан... Мовароуннаҳр ва Хурросон юртларида ўз ерларини буҳороликларчалик яхши парвариш қиласидиган аҳоли йўқдир... Бухоро текис ерларга жойлашган шаҳар, бино синчлари ёғочдан. Ҳамма туарар жойлар, қўргонлар, боғлар, расталар, тош йўллар ҳамда беҳисоб туташ маҳаллалар, 12 фарсаҳ узунликдаги девор билан ураб олинганки, бу девор барча уша қўргон, уй-жой ҳам аҳоли яшайдиган жойларни шаҳар маркази билан бириктириб туради. Буш қолган такир жой ёки бирон вайронани кўрмайсиз. Ҳалиги девордан ташқари... Унга туташ солинган, қишин-ёзин аҳоли яшайдиган шаҳар уй-жойлари, сарой, дўкон ва боғларини қуршаб турувчи бошқа девор ҳам бор... Бутун Мовароуннаҳрда Бухорочалик зич ва гавжум шаҳар йўқ».²

¹ Иброҳимов Н. Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993, 23-бет.

² Уша жойда, 22—23-бетлар.

Аммо мұғуллар Бухорони «култепа»га айлантирган әдилар.

Чингизхон Бухородан олинган бир неча минг асирларни қүшиннинг олдига солиб Самарқанд томон йұналди. Бу шаҳар ҳам шарқнинг эң сұлым ва обод масканларидан бири булған. Бу ерда Султон Мұхаммаднинг 110 минг аскари шайланиб турған әди. Бундан ташқари ахолининг талай қисми мудофаага жалб этилған. Қүшин тепасида Тогайхон, Алп Эрхон, Шайххон, Болақон ва бошқа лашкарбошилар турған. Душман қамалидаги шаҳарда хоҳ аскар, хоҳ оддий кишилар бұлсın барыбир барчани фикри-зикри мустақиллик ва озодликни сақлашға қаратылған. Бунга әришишга етарлы имконият ва ҳарбий күчлар мавжуд әди. Аммо уларни билимдонлик билан бошқарадыған раҳбар топтылмади. Аввалимбөр лашкарбошилар ҳарбий тактика ва стратегия соқасида хатога йүл құйдилар. Зоро, Чингизхон ўз қүшиннинг оз қисмини ҳужумға ташлади, катта қисмини пистирмага қўиди. Лашкарбошилар душман күчларининг сонини оз деб ҳисоблаб катта қүшин билан дарвоза ташқарисига чиқишиб жантни бошладылар. Шу онда пистирмадаги мұғуллар уларни құршаб қириб ташлаганлар. Бу фоjeали маглубият шаҳар ахолисини анча ваҳимага солиб қўиди. Бир гурух нұфузли кишилар гүе халқни оммавий қирилишидан қутқазишини ўйлаб таслим булиш ҳақидаги таклиф билан Чингизхонга мурожаат қиладылар. Бу таклиф қабул қилиниб босқинчилар шаҳарга «намоз вақтида кирдилар. Шу куни ва кечаси шаҳарни хароб қилиб, барча халойиқни — эру аелни... шаҳардан саҳрода ҳайдаб чиқардилар. Одамлари горат бұлған лашкар шаҳарни горат ва талаш билан шугулландилар. Бурчак ва мағоратлардан кимни топсалар қатл этдилар....

Коронгу түшганды мұғул лашкари шаҳардан чиқди. Қалъя ахли ваҳмда, шикаста дил, на бошини күтәради, на ерга қарайди. Эртаси тонг отиши билан Олашжон — Султон Мұхаммад Хоразмшох сардорларидан бири жасорат күргузиб, жонидан умид узиб, минг йигити билан мұғул лашкари миёнасига зарба беріб, бадар кетди. Кейинги куни мұғул лашкари Самарқанд ҳисорига қараб йұналды. Девори, боруларини вайрон қилиб, саловотлар оралигига дарвозданы құлға киритдилар. Шаҳарга кирдилар... 20 мингдан

ортиқ Султон Мұхаммад Хоразмшоқ сардорларидан булган амирни, у ерда турған барча лашкари билан қатл этдилар. Самарқанд аҳлидан үттіз минг әркакни ажратиб олиб, үз фарзандлари ва қариндошлари-га булиб берді».¹

Куриниб турибиди мүгүл аскарлари шаҳарға би-ринчи маротаба кирғанларида қалъада Султон Мұхаммад аскарлари мудофаада турғанлар. Мүгүллар кечаси уларнинг ҳужум қилишидан чүчіб шаҳардан чиқиб кетишга мажбур бўлғанлар. Эртасига эрта тонгда шаҳарға қайтадан киришиб қалъадаги аскарларга ҳужумни уюштирган. Бу жангда ватан ҳимоячилари, хусусан 20 минг киши тамомила қирилгунча жангни давом эттирган. Мүгүллар яна бир бор Самарқандни вайронага айлантириб ва ҳалқнинг бойликларини та-лаб, үз ҳукмронлигини үрнатади. Бу даҳшатли воқеа 1220 йил 17 марта содир бўлған эди. Бундан олдин Самарқандда 100 минг оила яшаган, урушдан кейин эса унинг тўртдан бир қисми қолган эди, холос. Вай-ронага айлантирилган шаҳарда қаҳатчилик ва очлик ҳукм сурған. Шубҳасиз бу ҳолатдан ҳам кўп одамлар-нинг ёстиги қуриган. Мана шундай ниҳоятда даҳшат-ли ва фожеали шароит юзага келиб ватан ҳимоячилари катта талафот кураётган кезларда Султон Мұхаммад ваҳимага тушиб аллақачон Туркистон заминини ташлаб қочади. Ваҳоланки шахсан унинг ўзи душманга қарши курашларни тепасида бош-қош булиб туриши шарт эди. У мүгүллар томонидан Бухорони босиб олганлигини эшитиб, кўп миқдордаги олтин ва бошқа қимматли хазина молларини олиб йўлга чиқади. Аммо бу моллар Амударёдан ўтилаётганда сувга гарк булади. Чингизхон Султон Мұхаммадни тутиш мақса-лида Жеба ва Субутой бошчилигига 20 минг аскарни орқасидан жўнатди. Буни эшитган Султон Мұхаммад Нишопурга, сунгра Бисом деган жойга кетади. Бу ер-дан йўлни давом эттириб пировардида Каспий денги-зидаги Ашур оролига үрнашади. Бу ерда у қаттиқ ка-салга чалиниб, 1220 йил декабрда оламдан үтди. У жон бериш олдидан ўғли Жалолиддинни таҳтга ме-росхўр деб эълон қилиди. Султон Мұхаммаднинг қочи-шидан кейин Хоразмшоҳлар давлатини алғов-далғов қилиб турған Султон Мұхаммаднинг онаси Туркон хо-

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 148-бет.

тун 1220 йил марта 22 кишидан иборат Султон Мұҳаммаднинг хотинлари ва ёш болаларини, хазина бойликларини олиб Хоразмни тарк этади. У узи билан бирга кетаёттан катта-кичик қариндошларининг барчасини үлдиртириб мурдасини Амударёга чүктиради. Афтидан улар душман қулига тушмасликлари учун қатл этилган бўлса керак. Туркон хотун йўл юриб Мозандарондаги Илал қальясига жойлашди. Бу ерда мугуллар томонидан асирилкка олиниб Мўгулияга Чингизхон ҳузурига юборилди. Бу ерда 1233 йилда Чингизхон дастурхонидан ортган овқатлардан озиқлашиб хор-зорликда вафот этди.

Шундай қилиб Султон Мұҳаммад ва онаси Туркон хотун биргаликда яқиндагина шарқ дунёсини ларзага солиб турган Хоразмшоҳлар давлатини үзларининг нодонлиги орқасидан душман оёғи тагига ташлаб бердилар. Уларнинг касрига юз минглаб одамларнинг қони тўкилиб, шаҳарлар харобага айлантирилди. Бу борада Кўхна Урганч шаҳри ҳам четда қолмади. Уз ҳолича ташланган Хоразмда тартибсизлик ва үзбошимчалик ҳукм суриб ҳокимиётни бошқарадиган етук одам топилмади. Шу орада Жалолиддин укалари Ўзлигшоҳ ва Оқшоҳлар билан биргаликда отасини дафн этишгandan кейин Хоразмга келишади. Туркон хотуннинг қариндошлари — амирлар Жалолиддинни таҳтга меросхўрлигини тан олмай Туркон хотуннинг укаси Хумор тегинни Султон деб эълон қилдилар ҳамда Жалолиддинга қарши суиқасд уюштиришга кирищилар. Шу боис Жалолиддин ва Темур Малик биргаликда 300 аскар билан пойтактни тарк этишга мажбур булади. Уларнинг орқасидан йўлга чиққан Жалолиддиннинг юқорида курсатилган укалари мугуллар томонидан үлдирилади. Чингизхоннинг угиллари — Угадай, Чигатой бошгчилигидаги аскарлар Кўхна Урганчни босиб олиш ҳаракатини қизитиб юборадилар. Қаттиқ жангларда кўп одамлар ҳалок этилгандан кейин мугуллар шаҳар ичига бостириб киришга эришдилар. Душманнинг шаҳарни етти ой мобайнида қамалда ушлаб туриши орқасидан аҳолининг ҳаёти жуда оғирлашган эди. Шунга қарамай ҳалқ оммаси ёппасига босқинчиларга қарши жангни давом эттираберди. Абулгозининг асарида курсатилишича мугулларнинг бир гурӯҳи шаҳар дарвозасининг олдида турганда 100 минг кишилик ватан ҳимоячилари у ердан чиқиб, улар ке-

тидан қувган. Пойтахтдан бир чақирим наридаги боғда күп сонли дүшман аскарларига дуч келишиб, шундай қаттық жаңг бүлгәнки, 100 минг кишидан беш-үн киши тирик қолиб шаҳарга қочиб келган. Бу ерда худди Самарқанддаги воқеа юз берган. У ердан ҳам мұгул лашкарбошилар оз сонли аскарларини девор ёнига яқынлаштириб ва бу билан рақибларини жаңгта даъват этиб пистирмадаги күп сонли аскарларининг хужумига мұбтало этилған әдилар. Афтидан дүшман томонидан 100 минг кишилик ватан ҳимоячиларини үлдирилиши шаҳар ахолисини қаттық ваҳимага солған, албатта. Аммо, улар қандай бүлмасин онаортини муҳофаза қилишга жонларини аямадилар. «Мұгуллар, — дейди Абулғози. — Урганчга әлчи юбордилар. Айтдиларким, бизга тобеъ бўлиб эл бўлсангиз, ўзингиз омон бўлиб, ўғлон ва ушоқингиз улжа ва асир бўлмас. Урганч халқи ани қабул қилмадилар ва итоатга буюн эгмадилар. Андин сўнг етти ой-кунда Хоразм лашкари эртадан оқшомгача урушур эрдилар. Мұгуллар Урганч атрофинда манжаниқға (тош отадиган дастгоҳга) тош топмай тутнинг кундаларини кесиб манжаниқға солиб отор әдилар. Ул вақтда мұгуллар хоҳладиларким Жайхунни боғлагайлар, то Урганчга сув бормагай. Жайхунни боғламоқ учун уч минг мұгул боғлар ерга келдилар. Ул ишдин Урганч халқи хабардор бўлиб, келиб уч минг мұгулни ўртага олиб андог урушдиларким, у уч минг мұгулдан бир киши кутулмади ва ҳеч важҳ бирлан мұгуллар Урганчни ола билмадилар.

...(Мұгуллар) лашкарни хоразмийларга рубару қилиб қаттық урушдилар. Аҳирил (мұгуллар) Урганчни олиб маҳалла-маҳаллага ўт қуюб тамом халқни сахрода чиқардилар. Токи юз минг эвлик кишини аҳли ҳунар турур деб олдилар. Жувон-хатун ва ёш ўғлонларни тақи банда қилмаклик учун олдилар. Андин ўзга халқни лашкарига хизмат қилди. Ҳар бир киши (мұгул)га йиғирма тўрт киши тегди ва ҳукм қилдиларким, үлдиринглар. Мұгуллар үлдирдилар»¹.

Демак, мұгуллар ўн минглаб кишиларни жангларда үлдириш билан бир қаторда минглаб ҳунарманд ва бошқа касб эгаларини хизматларидан фойдаланиш мақсадида асирилкка олганлар. Аёлларни зўрлаб ва

¹ Абулғози. Ўша асар, 69-бет.

узаро тақсимлаб ваҳшийларча муносабатда булганлар. Ҳар бир мӯгул аскарига улдириш шарти билан ватан ҳимоячиларидан 24 киши биркитилган. Буларнинг ҳаммаси улдирилди. Урганч учун курашларда ўзбек хотин-қизлари жасорат ва мардликни кўрсатдилар. Бу хусусда таниқли олим Зиё Буниёдов шундай ёзади: «Мӯгуллар Кабилон дарвозаси орқали Гурганжнинг ташқи деворининг ичига кирдилар. Лекин улар аскарлардан ташқари шаҳар аҳолиси — эркаклар ва хотинлар томонидан ташкил қилинган шундай қаршиликка дуч келдиларки, кечга томон улар Танур маҳалласига етиб боргандарига қарамай, шаҳардан бутунлай ҳайдаб чиқарилдилар.

Кейинги куни мӯгуллар яна ўша шикастланган Кабилон дарвозаси орқали шаҳарга ёриб киришга уриндилар, лекин улар Гурин гурухининг аскарлари томонидан улоқтириб ташландилар».¹

Демак, ўзбек аёллари ҳарбий қуроллардан фойдаланишни узлаштирганларки жанг майдонида босқинчиларга зарба беришга қодир бўлганлар. Уларнинг ватанга содиқлиги ва қаҳрамонлиги мӯгул газандаларининг қаҳр-ғазабини қайнатган. Чунончи улар 1220 йил декабрда шаҳарга бостириб кирганларидан кейин аёллардан ҳам ўч олишга киришиб қулоқ эшитмаган жазо усусларини қўлладилар. Улар «Урганчнинг асири аёлларига қип-ялангоч бўлиб утишни буюрдилар ва уларни икки гурухга бўлиб, бундай буйруқ бердилар: «Сизнинг шаҳрингиз аёллари жуда яхши мушткаш жангчилар эканлар. Шунинг учун буюрамиз: иккала гурух аёллари бир-бирлари билан муштлашиб урушсинлар. Бу разил томоша билан кунгил очишиб, мӯгуллар аёлларни бурдалаб ташладилар».²

Шундан кейин мӯгул жаллодлари Амударё суви билан Урганчни чуктириб ҳашаматли бинолар, обод кўчалар, нодир асарларни ўз ичига олган кутубхонани ҳаммасини барбод этдилар. Яқиндагина Шарқнинг порлок юлдузи бўлиб турган машҳур Урганч шаҳари ҳаробага айлантирилди. Унинг ун минглаб аҳолиси улдирилди, асири олинди ва бойликлар таланди. Ур-

¹ Зиё Буниёдов. Ануштегин Ҳоразмшоҳлар давлати, Тошкент, 1998, 192-бет.

² Ўша жойда, 194-бет.

тандаги жангларда таниқли дин пешвоси, аллома Шайх Нажмиддин Кубронинг курсатган жасорат ва қаҳрамонлиги тилларда достон бўлди. У 1145 йилда Хива шаҳрида туғилиб умрини охиригача она юртига сидқидиллик билан хизмат қилди. У ёшлиқ йилларида ёк Эрон, Миср, Шому Ироқ каби мамлакатларга бориб билими ва тажрибасини оширди. У Кубравия тариқатининг асосчиси ҳисобланниб тариқати ва таълимотида ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, муруватлик ва ватанпарварлик сингари фазилатлар уз ифодасини топган. У қатор асарларнинг муаллифи. Чингизхон Шайхнинг обруйини инобатга олиб шаҳар қамалидан ихтиёрий равишда чиқиб кетишини ва унга ҳеч қандай зиён етказмаслиги ҳақида хабар қилади. Аммо Шайхнинг онги ва қалбида она юрт ва ҳалқига муҳаббат ва содиқлик шу даражада барқ уриб турган эдик, таклифни рад этди. Ватан учун жонини тикканлигини ҳам маълум қилди. «Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг овозаси, — дейди Абулғози, — оламга машҳур эди. Ул сабабдин шаҳзодалар (Чингизхон ўғиллари) ҳазрати Шайхга киши юбордилар. Шайх оёқ остида қолмасунлар, углон ва ушоқлари бирлан қалъадан чиқиб келсунлар» деб. Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, мен якка эмасман. Менинг қариндошим ва хизматкорларим бор турур. Шаҳзодалар айтиб юбордиларким, ун киши бирлан келсунлар. Шайх айтдиларким, ундин кўп турур. Шаҳзодалар айтдиларким, юз киши бирлан келсунлар. Шайх айтдилар, юздан кўп турур. Шаҳзодалар айтдилар, минг киши бирлан келсунлар. Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, яхши кунда мен бу ҳалқнинг тамоми бирлан ошно ва дўст эрдим. Эмди ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин, мен бора билмасмен, деди. У маҳалла мӯгуллар ҳазрат Шайхнинг маҳалласига қуюлиб келдилар. Ҳазрат Шайх бир неча мӯгулларни уз қўллари бирлан дарҳол жаҳаннамга юбордилар (узлари ҳам) шаҳид бўлдилар».¹

Бинобарин Шайх уз жавобида ҳалқ билан бир тан бир жон эканлигини англашиб ватан манфаатини шахсий манфаатдан юқори қўйган. Шубҳасиз у ўзининг ҳаётини уйлаб иш юритганида омон-эсон қолиши мумкин эди. Аммо у ҳалқининг бошига ёмон кунлар

¹ Абулғози. Ўша асар, 69—70-бет.

тушган вақтларда хиёнат қилишликни виждони қабул қилмай душманга қарши курашди.

Буюк давлат арбоби ва олим Улугбек ҳам Шайх Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлиги ва жасоратига юқори баҳо берган эди. У шундай ёзган: «Муршиди Аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амири билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширища қотил яловига ёпишди. Дини ҳак, иқлимининг шоҳи ул пийр сарпанжасидан ун забардаст йигит яловни чиқариб ололмадилар. Сайдилар шайхи сарпанжасида коғир яловини куриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳладилар: ялов учини Шайх туғиб, таърих айтдики, вафотим санаси «Шоҳи Шухудо» («Шаҳидлар шоҳи)дир»¹ Шайх Нажмиддин Кубронинг бундай жасорати ва қаҳрамонлиги унинг қалбидаги ватанпарварликнинг ёрқин намунасиdir.

Чингизхон узининг ваҳшайлигини Термизда ва бошқа жойларда ҳам намойиш этади. У қушин билан Термизга келгандан маҳаллий аҳоли қаттиқ жанг қилдилар. Аммо, пировардида, душман ғалаба қилиб, кўп одамларни қиличдан утказади. Шу орада мӯгуллар «бир хотунни үлдиришга олиб келдилар. Ул хотун айтди: «Мени үлдирманглар. Мен сизларга бир яхши дур берайин», деди. Алар дедилар: «Дуринг қайда турур?» Ул хотун айтди: «Дурни юткан турурман, дур қорнимда турур». Мӯгуллар ул хотуннинг қорнини ёриб дурни олдилар. Ул сабабдин ҳеч улук қолмади, тамомининг қорнини ёрдилар»².

Қуриниб турибдики, босқинчилар бир дона дур баҳонасида қанчадан-қанча аёлларнинг ичак-чавогини ағдар-тұнтар қилиб ташлаганлар. Улар Термизни вайрон этиб, кўп одамларни қирғандан сунг Балхга боришиб, обод ва кўркам шаҳарни ҳам ер билан яксон қилдилар. Улар Марв шаҳрини босиб олишда ҳам ваҳшийларча ҳаракат қилдилар. Тулихон бошлиқ мӯгуллар шаҳарга кирғанларида одатдагидек бойликларни талаб қилдилар. Улар аҳолини шаҳардан ҳайдаб мол-мулкни таладилар, сунгра одамларни ёппасига қирдилар. Ҳар бир аскарга 40—50 кишини үлдириш вазифаси юқлатилди. Бу топшириқ дарҳол бажарилди.

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 165-бет.

² Абулғози. Ўша асар, 70-бет.

ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ ТИККАН ЖАЛОЛИДДИН

Жалолиддин 300 киши билан Урганчдан чиққандан кейин Газна шаҳарига боришини ва бу ерда куч түплашни режалаштиради. Аммо у Нисо шаҳрининг атрофига келганды 700 кишилик мұгул аскарлари билан тұқнашади. Икки томон үргасидаги жаңғда душман күчлари тор-мор этилади. Жалолиддин күп ярогаслаша ва бошқа нарсаларни улжага олади. У Нишопурга келиб атроф жойлардаги ҳокимларга бирғаликда мұгулларга қарши курашишни сұраб мактубларни тарқатади. Аммо унға Нишопурда туришлик хавфли бұлыб қолди. Чунки у мұгул аскарлари уни излаб келаёттанлиги ҳақидалы хабарни олади. Шу боис у 1221 йил февраль ойида Фазнага йүл олди. Қандахор атрофидан отасининг қариндоши Ҳирот ҳокими Амин Малик 10 минг құшини билан келиб Жалолиддинга катта ёрдам күрсатади. Шунингдек Ҳалаж қабиласининг бошлиғи Сайфиддин Бұгрөк, Балх ҳокими Аъзам Малик, ағфон лашкарбошиси Музаффар Малик, қарлукларнинг сардори ал-Хасан билан Жалолиддинга құшиладилар. Булардан ташқари Амин Малик деган кимса ҳам үз құшини билан келган.¹

Хужанд жантининг қаҳрамони Темур Малик ҳам Жалолиддиннинг энг ишончли кишиси сифатида фаолият күрсатмоқда еди.

1221 йил баҳорида Жалолиддин Қобул даресининг атрофидағы Валиён қалъасини құршаб турған мұгул аскарларига ҳужум қилиб ва минг кишини үлдириб ғалаба қозонди. Маглубият хабарини олган Чингизхон «узининг тажрибали саркардаларидан бири — Шики Хутху деган кишини 45 минг құшин билан Жалолиддинга қарши юборади. Мұгуллар Жалолиддин құшини билан Парвон деган мавзеда учрашади. Жалолиддин үз аскарларига отдан тушиб, от жиловини белларига bogлаган ҳолда пиёда бўлиб жанг қилишга фармон беради. Икки кун жанг бўлади. Мұгуллар чарчаганидан сўнг Жалолиддин үз аскарларига отта миниб жанг қилишга буйруқ беради. Мұгуллар бардош беролмай қоча бошлайдилар. Жалолиддин бу жаңғда аскарнинг унг қанотини Темур Маликка, чап қанотини Сайфид-

¹ Шихоб ад-дин Мухаммад ан-Насави. Жизнеописание Султана Джалалиддина Манкбурнк. Баку, 1973, С.124—125.



6-расм. Жалолиддин Мангуберди жанг майдонида.

дин Аърақга топшириб, ўзи марказда турган. Энди мұгуллар ҳийла-найранг ишлатишиңа ҳаракат қилиб, ҳар бир жангчи үзини захирада етаклаб юрган оти-нинг устига кигиздан одам шаклида құғирчок ясаб, отта миндириб жангта кирсін деган буйруқ берилади. Эртасига жангда мұгуллар сафи күпайиб, хоразмликтарни вахимага солади. Мұгулларнинг ҳийласини сезган Жалолиддин үз аскарларига далда бериб, душман ҳийласини фош қиласы да үз аскарларини жангга олиб киради. Жалолиддин ҳарбий маҳорат курсатиб, мұгулларни үраб ҳалқа ичига олади. Ҳутху нүен душманга бардош беролмаслыгига күзи еттач, қолган аскарни сақлаб қолиш учун жанг майдонини ташлаб қочади. Жалолиддин жуда күп үлжага эга булади.¹

Жалолиддиннинг душман устидан құлға кириттан ажойиб галабаси шуни күрсатадыки, агар росмана ахиллик ва бирдамлик билан ҳаракат қилинса күзланған мақсаддаға эришиш мүмкін. Аммо, шунга қарамай галабадан кейин лашкарбошилар ўртасида үлжаларни тақсимланишида үзаро жанжал күтарилди. Оқибатда ёрдамға келган афғонлар, ҳалажлар ва қарлуқлар Жалолиддинни ташлаб кетдилар. У ularни тинчтиши ва

¹ Файзиеев Т. Султон Жалолиддин Мұхаммад бин Ховандшоҳ Мирхонд талқинида. «Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди». Тошкент, 1999, 69-бет.

яраштиришга кўп ҳаракат қилди, лекин шахсий манфаатлар ва жоҳиълик устун келиб фойдаси бўлмади. Шундан кейин Жалолиддиннинг ҳарбий кучи жуда заифлашиб душманга қарши курашни давом эттиришнинг имкони қолмади. Бу вақтда Парвондаги мағлубиятдан газабланган Чингизхон Жалолиддинга қарши шахсан ўзи катта қўшин билан йўлга чиқди. Бундан хабар топган Жалолиддин Фазнадан чиқиб Ҳиндистон томонга йўл олади. Орадан икки ҳафта утгандан кейин Чингизхон Фазнани босиб олди. Сунгра Жалолиддиндан ажralиб кетган афғонлар, ҳалажлар ва қарлуқларнинг барчасини қириб ташлади. Чингизхон ҳарбий қисмни Жалолиддинни излаб топиш учун юборади. Бу ҳарбий қисм Фазнанинг атрофидаги Фардиз деган жойга келганда унга Жалолиддин ҳужум қилиб, тор-мор этади. У Чингизхонни катта куч билан келишини англаб, Синд дарёси орқали Ҳиндистонга утиш мақсадида у томонга кетади. У бу ерга етиб келганда Чингизхон катта қўшин билан пайдо бўлади. Шу тариқа Жалолиддин дарё билан душман ўртасида қолади. Бу шиддатли жанг уч кун давом этади. У бир маълумотда 1221 йил 23—25 ноябрда, иккинчисида 1223 йилнинг августида булган. Уни Мирзо Улугбек қуйидагича таърифлайди: «Жалолиддин баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, тотор кофириларидан кўпини ҳалокат тупроғига қоради ва ҳеч бир кулфатсиз жанг қилдики, агар Рустами достон тирик бўлганида, унга булган муҳаббат ёпигини ўз елкасига солган бўларди. Агар кумушттан Исфандиёр бу жангни мушоҳада қилганда, унинг хизматида қуллик лавозимини жону дили билан қабул қилган бўларди... Султон Жалолиддин лашкарининг қалбида етти юзта мард билан бирга мардоналик оёгини ерга маҳкам қўйиб, тонгдан то туш пайтигача қаршилик курсатиб, уларни чапдан ўнгта, ўнгдан чапга қувди ва ҳар бир ҳамлада қанчалаб томонга от чоптирмасин, тупроқни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у Султон Жалолиддиннинг қўлини упган бўларди.

Чингизхоннинг лашкари беҳисоб эди, улар соатмасоат кўпайиб боришарди ва гоҳ-гоҳ кураш майдонини Жалолиддин учун танг қиласар эдилар».¹

¹ Мирзо Улугбек. Ўша асар, 182-бет.

Ушбу сатрларда Жалолиддин қүшинининг анча озлигига қарамай қаҳрамонларча жанг қилиб мұгулларнинг талай қисмини үлдирғанлиги баён этилган. Башқа тарихий манбаларда ҳам Жалолиддиннинг жасорати ва ҳарбий маҳоратига юқори баҳо берилған. Агар унга қүшимча өрдам күчлари келганды бу гал ҳам галабага эришиши турған гап эди. Ҳа, у әлғиз эди, фақат бир неча минг содиқ аскарлари булыб улар «бир томчи» қон қолғунча курашылар. Бу жанг хусусида Мирзо Улугбек сұзини давом эттириб: «Мұгуллар Султон Жалолиддинни (жанг майдонида) құлға туширай деб қолғанларидан кейин Хон Султоннинг үгли Ахос Малик Султон Жалолиддин отининг жиловидан тутиб, орқага олиб чиқди. Султон юраги гирен, кузлары нигорон булыб, болалари ва үгиллари билан минглаб дарду фирог ила видолашиб, қора түриқ отини миниб, мұгулларнинг беҳисоб қүшинига яна ҳамла қылды. Уларни орқага суриб ташлаб, сұнг жиловни орқага тортды. Советини елқадан ташлаб, чатрини құлға олди, чубини ерга отиб, отига қамчи босди. Синд дарёси қирғоғидан то узан (сув)гача үн газдан ортиқроқ эди. У отни дарёға ҳайдади. Лашкардан бир тұдаси унга әргашған эди, мұгулларнинг үқидан, йүқлик деңгизига гарқ булди... Айтишларича, сувда қатл этилған мурдаларнинг күпчилигига шу даражада үқ теккан эдикі, сув үликтарнинг қони билан қипқызыл булыб кеттән эди».¹ Жалолиддин дарёдан соғ-саломат сүзіб нариги қирғоқда дам олаёттанды одамларидан етти киши сувдан чиқиб, унга қүшилади. Жалолиддиннинг моҳир лашкарбошлиғи, жасорати ва мардлігі шахсан Чингизхонни лол қолдирған эди. У унинг шаънига мақтөв сұзларини изҳор этиб: «Отадан дунеда ҳали бундай үгил түгілмаган. У саҳрода шер каби голиб жангчи, дарёда эса наҳанғ (акула) каби ботир. Қандай қылсарының, ҳали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазои қадар қарышыса құдрат қулинини (мардана) очди. Мардлик билан ундан (қазо) құтулиб бұлмайди». У үгилларига юзланды ва деди: «Отага шундай үгил зарурки, у иккі гирдөб — олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди».²

¹ Уша асар, 183-бет.

² Уша жойда, 183—184-бетлар.

Шуни айтиш лозимки, Жалолиддиннинг оила аъзолари ҳам жасорат ва мардлик, ватанга содиқлик на-муналарини курсатди. Уша Синд дарёсининг киргогидаги жангда Султон Жалолиддиннинг 7—8 яшар ўғли асирикка олиниб Чингизхон ҳузурида ўлдирилган эди. Унинг онаси, хотини ва бошқа аёллар душман қулига тушгандан кўра ўлганимиз яхши дейишиб, дод-фарёд билан узларини дарёга чуктирилишини Жалолиддиндан ёлвориб сурасди. Ҳақиқатан ҳам уларни душман қулида улишлари турган гап эди. Буни яхши билган Жалолиддин қатъий талабларга биноан дарёга қайгу-алам билан чуктиради. Маълум вақтдан кейин дарёдан омон-эсон сузиб чиққан 4 минг аскарлари Жалолиддинга қўшилди. Шунингдек жангда тирик қолиб, дарёдан утган лашкарбошилар — Қулбарс Баҳодир, Кабкух, Саъдаддин Али аш-Шаробдорлар келишади. Бу катта хурсандчиликни уйғотиб, бамисоли онадан янги тугилгандек булишган. Жалолиддиннинг кейинги фаолияти Хиндистонда кечди. У бу ерда уч йил мобайнода унга қарши бош кутарган айрим маҳаллӣ ҳокимлар бошчилигидаги аскарларга зарба беради. Ҳамда уз мавқеини анча мустаҳкамлаб олади. Бироқ унга қарши кучларнинг зўрайиши орқасидан Эронга йўл олади. Бу ерда у Хоразмшоҳлар давлати номидан ҳукмдорлик қилаётган укаси Гиёсиддин Пиршоҳни қаршилигини енгиб, узига бўйснидиради. Қарийб бутун Эронни эгаллаган Жалолиддин Озарбайжонни ҳам қўлга олишга ҳаракат қилди. Натижада у бу мамлакатни бўйснидириб, Хоразмшоҳлар давлатининг бу ердаги илгариги ҳукмронлигини тиклайди. Табриз шаҳари бу давлатнинг пойтахтига айлантирилади. Шунингдек Жалолиддин тўрт йил мобайнода Тифлисда ҳукмронлик қилиб Хоразмшоҳлар давлатининг мавқеини анча оширади. Бутун умри хавф-хатар ва жантларда утиб, тинчлик ва хотиржамликни билмаган Жалолиддин 1231 йил 16 августда Курдистон тогида бир курд кишиси томонидан ўлдирилади. Бу хусусда таниқли Туркия олими Ойдин Тонарий шундай ёзади: «Султоннинг улеми түгрисида тарихчилар берган маълумотлар аксарият бир-бирига ухшашдир. Фикримизча бу масалада Насавий билан Жувайнининг маълумотлари энг түгрисидир.

Мўгулларнинг 15 суворийси Султонни таъқиб

қилишга тушди. Улардан иккитаси унга етиб олди. Султон бир ҳамлада уларнинг икковини ҳам үлдирди ва яна қочди. У баланд тоқقا тирмашди ва қароқчи курдларга дуч келди. Курдлар уни үлдирмоқчи бўлганларида Султон уларнинг бошлигига: «Мен Султонман. Мени үлдиришга шошилманг. Мени ё Малик Музаффар Шаҳобиддин хузурига ёки мени улкаларимдан бирiga олиб бор, сени амир қилиб тайинлайман», деди. Қароқчилар бошлиги иккинчи таклифни қабул қилди ва Султонни ўз овулига олиб кетди. Сунг у Султонни хотинига топшириб, от топиб келиш учун кетди. Бироқ кўп утмай найза кутарган бошқа бир курд кириб келди ва хотиндан: «Бу хоразмлик ким? Уни нега үлдирмаяпсизлар?» деб суради. Хотин: «Хужайним унга омонлик берди. Чунки у Султон эканинин сўзлади», деди. Курд: «Бу гапга қандай ишониш мумкин? Улар Охлатда бундан ҳам азироқ укамни үлдирдилар», деди ва бир найза зарби билан Жалолиддинни үлдириди.

Орадан бир оз фурсат ўтгач, Майафориқин ҳокими Малик Музаффар тоқقا одам юбориб Султонга тегишли нарсаларни, оти, эгари, машҳур қиличи ва бошидаги кокили (тилсимли)ни олдириди. Жалолиддиннинг яқинлари бу нарсалар Султонники эканлигини тасдиқлади. Малик Музаффар Жалолиддиннинг жасадини Майафориқинга келтириб дафн қилдирди. Бироқ бу ерга кумилган бошқа купгина улуг одамлар сингари Жалолиддиннинг қабри қаерда эканлигини аниқлашни иложи булмади.

Жувайнининг ёзиичи, Жалолиддин Амид тоглагрига чиқиб олгач, тунаш учун чодир тиклаган. Курдлардан ташкил топган бир гурӯҳ кишиларнинг қимматбаҳо кийимларини тортиб олиш учун «нима қилаётгандарини ва қандай инсон эканлигини билмасдан» Султоннинг кўксига ханжар уриб үлдирдилар.¹

Жалолиддин вафоти Туркистон, Эрон, Ағонистон, Ҳиндистон ва Кавказдаги барча мўгулларга қарши халқлар учун ниҳоятда катта йўқотиши хисобланди. Чунки унинг асосий мақсади уларни ва мусулмон динини мўгуллардан ҳимоя этишдан иборат эди. Шунинг учун у курсатилган мамлакатларда кўп мингли

¹ Ойдин Тонарий. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. Тошкент, 1999, 57-58-бетлар (Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси).

қүшинни ва курашни ташкил этишга эришади. Ваҳоланки у Хоразмдан бор-йўги 300 киши билан чиқиб кетган эди. Аммо Жалолиддин хорижий мамла-катларда икки томонлама, яъни мӯгулларга ва мухоли-фатдаги кучларга қарши тинимсиз жанг қилди. Бу кучлар кўпроқ шахсий манфаатларини ўйлаб ва но-донлик қилиб Жалолиддин олиб бораётган озодлик курашларига катта зиён келтирди. Жалолиддин бу ута зарарли ҳаракатларни бартараф қилиш йулида кўп ас-карлари ва маблагини йўқотди. Бу ҳолат мӯгулларга қарши курашга салбий таъсир этиб уларни галабаси учун кенг имкониятларни яратди. Жалолиддин ўлимидан кейин мӯгулларга қарши курашни моҳирлик билан бошқарадиган ҳукмдор ёки лашкарбоши куринмади. Натижада 1258 йилда халифаликнинг пойтахти Багдод мӯгуллар томонидан эгалланиб вайронага айлантирилди. Кўп ёшу-қари кишилар ҳалок этилди. Ваҳоланки, халифалик ўз вақтида Чингизхонга хат юбориб, Хоразмшоҳлар давлатига қарши уруш очишга чақирган эди.

Жалолиддиннинг замондошлари унинг озодлик курашига юқори баҳо берган. Чунончи, Зиё Буниёдовнинг маълумотларига кура қотил курдлар Жалолиддиннинг қимматли безаклари ва эгар-жабдуқларини олишган. Улардан бири унинг либосини кийиб ва куролларини ўзига осиб Амид деган жойда гердайиб юрганда Жалолиддиннинг яқинларидан бири Майафориқиннинг ҳокими Ал-Малик ал-Ашрафга маълум қиласди. Бу кишини Жалолиддинга нисбатан душманчилиги бор эди. Аммо, у адолат юзасидан унинг бевакт ўлимидан қаттиқ қайгуради. У қотил курдни ўлдириш, у яшаётган қишлоқ аҳолисининг барчасини қириб ташлаш ҳақида кўрсатма беради.¹ Жалолиддиннинг либослари ва қуролларини топтиради. У ҳузуридаги кишиларга дейди: «Сиз мени уни ўлеми билан табриклаяпсизларми? Бироқ сиз бунинг самарасини йигасиз, чунки Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати мӯгулларнинг ислом ерларини истило қилишларини англатади. Энди биз билан йаъжуҷ ва маъжуҷ уртасида девор булиб турган Хоразмшоҳлардек бирор кимса йўқ.»²

1. Зиё Буниёдов. Уша асар, 235-бет.
Уша жойда, 236-бет.

Дарҳақиқат мұғул босқинчилариға қарши курашицда Жалолиддинга тенглашадиган күзға ташланмади. Шунинг учун ҳам унинг вафотидан сунг шоншұхрати сұнмади. Ҳатто уни үлдирилмаганлиги ҳақыда овозалар көнг тарқалди. У ҳақда афсоналар туқылди. Ойдин Тонарийнинг күрсатишича, Жалолиддиннинг дарвешлар орасыда сүфий кийиміда турли мамлакатларда юрганлиги ҳақыда сұзлар тарқалған. Ироқи ажам ҳокими эса бу гапларни инобатта олиб Жалолиддинни қидиртирган. 1236 йилда Мозандарон миңтақасыда бир киши үзини Жалолиддин деб құзғолон кутаради. У Жалолиддиннинг озодликни рамзи ҳисоблаб мұгулларға қарши құзғолон үштірган, албатта. Аммо у фош этилиб, мұгуллар томонидан осиб үлдирилди. 1254 йилда Амударе бўйида бир киши үзини Султон Жалолиддин эканлиги ҳақыда гап тарқатади. У қўлга олинади, лекин умрини охиригача уз сузидан қайтмади.¹

Шундай қилиб Султон Жалолиддиннинг мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида донғи олам үзра таралди. Бу йўлда унинг ҳәёти ва жүшқин фаолияти гоятда хавф-хатарли, мураккаб ва үзаро зиддият ва курашлар шароитида кечди. У хотиржамлик ва осойишталиктин кўрмай у мамлакатдан бу мамлакаттага, у шаҳардан бу шаҳарга, чўлу, тогу-тошлар бўйлаб кезиб юришга мажбур бўлди. У барча қийинчиликлар ва азоб-уқубатларни, ҳатто улимни бўйнига олиб турли ҳалқларни Хоразмшоҳлар давлатининг байробги остига бирлаштириш учун тинимсиз курашди. Бундан кўзланган асосий мақсад уларни мұгулларнинг тажовузи ва ҳукмронлигидан холи этиб, мустақиллик ва озодликни таъминлашдан иборат эди. Зеро, у ўзбеклар, эронликлар, хиндлар, озарбайжонлар, афғонлар ва бошқа ҳалқларнинг умум манбаатлари учун курашган буюк давлат арбоби ва машҳур лашкарбоши эди. У үзининг олий фазилатлари билан ҳам ҳурмат ва иззатта сазовор бўлган. Шаҳобиддин Насавий уни шундай таърифлайди: «Қорачадан келган, ўрта бўйли, тили буйича турк, лекин форсча ҳам сўйлар эди. Үнинг жасоратига келганда, у шерларнинг шери эди ва отлиқ йигитлар ичидә энг довюраги эди. У юмшоқ эди, жаҳли чиқмас эди ва сўкинмасди ҳам. У жиддий эди, ҳеч қачон кулмасди, фақат жилмаярди ва

¹ Ойдин Тонарий. Ўша асар, 60-бет.

камгап эди. У адолатни севарди, бироқ, у дуч келган суронли йиллар унинг устидан галаба қилди ва унинг фельини узгартирди. У фуқароларнинг ҳаётини осонлаштиришни ёқтиарди, лекин таназзул пайтида бошқаргани учун жабр қилишга борди. Жалолиддин оғир ҳолатларда матонатли эди ва машаққатли синовларда совукқон эди».¹

Демак Жалолиддин юз йилларда бир келадиган том маънодаги давлат арбоби ҳисобланиб, узида олий фазилатларни мужассамлаштирган тарихий шахс булган. У барча эркесвар халқларнинг қалбидаги учмас из қолдирган эди. У билан бир тан, бир жон булиб озодлик йулида жанг қилган минглаб узбекларнинг катта хизматларини ҳам курсатиш айни муддаодир. Улар уй-жойлари ва бола-чақаларини ташлаб мұгулларга қарши 11 йил мобайнида мардонавор курашдилар. Жалолиддиннинг вафотидан кейин улар үз она юртига қайта олмадилар. Чunksи бу ерда мұгуллар ҳукмронлик қымында әдилар. Шу боис улар хоразмликлар номида хорижий мамлакатларда яшашга мажбур бүлдилар. Ватан ва оиласарининг дийдорини куролмай қайту-аламда дунёдан үтдилар.

Жалолиддин вафотидан кейин лашкарбошилари амир Ҳисомиддин Қирхон Маликни таҳтга үтқаздилар. Бироқ у узининг қобилиятсизлиги орқасидан ҳокимиятни ушлаб туролмади. Бебош қолган хоразмликлар Туркиядаги у ёки бу вилоят ҳокимларнинг хизматида булишга мажбур бүлдилар. Улар Миср ва Сурияда ҳам ҳарбий юришларда қатнашдилар. Умуман айтганда вакътлар утиши билан хоразмликларнинг ҳарбий салоҳияти заифлашиб турли жойларга тарқалиб кетишади. Натижада хоразмликларнинг қолдиклари Мисрда, Сурия шимолида, Ирекда ва Анадулининг жануби-ғарбидаги утрок булиб қолдилар. Хоразмликларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Ирекнинг шимолида Мосул ва Қиркүк атрофидаги қишлоқларда яшайдилар, улар ўзларини туркман дейдилар. Анадулида улар ҳурзумлу деб аталадилар ва ҳозирги кунда ҳурзум (Хоразм) деб аталадиган қишлоқларда яшайдилар. Шундай қишлоқлардан саккизтаси Эгей денгизи соҳилида Маниса (Турция) вилотида жойлашган.

¹ Зиёб Буниёдов. Ӯша асар, 237-бет.

Ибн Бибининг хабар қилишича, Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг улемидан сунг унинг амирларидан бири — Сарухон Қуне Султони Аловиддин Кайкубод I нинг хизматига утади. Турк олимларининг тахмин қилишича шу Сарухон Маниса вилоятида ҳукм сурган Сарухонийлар сулоласига асос соглан. Бу сулола 815 (1412) йилгача ҳукм сурган. Хоразмликлар Шарқий Анадулидаги Кушаҳия ва Алашехр вилоятларида утроқлашиб қолган. Уларнинг авлодлари энди Ҳурзум ашираи Увачик, Ҳурзум Алаяка, Ҳурзум Саздаре, Ҳурзум Кесерлар, Ҳурзум Энбелли қишлоқларида яшайдилар.

Булардан ташқари Урфа вилоятида Хоразм деб аталаған уч қишлоқ булиб уларда Суриядан қочган хоразмликларнинг авлодлари яшайди.¹

Шундай қилиб, Жалолиддин бошлиқ минглаб узбеклар мустақиллик ва озодлик учун жонларини фидо айлаб бегона мамлакатларда қолиб кетдилар. Бундай ватанга ўта содиқликни тарих ҳеч қачон унгтрайди.

МАҲМУД ТАРОБИЙ – ОЗОДЛИК КУРАШЧИСИ

Мутул қүшинлари уч йил мобайнида Туркистон заминини қонга белаб ва вайронага айлантириб ўзларининг ҳукмронлигини урнатдилар. Йиллар утиб бораберди, лекин қирғин-баротларни ва вайронагарчиликларнинг даҳшатли оқибатлари ҳамон кўзга ташланиб турди. Шу боис бу гоятда фожеали воқеанинг тилга олмаган бирорта тарихчини топиш амри маҳол. XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг бошларида яшаган Рашидиддин шундай ёзган эди: «Солномаларни ақл-идрок билан үрганиш шу ҳақда гувоҳлик берадики инсон зоти дунёга келгандан буён мұгул қүшинлари томонидан қилинган вайроналар ҳеч бир мамлакатда булган эмас. Чингизхон ва унинг авлодларига үхшаб одамларни кўп қирган ва кўп мамлакатларни босиб олган ҳукмдорлар ҳеч қачон бўлмаган. Ҳатто, номи чиққан жаҳонгашта македониялик Александр ҳам Чингизхонга тенглаша олмайди. Чингизхон шошмай ҳаракат қилиб кўп халқларни бўйснандирди. Унинг ўғиллари ва сўнгра авлодлари урушиб олинган

¹ Ўша жойда 249—250-бетлар.

ерларни сақлаш билан бир вақтда бошқа мамлакаттарни ҳам босиб олдилар. Босқинчиларнинг уруши жараёнида йирик шаҳар ва вилоятларнинг ахолиси шу даражада кўп улдирилдики, тирик қолганлар озчиликни ташкил этди. Масалан, Туркистон, Балх, Шабурган, Таликан, Марв, Сарахс, Хирот, Рай, Ҳамадон, Қум, Исфаҳон, Мараг, Ардабил, Барда, Гянджа, Багдод, Мавсил, Ирбил ва бошқа бу шаҳарларга тегишли вилоятларда шундай фожеа содир бўлган эди.¹ Мугул қўшинлари кўп ўтиб турган вилоятларда эса одамлар кўп улдирилди ёки улар қочиб жон сақладилиар. Гуар жойлари эса култепага айлантирилди. Ҳозирда фақат ундан бир қисм жойлардагина ободончилик ва бунёдкорлик кўзга ташланмоқда. Тұгри айрим жойларда сунъий сугориш, бозорларни ва шаҳарларни тиклашга ҳаракат қилинмоқда, лекин бу ишларнинг охирига етказилмаганлиги гувоҳи булиб турибиз. Бордию кўрсатилган ишлар ниҳоясига етказилганда ҳам вайрона булиб ётган жойларда солиштирилса ҳеч нарсага арзимайди.² Дарҳақиқат Туркистон ҳудудида шаҳар ва қишлоқлар узларининг асл ҳолига келмаган эди. Бу камдек мугул ҳукмдорларининг зулми ва талон-тарожи тобора кучайиб бора берди. Маълумки улар кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлғанликлари учун давлат бошқаруви буйича билимга ва тажрибага эга бўлмаганлар. Шунинг учун улар маҳаллий юқори табақанинг сотқин гуруҳларига таянган ҳолда иш юритдилар. Ҳусусан, Чингизхонга катта ёрдам берган Маҳмуд Ялавоч Мовароуннаҳрнинг бошқарувчиси этиб тайинланди. Бу киши Хўжанд шаҳрини узига пойтахт этиб, босқинчиларга сидқидиллик билан хизмат қиласи. У шу даражада бойиб кетган эдикি, улкан олинадиган солиқ ва бошқа толовларни олдиндан босқинчиларга уз ҳисобидан тўлаган. Сунгра йил давомида солиқларни ошиғи билан уз фойдасига йиғиб ола берган.

Маҳмуд Ялавочнинг ихтиёрида мўгуллардан ташкил топган ҳарбий қисмлар булиб, улар бутун улка халқини уз сиртмогида ушлаб турғанлар. Уша ҳарбий қисмларнинг таъминоти халқнинг зиммасига юклатилган эди.

¹ Рашидиддин. Сборник летописей, том 3. М., 1946, С.308—309.
² Уша жойда.

Хуллас, мұғулларнинг ҳұмроңлығы моддий ва маънавий қашшоқликни, адолатсизлик ва зұравонликтен келтиреди, холос. Агар халқ мана шундай мисли күрілмаган оғир ҳаётта қарши бош күтарса юқорида таъкидланған фожеаларнинг тақрорланиши турған гап эди. Аммо халқнинг эркесварлығы устун келиб құзғолон күтарди. Бунга Бухоро яқинидаги Тароб қишлоғида әлакчилик касби билан шуғулланувчи Маҳмуд Таробий башчылық қылды. У жамоа ахлиға шундай деди: «Эй адолат ҳимоячилари! Нима учун курашни кутишимиз ва кечиктиришимиз керак, мамлақатни гайдиңдер (мұғуллар)дан озод этиш зарур. Ҳар ким дархол қуролланиб ишга киришсин!» Халқ оломони бу чақириқни тұла қувватлаб құлларига нима түшсі шулар билан қуролланиб, шаҳарға бостириб кирдилар. Улар бу ерда ҳокимият саройини әгаллади-лар. Құзғолонни уюштиришда таниқли олим Шамсиддин Маҳбуби фаол қатнашади. У мазлум халқни курашга дағыват этиб Маҳмуд Таробий билан бирға құзғолонга башчылық қылади. Күн сайин құзғолонга құшилған деңқон ва ҳунармандларни сони ошиб борди. Улар босқынчилар хизматини қилиб бойиган кишиларни үлдірділар ва мол-мұлқини таладилар. Шаҳар маъмуритининг вакиллари құзғолон ҳақида Хұжанддаги Маҳмуд Ялавочға ёрдам сұраб чопарни юбордилар. Шунингдек Маҳмуд Таробийни яширинча үлдіриш режасини тұздилар. У бундан хабар топиб, хавфсизликни таъминлаш мақсадида шаҳарнинг биқинидаги Абу Хафас номли тепаликка үрнашади. Бу ерда унинг атрофига узоқ-яқын жойлардан келган күп одамлар жипслашади. Сунгра у катта күч билан шаҳарға келиб ҳокимият саройига үрнашиб нұғузли кишиларни ҳузурига таклиф этади. Бу вактда унинг мавқеи шу даражада кучайыб кеттеган әдіки, рухонийларнинг сардори Бурхониддин Маҳмуд Таробийға халифалық ҳокимияти ваколатини беради. Бу билан унинг ҳокимияти расмийлаштирилған эди. Шундан кейин Маҳмуд Таробий мұғулларнинг хизматидаги нұғузли кишиларни үлдіртиради, мол-мұлқини талатади. Ҳамда халқнинг, хусусан камбағалларнинг манфатини күзлаб иш юритади.

Маҳмуд Таробийнинг жазосидан қочиб күтилған маҳаллий юқори табақа вакиллари Карманага боришиб, мұғуллар билан бирғалиқда ҳарбий тайөргарлик-

ни күрадилар. Уз навбатида Маҳмуд Таробий ҳам душманга қарши жангта тайёрланмоқда эди. Шу орада шаҳар атрофидағи қишлоқларнинг аҳолиси болта, кетмон ва бошқа нарсалар билан қуролланиб, қузголончиларга қүшилдилар. Күп үтмай қузголончилар билан мұгуллар қушиналарининг уртасида қаттиқ жанг булиб 10 минг киши үлдирилди. Аммо жангда Маҳмуд Таробий ва Шамсиддин Маҳбуби ҳалок булдилар. Натижада қузголончилар үзларининг мохир бошлиқларидан жудо булишиб оғир ахволга тушиб қолдилар. Маҳмуд Таробийнинг укалари — Мұхаммад ва Али қузголон раҳбарлығига үтказилди. Бирок улар қобилиятсиз кишилар булиб чиқдилар. Бу қузголончиларга салбий таъсир күрсатди. Ұша күрсатылған жангдан бир ҳафта үтгандан кейин Илдиз нүён ва Чақан күрчи бошчилигида катта қушин Бухорога келиб қузголончиларга қарши хужум қилади. Ҳар икки томон уртасида даҳшатли жанг булиб қузголончилардан 20 минг киши үлдирилди. Бунчалик күп сонли кишиларнинг үлдирилиши қузголонни гоятда кенг кулоч ейғанлигидан далолат беради. Бу ерда фавқулодда үлдирилмай қолган ёки қочған кишиларни ҳисобға олсак у вақтда қузголончиларнинг сони яна бир неча мингта күпаяди. Уруш пайтида Маҳмуд Таробийнинг иккита укаси ҳам үлдирилади.

Қузголоннинг күтарилиши ва душманга қарши олиб борилған қаттиқ жанглар үзбек халқининг мустақиллик ва озодлик гоясинаңнинг маҳсули ҳисобланған. Бу гоя мұгул ҳукмдорларининг ваҳшиәна қирғини ва вайроналарига қарамай үзининг куч-құдратини намойиш этған эди.

АМИР ТЕМУР – ХАЛҚ ХАЛОСКОРИ

XIV асрнинг 50—60 жылларида үлкәда парокандалик авж олиб көнг мәхнаткаш омманиң ақвони янада ёмонлашды. Шундай шароитта Темур сиёсий майдонға чиқди ҳамда ватан мустақиллигини тиклаш учун у ниҳоятда машаққатли ва хавф-хатарлы йүлни босиб үтди. Шуниси дикқатта сазоворки, Темур ёшлигиданоқ ақл-идрокли, жасоратли ва келажаги порлоқ сиймо сиғатида танилди. Үрта аср муаллифи Мавлоно Лутфиллох Нишабурий сүзиге күра Темур 7 ёшлигіда отаси Тарагай билан қариндошлариникiga борган. Бу киши күпдан-күп молларга ва күлларга эга булиб, доимо хавотирикда яшар экан. У Тарагайға дебди: «Худо менга күп молу давлат берди, лекин уни сақлашга ожизман, құлларим сабр-тоқатли эмаслар, фарзандларим салохиятсиз. Шу сабабдан молу-дунейимга нұқсон етмасин деб құрқаман». Темур гапта аралашып дебди: «Эй ота, фарзандларингта молларингни булиб бер ва ундан сүнг уларни үз мол-мұлқларига дахл қылғылғым, улар үз-үзи билан овора бўлсин. Сүнг турк күлларини ҳинд қүлларининг тепасига қўйғылғым, ҳиндларни үз амр-фармонларига бўйсингирсингилар. Кейин ҳар уч құлни улардан ақллироқ бу қүлнинг ихтиёрига топшири. Сүнг уларни ҳар бирини еттитадан амири қил. Кейин етмиш құлга бош булган ана шу етти құлни бир-бираңнинг таъзим ва тасрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан күп сұхбатлашади. Уша киши Темурнинг ақл-заковатига қойил қолиб унинг отасига дебди: «...Сенинг бу фарзандинг жағонга подшоҳ булади, чунки буни унинг шу гапларидан фахмлаб турибман...» Сүнг сиёхдон ва қалам ҳозирлаб уша сұхбатда Темурдан хат ёздирив олдики, бунда «унинг фарзандлари, зурриёди ва яқинларидан хирож олмасин: уларнинг гунохларидан үтсинашар: унинг қавми тархон қилинсин».¹

¹ Тархон — солиқ ва жарималардан тамоман озод этилған киши, йирик, мансабдор тархонлар хоннинг олдига суроқсиз кира олар ва уни устидан түккиз марта жиноят содир бўлмагунча жазога тортилмас эдилар.

Буни қарангки Темур тахтга чиққандан кейин ваъдага мувофиқ ўша бадавлат кишининг авлодларига тархон унвонини беради. Умуман айтганда Амир Темурнинг ақл-идроқи, фаросати, мардлиги ва жасорати юксак адаб-аҳлоқи болалик кезларидаёқ жамоа аҳлига аён бўлган эди.

Мугуллар узоқ вақт давомида оғир солиқлар солиб аҳолини тинкасини қутирганлар. Темур ажнабий босқинчиларнинг шафқатсиз зулми ва азоб-уқубатларининг жонли гувоҳи бўлиб қандай бўлмасин ватанинни улардан озод қилишга аҳд қилган. Буни «Темур тузуклари»да келтирилган маълумотлар яққол курсатиб турибди. Мугул хони Қазағон ўлгандан кейин (1358 й.) Мовароуннаҳрда узаро чиқишимовчилик ва тарқоқлик зўрайди. У ёки бу вилоятдаги мӯгул ҳокимлари яқ-каҳокимлик учун узаро кураш олиб бордилар.

1360 йилда Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳокимиyatининг тепасида турган мӯгул хони Туглуқ-Темур Мовароуннаҳрни бўйсиндириш учун ҳарбий юриш бошлаганлиги маълум бўлди. Бу тўғрисида Темур шундай дейди: «Туглуқ-Темурхон (саркардалари) Бекчик ва Хожибек Эркинит ва улуг Туқтемир Керайт ва Жетенинг бошқа амирлардан уч фавж (қисм) қўшин тузиб, уларни Мовароуннаҳр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборганилиги, ўша уч фавж қўшин Ҳузор деган жойга келиб тушганлиги хабари қулогимга етди. Шунда Туглуқ-Темурхонни бориб куришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дуне билан алдаб Мовароуннаҳр вилоятини қатлу горатдан кутқариб қолишга қарор қилдим. Тилга олинган амирларни кўрганимда уларни ҳайбатим босди шекилли, кўп хурмат курсатиб, мени ортиқча сийладилар... Совға-соврин йўсинда уларга берилган ҳар турли тансиқ моллар кўзларига кўп куринди ва Мовароуннаҳрни босиб олиш ва талон-тарож қилиш нијатидан қайтдилар. Сунг тўғри бориб Туглуқ-Темурхон билан куришдим. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, (салтанат ишларида) мендан кенгаш сўради. Курсатган кенгашларимни тўғри деб топиб қабул қилди. Шу аснода Туглуқ-Темурхонга хабар келтирдиларким, (юқорида айтилган) уч фавж қўшин амирлари, ерлик халқдан нақд пул совринлар олиб, улар билан келишмишлар. Хон шу ондаёқ мол-мулк ва нақд пулларни қайтариб олиш учун одам тайин қил-

ди ва амирларни бундан буён Мовароуннахрга боришларини ман этди. Мансабларидан бушатди. Уринларига Хожи Маҳмудшоҳ Ясавурийни тайин қилди.

Бу ҳақда амирлар хабар топгач, душманлик байрогони кутариб, юртларига қайтиб келдилар. Йўлда хоннинг девон бегиси ва бош маслаҳатчиси Үғлонхўжани учратдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб Жете томон юзландилар.

Айнан шу вақтда Туғлуқ-Темурхоннинг Дашти Қипчоқдаги амирлари ҳам исён тигини кутаргани ҳақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди. У мендан маслаҳат суради ва Жете тарафига қараб йул олди. Мовароуннахрни эса менга қолдирди ва бу хусусида ёрлиги аҳднома ёзib берди. Амир Қорочор нуенning Мовароуннахрдаги туманини ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача ерга ҳукмрон бўлдим. Давлат, ва салтанатимнинг бошланишида энг олдин қилган кенгашиб шул эди».¹

Куриниб турибдики, Темур мўгулларни очкўзлиқда ва бағритошлиқда айблаб, аҳолини уларнинг талон-тарожидан озод қилишни мақсад қилиб қўйган. У билимдоњлик ва тадбиркорлик билан иш юритиб уз мақсадига эришган ва ҳокимиятни қўлга киритган. У бу вақтда 26 ёшда эди. Бироқ, Темурнинг ҳокимлиги узоққа чўзилмади. 1361 йилда Туғлуқ Темур Мовароуннахрга қўшин тортиб келиб, ҳокимиятни Темурдан олиб ўз ўғли Илесхўжага берди. Темур эса бош кўмандонлик вазифасига тайинланди. Шундан кейин мўгулларнинг зулми ва зуравонлиги янада кучайиб кетди. Улар ислом динини ҳам оёқости қилдилар.

Уларнинг ҳукмдорларини талай қисми сиртданги на динга ўзларини мойиллигини намойиш этиб, амалда будда динига содик булиб қолавердилар. «Темурнома»да ёзилишича Амир Қазагон (1346—1358) 40 кун ичидаги юзлаб муллаларни ўлдириб дин пешволарини жазолаган. Уни мактаб ва мадрасаларни харобага айлантириши орқасидан ўқувчилар тарқалиб кетганлар. Манбада динни ачинарли ҳолати ҳақида қуйидаги байт келтирилади.²

¹ Темур тузуклари. Тошкент, 1991, 18-бет.

² Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. Тошкент, 1991, 106-бет.

*Қизил қон бұлуб мавжы түфөнлар,
Шаҳид үлділарким азиз жонлар.
Кетуб арбоби дин, чу исломдин,
Алар ичра тушти ажасб кибру кин.
Жалойи ватан бұлды устодлар,
Дин ахли хафадур, куффор шодлар.
Калисою бутхоналар зеб илан,
Беріб неча оройу тортиб илан,
Бұлуб мадрасаю масжид хароб,
Мусулмон паришону ҳайрон соб,
Шариат чироги қолибдур үчиб,*

*Шариатнинг талаби ҳар ён қочиб,
Мусулмон барисиғаму қайғуда,*

Қазагоннинг ислом динига нисбатан душманлиги халқнинг нафратини құзгаттан. Хусусан, Бухоро ахли «бизлар ярог ва аслаха олиб, жонимиздан кеңдүк, золим ила жанг құлтурмиз» — дейишиб бош күттарғанлар. Оломон орасидан Иноқ исмли киши Қазагонга тош отиб бошини ёрган. Буни орқасидан у үлганлиги ҳақида маълумот мавжуд. Босқингчилар мол-мулжаларни талаш ва одамларни үлдиришдан ташқари нуфузли кишиларни асирикка олган. Масалан, улар томонидан етмишга сайдид ва сайдзодалар олиб кетилған эди.

Темур уларнинг зулмiga қарши курашиб, сайдларни, мазлумларни золимлардан халос қылған. Унинг бундай ҳаракатлари аҳолининг барча тоифаларини фикри-зикрини ифода этарди. Шунинг учун ҳам улар озодлик курашида Темурға катта умид ва ишонч билан қарадилар.

«Мовароуннарх аҳолиси менинг бу ишимдан хабар топиши биланок, — деб әзади Темур, — тезда (мүгулларга) хужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирдилар. Чунки уларнинг қалби золим (мүгуллар) тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннархнинг аҳолисининг каттаю-кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса (Мугулия) тоифасини даф қилиб йүқотищ ҳақида фатво ёзіб бердилар. Улус амирлари ва құшин бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қүшилиб, бизга бирлашдилар. Бу түргида ёзған аҳднома ва фатволарнинг нұсқаси бу эди: «Түрги йұллық халифалар, Аллоҳ таоло уларнинг жамисидан

мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннахрдаги бутун аҳоли ислом, си-поҳу раият ёхуд уламо-ю машойих бўлсин, Амир Темурга иззату-икром курсатиб, уни Амир Темур Қутби салтанати Олий деб атасинлар ва уни Аллоҳнинг (ердаги) кудрати — салтанат таҳтига лойиқ кўрсинаш. Мусулмонларнинг ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қулини чузган (мўгуллар) тоифасини даф қилишида ва умуман йўқотища Темурга (ердамлашиш учун) ўз мол ва жонларини (аямай), тиришиб ҳаракат қилсинаш. Биз ўз аҳду-байъатимизга содик қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсанк Аллоҳнинг қудратию-қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон кудрати ва ёрдами йулига кирган бўлайлик». Бу фатвони менга кўрсатгандаридан кейин жанг-жадал байрогини кўтариб, (мўгуллар) устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳаққини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар».¹

Бинобарин, Темур аҳолининг барча тоифалари томонидан ажнабийларга қарши курашнинг рамзи ва сардори сифатида тан олинган эди. Шунинг учун ҳам Туглуқ-Темурхон уни яширинча ўлдириш ҳақида кўрсатма берган эди. Натижада Темур ҳаётини хавф остида қолди. Шу боис у Самарқанддан кетишдан бошқа иложи қолмади.

1361—1366 йилларда Амир Темур айрим мўғул ҳукмдорлари билан муроса қилишга мажбур бўлади. Хусусан у даставвал Туглуқ Темур, сунгра Амир Ҳусайнлар билан ҳамкорликда иш юритади. Айниқса Амир Ҳусайн билан алоқаси қизгин тус олган. Маълумки, у Амир Ҳусайннинг синглиси — Улжаой Турканга уйланиб, қариндошлилик юзага келган эди. Мўгулистон хонлари Амир Темурни ҳам, Амир Ҳусайнни ҳам умумий душмани ҳисоблаган. Бу ҳолат ҳам уларни бир-бирларига яқинлаштирган. Аммо уларнинг мақсадлари бир-бирларига зид эди. Чунончи Амир Темур ҳали етарли ҳарбий кучга эга бўлмаганлиги учун Амир Ҳусайндан фойдаланиб, ашаддий душман Мўгулистонга, хусусан Илесхўжага зарба беришини уйлаган. Амир Ҳусайн ҳам унга таянган ҳолда улкада яккаҳокимликни қўлга киритишини мақсад

¹ Ўша жойда, 20—21-бетлар.

қилиб құйған. Шу тариқа Амир Темур шароит тақозосында күра душманлар билан вақтингчалик муроса қилишни лозим топған.

Ё ОЗОДЛИК, Ё ЎЛИМ!

Мазкур ватанпарварлық рухи билан сугорилған сұзлар 1365 йилда Самарқандда бош кутарған құзғолончиларнинг шиори сифатида жаранглаган эди. Құзғолончилар Сарбадорлар номи билан аталған эди. «Сарбадор» сузи «бош дорға» демектир. Бунинг маңындағы галаба насиб этса озодликка чиқишиликни, бордию мағлубиятта дучор булинса дорға осилишга тайёрликни англатған. Сарбадорлар құзғолонининг арағасыда мамлакатда мұгул шаҳзодаларининг яқ-каҳокимлик учун кураши қызғын тус олиб, ҳаёт ғоятда оғирлашған. Айниқса Амир Хусайн ва Илесхұжа уртасидагы кураш катта талафот ва парокандаликни юзага келтиримоқда эди.

1365 йилда улар уртасида Тошкент билан Чиноз уртасида лойгарчылық пайтида жаңғ бұлды. Натижада Амир Хусайн енгиләди. Бу галабадан руҳланған Илесхұжа Самарқандни әгаллаш мақсадида йүлга чиқади. Бундан хабар топған Самарқанд шаҳрининг ақолиси узининг күчи билан душманға зарба берішливек ахд қиласы. Аммо Самарқанднинг мудофаа де-вори Чингизхон томонидан бузиб ташланиб ҳамон хароба ҳолатда эди. Душман күчи яқынлашиб келәйтгани ҳақида хабар олиниши билан шаҳар майдонига минглаб кишилар тұтпанаған. Бу ерда мадраса талабаси Мавлонзода, пахта титувчилар маҳаллалық Абу Бакр Калавий ва Хурдак Бухорийлар халқнда босқынчиларға курашишга даъват этдилар. Мавлонзода сұзға чиқиб деди: Мусулмон ахли! Ҳозирда гайридинлар — мұгуллар күчли қүшин билан бизларнинг мол-мұлкимизни талон-тарож этиш учун келмоқдалар. Халқдан турли солиқларни үндираёттан ва үзларынинг хоҳишиларича сарфлаёттан ҳокимият вакиллари оғир кунда мусулмонларни ташлаб қочдилар. Айтингларчы, ким ислом динини ҳимоя қилиш учун раҳбарлық ва масъулиятни зыммасында олади?

Жамоа ахли яқдиллик билан Мавлонзоданы үзларига сардор этиб сайладилар. Шундан кейин у халқнан душманға қарши жаңғ қилишшынан қақириб ҳарбий



7- расм. Сарбадорларнинг мұгулларға қарши жангы.

тайёргарликни бошлаб юборди. «Харакатнинг раҳнамолари, — деб түгри ёзади инглиз олими Хильда Ҳукхэм, — мадраса талабаси Мавлонзода, Надоф (пахта титувчи) Абу Бакр барча шаҳар аҳлига мурожаат қилиб, уз ҳимоялари учун жангта отланишга даъват этишиди. Масжид ёнидаги майдонда умумشاҳар мажлиси чақирилиб турлы табақаларга мансуб бүлган үн мингтacha одам йигилди. Мажлисда Мавлонзода шаҳар ҳокимларини құрқоқлик ва очкүзликда айблаб, бошига оғир күн келганида халқни уз ҳолига ташлаб, қочиб кеттеганларини айтди. «Қанчалик катта товон тұламайлик, — деди у — барибир Самарқандни күтқарыб қола олмаймиз. Шаҳарни омон сақлашнинг елгиз йули уз ҳаётимизни ҳимоя қилиб, жангта отланмайды». Шундан сүнг у аслздоларга мурожаат қилиб, «Қай бирингиз дини ислом ҳимоясига бошчилик қилишингиз мүмкин?» — деб сүради. Бирок улар «чүрк» этиб оғиз очишимади. Шундан сүнг у халққа мурожаат қилиб, шаҳар мудофаасини үзи ташкил этажагини айтиб, бу ишда уни құллаб-қувватлашлари лозимлигини илтинос қылди...»¹

Халқ Мавлонзодани құллаб унинг бошчилигида мұгулларға қарши курашишларини баён этдилар. Шаҳарнинг катта-кичик аҳолисининг барчаси кутарынки рұх ва гайрат билан шаҳар мудофаасини мустаҳкамлашга нима зарур бўлса барчасини амалга

¹ Хильда Ҳукхэм. Етти иқлим султони. Тошкент, 1999, 49—50-бетлар.

оширилдилар. Чунончи тор күчаларнинг очиқ томонига тусиқлар қурилди. Бақувват ва жасоратли йигитлар куроллантирилиб вазифалари белгиланди. Уларнинг сони 10 минг кишини ташкил этган. Мавлонзода уч кечаю уч кундуз ухламай қул остидаги ватан ҳимоячиларининг жанговарлигини таъминлашга қаратилган мұхим чораларни күрди. Илесхұжа ва қүшинлари шаҳарни қамал қилиб жангни бошладилар. Мавлонзода уларни тузоққа тушириш учун шаҳарға кирадиган бир күчани очиқ қолдириб, узи 2000 кишилик куролланған одамлари билан пистирмада туради. Мұтуллар хотиржамлик билан уша күчага кираганида пистирмадаги шаҳарликларнинг тұsatдан қилған ҳужумига бардош беролмай минг кишини ыуқотиб чекинадилар. Бошқа маълумот буйича мұгуллардан икки минг киши үлдирилған.¹ Эртаси кунида ҳам мұгуллар ҳужумни әхтиётлик билан қайтардилар. Бирок ғалабага эриша олмай, қамални ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.² Сарбадорларнинг бу ғалабаси катта аҳамият касб этиб, овозаси мамлакат бўйлаб тарқалди. Шуниси кишиларни ҳайратга соддики, яқиндагина Амир Ҳусайннинг кучли қүшинини тормор этган Илесхұжа, одий халқ томонидан шармандаларча маглубиятта учратилди. Ҳатто самарқандликларнинг ғалабаси ҳақида хабарни Амир Ҳусайн ҳам, Амир Темур ҳам мамнуниятлик билан қарши олдилар. Бу вақтда Амир Темур Балхдан Қаршига келиб ҳарбий тайёргарлик кўрмокда эди. Сарбадорлар ҳокимиятни қўлга олиб бир йил мобайнида шаҳарни бошқариб туришди. Бу вақтда «Сарбадорлардан чиққан раҳнамолар шаҳарда ўз ҳокимиятларини мустаҳкам ўрнатиб феодал ҳукмдорлар ва шуҳратпаст амирларни бир четга суриб қўя бошлаган эдилар».³ Ҳақиқатан ҳам улар мұгулларга таяниб бойлик ортирган ва зулмни кучайтирган айрим юқори табақа вакилларини жазолаганлар.

Сарбадорлар динни никоб қилиб ҳаддидан ошган нуфузли кишиларни ҳам жазолаган бўлсалар керакки, уларни «динсиз»ликда айбловчи тухмат сўзлари тарқатилди. Афтидан Амир Ҳусайн үзининг ашаддий

¹ Бартольд В. В. Соч. том 2, часть 2, С.372.

² Уша жойда, уша бет.

³ Ҳизъда Ҳукхэм. Ўша асар, 50-бет.

душмани Илесхўжани мағлубиятидан хурсанд булган бўлса керакки, Самарқандга элчилар билан тўн ва белбоглар, қилич ва ҳокимиятни бошқаришга ваколат берувчи ёрликни жўнаттан. Бу элчи ва совгалар Сарбадорлар томонидан мамнуниятлик билан қабул қилинган. Улар Қаршида истиқомат қилаётган Амир Темурга совгалар юборишган. Уз навбатида Соҳибқирон Сарбадорларга элчисини юбориб маслаҳатларини етказган.¹

Амир Ҳусайн 1366 йил баҳорида Самарқандга юриши олдидан Сарбадорлар хузурига элчи юбориб уларга тўла ишониши ва ҳурмат қилишини маълум қиласди. У Самарқанд ён бағридаги Конигил деган сўлим жойга урнашганда сарбадор бошлиқлари совгалар билан кутиб олади. Аммо Сарбадорлар эртасига Амир Ҳусайн хузурига келишаётганларида унинг одамлари ҳибсга оладилар. Сунгра улар осиб үлдирилади. Шундай қилиб Амир Ҳусайн Сарбадорларга курсатган ҳурмати ва юборган совгалари шум ният билан қилинган сиёсат бўлиб чиқди. У Сарбадорларнинг куч-кудратидан хавфсираб кўзбўямачилик билан уларда ишонч ҳосил қилиш ва тўқнашишни олдини олиш режасини тузган. Унинг бундай қилиши бежиз бўлмаган, албатта. Зоро, Сарбадорлар шахсан Илесхўжага эмас балки умуман мўгулларнинг ҳукмронлигига қарши курашган. Буни яхши тушунган Амир Ҳусайн пировардида Сарбадорларнинг унинг ўзига ҳам қарши курашини олдини олиш учун ҳийла-найранг ишлатиб, Сарбадорларнинг талай қисмини үлдиради.

Айрим олимлар бу ҳодисаларнинг рўй беришида Амир Ҳусайн Амир Темур билан биргаликда қатнашган деб ҳисоблайдилар. Аммо, аслида Амир Темурнинг бундай қилишига ишониш қийин. Чунки барча урта аср манбаларида унинг Мавлонзодани улимдан сақлаб қолганлиги уқдириб утилган.² Соҳибқироннинг бу ишни қилиши табиий ҳол эди. Чунки уни ўзи ҳам мўгулларнинг ҳукмронлиги ва зулмига қарши бўлиб ошкора курашга фурсатни кутмоқда эди. Шунинг учун ҳам Сарбадорлар ўзларининг галабаси хақида даставвал элчи орқали Амир Темурга маълум

¹ Бартольд В. В. Ўша асар, 374-бет.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996, 50-бет.

қилган әдилар. Юқорида курсатилганидек унга совгалар ҳам юборилган.

Куриниб турибдики, Амир Темур Сарбадорлар курашига хайрихохлик билан қараб, уларнинг бош сардорини улимдан қутқариб қолган. «Сарбадорларнинг айрим бошлиқлари билан, — дейди И. Муминов, — олдин ҳам алоқада булғанлиги ривоят қилинади... Аммо Темур билан Сарбадорларнинг айрим раҳбарлари ўртасидаги бу алоқа қайси сабабларга кўра келиб чиққанлиги ҳали тўла аниқланган эмас. Бизнинг фикримизча, мўгул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароуннахрда мустақил давлат тузиш учун олиб борилган ҳаракатлар Сарбадорларнинг айрим раҳбарларини, биринчи навбатда, уларнинг илҳомчиси ва идеологи Мавлонзодани ва Темурни бир-бирларига яқинлаштирган, кўмакдош этган; худди шу сабабдан Сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг асосан биринчи даврида юқоридағи мақсадни амалга ошириш учун Темурни қўллаб-қувватлаганлар, унга ёрдам берганлар»¹.

Мазкур сатрларда баён этилган фикрларга тўла қўшилиш мумкин. Буни қўйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. Чунончи, Амир Темурнинг мўгулларга қарши қаратилган фаолияти уни Эронда юзага келган Сарбадорлар давлати билан дўстлашишга олиб келган. Бу ерда 1337 йилда Сарбадорлар мўгулларнинг ҳукмронлигини ағдариб, ўзларининг давлатини ташкил этган эди. Бу давлат 1381 йилгача, яъни салкам 45 йил ҳукм сурган эди. «Хожа Али Муайяд таҳтда ўтирган вақтда, — дейилади манбада, — Сарбадорлар мамлакати зиёд бўлди: Туршиз, Кўҳистон, Табс ва Киликини босиб олди ва Домғондан то Сарахсгача (булган ерларни) узининг тасарруф тутамига кирилди. Али Муайяд узининг ҳукмронлиги даврида улуг Амир, буюк Соҳибқирон Темур Кўрагон жаноблари билан ҳамжиҳат ва садоқатли бўлди; (Унга) дуст ва хушмуомала да бўлди. Хожа Али Муайяд бир неча бор Амир Вали билан тўқнашди ва уларнинг бир-бирларига душманлиги бениҳоя кучайиб кетди. Амир Вали Сабзавор шаҳрини қамал қилди ва Хожа Али Муайяд улуг Амир Темур Кўрагондан ёрдам, мадад сўради ва Тоту

¹ Муминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туттан ўрни ва роли. Тошкент, 1980, 11-бет.

душмани Илесхұжаны маглубиятидан хұрсанд бұлған бұлса керакки, Самарқандға әлчилар билан түн ва белбоглар, қылич ва ҳоқимиятни бошқаришга ваколат берувчи ёрлиқни жұннаттан. Бу әлчи ва совгалар Сарбадорлар томонидан мамнуниятлик билан қабул қилинганд. Улар Қаршида истиқомат қилаёттан Амир Темурға совгалар юборишишті. Үз навбатида Сохибқирон Сарбадорларға әлчисини юбориб маслаҳатларини етказған.¹

Амир Ҳусайн 1366 йил баҳорида Самарқандға юриши олдиdan Сарбадорлар ҳузурига әлчи юбориб уларға тұла ишониши ва ҳурмат қилишини маълум қиласы. У Самарқанд ён багридаги Конигил деган сұлым жойға үрнашғанда сарбадор бошлиқлари совгалар билан күтиб олади. Аммо Сарбадорлар эртасиға Амир Ҳусайн ҳузурига келишаёттандырыда унинг одамлари ҳибсга оладылар. Сунгра улар осиб үлдирилди. Шундай қилиб Амир Ҳусайн Сарбадорларға курсаттандырылған ҳурмати ва юборған совгалари шум ният билан қилинганд сиёсат булып чиқды. У Сарбадорларнинг куч-кудратидан хавфсираб күзбұямачилик билан уларда ишонч ҳосил қилиш ва тұқнашишни олдини олиш режасини түзган. Унинг бундай қилиши бежиз булмаган, албатта. Зоро, Сарбадорлар шахсан Илесхұжага әмас балки умуман мұгулларнинг ҳукмронлигига қарши курашған. Буни яхши түшүнганды Амир Ҳусайн пировардиде Сарбадорларнинг унинг үзига ҳам қарши курашини олдини олиш учун ҳийла-найранг ишлатыб, Сарбадорларнинг талай қисмини үлдиради.

Айрим олимлар бу ҳодисаларнинг рүй беришида Амир Ҳусайн Амир Темур билан биргаликда қатнашған деб ҳисоблайдылар. Аммо, аслида Амир Темурнинг бундай қилишига ишониш қийин. Чунки барча урта аср манбаларыда унинг Мавлонзодани үлемдан сақлаб қолғанлығы уқдириб үтилған.² Сохибқироннинг бу ишни қилиши табиий ҳол эди. Чунки уни үзи ҳам мұгулларнинг ҳукмронлигиге ва зулмiga қарши булып ошқора курашға фурсатни күтмокда эди. Шуннинг учун ҳам Сарбадорлар үзларининг галабаси ҳақида даставвал әлчи орқали Амир Темурға маълум

¹ Бартолъд В. В. Ұша асар, 374-бет.

² Низомиддин Шамий. Зафарнома. Тошкент, 1996, 50-бет.

қилған әдилар. Юқорида күрсатилганидек унга совгалар ҳам юборилған.

Куриниб турибдикі, Амир Темур Сарбадорлар курашига хайрихоұлқык билан қараб, уларнинг бош сардорини улемдан қутқарып қолған. «Сарбадорларнинг айрим бошлиқлари билан, — дейди И. Муминов, — олдин ҳам алоқада булғанлиги ривоят қилинади... Аммо Темур билан Сарбадорларнинг айрим раҳбарлари үртасидаги бу алоқа қайси сабабларга күра келіб чиққанлиги ҳали тұла аниқланған әмас. Бизнинг фикримизча, мұгул зулми асоратига қарши кураш ва Мовароуннаұрда мустақил давлат түзиш учун олиб борилған ҳаракатлар Сарбадорларнинг айрим раҳбарларини, бириңчи навбатда, уларнинг илхомчиси ва идеологи Мавлонзодани ва Темурни бир-бирларига яқынлаشتырган, күмакдош этган; худди шу сабабдан Сарбадорлар бошлиқлари Темур фаолиятининг асан бириңчи даврида юқоридаги мақсадни амалға ошириш учун Темурни құллаб-қувватлаганлар, унға ердам берғанлар».¹

Мазкур сатрларда баён этилған фикрларға тұла қүшилиш мүмкін. Буни қүйидеги маълумот ҳам тасдиқлайди. Чунончи, Амир Темурнинг мұгулларға қарши қаратылған фаолияти уни Эронда юзага келған Сарбадорлар давлати билан дүстлашишга олиб келған. Бу ерда 1337 йылда Сарбадорлар мұгулларнинг ҳукмронлигини ағдариб, узларининг давлатини ташкил этген зең. Бу давлат 1381 йилгача, яғни салкам 45 йил ҳукм сурған зең. «Хожа Али Муайяд таҳтада үтирган вақтда, — дейилади манбада, — Сарбадорлар мамлакати зиёд бұлды: Туршиз, Кўхистон, Табс ва Киликини босиб олди ва Домғондан то Сарахсгача (бұлған ерларни) үзининг тасарруф тутамиға кирилди. Али Муайяд үзининг ҳукмронлиги даврида улуг Амир, буюк Соҳибқирон Темур Курагон жаноблари билан ҳам жиҳат ва садоқатли бұлды; (Унға) дүст ва хушмуомала да бұлды. Хожа Али Муайяд бир неча бор Амир Вали билан тұқнашды ва уларнинг бир-бирларига душманлиғи бенихоя кучайиб кетди. Амир Вали Сабзавор шаҳрини қамал құлди ва Хожа Али Муайяд улуг Амир Темур Курагондан ёрдам, мадад сұради ва Тоту

¹ Муминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихыда тұттан үрни ва роли. Тошкент, 1980, 11-бет.

номли кишини Самарқандга, Соҳибқирон ҳузурига юборди. Турт ойдан сўнг буюк Соҳибқирон Амир Темур Хурросонга лашкар тортиди. Хожа Али Муайяд Сарахсга улуг Амир Темур Курагоннинг истиқболига борди, сultonлик марҳаматига мушарраф булди. Улуг Амир Темурнинг... унга садоқати воқеъ булди ва Хожа Али Муайяд Хурросон мамлакатини Амир Темурнинг тасарруфига топширди. Узи Соҳибқироннинг мулоzиматига машгул булди.

Ҳикоят қиласидиларки... Хожа Али Муайяд етти йил Соҳибқирон билан ҳамсуҳбат ва унга мулоzим булди. Унинг жиянлари ва бошқа қариндошлари ҳам уша мулоzиматда унга ҳамроҳ эдилар». Бинобарин Амир Темурнинг Сарбадорларни қуллаб-кувватлашига шубҳа йўқ. Шундай экан, нима учун у Самарқандда Амир Ҳусайн Сарбадорларни жазолаётганда унга қарши курашмади деган савол тугилади. Соҳибқирон шароит тақозосига кўра бу ишни қила олмас эди. Чунки Амир Ҳусайн катта куч ва салоҳиятга эга булиб, ҳали унга қарши ошкора курашиши учун Соҳибқиронда етарли имконият бўлмаган. Шу боис у Амир Ҳусайн билан муроса қилишдан бошқа иложи бўлмаган. Шунга қарамай у имкони борича ҳаракат қилиб Мавлонзодани ўлимдан саклашга эришади.

Айрим маълумотларга қараганда Соҳибқирон Сарбадорларни жазоламаслик хусусида Амир Ҳусайн билан баҳслашган. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон билан Амир Ҳусайн уртасида уша масала буйича низо пайдо булган, деган фикрлар мавжуд. «Ҳусайн Сарбадорларнинг бошлиқларини, — деб ёзди инглиз олими, — мудҳиш жиноятларда айблади. Абу Бакр Сарбадорларнинг бошқа раҳнамолари қатори қатли этилибди. Фақат Мавлонзодага шафқат қилишибди — Сарбадорларни дор остига олиб келишганда Темур унинг гуноҳидан утишни сўрабди. Шу иши туфайли Темурга бутун Самарқанд аҳлининг меҳри товланибди. Ҳусайнга эса, аксинча, золим сифатида лаънат ўқишибди... Эҳтимол Темур Сарбадорлар билан, айниқса, уларнинг орасидаги аслзода кимсалар билан яқин алоқа ўрнатгандир. Ҳусайн билан унинг уртасида ана шу Сарбадорларга нисбатан тутилган сиёсат юзасидан

¹ Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент, 1968, 45-бет.

иҳтилоф келиб чиққандир».¹ Бундай фикр шарқшунос олим А. Якубовский томонидан кутарилган эди.²

Хуллас, мустақиллик ва озодликни тиклашга қаратылған Сарбадорлар құзғолони вәхшійларча бостирилди. Бироқ у мұгулларнинг күч-кұдрати ва салоҳиятига қаттық зарба берди. Улар үзларининг иродаси ва билак күчларига қаттық таянған ҳолда кишини ҳайратта соладырылған даражада қаҳрамонона жаңг қилдилар. «Маълум муддат раият (Сарбадорлар), — дейилади манбада, — ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукухисиз бошөек қуролланған гаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мәрдларча курашдылар. Душманга хужум қилишда ва мудофаада шундай матонат күрсатдиларки, ганимларнинг хукмронлиги ва истило қули ул шаҳар ахолисининг номус ва моли этагига етмади».³

Демак Сарбадорлар мұгулларни тор-мор этиб она юртни улардан халос этгандар. Амир Ҳусайн уларнинг галабасидан чүчиб ва ҳокимиятни құлдан кетишидан хавфсираб, Сарбадорларнинг фаол қатнашчиларини үлдириб, Самарқандни әгаллайди.

АМИР ТЕМУР ТОМОНИДАН ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТИКЛАНИШИ

Сарбадорлар томонидан Илесхұжанинг қүшинларини тор-мор этилиши озодлик курашини жадаллаштируди. Бу вақтта келиб Амир Темурнинг мамлакатдаги мавқеи юқори даражага кутарилиб, мұгул ҳукмдорларини талвасага солиб қойған эди. Айниқса унинг үлкада яккажокимлик учун курашаётган Амир Ҳусайн билан алоқаси қызғын тус олди. Эндиликда таҳт учун кураш асосан үша иккى амирлар уртасида авжига ми-ниб борди. Айниқса Амир Ҳусайн Соҳибқироннинг мамлакатдаги обруси ва салоҳияти ошғанлигини англағанда қандай бұлмасин унга зиён етказиши учун ҳеч нарасадан тоймади. Чунончи, 1366 йилда Амир Ҳусайн Амир Темурнинг энг яқин амирларининг мол-мұлкига күз олайтириб күч-кұдратини намойиш этмоқчи булади. Шарафуддин Али Яздийнинг сұзига қараганда у чегараси йүк очкүз ва молпараст бўлган. «Амир

¹ Ҳильда Ҳуссам. Үша асар, 50-бет.

² Якубовский А. Ю. Тамерлан: эпоха, личность, деяния. «Тамерлан», Москва 1992, С.25.

³ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома, Тошкент, 1994, 113—114-бет.

ХАКИҚИДА НЕЖАДИЧАРДА БАЙГАНЫЛЫМДЫРЫЛЫСЫНЫН КРЫМДА
ХОДЖАСЫН РЕПЕСІНДЕРДІН ЖАҢЫЛМАЛЫ ОЛДЫРЫЛЫСЫНЫН



8-расм. Сохибқирон Амир Темур.

Хусайнда, — дейди у, — омадсизлик ва баҳтсизлик-нинг белгилари тобора қулоч ёзib борарди. Чунончи, мағрур подшоҳлар шаънига лойик бўлмаган хирс ва баҳиллик, ваҳшийлик ва очкӯзлик унинг вужудини қамраб олди, ҳамда мол-дуне йигиш ва заҳира тўплашга муккаси билан шўнгид кетди. Аҳвол шу даражага етдики, ҳазрат Соҳибқирон амирлари ва мулоғимлари (молига ҳам) таъма кўзини тикди. Яъни, Амир Жоку, Амир Сайфиддин, Оқбуго, Элчи-баҳодир Давлатшоҳ баҳши номига анчагина (тўлов) маблагини белгилаб, уни ундириб олиш учун солиқ йигувчи тайинлади. Бироқ, улар яқинда (Тошқандаги) «лой жанг» воқеасини бошидан кечирганликлари ва мол заҳиранинг кўп қисми талон-тарож булиб кетганлиги учун у таъма қопини тўлдириш учун мулжалланган маблагни буткул йигиб беришга имкониятсиз эдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг ҳусравона ҳимматиё ердам қулини чўзмоққа тақозо этди ва олтину кумушдан иборат катта (миқдордаги) маблагни, жумладан Маҳди Аъло Улжой Туркан-огонинг билагузук ва исиргасини ҳам, уларнинг тўлов маблаги ҳисобига бериб юборди. Амир Ҳусайн уни кўриб, узининг синглисиники эканлигини таниди. Аммо очкӯзлик хирси шу даражада ёмон булиб кетган эдики, ҳатто ака-сингилилик қадр-қимматини ҳам кўзга илмади ва уларни олишдан ҳайиқмади».¹

Бу ҳужжат шу ҳақда гувоҳлик берадики, икки амирнинг дунёқараши ва одоб-ахлоқида осмон билан ерчалик фарқ мавжуд. Амир Ҳусайндаги ноинсофлик ва очкӯзлик бобоси Чингизхоннинг қонидан утган иллат эди. У узининг шум ниятларини ниқоблаш мақсадида Амир Темур билан бир неча маротаба дўстлик ва ҳамкорлик аҳдномасини тузди. Ҳатто у Қуръони каримни уртага қўйиб узининг чинакам дўстлигини изҳор этди. Аммо «ойни этак билан ёпиб» бўлмайди, дейилганидек унинг душманлиги борган сари юзага чиқиб бораверди. «Амир Ҳусайн, — деб ёзади Соҳибқирон, — салтанатим азимати ва шон-шавкатини кучайланлигини кўргач, унда ҳасад томирлари ура бошлади. Қасам билан қилган аҳд-паймонларини бузиб, менга исён тугини кўтарди. Мен унинг олдига кўп марта (лутф-марҳаматлар курсатиб) бордим, у

¹ Шарафуддин Али Яэдий. Ўша асар, 117—118-бетлар.

бўлса асло қошимга келмади. Бунинг устига сиртдан тақалтуфлар билдириб, аслида хийла-найранг ишлатиб, мендан Қарши қальясини олиб қўйди. Қарши қальясини қуриқлаб туриш учун қўргонбеги амир Мусо бошчилигида етти минг отлик аскар тайнинлади. Кейинроқ у ерга яна қушимча беш минг отлик аскар юборди. Бу билан кифояланмай мени ўлдирмоқчи бўлди».¹ Бу ерда сўз фақат икки салоҳиятли амирларнинг тор шахсий манфаатлари доирасидагина кетаётгани йўқ, албатта. Аксинча илдизи муҳим сиёсий масалага бориб тақалади. Агар Амир Ҳусайн қандай бўлмасин мўгулларнинг ҳукмронлигини ҳалокатдан кутқаришни ўйлаган бўлса, Соҳибқирон ватан мустақиллигини тиклаш учун курашаётган эди. Буни яхши англаған Амир Ҳусайн, аввалам бор Қарши қальясини эгаллади. Маълумки Қарши Самарқанд ва умуман Мовароуннаҳрга кирадиган дарвоза сифатида муҳим стратегик аҳамиятта молик эди. Шунинг учун ҳам уни Амир Темур қулидан тортиб олиб унинг ревжаларига зарба бермоқчи бўлган. У буни яхши тушуниб, қандай бўлмасин уни қайта эгаллашга қаттиқ киришди. Бунга эришмоқ учун жонини тикди дейилса асло муболага бўлмайди. Бу вақтда Қаршида Амир Ҳусайннинг 12 минг кишидан иборат қўшини бўлган бўлса Соҳибқиронда бор йуги 243 аскари бор эди. У фурсатни бой бермаслик учун мана шу жуда оз аскарлар билан жанг қилишга қарор қилди. Низомиддин Али Яздий унинг бу жасоратига юксак баҳо бериб: «Бу паҳлавонликдан ортиқ даражадаги шиҷоат белгиси бўлган хатти-ҳаракат ва баҳодирликдан утадиган довюраклик нишонаси бўлмиш тадбирдир. (Амир Соҳибқирон)... Омуя сувининг буйига етиб келгандан сўнг, уша туннинг узидаёқ шахсан узи қирқ киши билан дарёга от солиб сузиб ўтдилар. Бирор киши бирор жойга хабар етказмасин, деган мақсадда Хастор қишилогини ўраб олдилар. У ердан кемалар олиб дарёning нарига томонига юборди ва лашкарнинг қолган қисми кемада утиб олишди. Уша зафаркирдор юришда хос баҳодирлардан Суюргатмиш-ўглон, дуглат ўмокидан Амир Довуд, у ҳазрат Соҳибқироннинг опаси Қутлук Туркан-огони ўз никоҳига олган эди, амир Жоку барлос, амир Муайяд Орлот, Улҷазратнинг синглиси

¹ Темур тузуклари, 36-бет.

Ширинбек-оғо унинг никоҳида эди, Амир Сорбуғай Жалайир, Ҳусайн-баҳодир, Амир Сайфуддин Нукуз, Аббос-баҳодир қипчоқ, Оқбуғо баҳодир Найман, Маҳмудшоҳ Бухорий мулозимликда ҳозир эдилар».¹

Демак Амир Темур иккита поччаси ва бир гурух атоқли амирлари билан душман эгаллаб турган қалъага яширинча киришга ҳаракат қилганлар. У ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги Фазли (Фазд) қишлоғига келганлар. Сунгра Қарши туманинг маркази Бешкент (Ширкент)га бордилар. Шундан кейин у иккита сағдоши билан Қарши қалъасиning сув билан тўлдирилган зовурига яқинлашди. Бу ерда у зовур устига қурилган тарновидан тизза буйи келадиган сувни кечиб Гузор томонидаги дарвозасигача борди. Бу ерда у девори пастрок жойни куриб нарвонни шу ерга қўйишни курсатди. Шундан кейин орқага қайтди. Сунгра аскарлари билан уша узи юрган йўл бўйича қалъага тусатдан хужум қилди. Улар «ҳазрат Соҳибқирон фармони билан бургу (карнай) чалдилар. Уша ондаёқ сипоҳ билан қалъага ёпирилиб кирдилар ва оломон бақириқ-чақириқлар қилиб ул қурғонни ларзага солдилар. Қарши аҳолиси карнайсурнай (овози)дан кўзидан уйқу учиб, бошини ҳайрат тутуни қоплади ва улкани забт айлагучи Соҳибқироннинг уқи зафар нишонига тегди...».

Ҳазрат Соҳибқирон шаҳар дарвозаси муҳофазасига шахсан узи бошчилик қилди ва Амир Сари-Буғо унинг мулозимлигига эди; Амир Довуд, Амир Муайяд, Амир Сайфиддинларни Хузор (Гузор) дарвозасини эгаллашга буюрди; Суюрг Отмиш-үглон, Амир Аббос, Ҳусайн баҳодир, Оқбуғо ва бошқа амирларни бору ва буржларда² қолдирди. Амир Муайяд Орлот уттиз киши билан дарвоздадан чиқиб, ул интиқом олгучи сипоҳ устига ташланди ва ут ёндирувчи обдор қилич билан мардликлар намойиш этди».³ Шу тариқа Амир Темур үзининг аскарлари билан қалъанинг ичкарисига ўрнашиб олдилар ҳамда душманларни ташқаридан қилинган хужумларига зарба бериб турдилар. Амир Мусо бошчилигидаги етти минглик аскарлар биринкетин маглубиятта учраб ҳар томонга қочишга мажбур

¹ Уша асар, 134-бет.

² Қалъа девори туташган минора.

³ Шарафиддин Али Яэдий. Уша асар, 136—137-бетлар.

бүлдилар. Аммо, Малик-баҳодир бошчилигида беш минглик қўшин Гузор дарвозаси томонида турган. Амир Темур 60 киши билан уларга қарши ташланганда ваҳимага тушиб қочдилар. Шарафуддин Али Яздий жангта якун ясаб ёзади: «Бу Аллоҳнинг чексиз инояти ва поёнсиз марҳамати эрурки, бир киши (Амир Темур)ни уз лутфи ила сарафroz айлаб, унга шу қадар қувват ва шижоат ҳади этадики, у (киши) икки юз қирқ уч сипоҳ билан, мажбурий эмас, балки уз ихтиёрича, ун икки минг қонхур ва қасоскор душман отлиқларга қарши чиқиб жанг қилмоқчи бўлади; етиб келгач, икки кечакундуз ичида улардан қурғонни тортиб олади, аҳли аёлинни асир қиласди, барчасини уқ ёғдирувчи обдор шамшир кучи билан тарқатиб, тузитиб юборди; узи эса от солиб уларни таъқиб қиласди, баҳодирларини қулатади ва асир олади».¹

Амир Темурнинг ниҳоятда оз сонли аскарлар билан кўп мингли душман қўшинига қарши хужум қилиб тор-мор этиши жаҳон тарихида учрамайди. Фалаба шу ҳақда гувоҳлик берадики, шахсан Амир Темурнинг узи бир неча минг қўшинни тор-мор этиш чорасини кўрган эди. Бундай мисли кўрилмаган ҳарбий маҳоратга эга бўлган давлат арбоби ва лашкарбoshi ҳали дунёга келгани йўқ. У шонли галабани кўлга киритгандан кейин бутун қиш бўйи Қаршида яшади. Кейинги вақтларда ҳам Амир Темур билан Амир Ҳусайн қўшиллари уртасида тўқнашувлар бўлиб турди. У тиниб-тинчимай Бухоро, Тошкент ва бошقا жойларда ҳам душманга қарши курашни тұхтатмади.

Умуман айтганда Амир Темур 1366—1370 йилларда Илесхўжа ва Амир Ҳусайнга қарши икки томонлама жанг билан машгул бўлди. Шу орада Амир Темур биринчи навбатда Мўгулистон хони Илесхўжага ҳал қилувчи зарба беришини зарур ҳисоблаб, Амир Ҳусайн билан ярашган ва учрашган вақтлари бўлган. Аммо, Амир Ҳусайнда ҳасадгўйлик ва кўра олмаслик устун келиб қандай бўлмасин Соҳибқиронни йўқотишга ҳаракат қиласверди. Шунинг учун ҳам Амир Темур унга қўйидаги шеърни юборган:

*Ерга еткур сабо, ким макр қилишишdir манғо,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анғо.*

¹ Уша асар, 141-бет.

Аммо Амир Ҳусайннинг Амир Темурга нисбатан душманчилити тобора кучайиб борди. Чунки Амир Темур туфайлигина озодлик курашининг узил-кесил галабаси кутилмоқда эди.

«Амир Ҳусайн, — дейди Соҳибқирон, — мен қулга киритган галаба ва ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичи ни емириб, менга ва ҳарамимдаги ўз синглисига кўп озор берди. У Моварооннахрни мендан тортиб олишга, мени ўлдириб, тахтга ўзи ўлтиришга бел боғлади. Ўртамиизда бир неча бор урушлар бўлиб турган бўлсада барчасида енгилди. Унинг адолатсизлиги, инсофисизлиги чегарадан ошган, мени ентиш ва ўлдиришга оз қолган вақт ҳам бўлди. Айнан шу вақтда кўрслиги, ёмон йўл тутиши туфайли амирлари ундан юз ўгириши».¹

Шундай қилиб, Амир Ҳусайн Амир Темурга қарши курашларда галабага эришолмай борган сари ўз мавқеи ва салоҳиятини йўқотиб борди. Ҳатто, ундан энг яқин сафдошлари бўйсинишдан бош тортидилар. Низомиддин Шомийнинг сўзи билан айтганда «халқнинг ундан кўнгли совиди. Давлат ва мамлакат аҳолиси ундан юз ўтириди».² Амир Ҳусайннинг адолатсизлиги ва зулми халқнинг барча тоифаларини аллақачонлар нафрати ва газабини ўйготган эди. У фақат найрангбозлик ва зуравонлик билан тахтда ўтирган. Уз-узидан маълумки бундай ҳолатни узоқ давом этиши мумкин эмас эди, албатта. Уни айниқса Амир Темурга нисбатан гирромлиги ва хоинлиги халқнинг газабига газаб қушган.

Мұҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан бири Сайид Барака Амир Темурни буюк зафарлар кутаёттанини башорат қилиб, улуг ҳукмдорлик тимсоли ҳисобланган ногора ва байроқни ҳадя этади. Бу түгрида Шарафуддин Али Яздий ёзади: «Маккаи муazzамнинг буюк шарифларидан бири, ўз асрида ер юзи сайидларининг пешвоси, зоти шариф Тоҳа ва Ёсин сараланган шодасининг воситаси бўлмиш нақблар пешвоси, муртазои аъзам, улуғлиги сифат ва унвонларини келтиришга ҳожатсиз олижаноб Сайид Барака ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз, кутилмаганда ул ҳумоюндин манзилда пешвоз чиқди ҳамда

¹ Темур тузуклари, 39-бет.

² Низомиддин Шомий. Уша асар, 79-бет.

салтанат ва подшолик белгиларини англатувчи ногора ва алам (байрок) келтириб, ҳазрат Соҳибқиронга совға қилди. (Сунгра Аллоҳ) кумагидан илҳомланган ҳолда баҳт-саодат сузларини айтиб башорат қушигини каромат пардасида чала бошлади:

*Аллоҳ ҳимояси сенга эрур посбон,
У бошдан бу бошгача сеники жаҳон.
Давлат ногорасин чал, майдон сенингдур,
Бу олам тангрисининг истаги эрур».¹*

Сайийд Бараканинг Амир Темур шаънига айтган сузлари ва башорати фақат унинг ўзини эмас, балки бутун мазлум халқнинг фикри-зикрини изҳор этган эди. Бу вақтта келиб Амир Темур озодлик рамзи сифатида олиму фозилларни, дин пешволарини, амирларни ва халқ оммасининг дикқат марказидан урин эгаллади. Бундан руҳланган Амир Темур узоқ йиллар кутиб келган қулай фурсатни қулдан бой бермаслика аҳд қилиб, ҳал қилувчи жангни бошлаб юборади. У Термиздан уч чақирим наридаги Бүё деган жойга келиб урнашади. Бу ерда Сайийд Барака билан учрашгандан кейин Сурхондарёнинг юқори оқимида жойлашган Чагониён (Денов яқини)га келиб қўшинни тайёрлаш билан шуғулланди. Сунгра Амир Темур Кофарниҳон дарёсининг Амударёга қўйилиш жойидаги ҳозирги Айваж қишлоғига қўнади. Курсатилган ерларда турли жойлардан амирлар қўшин билан келишиб Соҳибқиронга қўшилдилар. Амир Темур Хатлонга, сунгра Амударёдан ўтиб Афғонистоннинг шимолидаги Хулм мавзесига келиб урнашади. Амир Темур юқорида курсатилган жойларда кучли қўшинни ташкил этиб Балхни эгаллаш учун йўлни давом этиради. Унинг қўшинини бир қисми Амир Ҳусайн томонидан юборилган аскарлар билан тўқнашиб қаттиқ жанг қилинди. Душман кучлари мағлубиятта учратилди. Шундан кейин Амир Темур қўшинлари Ҳиндувон номли Балх қатъасини қуршаб олдилар. Бу ердаги даҳшатли жангни Шарафуддин Али Яздий шундай тасвирлайди.²

¹ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар, 201—202-бетлар.
² Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар, 207—208-бет.

**Жаҳонгир ҳамда гардун ҳайбатли шоҳ,
 Тенадан пастга бошлаб келди сипоҳ.
 Ҷумоли чигирткадек сонсиз эди,
 Шаҳару қўргон сари ётирилди.
 Туронгурухдан кўтарилди сурон,
 Кўрқувдан титрап тоф ва дашит ўшал он.
 Отишклар от суриб роса жанг қилди,
 Пиёдалар бир-бираға ташланди.
 Ер торайдию, қора бўлди жаҳон,
 Қуёш титради ва ой қўрқди чунон.
 Найзалар қонидан ер ёзаб борар,
 Пистирма камондан ўлим юборар.
 Қоронғу тушгунча уруш тинмади,
 Бирор киши жангдан қўлин тиймади.**

**Ҳақиқатан ҳам Балх қалъаси учун кураш шу дара-
 жада даҳшатли тус олдики, қонлар бамисоли сув каби
 оқди. Шуниси дикқатга сазоворки, Амир Темур узи-
 нинг ёш угли Умаршайхни ҳам жангта жалб қилган.
 Уша жанг куни «амирзода Умаршайх бор-йуги ўн олти**



9-расм. Темурийлар давридаги жангчилар.

ёшда эканлигига қарамай баҳодирлик бедовини жанг майдонида чоптириб шижаат ва жасорат күрсатди. (Тусатдан), тақдир майдонида бир уқ келиб аёгининг орқасига тегиб тагидан тешиб чиқди. Ул довюрак шаҳзода, ёши кичик булишига қарамай, изтироб чекаётганлигини ҳеч сездирмади¹.

Жанг охирида душманнинг бир ҳарбий қисми қалъани ичидан чиқиб урушни давом эттирилар. Жанг майдони қонга беланиб уликлар уйилиб кетди. Амир Ҳусайн мағлубиятни бўйнига олиб ва тунда қалъадан яширинча чиқиб жомеъ масжид уртасидаги минорага кўтарилиб бекинади. Аммо, у қўлга туширилиб ўлдирилади. Унинг уй-жойлари ва қалъа яксон қилиб ташланди. Иккита ўели ҳам қатл қилинди.

Балхда қўлга киритилган шонли галабадан сўнг 1370 йил 9 апрелда қурултой чақирилди. Унда Амир Шайх Муҳаммад Сулдуз, Амир Кайхусрав Хатлоний, Амир Ўлжоту Апардий, Амир Довуд Дуглот, Амир Сарбуғой қипчоқ, Амир Жоку барлос, Амир Муайяд Орлот, Бадахшон валийси Шайх Муҳаммад, Ҳусайн-баҳодир, Сайид Барака, Термиз хонзодалари — хонзода Абул Маолий ва унинг биродари хонзода Али Акбар ва бошқа кўп нуфузли кишилар қатнашувида Амир Темур Туркистон заминининг ҳукмдори этиб тайинланди.² Шу тариқа буюк Амир Темурнинг кўп йиллар мобайнида жанг майдонларида мазлум халқقا таянган ҳолда олиб борган қаҳрамонона курашлари туфайли мўгуллар ҳукмронлиги қўпориб ташланди. Уша пайтда у 34 ёшли навқирон йигит эди. Мустақиллик ва озодликнинг тикланиши бутун минтақа халқининг умумий байрамига айланиб кетди. Шарафуддин Али Яздий Соҳибқироннинг хизматларини куйидагича ифодалайди: «У олам юзини ваҳшат ва ғам-андух губоридан тозалаб, унинг салтанат ва улугворлик чодирини рубъи маскуннинг гир атрофини қуршаб тиқди; буюклик ва шон-шуҳрат баргоҳининг куббасини эса осмон соябонидан (ҳам баландга) утказиб, тинчлик ва омонлик гиламини ёйди; салтанат асосини тұртта асос — давомийлик, барқарорлик, ҳашамат ва ифтихор узра үрнатиб мустақамлади; шоҳлик тожини иззату шавкат жавоҳирларию ва ҳашамату улугворлик ёқутлари ила қадаб ясатди.

¹ Уша жойда.

² Уша жойда, 218-бет.

Соҳибқирон кўтарди тилла тожни,
 Чарақлатди шоҳликнинг қиличини.
 Шаҳаншоҳлик шукуҳи ила боғлади камар,
 Бутун жаҳон унга бўлди хизматкор.
 Ёмонларнинг ёмонликдан қисқа қилди қўлини,
 Ҳаётнинг ёруғлик сари очди йўлини,
 Темур Тарагай — арслон каби сulton,
 Оламни кезиб чиққан шоҳи жаҳон.
 Шундан сўнг шарқий насаб бўлди ҳукмрон,
 Жаҳонни адл ила қилди навқирон.
 Ер юзини зулмдан бошдин-аёқ,
 Қиличининг суви ювгандада мутлақ.
 Шамишири безарар жаҳон боғидан,
 Офат илдизини қўпорди тубдан.»¹

Ушбу байтда Амир Темурнинг мўгул босқинчиларининг ҳукмронлигини қўпориб, ҳалқни ва ватанини зулм ва ҳўрланишдан озод этганлиги билан яхши ифода этилган. Унда Амир Темурнинг хизмати жаҳон аҳамиятига молик эканлиги таъкидланиб, унинг оламини яшартирганлиги уқдириб утилган. Шунингдек байтда ҳалқнинг Амир Темурга самимий муҳаббати, ишончи ва умиди изҳор этилган.

Дарҳақиқат Амир Темур кўп мамлакат ва ҳалқларни ваҳшиёна мўгуллар ҳукмронлиги зулмидан озод этган эди. Шарафуддин Али Яздийнинг сузи билан айтганда «Ҳеч бир такаллufсиз ва мақтовсиз (айтиш мумкинки), бу қутлуг воқеадан олам ва олам аҳлиниңг ушбу давлат айёмининг давомлилигига ва бул салтанатнинг барқарорлигига бошқа давр ва замонга қараганда, умиди жуда кўп эрур. Шундайки: мұтабар оиласнинг (пайғамбар авлодлари)нинг ҳимояси ер юзининг ва замоннинг бошқа диёр ва маконига нисбатан тинчлик ва омонлик палоси билан безатилмиш; аҳоли ва шаҳарлар аҳволининг боғлари бузгунчи ва бебош кишилар босқинчилиги ва алдови тиконидан қайчилаб чиқилмиш; ҳалойиқнинг умид ниҳолиadolat ва эҳсон томчиларидан мақсад меваси тутмиш ва тинчлик-хотиржамлик кўланкасини ёймиш; катта-кичикнинг тинчлик ва омонлик экинзорида инъом булутидан (томган) қатралардан орзу шоҳчасида мурод мева-

¹ Ўша жойда, 219-бет.

си ўсиш; гўзаллар қош ва зулғидан узга жойда эгрилик ва нотўрилиқдан асар қолгани йўқ».¹

Демак, Амир Темур тинчлик, барқарорлик рамзи сифатида машхур бўлган эди.

У Балхдан Самарқандга йулга чиқиб, Шаҳрисабзга келиб ўрнашади. Бу ерда икки ой туриб, янги давлатнинг бошқарув тизимини тузишга киришади. У биринчи навбатда садоқатли ва жангларда фаол қатнашган сафдошларини олий мансабларга тайинлаб, қадриқимматини ўрнига қўйди. Чунончи Довудбекка Самарқанд ҳокимлиги ва девон мансабини берди. Амир Жоку, Амир Сайфиддин, Амир Аббос, Искандар, Олам-шайх, Алка қавчин, Ардашер қавчин, Кимори Ийноққа лашкар амирлиги ва тавочилик мансабини топширди; Амир Сари-Буго, Ҳусайн барлос, Амир Оқбуго, Ҳожи Маҳмудшоҳ, Элчи-баҳодир, Давлатшоҳ баҳшиларни девон мири этиб тайинлади; Хитой-баҳодир, Шайх Али-баҳодир, Оқ-Темир-баҳодир, Тобон-баҳодир, Дукана, Баҳшишоҳ, Қора-Ҳинду, Тақанақ Алочий-калта, Қирон-Буго-Арслон, Шайх Али ва Оқ-Темурлар баҳодирларнинг сардори вазифасига қўйилди.²

Амир Темур Шаҳрисабздан Самарқандга келиб уни давлатининг пойтахтига айлантиришга қаратилган чораларни изчиллик билан ошириб борди.

Амир Темур беш маротаба ҳарбий юришларни ўюштириб, Хоразмни ҳам эгаллади. Бу билан у Олтин Үрданинг Туркистон заминидаги энг муҳим таянчи Хоразмни унинг қўлидан озод этди. Ҳамда уни қаттиқ кучсизлантириб, мўгулларнинг ҳукмронлигига яна бир бор зарба берди.

Шундай қилиб, Амир Темурнинг бир неча йиллар давомида олиб борган қаҳрамонона курашлари туфайли 150 йиллик мўгулларнинг ҳукмронлиги қўпориб ташланди. У мазлум халқнинг озодлик курашига билимдонлик билан бошчилик қилиб ватан мустақилиги ва озодлигини тиклади. Миллий давлат ва миллий кўшин тузилиб халқ озодлик ва фаровон ҳаёт юзини кўришга мұяссар бўлди. Буюк давлат арбоби ва машхур лашкарбоши Амир Темур узининг бутун ҳаётини ўзбек халқининг озодлиги ва тараққиёти учун

¹ Ўша жойда, 220—221-бетлар.

² Ўша жойда, 225-бет.

курашга багишилади. У бу йулда 12 ёшидан бошлаб то умрининг охиригача мисли кўрилмаган қийинчилик ва азоб-уқубатларни мардонавор бошидан кечирди. Ҳатто бир неча бор улим өқасида турди. Бироқ ҳеч қандай куч уни хоҳиш-иродасини, ватанга ва ҳалқига содиклигини сундира олмади. У ҳамиша ватан ишқи ва ҳалқ дарди билан яшаб, жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. «Бошимга, — дейди Амир Темур, — пўлат дубулға, эгнимга довудий совут кийдим, белимга миср қиличини боғлаб, баҳодирлигу кураш таҳтига ўтирдим... Салтанат түнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди, уз тушагимда роҳатда ухлаш, хузур-ҳаловатдан воз кечдим. Үн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қуллаб (ганим) фавжларини синдиридим. Амирлар ва сипоҳларнинг исёnlарини курдим, улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан узимни эшитмаган ва кўрмаганга солиб, уларни тинчтитдим. Қилич кутариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим.»¹ Дарҳақиқат Амир Темур мустақиллик ва озодликни тиклаш ва тараққиётни таъминлаш, қандай бўлмасин Туркистон заминини жаҳон даврига олиб чиқиш учун тинимсиз курашди. У юз йилларда бир дунёга келадиган буюк давлат арбоби ва тенги йўқ лашкарбоши сифатида тарихда учмас из қолдириди.

¹ Темур тузуклари, 49, 54-бетлар.

Чор Россияси ҳарбий юришларининг бошланиши ва ривожланиши

ОЛТИН ЎРДА ВА РУС ДАВЛАТИ

Олтин Ўрда давлати Рус князликлари билан Туркистон замини уртасидаги бамисоли куприк ҳисобланган. Туркий дунёсининг таркибий қисми ҳисобланган бу улкан ерлар Россия томонидан босиб олингандан кейингина уни ҳозирги Узбекистонга бостириб кириш имконини туддирди. Шу боис Олтин Ўрда ва Россия ҳақида тушунча бериш мақсадга мувофиқдир.

Олтин Ўрда давлати Днепр дарёсидан бошланиб, Волгадан утиб, Шарққа томон чўзилиб кетган «Дашти Қипчоқ»да юзага келган эди. Мазкур бепоён ерлар «Туркий дунёси»нинг таркибий қисми ҳисобланган. Бу жойларда туркий давлатлар ташкил топиб, ҳозирги Узбекистон худуди билан жуда яқин алоқалар ўрнатилган.

IX–XI асрларда Дашти Қипчоқдан икки савдо йули бўлиб, бири — Волга орқали Булғордан Ўрта Осиё, Кавказ, Эрон ва Узоқ Шарққа, иккинчиси — Дашти Қипчоқдан Кримга, ундан эса Кичик Осиёдаги Трапезунд, Константинополга борган. Айни бир пайтда рус князликларига борилган.

Шунинг учун ҳам Дашти Қипчоқни эгаллашни сиёсий жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий нуқтai назардан ҳам фойдаси бекёёс катта эди. Шуни ҳисобга олган ҳолда мўгул қушиналари, Чингизхоннинг невараси, Боту бошчилигига 1236—1239 ва 1239—1242 йилларда бутун Дашти Қипчоқни ва Рус князликларини босиб олиб «Олтин Ўрда» номида давлатни ташкил этдилар. Бу давлатни таркибига шимоли-шарқда Булғор вилояти, шимолда унинг чегараси рус князликларидан ўтган, жанубда Олтин Ўрдага бир томондан Қрим ва унинг денгиз буйидаги шаҳарлари, иккинчи томондан Дарбандгача чўзилиб борган Кавказ ва баъзан эса Бокугача кирган. Шунингдек, шимолий Хоразм ва унинг Урганч шаҳри кирган, гарбда Днепрдан бошланган даштлик-

лар, шарқда эса гарбий Сибирь ва Сирдарё этакларига-ча борадиган ерлар кирган.¹

Волганинг қуйи оқимида ҳозирги Астрахань яқинидаги Селитреннов деган жойда Сарой шаҳри бунёд этилиб, Олгин Ўрда давлатининг пойтахтига айлантирилди. У Сарой Берка шаҳри номида ҳам юритилди. Боту меросхури Беркахон (1257—1266) ҳозирги Царицин яқинида Берка Сарой шахрини қурди. Бу шаҳар Олтин Ўрда хукмдори Узбекхон даврида (1312—1340) пойтахтга айлантирилди. Олгин Ўрда давлатининг юзага келиши ва унга рус князликларини бўйсундирилиши Даشت Қыпчокда қадимдан давом этиб келаётган туркистонликларни фаолиятига янада қулай шароит яратилди. Шуниси диққатта сазоворки мўғул хукмдорлари давлатни мустаҳкамлашда ислом дини ва туркистонликларни муҳим ўрнини ҳисобга олган ҳолда уларга кенг йўл очиб берди.

Олтин Ўрда давлатининг асосчиси Боту даврида ёк ислом динига эътибор берилиб масҷит ва мадрасалар очилганлиги маълумдир. Дастрабки вақтларда мўгул хукмдорлари ислом динига кирмаган бўлсада, лекин қанчалик вақтларнинг ўтиши билан улар шунчалик кўп ислом таъсирига тортилди. Ботунинг вориси бўлмиш Беркахон машҳур бухоролик шайх ал-Бахарзийнинг бошчилигидан ислом динига кирди. Айниқса, юқорида қайд қилинган Узбекхон вақтида Олгин Ўрдада ислом дини анча ривож топди. Бу ишда Бухоро ва Хоразм дин пешволари жонбозлик курсатдилар.

Мўгуллар гарчи ҳукмрон доира ҳисоблансада, лекин улар сон жиҳатидан қипчоқларга нисбатан озчиликни ташкил этган. Шу боис вақтни ўтиши билан келгинди мўгуллар ислом динини қабул қилиб ва турклашиб қипчоқларга сингиб кетди. Пировардида туркий тил давлат тилига айланди.

Туркистонликлар Олтин Ўрданинг ички ва ташқи савдосида ҳам салмоқли уринни эгалладилар. Олтин Ўрдада ислом дини ва туркистонликларни савдо фаолиятини кучайиши, унинг маданий ҳаётига таъсир курсатди. Бунда Сарой Берка ва Сарой Ботудаги хоразмликлар яшайдиган маҳаллаларни ҳиссаси катта бўлди. Бу ерларда савдогарлар, хунармандлар, дин ва

¹ Греков В. Д., Якубовский А. Ю. Олгин Ўрда ва унинг қулаши. Тошкент, 1956 й. 53-бет.

маданият намояндалари яшаб мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаётида фаол қатнашганлар.

Хоразмликларни қурилиш ва меъморчиликка ҳам таъсири салмоқли бўлган. Бу тўғрида олим А. Якубовский шундай ёзади: «Бир томондан Сарой Берка билан Сарой Ботунинг ва иккинчи томондан, Урганчнинг, гарчи кошинкорлик материиллари юзасидангина бўлса ҳам архитектура ёдгорликларини такқослаб ўрганиш шуни курсатадики, хоразмлик усталар узларига хос бўлган ранг-баранг нақш безакларини жило бериб ишлаш хусусиятларини кошинкорлик мозайкаларида такрорлаганлар. Бу ранг-баранг нақшин безаклар Кухна Урганчдаги Тұрабек хоним мақбараси каби ажойиб бинони ҳозиргача безаб турибди. Шу билан бирга хоразмлик усталар аввалги ишларини такрорлаб қолмай, балки бу янги жойда янги-янги усулларни ҳам яратганлар.

Сарой Беркада XIII—XIV асрларда қурилган турли туман бинолардаги хилма-хил кошиналар коллекцияси бу типик мусулмон саноати бўлганлигини курсатади. Гулларни расмини тўр-тўр чизиқлар ва безак ҳарфлардан ёзилган арабча хат билан бирга қушиб ишлаш кук, феруза, оқ, яшил, сариқ сирларни Урганч учун жуда ҳам характерли бўлган қизил ранг (анчаб буёв) билан бирга қушиб тасвирлаш, буларнинг ҳаммаси Урта Осиё ва Эрон шаҳарларининг халқлари учун хос бўлган архитектура формалари билан биргаликда Волга буйи шаҳарларига кўчган.»¹

Туркистонликлар тўқувчилик, кулолчилик, сиркор керамика ва бошқа хунарлар билан шугулланганлар. Хуллас, улар Сарой Боту билан Сарой Берка сингари йирик шаҳарларни барпо этилиши ва ривожланишида кучли бўлганки, Миср сultonи Олтин Урда билан алоқада хоразмликлардан фойдаланган. Масалан, Миср сultonининг Олтин Урдадаги Алоуддин Ойтүгди номли элчиси хоразмлик бўлган. Узбекхон даврида Сарой Беркадаги хоразмликлар маҳалласида яшовчи шайх Нўмониддин ал-Хоразмий катта обруга эга бўлган. Узбекхон бу киши билан тез-тез суҳбатда бўлган. Бу шайх асли Урганчли бўлиб, мантиқ, фалсафа ва тил илмини яхши биларди. Хоразмликлар орасида Олтин Урдага қарашли жойларда йирик мансаб-

¹ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Ўша асар. 144—145-бет.

дорлар ҳам бўлган. Жумладан, XIV асрнинг 30-йилларида Мұхаммадхўжа ал-Хоразмий Азов деган вилоятнинг (Азоктана) амири бўлган. «Олтин Ўрданинг адабий тили ва адабиетини яратишда ҳам, — деб ёзган А. Ю. Якубовский, — Хоразм катта роль уйнаган. Олтин Ўрдада чиқсан бир неча бадиий асарларнинг тили Хоразм ва Сирдарёнинг қуи оқимидағи шаҳарлар, яъни Оқ Ўрда ерлари тил элементлари билан бевосита боғланиш бўлганини курсатади. Ҳар иккала ўлка (Хоразм ва Сирдарёнинг қуи оқимидағи шаҳарлар) Олтин Ўрданинг сўзлашув тилигагина эмас, балки майдонга келаётган Олтин Ўрда ёзувига айниқса, унинг бадиий адабиётига ҳам доимо таъсир курсатиб келган. Волга бўйи шаҳарларида хусусан иккала Саройда бу соҳада анча иш олиб борилган.»¹

Шубҳасиз Хоразм маҳалласида хоразмликларгина эмас, балки бухороликлар, самарқандликлар, тошкентликлар ва фаргоналиклар ҳам бўлган. Бироқ хоразмликлар кўпчиликни ташкил этганликлари туфайли маҳаллалар улар номида юритилган.

Олтин Ўрда вақтида туркистонликлар билан рус князликлари ўртасидаги алоқа анча жонланган. XIV асрни биринчи ярмида Нижний Новгородда кўп сонда Хоразм ва Бухоро савдогарлари бўлганлиги түгрисида маълумотлар мавжуд.² Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Олтин Ўрда пойтахти — Саройда русларнинг ҳам туар жойлари бўлган. Шунинг учун 1261 йилда Саройда маҳсус православ епархияси ташкил қилинган булиб, бу епархияга саройдан ташқари Перяслав Киевский шаҳри ҳам кирган. Бу ҳолат Саройда яшовчи туркистонликлар билан руслар ўртасида яқиндан алоқа ўрнатишга олиб келган. Туркистонликлар Олтин Ўрдани рус князларидан олинадиган солиқларнинг ялписига сотиб олганлар.³ Шубҳасиз, улар рус ерларида солиқларни ундириш билан бир қаторда савдо-сотик билан ҳам шуғулланганлар.

Айрим маълумотларга кура рус ҳунармандлари Урганчга келиб ўрнашган вақтларда бўлган.⁴ Кўп рус князликлари «ёриқ олиш учун фақат Олтин Ўрда

¹ Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Ўша асар. 147-бет.

² МИУТТ ССР, 61-бет.

³ Журнал МВД 1939, № 100, С.357.

⁴ Первые русские научные исследования Уст-Юрта, 1963, С.6.

нинг пойтахти — Саройга эмас, балки Мугилистонга буюк хон қароргоҳига Туркистон орқали борардилар.»¹

Шуни айтиб ўтиш лозимки дастлабки вақтларда Олтин Ўрда ҳукмдорлари рус князликларида ўз вакилларини (босқоқларни) тайинлаб иш юритган бўлсалар кейинчалик солик ва уллонларни тўплаш ва топшириш рус князларини зиммасига юкланди. Улар рус князликларини ички ишларига деярлик аралашмади. Натижада рус князликлари уртасида яккаҳокимлик учун курашлар давом эта берди. Айни бир пайтда Швед, Немис рицарлари ва Литва князлари билан уруш олиб борилаверди.

Рус князликларидан солик олиш билан чегараланиб уларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қаттиқ назорат остига олмаслик уларни пировардида қаддини ростлаш ва кучайиб боришига замин ҳозирлайди. Бунда Олтин Ўрда ҳукмдорларининг таҳт учун олиб борган даҳшатли урушлари ҳам русларга жуда қўл келди. Бу борада Амир Темурни Олтин Ўрдага қарши ҳарбий юришларда рус князликларига мустақилликка эришишида катта имкониятларни тугдирди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ОЛТИН ЎРДАГА ЗАРБАСИ

Амир Темур давлатини кучига куч қўшилиб жаҳон даврасидаги мавқенини ошиши Олтин Ўрда манфаатларига путур етказадиган бўлиб қолди. Айниқса, унинг таркибидағи Шимолий Хоразмнинг Амир Темур томонидан босиб олиниши катта зиён келтирди. Бундан ташқари Амир Темурнинг ўзи Олтин Ўрдани келажакда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан хавфлилигини яхши биларди. У Олтин Ўрдада ўз таъсирини ўрнатиш учун у ердан кечиб келган таҳт даъвогари Тухтамишин ҳарбий куч билан таъминлаб 1376 йилда иккى маротаба Ўрдага қўшин жунатди. Тухтамиш 1379 йилдагина Темурни ёрдами билан Олтин Ўрдани бир қисми бўлмиш Оқ Ўрда таҳтини эгаллади. Шундан кейин у Олтин Ўрда таҳтини қўлга киритиш учун Мамайхонга қарши юриш қилиб мағлубиятга учратди. Шуравишида Тухтамиш бутун Олтин Ўрдани яккаҳокимлигига эришди. Шундан кейин у Амир Темурни барча яхши-

¹ Уша жойда.

ликлари ва ёрдамини назар-писаңд құлмай Туркистанни әгаллаш ҳаракатига тущди. У 1387—1388 йилларда Амир Темур Эрондалигига Туркистонга хужум қылды. Бундан хабар топған Амир Темур дархол ватанига қайтишга мажбур булды. Аммо Тұхтамиш құрқиб қочади. Хоразм хукмдори Сулаймон Суфи Тұхтамиш билан тил бириктириб Амир Темурға қарши бош күтарған эди. Шунинг учун Амир Темур 1386 йилда Хоразмга ҳарбий юриш қилиб уни қайта буйсундирди. Тұхтамиш эса Амир Темурға қарши ҳаракатни давом эттиради. Шунинг учун Амир Темур Олгин Үрдага 1389, 1391 ва 1394—1395 йилларда катта ҳарбий юриш қилиб Олгин Үрда тинкасини қурилти. Айниқса, 1391 йилда ҳозирги Самара шаҳри ва Чистопол оралигига жойлашған Қундузча деган жойдаги урушда Тұхтамиш қүшинларини қаттық зарбага учраши муҳим аҳамиятта эга бүлди. Кейинги 1395 йилдаги Амир Темур ва Тұхтамиш қүшинлари уртасидаги жанг шимолий Кавказдаги Терек даресини өқасида содир булды. Бу жангда Тұхтамиш күчлари шу даражада қаттық зарбага учрадики, у шундан кейин үзини үнглай олмади. Амир Темур бу галабадан сүнг Олгин Үрдани Сарой Берка, Астрахан, Қрим ва Қора деңгиз бүйларидаги шаҳарларини, Азовни ва шимолий Кавказни әгаллаб қолди. Шу равища Олгин Үрда Амир Темур давлатига қүшиб олинди.

Едигей, Темур Қутлуг ва бошқа Олгин Үрданинг амирлари Амир Темур хузурига қочиб келиб Тұхтамишга қарши урушларда фаол қатнашған эдилар. Амир Темур галабадан кейин Едигей Чингизхон хонадонидан бұлмаганлығи учун Олгин Үрда таҳтига Темур Қутлугни, сүнгра унинг авлодларини үтказди. (1397—1419). Бу хон Олгин Үрдани қаддини бир мұнча ростлашға әришди. Аммо Амир Темур Олгин Үрда шаҳарларини остин-устин қилиб қүшинларини шу даражада мажақлаб ташлады, бамисоли бели бүкчайтирилиб қўйилди. Бу ҳолат Амир Темур давлатига нисбатан күчли рақобатни ва хавфни бартараф қилиши билан бир қаторда рус князликларини мустақиллікка әришишини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

«1395 йилда, — деб өзган эди А. Якубовский, — Темурнинг Тұхтамиш устидан қозонған галабаси, Астрахон ва айниқса Олгин Үрда пойтахти Сарой Берка-

нинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат Урта Осиё ва ўша вақтдаги жанубий-шарқий Европа учунгина эмас, балки рус учун ҳам катта аҳамиятга эга булди... Тұхтамишни енгиш билан рус ерига объектив суратда хизмат курсатған. Лекин шундай булиб чиқишини уни үзи мутлақо пайқамаган».¹ Иккінчи бир рус тарихчиси Соловьев ҳам шунга үхшаш баҳони берган: «Темур Олтин Үрдани тор-мор қылғандан кейин Москва князи учун у узоқ вақтгача хавф-хатарсиз булиб қолди».²

Дарҳақиқат, Амир Темур рус князликтерини олдини түсіб түрган түғонни — Олтин Үрдага қақшатты зарба бериб, келажақда құдратли рус давлатини юзага келишига мутлақо үзи үйламаган ҳолда беқиес катта шароитни яратди. Тұхтамишнинг маглубияти Олтин Үрдани ҳалокатта олиб келған эди.

Тұхтамишонни Мовароуннаұрни әгаллаш учун үшөншірган қарбий юришининг заминидә фақат иқтисодий маңсаад ётмаган эди. Зоро, ү қокимиятни Амир Темурдан тортиб олиб, унинг құли остидаги мамлакаттарда мұгұлларнинг ھукмронлигини қайта тиклашни күзлаган эди. Буни яхши анлаган Сохібқирон мұгұлларнинг әнг құдратли ва хавфли таянчи бұлмиш Олтин Үрдани тәг-томири билан құпориб ташлади. Шундай қилинмаганда вақти келиб мұгұллар үзларининг собиқ ھукмронлигини тиклаши ҳеч гап эмас эди.

XV асрнинг бириңчи ярмida Олтин Үрда харобала-рида Крим ва Қозон, кейинчалик Астрахон ва Сибирь хонилары пайдо булды. 1480 йилда эса рус князликтери ҳам Олтин Үрда қарамлигидан құтилды. 1502 йилда Крим хони Олтин Үрданинг охирғи ھукмдорини тор-мор этиб, уни тамомила тутатди. Уша вақтларда Оқ Үрданинг³ ھукмдори Шайбонихон Туркистанға бостириб кириб Темурийлар давлатини ағдариб, уз қокимиятини үрнатди. У билан үлкага күчиб келған қабидалар тили ва дини бир маҳаллий туркйіл аҳоли билан аралашиб кетди. Шуны әслатиб үтиш лозимки,

¹ Гревов Б. Д., Якубовский А. Ю. Ұша асар, 317—318-бетлар.

² Ұша жойда.

³ XV аср бошлардан Олтин Үрда Күк Үрда ва Оқ Үрдага бұлинниб, Оқ Үрда Күк Үрдага қарам эди. Оқ Үрдани тарқыбига Сирдаре ҳавзасы, Қозғистон, гарбий Сибирининг шахарлари ва бошқа аҳоли тұрар жойлары ҳамда даштлари ва үрмөнлары кирган.

Амир Темур Тұхтамишни тор-мор этиб, тақдирини ҳал этган бұлса вақти келиб Олтин Үрда ҳукмдорларининг авлодлари, хусусан Шайбонихон Темурийлар давлати-ни ағдариб, ҳисобни баробар қылдилар. Шайбонилар ва у билан күчиб келган қабилалар Туркистандаги туб аҳоли билан аралашиб кетдилар. Уларни ҳукмронлик вақтида Темурийлар даврида не мاشаққатлар ва қурбонлар эвазига құлға киритилган марказлашган давлат, тараққиёт совурилди. Ұлка Бухоро, Хива ва Қуқон хонликларидан иборат уч қисмга парчаланди.

XVI асрнинг урталарыда рус давлати Қозон (1552) ва Астрахон (1556) хонликларини босиб олди. Сүнгра Сибирь хонлиги ҳам урушиб олинди. Шу равища Волга буйларыда, Уралда, Қора денгиз қирғоқларыда ва Сибирида иккى минг йылдан ортиқ даврда славян-ларга, шу жумладан русларга түсік булиб турған тур-кий давлатлар үрнини рус давлати әгаллаб, олтин, ку-муш, темир, күмир, үрмөнлар, унумли ерлар ва бошқа табиий бойликларни ҳамда оламшумул аҳамиятта молик карвон йұллари сингари битмас-тутанмас хазина-ни құлға киритди. Бу билан рус давлати «ғижжа мойга ботди» ва тобора кучайиб барча имкониятларға эга бўлди.

Олтин Урдани парчаланиши ва қулаши у ерда күп асрлар мобайнида үз мавқенини сақлаб келаётган Тур-кистон үлкасининг манбаатларига катта зиён келтирди. Чунки у жойлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар Туркистанда, айниқса, Хоразм воҳасида иш-лаб чиқариш кучларининг үсишида ва тараққиётида муҳим уринни әгаллаган эди.

XIV асрнинг охирлари — XVI асрлар мобайнида рус князликларини бирлаштирилиши асосида марказлашган Рус давлати ташкил топди. Қанчалик вақтларынинг үтиши билан собиқ Олтин Үрда ерларыда рус шаҳарларини, ҳарбий истеҳкомларини, төг конларини ва заводларини сони шунчалик күпайиб борди. Кўрса-тилган жойларда рус давлати үз мавқенини мустаҳкам-лаб олганидан кейин Туркистанни ҳам бўйсундириш ҳаракатига тушди.

1717 ЙИЛДА ЧОР РОССИЯСИННИГ ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ЮРИШИ

Русларнинг бу хонликка бостириб киришга уринишлари XVII асрнинг бошларига түгри келади. Ёйик (Урал) дарёсини атрофларида жойлашган рус казаклари Урганч шаҳри томон йулга чиқадилар.¹ Хоразмда улар кўп бойликларни қўлга киритдилар. Бу хусусда Абулгози ўз асарида шундай ёзади «Ёйик (Урал) теганда юругон урусларнинг (руснинг) қозоқиндин минг киши саратоннинг аввалги куни гофил келиб Урганчнинг қалъасига кирди. Шаҳарда равияттин ўзга киши йўқ эди. Хоннинг ўрдаси ва сипоҳ ҳалқи Аму сувининг лабида эрдилар. Хевақда хонга киши чоптурдилар. Етти кунда хон келди.

(Казаклар) Урганчда равиятдин минг кишини ўлдирди ва минг қиз билан жувонни олди. Минг арабага яхши моллардан юклади. Буз ва бӯёғли палос ва тўн, тушак-ястук, мундог нарсаларнинг барчасини ўтга ёқди. Буларни саранжом қилгунча етти кун булди. Андин сўнг (казаклар) Урганчинин чиқиб дарё лабига юруди. Араб Мұхаммадхон олдига бориб урқазди ва жанг қилди. Икки кун урушдилар, учинчи куни жибни, зур қилиб олиб, таки босиб ўтди. Урусларни отни илғоб икки фарсанг ер юзунда яна урқазиб жанг қилдилар. Бизнинг ҳалқнинг арази бу ким, иссиқ кунда чўлда ола кўради; сувга боргандин тугайди уруслар бир кунда қалъа солур. Андин сўнг урусларни юборурлар. Андан кўмак келур. Ушбу ерда барчамиз қирилади деб, зур қилдилар. Урусларни юклаган сувини тамом қилди. Урушдилар, уруслар қон ича бошлиди.² Бешинчи куни қонни ҳам тавосутти. Ўзбек ҳар ердан тўп-тўп булиб чопти. Урусларни ултуриб-ултуриб қайтди. Ул аробадан чиқиб урушшар эдилар. Ахир арабанинг ичиндан чиқа билмади. Ожиз булди. Еттиланчи куни барча иттифоқ бирлан чоптилар. Аробага келгандан сўнг отдин тушиб куран ичига кириб қилинчи куя бердилар. Ҳалқ улжага бўлғонда юз урусларни кечиб дарё лабига бориб тўқ қаълисининг қўйисида ягочдин қалъа солиб балиқ олиб еди-да ултурди. Араб Мұхам-

¹ Центральный государственный военный исторический архив России (ЦГВИА).

² Бу ерда ярадор казакларни қонини ичиш назарда тутилган.

мадшоҳ бориб кабади. Таки ун беш қунда олди.»¹ Абулғозининг мазкур ноёб маълумоти шу ҳақда гувоҳлик берадики рус казаклари Урганчда қароқчилик билан шуғулланиб аҳолига қаттиқ азоб берган. Улар яхши қуролланганларки тамомила қириб ташлаш учун 15 кун кетган. Кейинги вақтларда ҳам рус казаклари-нинг атаман Нечаев бошчилигига Урганчга бостириб кирганларни маълумдир. Улар бу ердан кўп бойликларни олиб кетаётганларида хон аскарлари томонидан қириб ташланган. Бу маълумот Абулғози асарида шундай таърифланган. «Мен дунёга келган йилнинг аввал баҳорида ун етти киши уруслага савдога кетар. Қуш Ейик (Урал) теганда минг казак урус бор эканди. Йўлда анча учрай қолур, иккинчиси ултурур, сақлаган кишиларидин Урганчнинг хабарин сурар. Аниг бириси Туркистонлик экандур. Ў айтур, Урганчнинг шаҳринда сипоҳдин бир киши йўқ. Сипоҳнинг яқин ултургани отлиқقا бир кунлик йул. Шаҳарда танҳо раъвият турур. Бир тарафи чўл йулиндин юз минг лашкар борса, шаҳарга кирганда куарар. Андин илгари кўрмас. Ёт юртли киши анча қулиндан ва тилиндан келган сайи бирлан хушомадим қилди, урус бунинг сузина фирифта булиб туркистонлини бошчи қилиб, минг киши келиб Урганчнинг мирзо дарвозасиндин кириби...»

Отамиз (араб Мұхаммадшоҳ) уруслан бир киши қўймай кириби эркандур. Бу воқеадин қирқ кун ўтгандан кейин биз (Абулғози) дунёга келибмиз. Отамиз айтибди: «Бизга бир газот мұяссар бўлди. Шунинг йули ва қадами муборак бўлди ва таки мунинг онаси-нинг жамоатини гозиглар дерлар, ул нисбати ҳам бор деб, отимни Абулғози куюб турарлар.»² Бинобарин, мазкур сатрлардан биз русларни бостириб киришлари-га қарши кураш ва галаба шарафига унинг исмига «ғози» сўзи қўйилганлигини биламиз. Бу у тугилганда қўйилган эди.

Рус казаклари икки маротаба қириб ташланганла-рига қарамай яна бир бор атаман Нечай бошчилигига Урганч томон отланганлар. Аммо, улар йўлда қаттиқ совуқ ва буронга учраб очликка ва дардга чалинади-лар. Ҳатто ўз шерикларининг улиқ гўштини ейишга

¹ Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент, 1992, 158—159-бетлар.
² Уша асар, 167-бет.

мажбур булғанлар. Шу равищда улар йўлларда қирилиб кетганлар. Пётр I замонида рус давлати фақат Оврупадагина эмас, балки узбек хонликларини куз ўнтида ҳам қудратли мамлакат сифатида гавдаланиб турарди. Шунинг учун ҳам хонликлардаги айрим юқори табақа вакиллари таҳт учун курашларда ватанига хонлик қилиб рус давлатига таянишга уринганлар. Масалан, рақиблари ва душманлари устидан юрагини ҳовучлаб таҳтда ўтирган Хива хони Исҳоқ оға Шониёз (1694—1701) 1700 йилда Дустбек Баҳодирни Россияга юбориб савдо-сотиқни ривожлантириш таклифи билан бир қаторда хонликни рус давлати тобелигига олишни Пётр I дан суради. Шундан кейин Пётр I бу таклифни бажонидил қабул қилиб уша йилнинг 30 июнида Хива хонлигини Россия тобелигига олиш ҳақида фармон чиқарди. Бу тўғрида Дустбек Баҳодир орқали маҳсус ёрлиқ юборди. Ёрлиқда Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтганлиги уқтириб ўтилган. Бу билан бир қаторда Исҳоқ оға Шониёзниг Рус давлатига содик булиши курсатиб ўтилган. Аммо Хива хонлигини Россия тобелигига олиниши ҳақидаги таклиф бир гурух ватан хониларини истагини ифода этганлиги учун қоғоздагина қолди холос. Бунинг устига йулнинг узоқлиги ва азоб-уқубатлари Россияни хонлик устидан назоратни ўрнатиш имконини бермади. Буни устига Пётр I купроқ Швеция ва Туркия уруши билан банд эди.

1703 йилда Хива хони Араб Мұхаммад II (1701—1712) номидан юқорида қайд қилинган Дустбек Баҳодир Астрахан орқали Москвага элчи сифатида келди. У бу гал ҳам савдони ривожлантиришни ва Хива хонлигини рус давлати тобелигига олинишини қайта суради.¹

Натижада Пётр I Хива хонлигини рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги иккинчи маротаба фармон чиқарди.² Бу ҳақдаки, шунингдек узаро элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш сингари масалаларни ўз ичига олган Пётр I ёрлиги элчи орқали Хива хони Араб Мұхаммад II га юборилди.³

¹ Полное собрание Российских законов. Спб. 1830. С. 216.

² «Московские ведомости», 1703, апрель.

³ Центральный государственный архив Древних актов России (ЦГАДА). Ф. 109, «Бухарское дело», Кн. I., ч. I, л. С. 109.

Юқорида курсатилған сабабларга күра Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олиш тұгрисидаги фармона бу гал ҳам амалға ошмади. Петр I томонидан урушларни узлуксиз давом эттириши давлат хазинасига сезиларлы путур етказмокда эди. Натижада олтинга бұлған мұхтожлик күпайиб борди. Шуннинг учун Петр I уруш харажатларини қоплаш ва армияни таъминлаш мақсадыда ҳукумат сенатига «Олтин давлаттинг қон томиридир» деб хат өзіб, олтинг күмуш конларини қидириб топиш зарурлигини үқдириб үтди. Худи шу вақтда, яны 1713 йилда Насасхұжа номлы туркман Астраханга бориб, Амударёдан олтин күм олингандығы ва үтмиш замонларда уни Каспий деңгизиге күйилгандығы ҳақида рус ҳукуматига маълумот берди. Шу билан бирға Амударёни Каспийға буриш мүмкінлігінін ба бу ишга туркманларнинг ёрдам беришларини айттан. Айни бир вақтда Сибирь генерал-губернатори Гагарин Шарқий Туркистаннинг Еркент шаҳридаги дарёда ҳам олтин құми борлығы ҳақида Петр I га маълумот берди. Бундай хабарлар Петр I ни шошилтириб қуиди. У 1714 йилда Сибирь орқали Еркентта ҳарбий юришни үюштириш ҳақида Сибирь генерал-губернаторига фармон берди. Шунга биноан тайёр гардигидан кейин 1715 йилда Бухгольц бошчилигінде 1500 кишилик құшин Ямишев кулиға бориб қалъа курди. У бу ердан Еркентта юриши лозим эди. Бирок Шарқий Туркистанда ва атроф жойларда ҳукмронлик қилаёттан қалмоқлар Ямишевда қалъа қурилишига қаттық қаршилик күрсатдилар. Узоқ қамалдан сунг Бухгольц қалъани ташлаб Ом даресини қирғогига қайтди. Бу ерда у Сибирь генерал-губернатори Гагариннинг буйруги билан Омск қалъасини барпо этади. Шу тарзда Петр I нинг барча ҳаракати бехуда кетади. Аммо у Хива хонлигини босиб олишга қаттық киришган эди. 1714 йилнинг 19 майда Петр I Хива хонлигини забт этиш ҳақидағы фармонани ҳукумат сенатига юборди.¹ 1716 йилни 14 февраляда Петр ҳарбий юришни бошлиғи қилиб тайинланған Бекович-Черкасский билан шахсан сұхбатлашиб амалға ошириладыған вазифаларни белгилаб беради. У бу ҳақда ҳукумат сенатига хабар беріб тайёр гар-

¹ ЦГВИА России, д.35., л.57.

мажбур бўлганлар. Шу равишда улар йўлларда қирилиб кетганлар. Пётр I замонида рус давлати фақат Оврупадагина эмас, балки узбек хонликларини кўз ўнгига ҳам қудратли мамлакат сифатида гавдаланиб турарди. Шунинг учун ҳам хонликлардаги айрим юқори табақа вакиллари таҳт учун курашларда ватанига хонлик қилиб рус давлатига таянишга уринганлар. Масалан, рақиблари ва душманлари устидан юрагини ҳовучлаб таҳтда ўтирган Хива хони Исҳоқ оға Шониёз (1694—1701) 1700 йилда Дустбек Баҳодирни Россияга юбориб савдо-сотикни ривожлантириш таклифи билан бир қаторда хонликни рус давлати тобелигига олиш ҳақида фармон чиқарди. Бу тўғрида Дустбек Баҳодир орқали маҳсус ёрлиқ юборди. Ёрлиқда Хива хонлигининг рус давлати тобелигига ўтганлиги уқтириб ўтилган. Бу билан бир қаторда Исҳоқ оға Шониёзниг Рус давлатига содик бўлиши кўрсатиб ўтилган. Аммо Хива хонлигини Россия тобелигига олиниши ҳақидаги таклиф бир гуруҳ ватан хониларини истагини ифода этганлиги учун қоғоздагина қолди холос. Бунинг устига йулнинг узоқлиги ва азоб-укубатлари Россияни хонлик устидан назоратни ўрнатиш имконини бермади. Буни устига Пётр I кўпроқ Швеция ва Туркия уруши билан банд эди.

1703 йилда Хива хони Араб Мұхаммад II (1701—1712) номидан юқорида қайд қилинган Дустбек Баҳодир Астрахан орқали Москвага элчи сифатида келди. У бу гал ҳам савдони ривожлантиришни ва Хива хонлигини рус давлати тобелигига олинишини қайта суради.¹

Натижада Пётр I Хива хонлигини рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги иккинчи маротаба фармон чиқарди.² Бу ҳақдаки, шунингдек узаро элчилик ва савдо алоқаларини самарали давом эттириш сингари масалаларни ўз ичига олган Пётр I ёрлиги элчи орқали Хива хони Араб Мұхаммад II га юборилди.³

¹ Полное собрание Российской законов. Спб. 1830. С. 216.

² «Московские ведомости», 1703, апрель.

³ Центральный государственный архив Древних актов России (ЦГАДА). Ф. 109, «Бухарское дело», Кн. I, ч. I, Л. С. 109.

Юқорида күрсатилған сабабларга кура Хива хонлигини Рус давлати тобелигига олиш тұгрисидаги фармони бу гал ҳам амалға ошмади. Пётр I томонидан урушларни узлуксиз давом эттирилиши давлат хазинасига сезиларлы путур етказмоқда эди. Натижада олтинга бұлған мұхтожлик купайиб борди. Шуннинг учун Пётр I уруш харажатларини қоплаш ва армияни таъминлаш мақсадыда ҳукумат сенатига «Олтин давлатнинг қон томиридир» деб хат өзиб, олтингумуш конларини қидириб топиш зарурлигини үқдириб үтди. Худди шу вактда, яни 1713 йилда Насасхұжа номлы туркман Астраханга бориб, Амударәдан олтин құм олинганлығы ва үтмиш замонларда уни Каспий деңгизиге қойылғанлығы ҳақида рус ҳукуматига маълумот берди. Шу билан бирга Амударәни Каспийга буриш мүмкінлегини ва бу ишга туркманларнинг әрдам беришларини айтган. Айни бир вактда Сибирь генерал-губернатори Гагарин Шарқий Туркистаннинг Еркент шаҳридаги дарёда ҳам олтин құми борлығы ҳақида Пётр I га маълумот берди. Бундай хабарлар Пётр I ни шошилтириб қойди. У 1714 йилда Сибирь орқали Еркенттегі қарбий юришни үштіриш ҳақида Сибирь генерал-губернаторига фармон берди. Шунга биноан тайёргарлигидан кейин 1715 йилда Бухгольц бошчилігінде 1500 кишилик күшин Ямишев күлиға бориб қалъа курди. У бу ердан Еркенттегі юриши лозим эди. Бирок Шарқий Туркистанда ва атроф жойларда хукмронлик қилаёттан қалмоқлар Ямишевда қалъа қурилишига қаттық қаршилик күрсатдилар. Ұзоқ қамалдан сұнг Бухгольц қалъаны ташлаб Ом даресини қирғогига қайтди. Бу ерда у Сибирь генерал-губернатори Гагариннинг буйруғи билан Омск қалъасини барпо этади. Шу тарзда Пётр I нинг барча ҳаракати бехуда кетади. Аммо у Хива хонлигини босиб олишга қаттық киришган эди. 1714 йилнинг 19 майида Пётр I Хива хонлигини забт этиш ҳақидағы фармони ҳукумат сенатига юборди.¹ 1716 йилни 14 февраляда Пётр қарбий юришни бошлиғи қилиб тайинланған Бекович-Черкасский билан шахсан сұхбатлашиб амалға ошириладыған вазифаларни белгилаб беради. У бу ҳақда ҳукумат сенатига хабар бериб тайёргар-

¹ ЦГВИА России, д.35., л.57.

лик ишларини диққат ва пухталик билан күришни буюради.¹ Уша кўрсатилган куни давлат канцлери Г. Головкин ҳам Пётр I нинг фармонини йўналишини сенатта маҳсус хат орқали тушунтириди. Бунда подшоҳ олий ҳазратларини Бекович-Черкасский бошчилигига Хива ҳонлигига қарши ҳарбий қушин юборишига қарор қилинганлиги эслатиб Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорлари номига, рус давлатини расмий ёрлигларини (грамоталарини) юборилиши ҳамда у томонларга савдогарларни ҳам жўнатилиши лозимлиги баён этилган.² Шахсан Пётр I нинг қули билан ёзилган кўрсатмада Бекович-Черкасскийни зиммасига юқлатилган вазифалар қўйидагилардан иборат:

1. Бир вақтлар Амударё Каспий денгизига қўйиладиган жойда 1000 киши сигадиган ҳарбий истеҳком курилсин. Амударёни оқимини ва тўғонларини синчковлик билан ўрганиб, имкони бўлса, эски йўлига буриб юборилсин. Орол денгизига сувни йўналтирадиган тўғонлар бузилсин. Бу ишларни бажаришга қанча кишилар керак бўлиши аниқлансин.

2. Хива ҳонлигининг Рус давлати тобелигига ўтишига эришилсин ҳамда бизни манфаатларимизга хизмат қилиши шарти билан ҳарбий қисм қолдирилсин. Агар хон рози бўлса ва шароити кўтарса, ҳарбий қисмни бир йил давомида таъминлаш кафолати олинсин, кейинги йиллардаги харажатлар эса унинг зиммасига юқлатилсин.

3. Агар Хива хони розилик билдиrsa у вақтда ундан уз кишиларига икки русни қушиб Сирдарё суви бўйлаб олтин борлигини аниқлаш учун Ёркентга жўнатилсин. Шунингдек, савдогарларимизни Амударё бўйлаб Ҳиндистонга боришлари учун кемалар берилиши хондан суралсин. Савдогарлар кетаётганларида қуруқлик ва сув йўлларини, дарё ва кулларни, айниқса, Ҳиндистонга борадиган сув йўлини яхши ўргансинлар ва маълумотлар тўпласинлар. Агар савдогарлар Ҳиндистонга Каспий денгизига борадиган йўл борлигини эшитсалар у вақтда шу йўл билан орқага қайтсинглар ва кўрганларини қоғозга туширсинлар.

4. Хива ҳонлигига Бухоро ҳонлигини рус давлати

¹ Уша жойда, уша бет.

² Уша жойда, 57-бет.

тобелигига утишга хохиши борлиги ёки йүқлиги билинсин. Бордию бундай истак булмаса дүстлик муносабатлари үрнатылсın.

5. Курсатылган топширикәларни амалға ошириш учун 4000 кишидан иборат мунтазам қүшин ва кераклигича кемалар ажратылсın. Бундан ташқари Ейик казакларидан 1500, эшкакчилардан 500 ва отликлардан 100 киши берилсın. Улар савдо карвоңларини муҳофаза қилиш ниқобида Астрахандан ҳарбий қальва шаҳар қуриладын жойга, яъни Каспийнинг шарқий қирғогига юборылсın. Қүшин командирлари барча жойлардаги туб ахолига нисбатан хушмуомалада булсınлар. Шаҳарни қуриш учун зарур бўлган бел ва тукичлар берилсın.

6. Денгиз офицерларидан поручик Кожин ва навигаторлардан 5 ёки кўпроқ кишилар ҳарбий қисмга қушилсın. Кожин савдогарлар ниқобида иш юритиши, навигаторлар эса Ёркентга юборилиши даркор. Кулюмов уқув юрти талабаларидан икки инженер олинсан. Кожин зиммасига борган жойида молларни турларини ва умуман савдо-сотиқни яхши ўрганиш юклатылсın. Унга савдогарлардан икки киши биркитилсın. Булар кекса бўлмасынлар.¹

Куриниб турибдики, Пётр I Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари ва Хива хонлигини ҳамда иложи топпилса Бухоро хонлигини ҳам ўз таъсир доирасига тортишга қаттиқ қиришган. Бу ҳол Рус давлатининг чегарасини кенгайиши ва манфаатларини таъминлаши турган гап эди. Пётр I кучли флотга эга бўлганлигини ҳисобга олиб Амударёни Каспийга буриб, сув йўли орқали Хива ва Бухоро хонликларига, Ҳиндистонгача боришни ўйлаган. Аммо, у Амударёни йўлини узгартиришни ута қийинлигини, катта куч ва маблаг сарфланишини ҳисобга олмай хом-хаёл билан иш юритган.

1717 йилни 14 марта Бекович-Черкасский Пётр I фармонини амалға оширишга қаратылган талабларни ҳукумат сенатига қуидаги тарзда маълум қиласди:

1. Мунтазам қўшиндан — 400, драгунлардан (отликлардан) — 1500, шиёда аскарларни офицерлари билан биргаликда — 2500, казаклардан 2000 кишини кийим-кечаклари билан, озиқ-овқатлари ва маошлари билан биргаликда берилсın.

¹ Уша жойда, 58-бет.

2. Каспийнинг шарқий қирғоғига қуруқ йўл билан бориши учун белгиланган 2000 кишидан иборат аскарларга камида бир йилга етадиган озиқ-овқатлар, аравалар ва бошқа нарсалар ажратилсин. Шунингдек, Каспий денгизини қирғоғига ҳарбий қатъа қуриш учун жунатиладиган аскарларга тегишли озиқ-овқат ва бошқа нарсаларни олиб боришга кемалар берилсин.

3. Савдогарлар никобида Сирдарё буйлаб Ёркентга олтин қидиришга ва Амударё буйлаб Ҳиндистонга борувчи кишиларга маблағ ажратилсин. Улар шу даражада кўп ва яхши моллар билан таъминлансанларки, у жойларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмасин.

4. Агар Хива хони 500 кишилик гвардияни сўраб қолса у вақтда уларни бир йил муддат билан таъминлашга маош ажратилсин.

5. Хива, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорларига давлат ёрликлари (грамоталари) тайёрлансан.

6. 24 та түпчилар, 2 та инженер, 3 та даволовчи ва кўп дори-дармонлар берилсин.¹

Демак Хива хонлигида қолдирилган рус аскарларини сони 500 киши ҳисобидан белгиланган. Ҳиндистон ва Ёркентга борувчи кишилар аслида савдогарлар булмай айғоқчи эдилар. Уларга сиёсий ва иқтисодий маълумотларни қўлга киритиш топширилган. 1717 йилни 14 марта ҳукумат сенати Бекович-Черкасскийни талабларини тўла қондириш ҳақида қарор қабул қилди. Жумладан, Ҳиндистонга борувчи «савдогарларга» Москва ва Астраханда турли моллар сотиб олишлари учун ўша вақт учун салмоқли ҳисобланган 5000 сўм ажратилди. Ёркент шаҳрига 5 киши юбориш ва уларни маблағ билан таъминлаш ҳақида курсатма берилди.² Ҳарбий қисмни Қозон, Астрахан, Саратов, Дмитриев, Царицин, Красний Яр, Чёрний Яр, Самара ва Азов губернияларидан жамлаш буюрилди. Унинг умумий сони бир ҳужжатда 6344³, иккинчисида эса 6100⁴ киши курсатилган. Икки ҳолда ҳам у 6000 кишидан оз бўлмаган. Қўшин билан олиб кетиладиган тўплар учун 481 пуд пороҳ, 1230 пуд қўргошин ва бошқа нарсалар ажратилди.⁵ Аскарларни ва офицер-

¹ Уша жойда, 61-бет.

² Уша жойда, 64-бет.

³ Уша жойда, 177-бет.

⁴ Уша жойда, 99-бет.

⁵ Уша жойда, 177-бет.

ларни ичишлари учун 4000 чөлак вино, 597 чөлак пи-во бериладиган булди. Хуллас, ҳарбий қисм ипдан-иг-нагача тұла таъминланиши, қанчадан-қанча ярог-ас-лахалар ажратилиши назарда тутилди.

Астрахан ва бошқа жойларда олиб борилаёттан тайёргарликтер ҳақидағи овозалар Туркистан үлкәсін-га етиб борган эди. Чунончы, 1716 йилда Астрахан орқали Россияга борган Хива хонлигининг элчиси уни үз күзи билан күрган ва эшиттан эди. У ватани-га қайтгач бу қақда үз хонига маълумот берган. Шун-дан кейин Шергозихон үз қули остидаги ерларга ҳар-бий тайёргарликни күриб таҳт бўлиб туришни буюр-ган.¹ Бекович-Черкасский бундан жуда ташвишланган, албатта. Шунинг учун у гўё Хива хонлигига дўстлик ва тинчлик элчиси сифатида бораётганлигини ишон-тириш учун Иван Воронин ва Максим Святой ном-ли үз кишиларини маҳсус хат билан Шергозихон ҳузурига юборган. Бу рус элчилари Хивада даставвал қаттиқ назорат остида яшаган бўлсалар, лекин қаёққадир кетган Шергозихоннинг келиши билан уларга бир оз эркинлик берилган. Улар хонликда ҳар-бий тайёргарлик кўрилаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, буни маҳфий хат орқали Бекович-Черкасский-га етказганлар.²

Хива хонлигидаги рус қўшинларининг бўлажак тажо-вузига қарши тайёргарлик кўрилаётганини қалмоқ хо-ни Аюқхон ҳам хабар қилған. У 1717 йил 16 майда рус маъмуриятига ёзган хатида шундай деган: Менинг Хива хонлигига бориб келган одамим гувоҳлигига кура 2000 кишидан иборат хиваликлар, қорақал-поқлар ва қозоқлар бирлашиб чегара жойларда тури-шибдилар. Улар йўллардаги кудукларни кўмганлар, ҳамда жанг қилиш ниятидалар. Йўллардаги иссиқ жа-зира маънайдаги орқасида утлар йўқ, тагин рус аскарлари оғир аҳволга тушиб қолмасинлар. Вазиятни батафсил ту-шунтириш учун 7 кишини юбормоқдаман.³ Хуллас, ҳар иккала тарафда келажакдаги үзаро тўқнашувга тайёргарлик олиб борилган. Манбаларга кура Беко-вич-Черкасский биринчи навбатда Амударёни Каспий дентизига буришга доир маълумотларни қўлга кири-

¹ Уша жойда, 138-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 131—132-бетлар.

тишга ҳаракат қылган. У 1715 йилда Астрахандан Каспий бүйлаб туркманлар яшайдиган жойларга бориб Сайдмамад, Салмон, Бегенч, Пулат Баши, Манглай, Қашқа (манбада исмлар бузиб ёзилган) ва бошқа нұғузли кишилар билан Амударә хусусида сұхбатлаштынан.¹ Туркман вакиллари үтмишда Амударәни Каспийга құйылғанлыгын тасдиқлаб, 20 чақирим масофадаги ер қазилса уни эски йұлға оқызын мүмкінлігін айттындар. Бекович-Черкасский бу масаланы аниқлашучун биладиган одамни беришни сұраганда улар Нафасхұжа деган туркманни тавсия эттінлар.² У бу кишига Астрахан дворянин Иван Звонский ва Николай Фёдоров деган кишиларни күшиб Амударәни эски узанини аниқлашни буюрган. Улар Нафасхұжа бошчилигінде йұлға чиқиб Хива хонлигига 17 күнлик масофадаги Қарағоч деган жойға келгандар. Бунинг атрофида баландлығы бир метр чорак, узунлығы беш чақирим, эни уч метр келді. Нафасхұжа мана шу тепалик олиниб ариқ қазиб борилса Амударәни Каспийга бурса бұлади, деган фикрни айттын.³

Бекович-Черкасский қанчалик ҳаракат қылмасын барыбір Амударә ҳақида етарлы маълумот ололмади. Бекович-Черкасский Пётр I нинде ҳарбий истеҳкомлар куриш ва бу билан Каспий деңгизининг шарқий қырғоқларыда Рус давлатининг таъсирини үрнатыш ҳақидаги курсатмасын адо этишта киришті. У 1716 йилни 15 сентябрьда 69 кемада Каспий деңгизи бүйлаб Астрахандан 290 чақирим масофада жойлаштынан Тюрккараган деган жойға — Мангишлөк га келді.⁴ У бу ерда құшин билан үрнашиб Святой Пётр I номида ҳарбий истеҳкомини қурдірді. У бу ердан Бухоро хонлигига элчи этиб тайинланған Кожин ва Пётр Давидовни Астррабодда жұнатади. Чunksи бу ер орқали Бухорога бориш режалаштирилған зеди.

1716 йилни 23 октябрьда Бекович-Черкасский иккінчи ҳарбий қатынды куриш учун иккі полкдан иборат құшин билан Красноводскка йўл олди. Күп үтмай бу ерга Эрон маъмурияти рухсат бермаганлығы орқасында Бухорога юборилған Кожин ва Пётр Давидовлар

¹ ЦГВИА России д. 35, л. 356.

² Ұша жойда.

³ Ұша жойда.

⁴ Ұша жойда, 342-бет.

қайтиб келдилар¹. Манбада Пётр Давидов «Морской подпоручик» дейилган.² Афтидан, бу элчига сув йүлларини урганиш ва маълумотлар тұлап топширилган.

1717 йилни 20 февралыда Бекович-Черкасский Красноводскда қалъа қуришни йүлга құйғандан кейин қуруқ йүл билан Астраханга қайтади. Бу ерда у Хивага қарши ҳарбий юришни охирги тайёргарлиги билан шугулланади. Бу вақтда Хива хонлигининг күч-кұдрати анча кучайиб, Марвдан то Астрободгача бұлған ерлар (тог этаклари) бүйлаб Атрек, Гургон соҳилларида яшовчи форс ва туркманлар бүйсундирилган эди.

1717 йилни баҳор кезларида Бекович-Черкасский қүшиннинг бир қисмини қуруқ йүл бүйича, үзи эса аскарлари билан кемада Каспий денгизи билан Гурьевга келди. Гурьевга 60 та рус аскарлари балиқ ови билан шугуллаңаёттәнларида қорақалпоқлар құққисдан хужум қилиб уларни асир олиб отларини ҳайдаб кетгәнлар. Бекович-Черкасский дархол уларни орқасидан қувиб асирларни ва отларни қутқарған. Бекович-Черкасский сұровига мувофиқ, қалмоқ хони Аюқхон Манглай Қашқа бошлиқ 10 кишини йүл күрсатувчи сифатида юборған. Шунингдек унга юқорида қайд қилинган Нафасхұжа ҳам кузатувчи тарзидә қүшилған. Бекович-Черкасский 3000 дан ортиқ қүшин ва хизматчилар билан 1717 йил май охирі ёки июнь бошларида Гурьевдан чиқыб, Хива томон юради. У билан бирга Астрахан татарларини (70 кишилик) савдо карвоңлари ҳам йүлга отланади. Бекович-Черкасский Імба аригини кечиб үтиб, ҳамда юқори қисми томон юриб икки кундан кейин Багачат деган жойға құнди. Шундан кейин қүшин Дүчкон, Мансулмас, Чилдоп, Сан Дурали, Яңгисув сингари қудукларни босиб уттан. Бу вақтларда жазирама иссиқ барча утларни қуритиб юборғанлығы орқасида қүшинга тегишли отва туяларни боқиши анча қийинлашған. Бекович-Черкасский узини босқынчилік юришини ниқоблаш мақсадида Яңгисувга келганды Михаил Коретовни тинчлик ва дүстлик элчиси сифатида бораёттәнлигини маълум қилиш учун Шергозихон ҳузурига жұнаттан.³ Шундан кейин қүшин йүлни давом эттириб Шершик

¹ Уша жойда, 342-бет.

² Уша жойда, 347-бет.

³ ЦГВИА России д., 35, л. 305.

қудуги ва Қорақумобод ариги орқали Оқкүл аригига келган. Күп ўтмай Хива хони Шергози номидан икки киши ва юқорида қайд қилинганд Коретовни бир одами Бекович-Черкасский ҳузурига келгандар.¹ Хива элчилари хон номидан от, түя ва моллардан иборат совғаларни Бекович-Черкасскийга топширган.² Шу равишда Шергозихон душманни ёвуз ниятини яхши билсада, лекин сир бой бермай иш юритади.

Бекович-Черкасский Хива элчиларига ўзини элчи сифатида келаётганини такрорлади. Рус қўшини Оқкулдан чиқиб Қорағоч деган ариққа қўндилар. Бу ердан Хивагача тўрт кунлик йўл қолган эди. Бундан хабар топган Хива қўшинлари рус аскарларига ҳужум қўндилар. Воқеа гувоҳларининг сўзига кўра, ватан ҳимоячилари пилтали оддий милтиқ, қилич, найза, ойболта, уқ-еъ ва бошқа оддий аслаҳалар билан қуроллангандар. Русларда эса туп, милтиқ ва бошқа тако-миллашган қуроллар бор эди. Манбаларда Хива қўшинининг сони турлича, яъни 100 минг ёки 60 минг кўрсатилган.³ Жанг уч кун давом этгандан кейин тўртинчи куни Хива хони Шергозихон Эшонхўжа исмли элчисини юбориб ярашишини таклиф этди. Элчи Бекович-Черкасскийга шундай деди: Хиваликлар узбошимчалик билан рус аскарларига ҳужум қўлганлар, хон эса билмай қолган. Хоннинг сўрови шундан иборатки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса у вақтда ишонч ҳосил қилдирсинг.⁴

Бунга жавобан Бекович-Черкасский: Мен рус императори Пётр I номидан ёрлиқ ва оғзаки топшириқлар билан элчи сифатида келдим, деган. У астраханлик татар Олтин Ҳусайнов деган кишисини Эшонхўжа билан бирга Шергозихон ҳузурига юқоридаги гапларни етказиш учун юборди. Олтин Ҳусайновни Шергози эмас, балки лашкарбоши Қулунбай қабул қилиб унга айтганки, агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бўлса, у вақтда хон ҳузурига ўзи ташриф буюрсинг. У бу сўзларни

¹ Уша жойда, 304-бет.

² Отларни толиқиб қолиши орқасида Янгисувда минг кишилик рус аскарлари қолдирилган эди. Оқкулда туялар топилиб уларга юборилган эди. Шундан кейин улар ҳам Оқкулга келгандар. Айтидан туялар туркманлар ёки козоқлардан сотиб олинган.

³ ЦГВИА России д., 35, л. 307.

⁴ Уша жойда.

Эшонхұжа билан орқага қайтиб Бекович-Черкасский-га етказған.¹

Хива қүшини рус аскарларини атрофини ураб: агар Бекович-Черкасский ҳақиқатан ҳам элчи сифатида келган бұлса, у вақтда буни үзи ўртага чиқиб айтсін әки урушадиган бұлса жангга түшсин деб бақиришган.² Бунга жавобан Бекович-Черкасский хиваликлар узокроқ жойға тисланса ва Шергозихонни үзи келса чиқиши мумкинligини билдирган. Шунингдек у олдинги жангда руслардан олти киши үлдирилтәнлигини айтиб ишончсызлик билдирган.³ Бошқа ұжжатда үлганларнинг сони 10 киши дейилганды.⁴ Бекович-Черкасский буйруғи билан иккі күн давомида ватан ҳимоячиларига қарши тұп ва мильтиқлардан үк узилди. Шундан кейин хиваликлар бир қақириим орқага чекиндилар.

Шу тахлитта ватан ҳимоячилари билан рус қүшинлари уртасида иккі маротаба қонли түкнашув содир булды. Афсуски, бу жанглар ҳақида маңаллый манбадарда маълумотлар топылғаны йүқ. Улар күпроқ рус архивларида сақланған. Булар асосан Бекович-Черкасскийнинг ҳарбий юришида бевосита қатнашған туркман Нафасхұжа, Олгин Хусаинов, Ейік казаки Федор Емельянов, Михаил Спиридонов, Уразмат Ахметов сингари кишиларни хотираларини үз ичига олади. Уларни күрсатыщыча айтилған жангдан кейин үша хивалик Эшонхұжа яна келиб ороллуклар ва туркманлар хонни рухсатисиз үzlарича ҳужум қылғанларини баён эттән. Шунингдек, у ҳеч нарсадан хавфсирамай хон олдига боришиға даъват эттән.⁵

Бекович-Черкасский бунга жавобан астраханлик татар Исмоил Мирза ва Худойқұл Мирзани Шергозихон құзурига юбориб, рус давлатини элчиси эканлигини ва қорақалпоқларни ҳужумларидан сақланиш учун қүшин билан келғанлигини билдирган.⁶ Маълум вақтдан кейин рус элчилари хоннинг лашкарбошиси Кулунбек ва Назархұжа исмли киши билан келған. Шундан кейин қарға иккі томон бир-бирларига ҳужум

¹ Үша жойда, 308-бет.

² Үша жойда, үша бет.

³ Үша жойда, үша бет.

⁴ Үша жойда, үша бет.

⁵ Үша жойда, 311-бет.

⁶ Үша жойда, үша бет.

қилмасликка келишдилар. Сунгра Шергозихон Эшонхужани юбориб Бекович-Черкасскийни уз ҳузурига таклиф этади. Бунга розилик билдириб Бекович-Черкасский, княз Михаил Замонов, бригада комиссари Григорий Волков, 700 аскар ва бошқа бир нечта кишилар билан хон ҳузурига йўл олди. Қўшинга унинг орқасидан юриш буюрилди.¹ Кейинги воқеа қай тарзда борғанилигини жонли гувоҳ Олтин Ҳусаинов шундай таърифлайди: Бекович-Черкасский ва Михаил Замонов Шергозихон ўрнашган чодирга киритилди. У Петр I Олий ҳазратларининг ёрлигини, ясантирилган от, мовут, 5 газдан газламалар, каллақанд, кумуш идиширидан иборат совғаларни хонга топширди. Улар чодирда икки соат сұхбатлашдилар ва овқатландилар. Уз навбатида хон ҳам Бекович-Черкасскийга безатилган энг яхши отни ҳадя қилди. Шундан кейин Бекович-Черкасский унинг учун белгиланган чодирга келиб ўрнашди. Кўп утмай хон олган совғаларни, хусусан газламаларни чириғанлиги учун Бекович-Черкасскийга қайтириб юборган. Бу Бекович-Черкасскийни шу даражада хижолатга ва ҳаяжонга солғанки, кўз ёшлари билан «Нима учун шундай қилдинг?» — деб Михаил Замоновни қоралаган. Бунга Замонов: «Мабода орқага қайтишимизга тўгри келса, бир кунимизга ярап, деб қилдим», деб жавоб берган. Кейинги куни Шергозихон ва Бекович-Черкасский биргаликда Хива томонга йўл олдилар. Кечқурун улар тўрт соат мобайнида сұхбатлашиб овқатландилар. Сунгра йўл давом эттирилиб Хива қўшини Бекович-Черкасский орқасидан келаётган рус аскарларини унга яқинлаштирмади. Хивага икки кунлик йўл қолганда Порсунгул деган дарёга келишдилар. Рус аскарлари бу ердан икки чақирим нарида тўхтадилар. Эрталаб Шергозихон Бекович-Черкасский ҳузурига тўрт ўзбекни юбориб рус қўшинларини барчасини Хивада жойлаштиришни ва таъминлашни имкони йўқлигини ва уларни беш қисмда тақсимлаб, турли шаҳарларга ўрнаштиришни таклиф қилди. Шунингдек, Бекович-Черкасскийга уз ёнидаги 700 қишини ҳам тарқатиб 200 одам билан келишни таклиф этди. Бу сурвлар қабул қилиниб беш қисмга ажратилган рус аскарлари хон амалдорларини кузатувида беш тарафга олиб кетилди. Шундан

¹ Уша жойда, 339-бет.

кейин,— деб сүзини давом эттиради Олтин Ҳусаинов,— Шерғозихон буйруги билан княз Михаил Замонов, астраханлик дворянин Киряк Экономов, сунгра Бекович-Черкасский ечинтирилиб бошлари қиличдан утказилди. Бу воқеа 1717 йил 29 августда содир булди. Рус аскарлари ҳам йўлларда қириб ташланди, маълум қисмигина асирилкка олиниб, қулга айлантирилди. Кўрсатилган уч кишини бошлари Хивадаги бозорда осиб қўйилиб жамоа аҳлига намойиш этилган.

Шу тарзда Шерғозихоннинг (1715—1728) ута эҳтиёткорлик ва билимдонлик билан юриттан сиёсати бир неча баробар кўп кучга ва ярг-аслаҳага эга бўлган уч минг кишилик рус қўшиналарини мағлубиятга учратди.¹ Ватан ҳимоячилари тўп, милтиқ, қилич ва бошқа ярг-аслаҳаларни улжага олдилар. Шерғозихон уз галабасини намойиш этиш учун Бекович-Черкасскийни калласининг терисини шилиб ва ичига сомон тиқиб Бухоро хонига жунатди. Аммо, бу ерда хон Россия билан алоқани ёмонлашишидан кўркиб «совгани» нафрат билан қарши олди ва дарҳол қайтариб юборди.² Шунингдек Шерғозихон рус асиirlаридан олти кишини Бухоро хонига ва 10 кишини қалмоқ хонига «совға» сифатида жўнатган.

Бекович-Черкасскийни тор-мор этилиши бутун Россияни ларзага солган, десак муболага бўлмайди. Чунки бу ноxуш хабарни биринчи навбатда Пётр I қаттиқ ҳаяжон ва алам билан қарши олди. Оврупадаги энг йирик ва қудратли Россия империясининг кичик бир хонликдан енгилиши жаҳон даврасида Пётр I ни нокулай ҳолатта солиб қўйиши турган гап эди.

Гарчанд, Шерғозихон катта зафарни қўлга киригтан бўлса-да, рус давлати билан дипломатик ва савдо алоқаларини тиклаш йўлларини қидирди. Чунончи, у 1720 йилда Ваисмаматни элчи сифатида Россияга юборди. Бу элчи олиб келган ёрлиғида хонликни Эрон билан уруш олиб бораётганилиги хабар қилиниб Бекович-Черкасский муносабати билан узилиб қолган алоқаларни тиклаш зарурлиги Пётр I га маълум қилинган. Бу билан баробар Бекович-Черкасский кўп

¹ Бу вақтларда Хива хонлигини Эрон билан алоқаси кескин тус олган. Шунинг учун ҳам Эрон шохи Бекович-Черкасскийга ёрдам бериш учун Астрабадда 60 минг аскарни тайёрлаган. Аммо, Бекович-Черкасскийдан ҳеч қандай сурор бўлмаганлигидан ният амалка ошмаган.

² ЦГВИА России, д., 35, л. I.

сонлик қүшин билан келиб хонликни босиб олмоқчи бүлганилиги учун унинг қүшинларига зарба берилганилиги уқтириб үтилган.¹ Гарчанд, Шергозихон уз ватанига бостириб кирган босқинчини тор-мор этиб халқ олдидаги муқаддас бурчини адо этиб, яхши ният билан Россияяга элчи юборган бұлса-да, лекин Петр I нинг алами ва нафрати шу даражада кучли бүлганды, у дипломатиянинг оддий қонун қоидаларини онгли равища бузади. Чунончи, уша Хива элчисини 5 та ҳамрохи билан Астрахандан соқчиларнинг қаттық назорати остида Петербургта келтириб Петрапавловск қамоқхонасига ташлайды.²

Бундай шармандали иш дипломатия тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Кейин Ваисмамат ташқи ишлар коллегиясига чақирилиб сұхбат үтказилған. Элчи сұхбатда Хива хони савдони тиклашни сұрағанлигини маълум қылған. Коллегия бошлиқлари савдони кучайтириш ва Тюпкараган қалъасини қуриш учун юборилған Бекович-Черкасскийни үлдирилишини қоралаганлар. Коллегияда Бекович-Черкасскийни хуни учун элчини үлдириш лозим дейилганды, элчи «Бу сизларнинг ишингиз», — деб мардонавор жавоб берган.³ Элчи Ваисмамат 1721 йилнинг 10 марта қамоқхонада вафот этган. Шубҳасиз, у қасос олиш мақсадида ҳукумат томонидан үлдирилған. Унинг ҳамроҳларидан бири Кучак номли кишигина рус ҳукуматининг рус асирларини озод қилиш ҳақидаги хати билан Хивага жұнатылған.⁴ Қолған учта Хивалик 1724 йылда қамоқхонада учйил өтгандан кейин каторгага ҳукм қилинған.

Шергозихон рус давлатининг элчига нисбатан гайриқонуний муносабатига қарамай алоқаны тиклашдан воз кечмади. У 1721 йилни бошида Бухорога рус элчиси Флорид Беневенини келганилигини эшитиб уни Хивага келишини ва бу ерда зүр ҳурмат билан қабул қилинишини маълум қилди. Ҳақиқатан ҳам Ф. Беневени Хивага келганды ҳурмат билан күтиб олинди. Қабул маросимида Шергозихон Россия билан савдо алоқаларини тиклашни ва душманлықдан фойда йүклитини Ф. Беневенига айтган. У Бекович-Черкас-

¹ Архив внешней политики России., Ф. Сношения России с Хивой (АВПР) д. 1. л. 85.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 86-бет.

⁴ Уша жойда, 88-бет.

кий воқеасига тұхтаб, әлчи тарзида әмас, балки күп аскарлар билан Хива хонлигини босиб олиш учун келгандығын баён этди. Шергозихон рус әлчиси билан берірга Субхонкули номли кишисини әлчи сифатыда Россияга юборган. Аммо Хива әлчиси 1725 йилда Пётр I үлгандан кейин Петербургта келди.¹ Бу ерда у Шергозихоннинг савдо алоқаларини тиклаш ҳақидаги өрлигини рус ҳукуматига топшириди. Натижада, Хива хонлиги билан рус давлати үртасыда савдо алоқаларини тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди.² Бунда алоқаны узилиши орқасыда Каспий-Волга йўлидаги савдога путур етгандығы ва бож йигишнинг камайиб кетгандығы курсатилиб хонлик билан савдони қайта йўлга қўйиш зарурлиги уқдирилган.³ Рус подшоҳлари Хива хонлиги билан савдо алоқасини тикланиши муносабати билан Туркистон үлкасига маҳсус савдо карвонларини юбориш тұғрисида фармон чиқарди. Карвонбоши лавозимига Астраханда яшовчи самарқандлик ўзбек савдогари Едгор Олимов тайинланди.

Олдинги саҳифаларда Бухоро хони Абулфайзхон Бекович-Черкасскийни үлдирилишига қарши ўз нафратини билдириган эди. У бу билан чегараланмай уша Ф. Беневени орқали Пётр I номига хат юбориб ўзаро әлчилик ва савдо алоқаларини кучайтириш таклифи билан бир қаторда Шергозихоннинг Бекович-Черкасскийга нисбатан бўлган муносабатини қоралаган. Ҳатто, хон Хива хонлигига қарши қўшин юборганлиги маълум қўлган.⁴ Хуллас Абулфайзхон Рус давлатини Хива хонлиги билан алоқасини ёмонлаштиришга уриниб, ўзини унга дүстлигини курсатишга ҳаракат қўлган.

Шунингдек, Абулфайзхон тобора кучайиб бораётган Хива хонлигини ишларига аралашиб оролликларни Шергозихонга қарши бош кутартириди. Оролликлар уни ўрнига Бухорода яшовчи шаҳзода Темур Султонни таҳтга утказиш учун ҳаракат қўлганлар.

Бекович-Черкасскийнинг мағлубияти Пётр I нинг Каспий денгизини шарқий қирғоқларини эгалашга қаратилган ҳаракатларига ҳам зарба берди. Архив хужатларига кўра, Тюлкараган ва Красноводскидаги ҳар-

¹ АВПР, Ф. д. 1, л. 3.

² Уша жойда. 26-бет.

³ Уша жойда. 98-бет.

⁴ Уша жойда, д. 18250, л. 1.

бий истеңкомларда шароитни оғирлиги орқасида Бекович-Черкасский қолдирған аскарларни күпчилігі дардга чалинган ёки үлган.¹

Буни устига туркман қабилалари қалъаларга хужум қилиб, үнлаб рус аскарларини асирилкка олғанлар. Уларни орасида үлдирилғанлар ҳам бұлған. Ҳатто, Хива хони бу ерга хужум қылармиш деган овозалар тарқалған. Пётр I үлемидан кейин қанчалик вақтларнинг утиши билан күрсатылған қалъаларга әзтибор шунчалик пасайыб борди. 1717 йылни охирида қолған оз сөнли рус аскарлари қалъаларни ташлаб Астраханга қайтишга мажбур булдилар. Туркистон үлкесини рус давлатини таркибига киритишга қаттық бел боғлаган Пётр I Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилишидан шу даражада аламга тушганки, ҳатто, үлим түшагида ётганида ҳам Хива хонлигидан «қонға — қон» тарзидә хүн олиннишини васият қылған.² Рус шоири А. С. Пушкин сүзича «Пётр I иккі армоп билан кетди: бири Прут соҳилидаги мағлубияти учун Туркиядан, иккінчи Бековични қатли учун Хивадан үч ооломмаган эди».

Пётр I Каспий қирғокларини Эрондан урушиб олғандан кейин «улугдавлатчилик гоялари» янада жүшуреб, шундай деган экан: «Астрободдан Балхга ва Бадахшонга фақат 12 күнлик йүлдир. Бухоро барча Шарқ савдосининг марказидир. У томонларга борадиған йүлларга ҳеч ким түсік бұла олмайди».

Бинобарин, у Эрон орқали ҳам Туркистонни үз таъсир доирасига олишни режалаштирган. Пётр I нинг энг яқин одамларидан бири Волинскийнинг эсдалигига күра, Пётр I фақат Эронни эмас, балки то Ҳиндистон ва Хитойгача бұлған ерларни үз күл остига олиш ниятида булған. Уни таъқидлашича, Пётр I тирик бұлғанда бу ишларни амалға оширилиши турған гап эди.

Хуллас, Хива хонлиги томонидан Бекович-Черкасскийнинг тор-мор этилиши рус давлатининг босқынчилік сиёсатига қаттық зарба берди. Шундан кейин рус ҳукумати узоқ вақттача Туркистон үлкесига ҳарбий юриш үюштиришни лозим күрмади. Бироқ унга зимдан ва аста-секин тайёргарлыйк ишларини амалға ошириб борди.

¹ Үша жойда, д.5, л.141.

² АВПР.Ф.д.1, л.1.

ҚОЗОГИСТОНДА РУС ДАВЛАТИ ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИШИ

Афтидан, Пётр I Каспий денгизи ва Устюрт орқали Хива хонлиги ва умуман узбек хонликларини эгаллашни мушкуллигини англаган бўлса керакки, Россияни биринчи навбатда Қозогистон ерларида эгалигини таъминлашга даъват этган. «Шарқ билан алоқада, — деган у, — Қозогистон тасарруфи калит ва дарвозадир. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам Қозогистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса у ерда Россия таъсирини урнатиш зарурдир». Пётр I нинг бу орзузи улумидан куп ўтмай замон тақосига кура жуда осонлик билан амалга ошиб борди. Чунончи, XVIII асрнинг биринчи чорагида ва кейинги йилларда қозоқ сultonларининг ўзаро урушлари, айниқса, қалмоқларнинг тажовузлари аҳволни ғоятда ёмонлашишига олиб келди. Шу боис қозоқларнинг айрим юқори табақа вакиллари Рус давлати тобелигига ўтишга ва бу билан узларини хавфсизлигини таъминлашга қаттиқ ҳаракат қилдилар. 1730 йилнинг 30 сентябрида Абулхайрхоннинг Сайкул Қайдагулов ва Кутлумбет Кашкаев бошчилигидаги элчилари Уфа га келиб, рус маъмуриятига Урта ва Кичик Жуз қозоқларини Рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги сурошини топширди. Рус ҳуқумати буни бажонидил қабул қилиб, шунни таъкидлаб ўтдики, қозоқларни тобеликка олинниши Хива хонлиги ва бошқа жойларни бўйсундирилишини осонлаштиради.¹ Айни пайтда у савдони ривожланишида муҳим урин эгаллаши уқдириб ўтилди.

1731 йил 19 февралда император Анна Ивановна Кичик Жуз қозоқларии ихтиёрий равища рус давлати тобелигига утказилиши ҳақидаги ёрлиққа имзो чекди. 1731—1740 йилларда Урта Жуз қозоқлари ҳам Рус давлати тобелигига олинди. Бу вақтларда Хива хонлигига таҳт учун курашлар шу даражада қизиб фожеали оқибатларга олиб келдики, пировардида узбеклардан хонликка номзод тополмай қозоқ сultonларидан бири бўлмиш Элбарс (1728—1740) таҳтга утқазилди. Юқорида қайд қилинган Абулхайрхон

¹ Книга Азиатского департамента. № 21, л. 76.— «Красный Архив», 1938. Т.2, (87), С.134.

бундан фойдаланмоқчи булиб Хива хонлигини ҳам Рус давлати тобелигига үтказишга қаттиқ киришди. Бунга эришмоқ учун уз угли Нуриллахонни Элбарс ҳузурига юборди. Аммо, хонликдаги Россияга қарши кучлар бунга йўл қўймади. Хива қўшинларини Элбарс бошчилигига Хурросонга қилган тажовузига жавобан Эрон шоҳи Нодир Хивага қарши йулга отланди. Хонқада Эрон аскарлари қамалга олинган Элбарсни үлдириб галабага эришдилар. Бу ерда уруш кетаётганда юқори табақа вакиллари Абулхайрхонни олиб келишиб хонлик тахтига үтказдилар. У Нодиршоҳни келаёттанлигини эшишиб Хивадан қочишига ултурди.

Шу тариқа Рус давлати қозоқ жузлари орасида салмоқли ўринни эгаллаган Абулхайрхоннинг ташаббуси ва ҳаракатлари натижасида Кичик ва Ўрта Жузларда уз ҳукмронлигини ўрнатиш имконига эга бўлди. Натижада Рус давлати нодир табиий бойликларни, бепоен ерларни, карвон йулларини ва бошқа кўп даромад манбаларини қўлга киритди. Шундан кейин у жойларда рус шаҳарлари ва бошқа турар жойлар, саноат корхоналари ва турли конлар юзага келди. Булар Рус давлатини ҳар жиҳатдан қудратини ошиб боришини тъминлади. Бу борада Оренбург шаҳрини барпо этилиши муҳим ўрин эгаллади. XVIII асрни 30-йилларида Қозогистон ерларини узлаштириш ва савдони ривожлантириш учун Ёйиқ (Урал) дарёсига қўйиладиган Ор дарёси бўйида ҳарбий қалъа қуришга киришилди. 1734 йилни баҳорида ҳукумат К. К. Крилов бошчилигига Оренбург экспедициясини ташкил қилди. К. К. Криловга ҳарбий қалъани қуриш билан бир қаторда узбек хонликлари билан алоқаларни ривожлантириш ҳамда узбек савдогарларига имтиёзлар бериш сингари вазифалар юқлатилди. Хуллас, рус ҳукумати Оренбург шаҳрини Туркистон улкаси билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини кўприги сифатида бунёд этадиган бўлди. У узининг кўрсатмасида Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Хива ва Бухоро билан алоқани юқори даражага кўтаришга алоҳида аҳамият берган.¹

Биринчи навбатда у ердан Бухорога савдо карвони-

¹ ЦГАДА России, ф. 19., Финансы, д.5, л.4.

ни юбориш режалаштирилди.¹ Ҳатто узбекларга Оренбургда доимий яшаш учун рухсат берилди.²

1735 йилни 15 августида Оренбургнинг биринчи пойдевори қўйилди. Бу воқеада тошкентлик савдогарлар ҳам қатнашганлиги маълумдир.³

Оренбургнинг табиий шароити ва жойланишини нокулайлиги туфайли уни Красная Гора деган жойга кучиришга қарор қилинди. Бу иш 1739—1741 йилларда амалга оширилди. Шунингдек Оренбургнинг яқин ва узоқ атрофларида Губерлин, Озер, Бузулук, Барс, Красно-Самарск, Тобин, Чеборкул, Красно-Уфим, Елдяц, Кубов, Миасск, Кивилтон, Қалмоқ-борди, Серднати, Берд, Крылов, Карапул, Верхний, Сорочий, Тоцкий, Воздвиженский, Танальц, Илецк, Ейик ва Троицк каби қалъалар пайдо бўлди.

1744 йилга келиб Оренбург губернияси ташкил топиб у Кама дарёси, Каспий денгизи, Фарбий Сибирь ва қозоқ даштлари уртасидаги бепоён ерларни қамради. Бу жойларда юзага келган шаҳарлар ва ҳарбий истеҳкомлар Туркистонни келажакда босиб олинишида муҳим таянч бўлди. Айни бир пайтда Оренбург Россиянинг Туркистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожланишида муҳим марказлардан бири ҳисобланди. Рус давлати фақат Ёйик эмас, балки Сибирь томонидан ҳам Қозогистонда уз мавқеини мустаҳкамлайдиган ва ҳарбий юришларни уюштиришни таъминлайдиган таянч нуқталари бунёд этди. Масалан, Омск (1715), Железинск, Петропавловск, Семипалатинск (1718), Устькаменогорск (1720) ва бошқа қалъалар ва шаҳарлар қурилди. Жами 60 дан ортиқ катта-кичик ҳарбий истеҳкомлар юзага келган. Хуллас, Рус давлати қанчалик вақтларнинг утиши билан Қозогистонда шунчалик кўп уз мавқеини мустаҳкамлаб узбек хонликларга хавф тугдериб борди.

¹ Ўша жойда, ўша бет.

² Ўша жойда, ўша бет.

³ Ўша жойда, 77-бет.

1839 ЙИЛДА ХИВА ХОНЛИГИГА ҚИЛИНГАН ТАЖОВУЗ

Бу даврга келиб Рус давлатини хукмрон доиралари орасида узбек хонликларини босиб олиш ҳаракатлари кучайган эди. Чунончи, 1835 йилда Оренбург генерал-губернатори В. А. Перовский император Николай I га маҳсус хат билан мурожаат қилиб, унда Хива хонлигига қарши нафрат үйготишга қаттиқ уринади. У Хива хонлари узок вақтлардан буён душманчилик қилиб келаётганигини, гүё савдо карвонларини талаётганигини ва рус асиirlарига ёвойиларча муносабатда булиннаётганигини кўпиртириб таърифлади. Шунингдек, Хива хонлиги аҳолисини маданиятсизликда, қолоқликда ва ҳатто ваҳшийликда айблади. Ҳатто, у Бекович-Черкасскийни қийнаб ўлдирилганигини ҳам эслатиб қўйди. Шу равишда генерал Перовский қандай бўлмасин императордан Хива хонлигига қарши ҳарбий юришга рухсат олиш учун ҳеч нарсадан тоймади. У уз хатини қўйидаги тарзда тугаллаган: «Франция Жазоирни урушиб олиши учун миллионлаб сўмларни сарфлади, лекин бу харажатларни доимий равишда бир неча марта купайтириб қоплаб турадиган мамлакатга эга бўлди. Россиянинг Хива хонлигини босиб олиши эса уша харажатларнинг ундан бирига ҳам арзимайди. Аммо, урушиб олинса Урта Осиё бизни маданиятимиз, савдо ва саноатимиз, бошқарув тизимимиз киришида тараққиётта эришиб асрлар мобайнida давом этиб келаётган зулм ва азоб-уқубатдан холос бўлади! Бинобарин рус ҳарбий саркардаси Хива хонлигини эгаллаш катта бойлик беришига зътиборни қаратаркан, Россия гүё тараққийпарварлик вазифасини бажаришини писандагилади. Бу сиёsat учун ёзилган гап эди, албатта.

1837 йилда рус императори Николай I (1825—1855) Хива хонлигини босиб олиш ҳақида В. А. Перовскийга фармон берди. Шунга мувоғиқ бу генерал рус императорига 4000 кишилик аскар ва 12 туп ажратилишини тавсия этди. Юришга сарфланадиган маблагни ҳажми 1.689 минг қоғоз пул ва 575 минг кумуш сўм микдорида бўлиши курсатилди. 1839 йилда 4250 та аскар, 18 туп, 2090 кишидан иборат қўшин жамланди. Сунгра, уша йилни 14 ноябрьда Хивага қарши

¹ ЦГВИА России., ф. ВУА.д. 18250., л. 8.

йулга чиқылди. Генерал Перовский бошчилигидаги күшин 19 декабрда Эмба қальасига үрнашды. Шу орада қаттиқ совуқ ва буронни туриши рус аскарларни оғир ақволга солиб қыйди. Ҳатто уларни орасида үлганилар күзга ташланди. Туя ва отларни боқишиң қиинлашиб бирин-кетин ула бошладилар. Рус қүшинларини келаётганлигидан хабар топған Хива хони Оллоқулихон уларға қарши аскарларини юборди. Булар йүлда Бухорога элчи сифатида келаётган русларни, хусусан капитан Ковалевскийни ва штабс капитанни Григасни асир олдилар. Аммо, асиrlар қочиб қутилишга эришдилар. Бу вақтларда генерал Перовскийнинг күшинини бир гурухи олдинроқ келиб «Чучқа күл» деган жойга үрнашиб олган эдилар. Бу воқеа маҳаллий манбада шундай таърифланған: — руслар «Чучқа күлга» келиб қалға қуришидан мақсад Хива хонлигини босиб олишга тайёргарлик күриш эди. Оллоқулихон бундан хабар топиб Отамурод қүшбегини 18 сардор ва 8 минг киши билан уша жойга жұнатди. Хива күшинини Хивадан чиқиб Урганч, Қизилгунбанд деган жойлар орқали қозоқ йүлларига утдилар. Сұнгра улар «Емон минг йилқи» деган жойга келишганды сардорлардан бири — Мұхаммад ясовулбоши вафот этди. Унинг мурдаси Хивага юборилди. Шундан кейин Хива қүшинлари бир неча манзил йүл юриб «Чучқа күлга» келишди. Сұнгра душманга ҳужум қилинди. Асиrlикка олинган бир рус кишиси күп сонли рус күшинларини эрта-индин бу ерга етиб келишини, қалъада ярог-аслача күплиги ҳақида маълумот берган. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари русларға қарши ҳужум бошладилар. Аммо, об-ҳаво айниб қаттиқ совуқ ва буронни тутиши ҳамда қалин қори ёғиши жангни давом эттиришга йүл бермади. Жангда ватан ҳимоячиларидан 4 киши ҳалок булиб 5 киши жароқатланди. Об-ҳавонинг ёмонлиги урушни давом эттиришга йүл бермай, аскарлар Хивага қайтдилар.¹

Бу воқеадан сұнг «Чучқа күлга» етиб келген генерал Перовский ва қүшини ҳам қаттиқ совуқ ва бурон остида қолиб одамлар бирин-кетин ула бошладилар. От ва туяларни боқиши ҳам жуда қийинлашды. Қүшин орасида турли касаллуклар күпайиб борди. Об-ҳаво-

¹ Мұхаммад Юсуф Баений. Шажаран Хоразмшоқий. Үз ФА Шарқшунос-лик институты құләмалар фонды, инв. № 9596, 302-бет.

нинг ута нокулайлиги ва огир шароит йўлни давом эттиришга йўл қўймади. Шунинг учун генерал Перовский 1840 йил февраль ойини бошларида қушинни Оренбургга қайтаришга мажбур бўлди. Бу муваффақиятсизлик катта талофат ва йўқотишга олиб келди. Чунончи, 1054 киши ҳалок бўлди, 10000 тия ва 8000 от йўқотилди. Куп руслар йўлларда адашиб ёки толиқищдан юра олмай хиваликлар томонидан асирикка олинди.

1839 йилги ҳарбий юришда давлат хазинасидан 1700 минг сўм беҳудага кетди. Бундан ташқари унда 23 минг отлар қўшилган 7500 аравалар бор эди. Уларни таннархи 2 млн сўмни ташкил этган. Шунингдек туяларни сотиб олинишига 1 млн сўм сарфланган.¹ Бу ерда куп аскарлар ва бошқа кишиларнинг ҳалок бўлғанлигини ҳамда озиқ-овқатларни, кийим-кечакларни сарфланганлигини ҳисобга олсан кўрилган зиён ниҳоятда катта бўлғанлиги кузга ташланади. Шунинг учун ҳам рус императори Николай I генерал Перовскийнинг қўшинни орқага қайтарилиши ҳақида рапортита: — «Афсус, жуда афсус, лекин на чора худо-таолонинг ҳоҳишига буйсунмасликни ҳеч иложи йўқ», — деб имзо чеккан.²

Хива тарихчиси Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг курсатишича, уша 1840 йилда Ҳиндистондан Ҳайбат Соҳиб отлиғ деган кимса Англия ҳукумати номидан элчи сифатида келиб қўйидаги мазмундаги номани ҳонга берган: «Куп замонлардан бери руслар сиз тарафга ҳаракат этиб вилоятингиз эгалламоқ ниятидир. Уларнинг мақсади Мовароуннаҳрни, Хоразмни, Ҳурсонни эгаллаб Сеистон усти билан Ҳиндистонга утишдир. Русия бир улуг ҳукумат ва подшохликдир-ким уни лашкари саноқсиз ва ярог-аслаҳаси жуда кўпдир. Унинг озгина лашкарига ҳам қарши турарлик кучингиз йўқдир. Гап шуки, яна 50 йилдан кейин (руслар) сизларни ерларингизга эга бўлур. Агар вилоятингизни мудом қўлингизда туришини ва ҳеч кимни унга тажовуз этмаслигини хоҳласангиз уни бизга беринг. Хоразмни Англия қули остида деган сўз сизларни хавф-хатардан холи этади. Бизнинг мақсадимиз нафсониятдан бўлмай, дўстликдадир, ҳамда русларни

¹ Уша асар, 130-бет.

² Уша жойда, уша бет.

Хинди斯顿гача йүлини тусишидир. Биздан сизга фойда етар асло заар өтмасдир. Хохиш-истангизни ёздериб шартнома тузинглар, бизлар эса қабул қиласыз».

Бунга жавобан хон деган: ҳозир руслар устимизга бостириб келганича йүк. 50 йилгача ким бору, ким йүк, биз 50 йилдан келадиган ишни деб юртимизни күлимиздан ҳеч кимга бермаймиз. Биздан кейинги авлодлар нимани хохласалар шуни қылсинаш!¹ Бу жавоб әлчини қониқтирумай шундай деган: «Таклифимиңи қабул қылғанларингизда күп фойда берарди, вақты келиб пушаймон булиши турган гап эди. Бундан кейин әлчи үз мақсадига эриша олмай үз юртига қайтган.²

Менинг фикримча Оллоқулихон узоқни күра олмайдиган давлат арбоби ҳисобланган. У фавқулоддаги воқеаларда бир-бирларига ҳарбий ва маънавий ёрдам бериш хусусида Англия вакили билан шартнома тузганда яхши булиши турган гап эди. Бундан рус давлати бироз бұлса-да ҳайқиши мүмкін эди. Оллоқулихон эса буни аҳамияттін тушунишга ожизлик қылды.

Бу вақтда Англияning Ҳиротдаги әлчихонаси аъзоларидан бири капитан Шекспир ҳам келиб Ҳирот ҳокими номидан Оллоқулихонга хат олиб келган. Бунда Россия билан алоқаны яхшилаш ва рус асирларини озод этиш сұралған. Афтидан, Ҳирот ҳокими Рус давлатини бостириб киришини Афғонистон учун хавф түғдеришини үйлаган бұлса керак. Шунингдек англиялық капитан Аббатни келгандығы таъкидланади.³

ХИВА ХОНЛИГИГА ҚАРШИ ҚАЙТА ҲАРБИЙ ЮРИШНИ ҮШШИРИШ ҲАРАКАТИ

Рус императори Николай I 1839 йилги муваффақиятсизликни эшитиши билан оқ хонликни босиб олиш учун қайта ҳарбий тайергарликни дархол бошлаш ҳақида фармон берди. Бу хусусда ҳарбий вазир генерал-алъютант граф Чернышев үзининг генерал Петровскийга юборған күрсатмасида 1839 йил 30 январда император ҳарбий юришни зудлик билан амалға оширилишини буюрганлыгини баён этғац. Үнда «ҳарбий

¹ Уша жойда, 202-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ ЦГВИА России, ф. ВУД, д. 1172, л. 1.

юришни утказиб рус ҳукуматини ўз мақсадини амалга оширишдаги қатъийлигини ҳамда давлатнинг куч-қудратини букилмаслигини намойиш этиш» даркор дейилган.¹ Ҳарбий вазир кўрсатмасида императорни ҳарбий юришни ёзда ёки кузда Каспий денгизи ёки қуруқлик орқали уюштиришни яхшилаб ўрганиш ҳақидаги фикрлари ҳам қайд қилинган. Шунингдек қўшинин ҳар жиҳатдан яхши қуроллантириш ва пухта тайёргарлик кўриш уқтириб ўтилган.²

Ҳарбий вазирнинг 1840 йил 17 марта ҳукуматга ёзган ахборотида Хива хонлигига қарши юбориладиган қўшин битта генерални, 140 та офицерни, 6668 та аскар хизматчиларни ўз ичига олиши керак эди, ҳамда 300 кишилик кўчма касалхона ташкил этиш режалаштирилди.³

Генерал Перовскийнинг таъкидлашича, навбатдаги ҳарбий юришни кулами 1839 йилдагига нисбатан 3—4 маротаба ошиқ булади.⁴ Шунингдек 17000 тuya, 6000 от ва бошқа кўп нарсалар олиниши керак эди. Шунинг учун ҳам генерал Перовский ўзининг ҳукуматта юборган рапортларида ҳарбий юришни тезлик билан уюштиришни иложи йўқлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Биринчи ҳарбий юриш Оренбург губерниясининг ҳазинасига катта путур етказганлиги, кийимбошларни, озиқ-овқатларни етишмаслиги таъкидланди. Айниқса туяларни топиш мушкуллиги кўрсатиб ўтилган. Умуман, генерал Перовский янги ҳарбий юришни тарафдори бўлса-да, лекин юзага келган оғир шароит уни тез орада амалга ошириш имконини бермаслигини ҳукумат вакилларини ишонтиришга ҳаракат қилди. Дўппи тор келганлиги императорга ҳам равшан бўлган бўлса керакки, у ҳарбий вазирнинг 1840 йил 19 майдаги ахборотига кура ҳарбий юришни маълум вақтгача қолдириши ҳақида фармон берган. Шу тариқа Хива хонлигини босиб олишга қилинган иккинчи ҳаракат рӯёбга чиқмади.

Ҳарбий юриш муносабати билан Оренбургда Хива хонлиги ҳақида маълумотлар тўпланди. Буларга кура хонлик ерлари Амударё, Оролнинг жанубий қирғоқла-

¹ Уша жойда, 14-бет.

² Уша жойда, уша бет.

³ Уша жойда, 75-бет.

⁴ ЦГВИА России, ф. ВУД, д. 1172, л. 130.

⁵ Уша жойда, 148-бет.

ридаги ва Устюртнинг жануби-шарқий қисмидаги во-
дийларни ўз ичига олган. Унинг шимоли Аму-
дарёнинг ҳар йилги тошиши орқасидан куп жабрлан-
ган. Бу ерда кўллар ва зовурлар мавжуд. Жануби қум-
тупроқли ерлар ва каналлар билан қопланган. Ҳон-
ликда ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоклар, асирик-
ка олинган руслар ва эронликлар яшайдилар, 30—40
минг атрофида қўшин жамлаш мумкин.

Ҳонликда 16 та тўп бўлган. Аҳолининг сони ярим
миллионга боради. Шаҳарларда том маънодаги ҳарбий
истеҳкомлар бўлмай, пахса деворлар ва зовурлар билан
куршалган. Ҳалқ устидаги соликлар жуда оғир,
аммо амалдорларнинг очқузлиги орқасида хон ҳазина-
сига куп маблаг тушмайди. Хива хони Оллоқулихон
ожиз табиатли киши ҳисобланиб, атрофдаги кишиларни
нинг таъсирига берилган. Укаси билан чиқишмайди.
Уни Бухоро ва Эрон билан алоқаси ёмон, негаки
уларга қарши ҳужумлар қилган. Шуни айтиб утиш ло-
зимки, рус ҳукумати ўзининг ҳарбий юришларини
уюштиришда ва ҳарбий истеҳкомларни барпо этишида
карвон йўлларини хавфиззлигини таъминлашни ва
ўзбек ҳонликларидаги рус асиirlарини озод этишни
ҳамиша рӯкач қилиб келган. Бу масалалар 1717 ва
1839 йилларда Хива ҳонлигига қарши ҳарбий юриш-
лар уюштирилганда ҳам олдинга сурилган эди. У
вақтларда туркманлар, қалмоқлар ва қорақалпоклар-
нинг қароқчи гуруҳлари Россия чегараларида руслар-
ни асирикка олиб Хива, Бухоро ва ҳонликларни
бошқа шаҳарларида сотар эдилар. Руслар турли ҳужа-
лик ишларида ишлатилган. Уларнинг орасидан лаш-
карбошилар, жангчилар, элчилар ва бошқа масъулият-
ли ишларни бажарувчи кишилар чиққанлиги маълум-
дир. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз ихтиёрида бўлмай
кул каби ишлатилган.

Гарчан, 1839 йилги генерал Перовский бошчилигидаги ҳарбий юриш муваффақиятсизлик билан тутаган бўлсада, лекин Хива хони Оллоқулихон уни яна қайтарилишини ҳамда савдони ривожлантириш ўта зарурлигини англаб рус ҳукуматининг рус асиirlари бўйича даъвосини инобатта олиш ва алоқани яхшилаш мақсадида 1840 йилда маҳсус фармон эълон қилди. Бунда шундай дейилган: «Биз Хоразм шоҳи жанговор аскарларни ва зафарларнинг бош бугини барча ёвмут ва
човдур қабилаларига, қозоқ ва қирғиз ботирларига ва

бошлиқларига, умуман бизга содиқ барча фуқароларимизга шуни маълум қиласизки, шу 1840 йилдан бошлаб Умум Россия императори олий хазратлари билан тинчлик ва дўстлиқда яшашга қарор қилдим. Шунинг учун биз мазкур олий фармонимиз буйича узимизни содиқ фуқароларимизга бундан буен Россия чегараларига хужум қиласинлар, рус асиirlарини сотиб олмасинлар, бунга буйсунмовчилар жазога тортилади».¹ Шуниси диққатта сазоворки, Оллоқулихон рус ҳукматининг рус асиirlари ҳақидага даъвоси «хонликни босиб олиш учун бир баҳона эканлигини» яхши англаган. Аммо, у сир бой бермай иш юритган.

Шу мазмундаги хатни Хива шахрини ҳокими мулла Муҳаммад Шариф ҳам Оренбург генерал-губернатори Перовский номига йуллаган.² Бунда Отаниёзхўжа Раис бошчилигида озод қилинган руслар ўз ватанига қайтарилаётганлиги билдирилган.

1840 йил 18 октябрда Хива элчиси 418 кишидан иборат асиirlикдаги русларни Оренбургга олиб келди. Шундан кейин у Петербургга бориб узаро тинчлик ва савдо алоқаларини тиклаш хусусида аҳд қилинди.³ Бу алоқалар 1839 йилдаги ҳарбий юриш вақтида рус ҳукмати томонидан Оренбургда ва Астраханда ўзбек хивалик савдогарларни ушлаб қолиши орқасида ишдан чиқкан эди. Петербургда Оллоқулихон томонидан рус асиirlарини ўз ватанига қайтарилиши ўзаро савдо алоқалари йулга қўйилишида ижобий ўрин эгаллади. 1841 йилни 13 январида Хива хонлиги элчиси Эшбой Бобоев ҳам 5 та рус асиirlари билан Оренбургга келган.⁴ Архив маълумотларини курсатишча ўз ватанига қайтган русларнинг 317 таси Каспий денгизи қирғоқларида, 55 таси Оренбург линиясида, 21 таси Царицинда асиirlикка олинган.

¹ ЦГВИА России, ф.ВУД, д.1172, л.7.

² Ўша жойда, ўша бет.

³ Государственный архив Астраханской области, ф.2, оп.2, д.91, л.1.

⁴ ЦГВИА России, ф.ВУД, д.1172, л.15.

Ўзбек хонликларининг чор Россияси томонидан забт этилиши

ОҚМАЧИТДАГИ ЖАНГ

XIX асрнинг 40-йилларида узбек хонликларига қарши юриш бошлаб юборилди. Бу вақтларда қозоқ халқининг содик фарзанди Султон Кенисар бошчилигига Чоризм ҳукмронлигига қарши ҳаракат кучайди. 1843 йилда ҳарбий кучлар бу қўзғолонни бостириш учун юборилди. Натижада, ватан ҳимоячиси Султон Кенисар қўлга олинди ва үлдирилди. Шу равишда Чор ҳукумати узбек хонликлари томонга юришда йулда учрайдиган барча тусиқларни бартараф қилиб борди ва айни бир пайтда ҳарбий истеҳкомларни курди. Масалан, 1845 йилда Тургай дарёси бўйидаги Оренбург истеҳкоми қайта қурилди, Мангишлоқ ярим оролида эса Новопетровск (кейинчалик Александровск) истеҳкоми барпо қилинди. 1848 йилда эса Сирдарёning Оролга қўйилиш жойида Раим (Казалинск) ҳарбий истеҳкоми бунёд этилди. Бу ишни генерал Обручев қўмандонлигидаги 4 рота, 3 юзлик ва 4 замбаракли аскарлар амалга оширди. Уша йили 23 августда полковник Ерафеев бошчилигидаги 2 замбарак билан қуролланган 200 рус қўшини Хива аскарларини маглубиятта укратиб Хон хўжа қальясини босиб олди. Шундан кейин «Николай» ва «Константин» кемаларидан иборат Орол флотиляси юзага келтирилди. Кейин 1848 йилда Хива хонлигига қарашли Хўжа Ниёз қальяси рус қўшини томонидан эгалланди ва остин-устин қилиб ташланди. 1850 йилда 50 пиёда, 175 казак ва 2 замбаракдан ташкил топган рус қўшини Қўқон хонлигини Тўйчибек қальясини босиб олиб бузиб ташлади. Уша йили душман кучлари Қўшқўргон номли Қўқон қальясини эгаллади.

1851 йилда полковник Корабошев бошчилигига 5 та рота, 5 юзлик, 6 замбарак ва 1 та ракета станогига эга аскарлар Оқбулоқ деган жой яқинида Ёкуббек бошчилигидаги Қўқон қўшинига зарба берди. Бу

вақтларда Туркистон, Чимкент, Авлиє ота, Пишкең, Түкмөң, Оқмачит ва уларнинг атрофидағи бепоён ерлар Құқон хонлигининг құл остида эди. Шу боисдан рус қүшиналари биринчи навбатда хонликнинг күчләри билан тұқнашды. Оқмачит (хозирги Қызыл Үрда) хонликнинг әнг мұхим ҳарбий қалъаларидан бири ҳисобланған.

1852 йилда унга рус қүшиналари ҳужум құлди, лекин 72 кишини йүқөтиб ололмадилар. Ұша йили полковник Бларамберг ҳарбий отряды (1,2 рота, 2 юзлик ва 5 замбарак) билан Қүшкүргон, Чимкүргон, Кумышкүргон сингари Құқон қалъаларини босиб олди. Кейинги 1853 йилда шахсан генерал Перовский бошчилигида 12 та туплар билан икки мингдан ортиқ аскарлар Оқмачитни қамал құлдилар. Генерал Перовскийни таслим булиш ҳақидағи таклифларига ватан ҳимоячилари: «Бизлар бир дона порох ва құчада бир кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб биттүнча курашамиз», деб жавоб қайтардилар.

Қалъада бор үтгі 250 киши мудофаада эди. Лекин шунга қарамай улар жасорат ва қаҳрамонлик нағындарларини намойиш этиб, душманни ҳайрон қолдирди. Бунга тан берган генерал-губернатор Перовский бошлиқтарға өзгән ахборотида мудофаачилар «қалъанинг деворларыда ва ички томонидан құмандон Мұхаммад Алихоннинг ҳалок булишига қарамай юзбоши Лафас бошчилигида ниҳоятда катта жасорат ва матонат билан жаңг құлдилар. Ҳамда үzlары қасам ичганидек, охирги дақықағача имкони борича курашдилар» деган эди. Шуниси дикқатта сазоворки, қалъанинг ҳимоясидаги жаңгда үзбек аәллари ҳам қатнашиб душманни лол қолдирған. Рус қүшини қалъа деворининг устига порох қуйиб портлатиб ичкарига бостириб киргандан сүнг әркаклар ва аәллар құлларидаги қуролларини ва үқларини ташлаб қилич жаңгига үтиб, шу даражада урушдиларки, бундай манзарани осмону фалак ҳали ҳеч күрмаган ва әшитмаган эди. Қалъадаги әркак ва аәллар асир тушишни ор билиб, үzlарини үлимга мақұм эттәнлекләри русларни жуда ҳайратлантирган.

1853 йил 28 июля 22 күнлик жаңгдан кейин Оқмачит қалъаси тормор этилди. Бу ердаги 250 ҳимоячидан 74 киши тирик қолган, 35 таси ярадор ҳисобланған, үлгәнларнинг орасида аәллар ҳам бұлған. Рус

аскарларидан 25 киши ҳалок бўлди ва 46 киши ярадор қилинди. Қалъадан 80 та аёл ва 25 та болалар асир олинди.

Оқмачитнинг урнида «Форт Перовский» рус қалъаси барпо этилди. Оқмачитнинг қўлдан кетиши бутун Қўқон хонлигини ларзага солди. У ерга бир неча ма-ротаба Қўқон қўшини ва кунгиллилар юборилиб жанг қилинди. Бундай жангларнинг бирида, 1853 йилнинг 18 декабрида ватан ҳимоячиларидан икки минг киши ҳалок бўлган. Лекин ҳар бир уриниш маглубият билан туталланди.

1854 йилда Олма Отада Верний номида рус ҳарбий истеҳкоми курилди ҳамда Или водийси қўлга кири-тилди. Бу ерда Заилийск бўлими ташкил этилди. 1856 йилда полковник Харментавский бошчилигидаги 1 ро-та, 1 юзлик ва 1 ракета становогли рус қўшинлари қозоқларни Катта Жузига тегишли тапай қабиласини буйсундирди. Шунингдек, 320 пиёда, 300 казак, 3 зам-барак ва 2 та ракета становидан ташкил топган гене-рал-майор граф фон Фитин қўмондонлигидаги қўшин Ҳужа ҳарбий истеҳкомини босиб олдилар. 1857 йили эса бу генерал 200 пиёда, 300 казак ва 2 та замбарак билан Ҳива қўшинини маглубиятга учратди ҳамда уларнинг тарафини олган бир гуруҳ қозоқларни жазо-лади.

Рус давлати томонидан бирин-кетин хонлик ерларни босиб олишга қарши Тошкентда катта куч тўпланди ва Илиорти томонга юборилди. Бу ерларда 1858 йилда 5000 кишилик Тошкент ва Қўқон ҳарбий кучла-ри билан подполковник Перемешмелский бошлиқ қўшин уртасида жанг булиб ватан ҳимоячилари Чуй дарёси водийсига суриб ташланди.

1860 йилда 6 та рота, 600 та казак, 12 та оғир зам-барак, 4 та ракета мосламасидан ташкил топган рус аскарлари Пишпак ва Тўқмоқ сингари Қўқон ис-теҳкомларига ҳужум қилиб, кули баланд келди. Под-полковник Перемешмелский Пишпекни эгаллаш учун 954 та снаряд ва 13 мингга яқин ўқ ишлатди. Ҳимоя-чилардан кўп кишилар ўлди ва ярадор бўлди. Шунингдек, Тўқмоқ қалъаси ҳам душман томонидан эгалланиб, бу ҳол бутун хонликини катта ташвишга солди. Узбек, қозоқ ва қирғизлар биргаликда Тошкент ҳокими бошчилигига Рус давлати тажовузига қарши бош кутарип 1860 йил 21 октябрда Қоракузтог

дареси буйидаги Узунгөчда босқинчилар билан тұқнашды. Бу ерда 20 минг кишилик ватан ҳимоячилари билан подполковник Калпаковский бошчилигидеги қүшин (3 рота, 2 юзлик, 6 замбарак ва 2 та ракета мосламаси) уртасыда Пищек останасыда жаңғда душман галабага эришди. Рус қүшини томонидан 2051 снаряд, 31879 та туп отиляди. Бу жаңғда ватан ҳимоячиларидан 1500 киши үлдірилди ва күпі яраланды. Душман аскарларидан 13 киши үлдірилди ва 29 киши жарохатланды. 574 ҳимоячи асирга олинди. Асирлар орасыда, 82 савдогар, 92 та аәл ва болалар бор эди. Душман Пищек ва Тұқмоқ истеңкөмларини ер билан яксон қилды.

Гарчан, ватан ҳимоячилари бирин-кетин маглубиятта учраган бұлсаларда, лекин озодлик учун ҳеч нарасадан тоймадилар.

АВЛИЕОТА, ТУРКИСТОННИ ВА ЧИМКЕНТНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

1861 йилнинг 25 октябрьда генерал-лейтенант Дебу бошчилигидеги рус қүшини хонликнинг Янгиқұргон қалъасини вайрон қилиб ташлади. Кейинчалик 1862 йилда полковник Калпоковский 4 та рота, 2 юзлик ва 4 замбарак қүшин билан Марки номидаги Құқон истеңкомини әгаллади. Генерал-лейтенант Дебу 550 пиёда, 300 казак ва 10 замбарак билан Динқұргон қалъасини босиб олди. 1863 йил 4 июня полковник Черняев үз құл остидаги 87-Сибирь батальонининг 5-ротаси, ҳарбий Сибирь батальонининг 3,5 үкчи роталари, 9-гарбий Сибирь казаклари артиллериясининг 1-взводи пиёда тог батарияси ва Сибирь казаклари полки билан Авлиётанни урушшиб олди.

Уша йили 18 июня 1 июляча подполковник Лерхни 2 та ротаси 1,2 юзлик, 2 та тог замбарак ва 1 ракета мосламаси билан Қорабура довонидан ошиб Құқон аскарларини қириб ташлади ва қора-қирғиз қабилаларини бүйсундирди. 1864 йилнинг 12 июняда 412 рота, 10 замбарак, 6 мортира ва 2 ракета мосламаси билан полковник Веревский Туркестонга хужум қилды. Бу жаңғда маҳаллий халқ вакилларидан күп кишилар ҳалок бўлди. Баъзи маълумотларга кўра, чор қўмондлони агар шаҳар таслим бўлмаса, Аҳмад Яссавий мақбараасига туп отилиши ва вайрон қилинишини

маълум қилган. Шундан кейингина ҳимоячилар урушни тұхтатиши мажбур бүлгандар.

Туркистанни Рус давлати томонидан әгалланиши Тошкент ва умуман Құқон хонлиги учун катта хавф түғдирди. Құлдан кеттан жойларни қайтариб олиш ва Чор хукумати аскарларининг юришини тұхтатиши учун Құқонда тайергарлик ишлери амалга оширилди. Чунончи, хонликнинг ҳамма жойларидаги қүшин тұпланыб, ҳарбий қуороллар билан таъминланды. Сұнгра Құқон хони Сайдхон ва лашкарбоши Алимқұл аскарлар билан Тошкентта жұнади. Бу ерда ҳам ҳарбий тайергарликка зұр әзтибор берилиб, Алимқұл күп қүшин билан Чимкентта йүл олади. Чunksи бу вактда Черняев бошчилигидаги рус отрядининг Авлиётадан Чимкент томон йүлга чиққанлиги ҳақида хабар олинған эди. Шундан кейин қүшинлар ва аскарлар тонг отар пайтида йүлга отланиб, ҳар бир маҳалла олдида халқдан «дуои фотиҳа» олиб шаҳардан чиқиб кеттән. Буларни халқ яхши ният ва йиги-сиги билан кузатиб қолган.

Хон қүшинларидан ҳар бир шаҳарнинг аскари алохода қисмни ташкил этиб үз бошлиғига эга бүлган. Масалан, тошкентликлерге Мирза Давлат, қипчоқларга Мингбай, марғилонылникларга Юсупбай, хұжандикларга Мирзааҳмад құшбеки бошчилек қилған. Шунга ушааш андіжонликлар, наманганликлар, ушликлер ва бошқа жойларнинг ҳарбий қисмлари мавжуд бүлған. Шунингдек, әшони Калон хұжа, Мұминхұжа Судур, Мирбобо понсадбоши ва Авазмуҳаммадий сингари саркардалар ҳам қүшинга раҳбарлық қилғандар. Қүшинга шахсан Алимқұлнинг узи бошчилек қилған.

Чимкентдеги жангни қипчоқлар бошлаб кейин тошкентликлер ва бошқа шаҳар отрядлари давом эттиргандар. Даставал бир кеча-кундуз давомида иккала томон үртасыда тұплардан отишув бүлған.

«Сұнгра тұрт томондан, — деб өзади Солиҳ Тошкандий, — аскарлар отдан түшди ва тұрт томондан карнайлар чалиниб, рус қүшинларига қарши ҳужумға үтилди. Ұша онда ҳозир бүлған кишиларни сұзича хон қүшинлари 2—3 минг қадамгача тұхтовсиз олға қараб чоптилар. Иккى үртада бир ярим минг қадамча масофа қолғанда рус аскарлари томонидан бирданига тұп ва мильтиклардан ёмғирдек уқ бурон қилдиларки, майдонда бирданига 12 минг киши үлдирилди, уларнинг ох, нола ва

фарәдлари осмонга тараптады. Ҳатто бу фожеали манзарадан русларни үзлери ҳам ҳайратта қолиб бармоқларини тишилаб баланд овоз билан бақирдиларки, эй мусулмандар, биз урушни тұхтатдик, үлук ва ярадорларни майдондан олинглар, дедилар».

Шундан кейин Құқон лашкарбошиси Алимқұл хузурига Н. А. Северцев номли рус әлчиси келиб сұлғ тузишни таклиф этади. Бу таклиф хон томонидан сардор ва амалдорлар мұхокамасига қойилиб фикр алмашув үтказилди.

Айрым амалдорлар сұлғ тузишни құвватлаган бұлсада, бошқа бир гурух кишилар, шу жумладан Тошкент амалдорлари унга қарши чиқиб, сұлғ тузиш алдашлик нүктай назаридан таклиф этилаёттандырылғаны үқтириб үтдилар. Пировардиде рус отрядларини Туркистанға қайтиб кетиши ҳақида рус әлчиси билан келишилди. Шунға биноан рус қүшинлари Туркистанға йүл олди. Бу шундан гулохник берадыки, рус қүшинлари Чимкентни әгаллашға қурбилиари етмай орқага қайтишга мажбур бұлған. Лекин рус қүшинлари йүлда Туркистандан қүшимчә күчнинг келиб қүшилиши натижасыда Черняев бошчилигида Чимкентте қайта ҳужум құлдилар. Бу жойнинг қалъасининг ташқарисыда жойлашған «Жанан» қабристонини бир томонида қаттың жаңғ булиб Құқон қүшинлари галаба қозонди. Рус қүшинлари эса Туркистанға қайтиб кетдилар.

Шундан кейин Алимқұл Авлиёота мудофаасини үддалай олмаган ва уни рус қүшинларига бериб қойиб, Чимкентте қочиб келған ҳоким Ниәзали понсадбошининг оёқ-құлларини boglаб түп оғзига қойиб оттирди. Худди шу хилда Дуглат қабиласининг бошлиқларидан бири рус қүшинларига жосус сифатида хизмат қылған Бойзөкбай номли киши ҳам жазоланды. Лашкарбоши Алимқұл Чимкент мудофаасини мустаҳкамлаш ва Чор ҳукуматига қарши урушни давом эттириш тадбирларини күраёттанды Бухоро хонининг Құқонға қарши отланғанлығы ҳақида хабар олди. Шу муносабат билан Алимқұл Чимкентде қүшиннинг бир қисмини қолдирған Құқонға жүнади. Бу ҳолат Чимкентде рус аскарларига қарши ҳаракатта салбий таъсир күрсатды. Буни яхши англаған Черняев отряди полковник Лерх бошчилигида қүшин билан бирғалик де Чимкентте ҳужум қилиб, 1864 йилнинг 21 сентябрь

рида уни эгаллади. Бу ерда рус қүшинлари томонидан күп одамлар үлдирилди. Құқон қүшинларининг бир қисми Тошкентта қочиб кетди. Генерал Черняев Россия тарафдорларидан бири Сиддиқ Назарни Чимкенттеги мингбошиси қилиб тайинлади..

ТОШКЕНТНИНГ УРУШИБ ОЛИНИШИ

Генерал Черняев бу шаҳарни эгаллаш учун тайёргарлик ишларини күриб озиқ-овқат, қурол-аслаша ва бошқа нарсаларни Тошкентта олиб боришни уюштириш вазифасини Алимқули томонидан үлдирилган Бойқозоқбайнинг углы Оқмуллага топширди. Құқон қүшинлари артиллерияси ҳам анча яхши уюштирилган булиб, унинг түпларини узоқça отилиши ва нишонга тегиши мақтоворга сазовор бўлган. Шунинг учун ҳам генерал Черняев қандай бўлмасин, тезроқ Құқон хонлигига зарба берилмаса, кейин енгиш оғирлашишини рус ҳукуматининг тегишли вакилларига маълум қилди. Генерал Черняев Чимкентда тайёргарлик куриб, 1864 йилнинг сентябрьида Тошкентни эгаллаш мақсадида йўлга чиқди. Бу вақтда Тошкент мудофааси меҳнаткаш омманинг умумий ҳаракатига айланниб, шаҳар атрофидаги деворларда аскарлар ва ҳалқ кўнгиллари жойлашган эди. Шаҳар аҳолиси она юртни ҳимоя қилишни үзининг муқаддас бурчи ҳисоблаб, мудофаачиларга тинмай гамхўрлик қилганлар. «Шаҳар гарилари, фуқаролари ва қариялари, — деб гувоҳлик беради Солиҳ Тошкандий — ибодату номоздан кура кулидан келганича ёрдам бериш афзалроқ ва савоб, деб аскарларга, гозиларга сув, озиқ-овқат ташиб турдилар». Рус аскарлари 1865 йил 1 октябрида Юнус-Обод томонидан шаҳарга яқинлашиб уни тўплардан уққа тутди. Рус аскарларидан бир гуруҳи шаҳар қатъасининг атрофида қазилган зовурлар ичига тушиб олдилар. Буларга қушилиш учун бир гуруҳ рус аскарлари чопиб келаётганда уларга қарши тўп отилади. Натижада, душман отрядлари орқага чекинди. Шундан кейин шаҳар мудофаачиларидан бир қисми зовурга душман устига шиддатли ҳужум қилиб, рус аскарларидан 72 кишини үлдирилар. Шу равишда тошкентликлар галаба қозондилар. Генерал Черняев урушни тўхтатишга ва Чимкентта қайтишга мажбур бўлган. Шундан кейин Алимқул қүшин билан Тошкентта ке-

либ, бұлажак урушга тайёргарлик ишларини амалға ошириб, сүнгра Құқонға қайтади. Хон курсатмасига күра, Тошкент хокими номидан Ҳофизқұҳаки маҳаллалик Мұхаммад Саид номли савдогарни тинчлик сұлқи тузиш мақсадида элчи сифатида генерал Черняев ҳузурига юборилди. Бироқ генерал Черняев сұлқи тузищдан бош тортади ва элчи Тошкентта қайтиб келади. Бу ерда элчи генерал Черняев Бухоро хони Музаффархон билан гүе иттифоқ тузилғанлиги ҳақида гапириб шаҳардаги айрим кишиларни вахимага солиб құйған. Тошкентта урушга тайёргарлик кундалик ҳаётнинг бириңчи вазифаси ҳисобланған. Бу ерда лашкарбоши Алимқұл бошчилигида Туркистанни рус қүшинларидан озод қилиш учун тайёргарлик күрілғандан сүнг, аскарлар Шайхонтөхурдан үтиб Сабон күчаси орқали Сабон дарвозасидан «Сарогоч» йулиға чиқдилар. Бу юриш 1864 йил ноябрь ойи охирида юз бериб, ҳаво жуда совук ва қор ёғиб турған пайт эди. Аскарлар Туркистанга яқын жойға үрнашған ва Россия тобелигига утган «Иқон» деган қышлогида рус отрядини тор-мор этдилар. Бу ердаги халқнинг русларға буйсунғанлиги учун Алимқұл бүйругига биноан молмұлки билан Тошкент томонға ҳайдаб олиб кетиілди. Алимқұл гарчанд ғалаба қозонған бұлса ҳам, Туркистанға қараб юрмай, «Иқон»дан Тошкентта қайтишга мажбур булади. Бунға хонликдаги ички зиддият ва құшымча ҳарбий күчларни тұплаш сабаб бұлған, албатта. Алимқұл Тошкентта келған пайтда Черняев томонидан юборилған жосус ушланади. Бу жосус Тошкентнинг амалдорларидан бири Абдурахмонбек Шодмонбековнинг (асли Шаҳрисабзлик) Черняев номига өзилған хати билан құлға тушған. Бинобарин, Черняев маълум кишилар орқали Тошкент ҳақида зарур маълумотларни олиб турған. Абдурахмонбек Тошкентдан қочишта ултуриб, Чимкентта Черняев ҳузурига боради.

Бу вақтда генерал Черняев Тошкентта қайта ҳужум қилиш тәдбирларини тамомлаб, 1865 йил 28 апрелда Чирчик ёнидаги «Ниёзбек» қалъасини жанг билан эгаллади. Юқорида қайд қилинған Абдурахмонбекнинг маслаҳати буйича, шаҳарни сув билан таъминлады «Кайковус» ариғи тұғонини бузиб уни Чирчик даресига буриб юборилади. Бу билан шаҳарни сувдан маҳрум этиб, уни таслым этиш эди. Бироқ

шаҳар ҳалқи мудофаани мустаҳкамлаб жангта тайёр турди. 1865 йилни май ойида Қўқон хони Султон Сайд лашкарбоши Алимқул билан Тошкентга етиб келди. Бу ҳолат тошкентликларни руҳини кутариб юборган. Бу тўғрида Солиҳ Тошкандий шундай ёзган: «Тошкент ҳокимлари, амалдор, сардор, уламо, фуқаро, шайхлар, гарифлар, гадолар, эркак-хотинлар аралаш шодликларидан (қўқонликларни — X.3.) истиқболларига чиқиб, кутигиб олдилар».

Алимқул шаҳар саройида йигин ўтказиб, маҳаллий ҳокимият вакиллари ва қўшин бошликларига қаратаги нутқ сўзлади. Бу йигинда қатнашган Алимқул «Каттакичик, бой камбағал фуқародан ёрдам сўраб бу тўғрида Тошкент аҳлиниңг фуқароларини курсатган гайрат, шижаот ва қаҳрамонликларини айтиб, уларга ўз миннатдорчилигини ва хурсандчилигини изҳор қилиб бир томчи қони қолгунча душманга қарши курашишга даъват этди». Алимқул Бухоро амир Музофархонни қоралаб рус қўшинларига қарши кураш ишига катта путур етказаётганлигини ҳам гапирган.

Тошкентда хонликнинг Андикон, Қўқон, Наманган, Марғилон ва бошқа жойларидан келган қўшинлар Алимқул бошчилигида шаҳар мудофаа линияси ни эгалладилар. Сиддиқ Тура бошлиқ Қўқон қўшинининг разведка бўлими душманнинг отлиқ ва пиёда отряди бир тўп билан Шуратепадан чиқиб, «Олтин тепа» орқали Салор суви буйлаб келаётганлиги ҳақида Алимқулга хабар келтирган. Шундан кейин Алимқул ўз қўшинларини маълум қисми билан курсатилган томонга жўнади. Душман қўшинлари Салор сувидан утиб Қўқон қўшинларига қаратаги тўплардан ўқ уздилар, натижада икки томон ўртасида қаттиқ жанг бошланиб қўқонликлар ҳужумга ўтдилар. Бунда Алимқулнинг шахсан ўзи қатнашиб жангга раҳбарлик қилган.

Рус отряди ҳужумга бардош бера олмай, Шуртепага чекинишган. Бу галаба шаҳарда катта шод-хуррамлик билан қарши олиниб карнай-сурнай садолари янграган. «Шаҳар ҳалқи 7 ёшдан 70 ёшгача эркак-хотин, ёш-қари хизмат камарини белларига боғлаб пишган таомларни бошлирига кутариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар, ширин меваларни саватга солиб аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дилдорлик қилишиб кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб,

күз ёшлари суви билан аскарларни юзларидағи чанг-губорларни ювіб артиб күзгудай тозалаб овқатларини еб битиришларини илтижо қылдилар». Бу халқнинг ватанпарварлик ҳаракатларини жуда жонли ва ёрқин намунасини акс эттиради. Лашкарбоши Алимқұл ҳөкимият вакиллари ва ҳарбий бошлиқларни тұплаб урушни қандай давом эттириш масаласини уртага ташлаганда тошкентликлер рус қүшинлари устидан қозонилған галаба ҳужумға үтишта даъват қилишини ва aka-ука Сиддик Тұра ва Арслон Тұра бошчилігіда аскарларни Чимкентни босиб олингандан сұнг, бу ердан аскарларнинг бир қисміні Туркистан ва Оқмачитни, иккінчи қисміні эса Авлиёта, Тұқмоқ ва Гулжагача бұлған жойларни руслардан қайтариб олишга жұнатылышини гапирдилар. Аммо, Құқон амалдорларидан Отабек номлы киши Алимқұлға пичирлаб: агарда тошкентликлер рус қүшинларини тормор қилиб, күрсатылған жойларни олса, у вақтда улар мустақиллікни истаб Құқонга бўйсунмай қолиши мумкин деган. Шу нұктан назардан Отабек тошкентликлер таклифини рад қилишни Алимқұлга маслаҳат қылган. Алимқұл бу маслаҳатта кўниб мудофаа билан чегараланиб туришни буюрди.

Шұртепа томонда ҳар иккі томон уруш линиясіни әгаллаб даставвал тұлардан отищув бошлаган. Сұнгра Құқон қүшинлари ҳужумға үтиб Алимқұл уруш майдонида жангчиларни рухлантирган ва урушға жалб қылған. Алимқұл ва сардор Абдуллабек душман қүшинлари билан юзма-юз келиб, уларни қиличдан үтказған. Аммо душман үқи Алимқұлни чап биқинидан кириб қорнини тешіб, киндиги устидан чиқиб кетади. У от устидан ерга йиқилиш олдидан от буйнидан маҳкам ушлаб тұп турған жойга борди. Сұнгра Алимқұл Тошкент фуқароларини аста-секин орқага қайтиб, узларини шаҳар ичига олишлари ва бошқа жангчиларни урушни давом эттиришлари ҳақида фармон берған.

Иккі томон уртасида тұлардан яна отищув бошланғандан кейин хон аскарлари ҳужумға үтиб, сұнгра аста-секин рус аскарлари ҳужуми остида Салор бўйига чекиндилар. Натижада, биринчи галда себзорлик жангчилар Ҳакимхужа Қалон бошчилігіда қочишини бошлайды. Уларни кетидан қипчоқлар, қиргизлар ва андижонликлар құлға тушган нарсаларни олиб Фаргона

томонга қочдилар. Бошқа кишилар ҳам шаҳар ичига қочиб кела бошладилар. Лашкарбоши Алимқұлнинг ярадор булиши аскарларнинг, халқ оламонининг руҳини тушириб, пировардида уларнинг чекинишига сабаб бўлган омиллардан бири бўлди. У оғир ахволда шаҳар ичига келтирилди ва бу ерда ўлди. У катта иззатикром билан ва чуқур қайгу билан Шайҳонтоҳур қабристонига дағн этилди. Чекинищдаги уюшқоқсизлик ва ҳарбий бошлиқларнинг ваҳимага тушиши шаҳар мудофаасига салбий таъсир курсатади, албатта. Кунлар утиши билан қўқонликларнинг руҳсизланиши кучайиб, улар тўда-тўда бўлиб, ўз ватанига қайтишга ҳаракат қилинлар. Ҳатто Алимқул билан биргаликда рус қўшинларига қарши курашда фаол қатнашган Қўқон хони Султон Сайд бир гуруҳ амалдорлари билан шаҳарни ташлаб кетмоқчи бўлган. Бироқ Тошкент амалдорларининг сиқуви остида ўз фикридан қайтганлар. Шундан кейин амалдорлар ва ҳарбий бошлиқлар ўзаро келишиб душманга қарши тадбирларни белтилаш ҳақида фикр алмашув ўтказди. Бунда бир гуруҳ кишилар Қўқонга қочиб кетган аскарларни орқага қайтиб келишларини сўраб, у ерга элчи юборилишини айтдилар. Бошқа бир гуруҳ кишилар Бухоро амирида ҳузурига элчи юбориб ёрдам сурашлик ҳақида ўз фикрини изҳор қилдилар. Маслаҳатчилар орасида ҳатто Хоразмга ёрдам сўраб мурожаат қилиш зарурлигини баён этган кишилар ҳам бўлди.

Бухоро ва Қўқон хонликларига рус отрядларига қарши биргаликда кураш ҳақидаги хат билан элчилар жунатилиди. Қўқонга юборилган элчи йўлда Тошкентдан қочиб бораётганда қўқонликларни орқасидан етиб бориб уларга хатни топширади. Бироқ, қўқонликлар Тошкентта қайтиш ўрнига, аксинча Султон Сайдхонни Қўқонга олиб кетиш ва таҳтни бегоналарга утиб кетишига йўл қўймаслик зарурлигини баён этадилар. Бухоро амири ҳам Тошкентта ёрдам беришдан бош тортиб, аввало Султон Сайдхонни Бухорога келиши зарурлиги ҳақида жавоб хатни юборди. Бу билан амир Султон Сайдхон Бухорога бўйсунганд тақдирдагина ёрдам берилишини маълум қилган эди. Бухорога келган жавоб хатини амалдор ва ҳарбий бошлиқлар муҳокамасига қўйганда айрим қўқонликлар амир таклифини қабул қилиш кераклигини айтдилар. Бу муҳокамада Солиҳ Тошкандий ҳам қатнашиб,

юқоридаги масала бүйича уз фикрини билдирган. У Султон Сайдхонни Бухорога кетишига қарши чиқиб, ҳар бир ҳукмдор уз бурчини бажармаса, у вақтда фуқаролар душман құлиға асир булиб қолиши мумкінлігіні бағн эттан. Бу фикрга бошқа кишилар ҳам құшилиб, «биз ёрдам сұраб ҳар томонға мурожаат қылдик. Эндилікда ёрдамни хоҳ берсінлар, хоҳ бермасынлар бари бир урушни давом эттирамиз деб аҳд қылдилар. Тошкентликтер Султон Сайдхонға шундай дедиларким шаҳар ҳалқи бутун уруш ҳаракаттарини уз зиммасига олиб нимайки зарур бўлса, ҳаммасини етказиб берадилар». Куриниб турибдики, тошкентликтар қандай бўлмасин, шаҳарни душмандан ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаган эдилар.

Кунларнинг бирида рус қушинлари шаҳар қалъасини тұпта тутиб ҳужум қила боғлаган вақтда уларға қарши усталик билан тұплардан шундай жавоб үкі отылдиди, натижада душман орқага чекинишга мажбур бўлган. Шундан сұнг Султон Сайдхонни Бухорога юриши ҳақидаги масала яна күтарилиб, пировардиде уни жұнатыш ва Бухородан ёрдам олишга қарор қилинди. Афтидан Султон Сайдхонни үзи ҳам Бухорага бориш истагида бўлган. Шунинг учун у 500 кишилик аскар ва бир тұп билан шаҳардан чиқиб кетди. Шундай қилиб, Қўқон амалдорлари ва аскарлари урушни охиригача етказмасдан шаҳар мудофаасини уз ҳоҳишиларига ташлаб кеттән эдилар. Шунга қарамай шаҳар ақолиси душманга қарши курашни давом эттируди. 1865 йил 14 июнида рус аскарлари эрта саҳарда шаҳар қалъасини тұплардан үққа тутди. Натижада улар Камалак дарвозаси орқали шаҳар ичига ёриб кириб, мудофаачиларнинг отрядлари билан тұқнашдилар. Бундай тұқнашувлар Шайхонтохур, Бешеғоч, Қашқар маҳаллаларыда ва бошқа жойларда бўлган эди. Ҳатто, айрим жойларда душманга қарши баррикадалар ҳам қурилди. Масалан, Анҳор кўпригининг гарб томони аравалар билан түсилиб мустаҳкамланди. Айни бир вақтда Анҳор ёнидаги дўконлар ичига мудофаачилар кириб олиб деворлар тешигидан душманга уқ уздилар. Бир ярим соатлик оғир жангдан сұнг рус аскарлари чекиниб, Шайх Шибли ариғи орқали қалъа деворининг шимол томонига урнашди. Улар чекинаёттанида Урдадаги дўконларга ут қўйиб қочганлар. «Чуқур кўприкда» ҳамма кўчаларни ҳам оғзи бекити-

либ рус отрядига қарши кучлар қўйилган. Айрим рус отрядлари мачитлар ичига кириб олиб урушганлар. Бироқ улар үраб олиниб тор-мор этилган. Шайх Шибли ариги орқали чекинган рус отряди яна Урдага бостириб киришга ҳаракат қилди. Буларга қарши Қиёт маҳалласининг аҳолиси Абдураҳим ясовулбоши бошлигига деворларнинг орқасига ва пастқам жойларга урнашиб мудофаа линиясини эгалладилар. Булар орасида Мириюсуп бөгбон угли, Умархон Турахон угли, Мирсадик Миршоди угли, Нормуҳаммад ва Мулламир сингари мерғанлар, Муллажон Мусомуҳаммад Али бобо подачининг угли ва бошқа мард йигитлар бор эди. Халқ кўнгиллилари шаҳар мудофаасининг асосий кучини ташкил этган эди. Абдураҳмон ясовулбоши бошлигидаги кўнгиллилар отряди ёмғир ёғишига қарамай, кун бўйи душман хужумини қайтариб турдилар. Охири рус отряди шаҳар четига чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бундан кейин ҳам Қиёт маҳалласининг кўнгиллилари Анҳорга қайта келган рус отряди билан қаттиқ жанг қилган. Бу вақтларда шаҳар аҳолисининг аҳволи оғирлашиб сувсизлик ва ташналиқдан азоб чекмоқда эди. Тошкентликлар аҳвол оғирлигига қарамай, шаҳарни кўлдан бермасликка қаттиқ ҳаракат қилдилар. Бироқ рус отряди айрим хоин кишилар орқали шаҳардаги ўқдори омборини топиб уни портлатишга муваффақ бўлдилар. Бу шаҳар мудофаа тақдирини ҳал қилган омиллардан бири ҳисобланади. Сувсизлик, йўқчилик ва ўқдорилар етишмаслиги пировардидаги шаҳар халқининг тинкаси ни қутилди. Натижада 1865 йил 17 июнда тошкентликлар душман хужумига бардош бера олмай, таслим булишга мажбур бўлдилар. Генерал Черняев Шайхонтохур, Бешёғоч ва бошқа аҳоли гавжум яшайдиган жойларга тўпларни урнатиб дарҳол тинчлик сулҳи тузилемаса, шаҳарни ёндириб ва бузиб ташлаш ҳақида эълон тарқатди. Шундан кейин генерал Черняев Ҳакимхўжа қозикалон, Абулқосимжон эшон, Домулла Солиҳбек, Охун дадҳо ва бошқа шаҳар катталари билан маҳсус мажлис ўтказди. Бунда савдогарлар ва сардорлар ҳам қатнашган эди. Музокара натижасида тинчлик сулҳи тузилиб ҳар икки томон аҳдномага имзо чекди. Аҳднома шаҳар халқининг уз динида ва барча ишлар шариат асосида олиб борилиши кўрсатилган. Закот ва хирожлар ҳам шариат бўйича ҳар йилда

эмас, балки ҳар ойда олиниши лозим эди. Шунингдек, ҳовли, bog ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қулида қолдирилди. Аҳолидан йиллик солик олиниши таъкиқланди. Чакалак, утлоқ ва қамишзорлардан солиқларни мутлақо олмаслик аҳдномада кўрсатилган эди. Шунингдек, ерли халқдан рус қўшинига одамларни жалб қўлмасликка келишилди. Аҳдномага ҳар бир тўрт даҳанинг муҳри босилди. Сунтра генерал Черняев шаҳар катталарига духоба ва зар ёқали чакмонлар кийдирди. Шу равища Тошкентнинг рус давлатига таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжат расмий равища қабул қилинди. Аҳднома тузилгандан кейин генерал Черняев шаҳар катталарини ўз томонига жалб этиш ва уларга таяниши мақсадида Ҳакимхўжа қозикалон уйига бориб унга қимматли совғалар ва олтин медаль берди. Сунгра генерал Черняев Регистон раастасига бориб камбағал ва гадолар орасига танглар соғди. Урушда яраланган кишиларга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Генерал Черняев шаҳар мудофаасида қатнашган кишиларни жазоламай, уларни қўйиб юборди. У мадрасаларга бориб уқишиларни давом эттириши таклиф этди. Уруш вақтида бузилган уй-ҳовлиларни ва дуконларни тиклаш учун генерал Черняев томонидан маблаг ажратилди.

Шубҳасиз, генерал Черняев ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида кўрсатилган тадбирларни амалга оширган. Шуни айтиб утиш лозимки, генерал Черняев юқори раҳбар доиралари рухсатисиз, ӯзбошимчалик билан Тошкентта юриш қилиб, уни эгаллади. Бу галаба Петербургда зур мамнуниятлик билан қабул қилинган бўлса-да, лекин давлат ишларида қилинган ӯзбошимчалик айrim йирик ҳукумат вакиллари норозилигининг келиб чиқишига сабаб булган. Бунинг устига Тошкентнинг босиб олиниши халқаро матбуотда катта шовқин-сурон кўтарилишига олиб келган. Шунинг учун ҳам генерал Черняев ўз ҳаракатини оқлаш мақсадида гуё Тошкент ихтиёрий равища рус қўшинларига бўйсунганилиги ҳақида ҳужжат уюштиришга киришди. У шаҳар катталарини туплаб аҳоли номидан қўйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюрди: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистанда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб фуқароларга кўп жабр-зулм утказган... Улар закот хирожларни шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қўлмаганлар.

Қадимги урф-одат, таомилдан воз кечиб, күп йиллар мансаб учун катта кишиларни үлдириб фитначи ва иғвогарлар сұзига амал қылғанлар. Үргада ноҳақ қонлар түкилиб, улар шариатта ва уламолар сұзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фарғона ва Туркистан заминида күп вақтлар ва күпинча қыпчоқ, қозоқ ва киргиз авбошлари ва бебошлари хукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамоми ихтиеримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб уларга шаҳарни топширдик». Куриниб турибиди, тошкентликлар булиб үтган ҳамма жанг ва воқеаларни инкор қилиб ихтиерий равишда рус аскарларига буйсунғанликларини тан олишлари лозим эди. Курсатилған хатнинг мазмуни баён этилғандан кейин шаҳар катталари ҳайрон булиб турган пайтда домла Солиҳбек охун доддо шундай жавоб қылған: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиласыз, Тошкентдан Оқмачиттага ва бу ердан Гулжагача бұлған шаҳар ва қальялар Тошкентта қарап эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан құлларига киргиздилар. Уруш тұсадан, мұхлатсиз ва сувсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулжихжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12 числови-сигача, яғни 42 кун давомида сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимқұл лашкарбоши шаҳид бұлғандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттық туриб, уруш-талашни давом эттириб сешанба куни ярим кече үтгандан кейин саҳарга яқын рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қальянинг девори устидан фуқаро уйқудалиги чоқда кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб пайшанба кунигача кечаю-кундуз урушиб турдилар. Бу үргада күп иморатлар, дүконлар ва уй-жойларга үт тушиб оч, ташна, сувсиз яkkама-якка урушиб булиб охирида ярашиш сұлхы тузилди». Бу ҳақиқиәт ахволни акс эттирувчи жавоб генерал Черняевни газабға келтирди. У домла мулла Солиҳ охун доддо сұзига қүшилувчи кишиларни бир тарафға үтишларини буюрди. Шундан кейин шаҳар катталаридан олти киши жумладан, Халимбай, Бердібай, Азимбай, Фозилбачча, Мулла Мирзаялам охун, Мулла Музаффархужа ва Мулла Файзилар домла Солиҳбек охун додхонинг сұзини құвватлаб курсатилған томонға үтдилар. Бу кишилар ва Со-

лиҳбек охун додҳо дарҳол рус аскарлари томонидан ураб олиниб қамоққа жұнатылди. Бу ҳолат тұпланған шаҳар катталарига таъсир эттан бұлса керак, улар генерал Черняевнинг айтған аҳдномасига у күрсатған мазмунда тайёрлаб беришни зиммаларига олдилар. Чунончы, Ҳакимхұжа қозикалон аҳдномани безаш ва тузишини Абдулсаттор Қорабоши үглиға топширилди. Аҳднома тайёрланғанидан сұнг унға шаҳар катталари ва савдогарлари құл құйиб ва муҳр босиб генерал Черняевга топширилди. Генерал Черняев Солиҳ охун додҳо ва унинг хамрохларини Томскига сурғун қылды.

Генерал Черняев аҳдномани Абдулсаид ва Ҳодихұжа номли савдогарларнинг қулиға бериб, Петербургга, подшоҳға олиб бориб беришни буюрган. Рус ҳукумати бу аҳдномани босқинчилік сиёсатини бўяш ва ҳалқаро матбуотда шовқин-сурорни бартараф қилиш мақсадида чет мамлакатларга тарқатади. Жумладан, Туркиядаги рус элчихонаси аҳднома нусхаларини купайтириб Истанбулдаги кучаларга, бозорларга, дүконларга умуман кўзга ташланадиган жойларга епиштириб қўйилди. Шундай қилиб, генерал Черняев Тошкентта бостириб киргандан сұнг иккى аҳдномани, яъни сулҳ шартлари ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи ҳамда мустамлакачилик сиёсатига хос бўлган қалбаки ҳужжат тузишга эришди.

Генерал Черняев Тошкентда юқори табақа вакиларининг ихтиёридаги қулларни бүшатиш ҳақида фармон чиқарди. Натижада, бир вактлар уруш пайтларидан асирилкка олинған ёки кўчманчилар томонидан келтириб сотилған турли миллатдаги унчалик кўп булмаган қуллар озод қилинди. Генерал Черняев маҳаллий яхудийларни камситишга қаратилған айрим одатларни бекор қилди. Жумладан, яхудийларнинг белларини ип билан боғлаб юриши ва белгиланған хилдаги телпакни кийишлари тұгрисидаги талаб бекор қилинди.

1866 йил август ойида Рус императорининг Тошкентни Рус давлати — тобелигига олғанлиги ҳақидағи расмий фармонни әзіл қилинди. 1867 йилда эса Сирдаре ва Семиреченск (Еттисув) областларини үз ичига олған Туркестон генерал-губернаторлиғи ташкил этилиб бу мансабға генерал К. П. Кауфман тайинланди. Тошкент Туркестон генерал-губернаторлиғининг маркази булиб қолди.

Шу равища Тошкент Рус давлати территориясини бир қисмига ва Чор ҳукуматининг Урта Осиёда тұлиқ ҳукмронлигини үрнатилишида мұхим таянчға айлантирилди.

БУХОРО ҲОНЛИГИНИНГ БҮЙСУНДИРИЛИШИ

Бухоро ҳонлигининг ҳукмдори Музаффархоннинг бутун минтақа тақдиди қыл устида турған бир пайтада Чор ҳукуматини тажовузига қарши кескин чораларни күрмаслиги халқнинг газабини үйгөтди. У шу дараражада қалтағаҳм бұлғанки тошкентликтер умум душманга қарши ҳарбий әрдам сұраганларида сарой ахли ҳузурида шундай деган: «Мен бир оддий рус лашкарбошиси билан урушни үзимга ор деб биламан. Агар урушмоқчи бұлсам, у вақтда тұппа-тұғри Москвага ёки Петербургта бориб жаңғ құлтурман». Ҳоннинг бу мантиқсиз сұздары Бухоро жамоасининг қонини қайнатып юборди. Бу ҳолат айниқса рус қүшинлари томонидан Тошкентни босиб олинғандан кейин авжига минди. Ҳусусан рұхоний ва зиёли вакиллари хонни құрқоқликда айбладилар. Ақоли хон саройини куршаб тошбүрөн қылдилар. Ҳатто, Музаффархон ҳоинликда айбланиб үлдирилиши маълум қилинди. Ниҳоят, халқнинг қаттық сиқуви ва талаби орқасида Музаффархон айрим чораларни күришга мажбур бўлди. Масалан, Жиззах қалъасини мустаҳкамлашга маблағ ажратилиб қүшин ҳарбий салоҳияти кучайтирилди. Ва шаҳар мудофаа қобилияти анча мустаҳкамланди.

1866 йил январь ойини охирида генерал Черняев 15 та пиёда ротаси, 100 казак ва 16 тұплар билан Жиззахга ҳужум қылди. Бирок рус қүшинлари ватан ҳимоячиларининг қаҳрамона жаңги туфайли Жиззахни ололмай Тошкентта қайтишга мажбур бўлди. Бу гала-ба барча қатори Музаффархонни ҳам руҳлантириди. Шундан кейин Музаффархон умумий «газот» эълон қилиб 100 минг одам тұплади. Үларни орасида қүшиндан ташқари құлиға нима түшса шу билан қуролланған халқ оломони күпчиликни ташкил қылган. Улар амир Музаффар бошлиқ Жиззахга ва бу ердан Сирдарёning чап қирғогидаги «Сассик күл» деган жойга келдилар. Буни қарангки, Музаффар булажак жантга пухта тайёргарлик күриш үрнига ички кийимида ути-

риб шахмат ўйнаш ва ашула эшитиш билан вақтини ўтказди. Шу онда рус қүшинлари бирданига ҳужум қылганда у дархол ялангоч ҳолда отга миниб қочади. Халқ оломони ва қүшин ҳам турли томонга қочиб, түзіб кетади. Бу воқеа 1866 йил 8 майда «Сассиқ күл»ни яқинида жойлашған Иржар деган жойда содир бўлди. Бу ерда рус қүшинлари генерал Романовский бошчилигида урушдилар. Аҳмад Донишнинг сўзича қанчадан-қанча одамлар ҳалок бўлдилар ва жароҳатландилар. Кўп одамлар орқага қайтишида йўлларда мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошидан кечиргандар. Музаффархон бир жойда тұхтаганда маълум бўлдики, у қўрқанидан иштонини булғаб қўйган экан. Мана, хоҳласам Москвага бориб урушаман деб чиранган ҳукмдорни асли башараси қандай бўлган. Рус қүшинлари кўп миқдорда ҳарбий қуролларни, шу жумладан 26 тұпни, 670 пуддан ортиқ порохни ва 220 минг патронни улжага олдилар. Улар 1868 йил 19 майдан 20 майға утар кечаси 18 та тұплардан уқ узиб Хўжандга ҳужум қидилар. Бу ерда халқ шу даражада қаттиқ жанг қилдики, бундан газабланган душман қүшини шаҳарни ялписига уққа тутишни орқасида 20 мингдан ортиқ кишилар улдирилди ва уй-жойлар вайронага айлантирилди. 1866 йилнинг 11 октябрида Чор қүшини генерал Крижановский бошчилигида Жиззахни қуршаб олади. Жиззахдаги жанг шу даражада даҳшатли бўлганки, одам қони бамисоли ариқ сувига ушшаб оқкан. Ҳимоячиларнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини ҳатто Чор қүшинлари ҳам тан олган. Бу жангда ҳимоячилардан 2 ярим минг киши улади ва куплаб кишилар ярадор бўлади. Пировардида Жиззах душман томонидан згалланди. 1867 йилнинг 7 июнида душман қүшини Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Янгиқўронда 45 минг кишилик Бухоро қүшини ва халқ кўнгиллиларини қаттиқ жанг билан мағлубиятта учратди. 1868 йил майда эса Самарқанд шаҳри остонасидаги Чупонота тепалигига уруш бўлади. Бу ерда ҳимоячилардан кўп киши қирилди, ярадор қилинади. Чор аскарлари эртасига Самарқанд шаҳрига бостириб кирадилар. Ваҳимага тушган ерлик аҳоли душманга қарши тұра олмайди. Бундан хабар топган амир Музаффар қаттиқ даҳшатта тушиб, хабарчини «шум сўзлари» учун дархол осиб улдиришга фармон беради. Унинг васvasаси аста-секин йигига айланаб: «Худо ма-

ни Самарқанддан маҳрум қилғандан кўра жонимни олгани яхши эди» деб нола чекади. Амирнинг ношудлиги ва мағлубияти ҳалқнинг норозилиги ва газабини янада кучайтирди. Айниқса, унинг Чор ҳукумати билан сулҳ тузишга мойиллиги вазиятни ўта кескинлаشتирди. Натижада Бухоро атрофидаги аҳоли қандай булмасин урушни давом эттиришни талаб қилиб қўзғолон кутардилар. Аммо Музаффар ҳалқ қўзғолонининг бутун Зарафшон водийсига тарқалиб кетишидан кўркиб, дарҳол чоризмга қарши ҳарбий юриш уюштирди. Чули Малик деган жой қўзғолон марказига айланди. Бу ерда ойболта, сўйил, найза ва шунга ухшаш нарсалар билан қуролланган қўзғолончиларнинг асосий кучлари тўпланган эди. Бироқ қўзғолон бостирилди.

Талвасага тушган амир нима қилишини билмай ўз атрофидаги беклар билан кенгаш утказиб сулҳ тузиш ёки урушни давом эттириш масаласини мухокамага қўйди. Кенгашда биринчи булиб сўз олган лашкарбoshi Усмонбек шундай деди: «Хонлик ҳалқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофиirlар контрибуция (товон) тूлашдан кўра бир томчи қон колгунча курашиб афзалроқдир». Бу фикрни кенгаш қатнашчилари қуллаб-куvvatладилар. Шундан кейин 15 минг отлик, 6 минг пиёда ва 14 та тўпдан иборат Бухоро қушини Зирабулօқ тепалигига келиб урнашди. Қушинни руҳлантириш ва галабага чорлаш ниятида амир Музаффар уларга қуйидаги тарзда мурожаат қилди: «Содик мусулмон фуқаролари, сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтираманки, галаба биз томонда бўлгай. Самарқанд ва Каттақурғоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик йўқотиш эмас. Биз темурйлар авлодимиз, биз ўз еримизни қандай қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар, мен динимиз ва ватанимиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишига, кофиirlарга куз ўнгига намойиш қилишингизга умид қиласман. Ҳалқ биздан галаба кутяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганида дин ва Ватан ҳимояси учун курашиб еримизни кофиirlардан тозалаганлар деб айтишсин. Зирабулօқ жанг майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёдгорлик урнатилади. Мусулмонлар, Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла (500 минг сўм) товонни сизларга совға сифати-

да берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рүөбга чиқарып самарқандликлар тұнидаги қора дөгни ювасылар. Мусулмонлар, сизларға зафар өр булсın». Ушбу мурожаат тұп үқлари овози остида үқиб әшиттирилади. 1868 йыл 2 майда генерал К. П. Кауфман құмандонлигидаги құшин ва ҳимоячилар уртасыда жаңг бошланди. Бухоролик мудофаачилар «Олинглар, олинглар ахир...» дейишиб душманға қарши ҳужум құлдилар. Аммо күп талофат күриб маглубиятта учрайдилар. Бу ҳақдаги хабар бутун Бухоро халқи газабини янада кучайтиради. Амир құрқиб Қызылқұм тарафға қочиб кетади. Зирабулоқдаги жаңг вақтида Самарқандда чоризмға қарши халқ құзғолони бошланади. Она юрт ҳимоясига шаҳар атрофидаги қишлоқ ва овлулардан минглаб кишилар келиб қүшилдилар. Генерал-губернатор К. П. Кауфманнинг өзишича, Каттақурғондан то Самарқандгача бұлған ерларда кишиларни кам учраттган. Бунга сабаб найманлар, қорақалпоклар, хитой, қипчоқлар, қирқ күзлар ва бошқа қабилалар Журабек ва Бобобек бошчилигіда Шахрисабздан келаёттан 20 минг кишилик құшин ва қасоскорларға қүшилиб, Самарқанддаги құзғолончилар сафини тұлдирған эди. Натижада, Самарқанд чоризмға қарши умумхалқ курашининг үчогига айланди. Бир неча минг кишилик құзғолончилар шаҳар қалъасыда үрнашған чор қүшинини құршаб олиб жаңгга киришдилар. Аммо Шахрисабз беклари чор қүшинларига өрдамчи күчлар келаётганилигидан хабар топиб, Самарқандни ташлаб чиқадилар. «Шундан кейин, — деб өздө K. P. Кауфман, — шаҳар ахли қишлоқлардан келаёттан халқ құнғыллары билан биргаликда қалъага ҳужум қилишни давом эттирадилар». Бу вақт ичидә ҳар иккі томондан күплаб киши курбон булади ва ярадор қилинади. 8 июнда генерал K. P. Кауфман бошчилигіда қүшинлар шаҳарға бостириб кириб, құзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Улар шаҳар бозорини үққа тутадилар. Құзғолон қатнашчиларидан 19 киши улимға ва 19 киши Сиберга умрбод сургунга ҳукм қилинади. Бунинг устига құзғолончиларнинг аксарияти жаңгда ҳалокатта учраган. Чор қүшинларидан эса 275 киши үлдірилди ва ярадор қилинди. Бошқа жойларда босқынчилардан бунчалик күп кишилик талофат күрмаган эди. Шунинг учун генерал K. P. Кауфман «Самарқанд қалъа-

сидаги талофатни жуда катта йүқотиш», деб баҳолайди. Бу вақтда Амир Музффарнинг обрўси ва мавқеи тобора тушиб, таҳтда зўрга илиниб турарди. Амир Карманага келиб, ўз амалдорлари иштирокидаги кенгашда Чор ҳукумати билан сулҳ тузишдан бўлак чора келмаганини маълум қилиб: «Эндиликда барча қўшин ва курол аслаҳаларни, тўпларни оқ подшоҳга топшириб мен Маккага ҳажга боришга рухсат беришини ундан сўрайман. Сезиб турибманки, менинг ўлимим яқин, тақдирим ва ҳаётим халқнинг қулида».

1868 йилнинг 28 июнида амир Музффарнинг элчилари Самарқандга К. П. Кауфман ҳузурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдирадилар. Сулҳга кўра Самарқанд, Каттакўғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми хонликдан ажратиб олиниб, Россия таркибига киритилди. Амир товон сифатида 500 минг сўм тилла пул тўлашга ва хорижий мамлакатлар билан мустақил равишида алоқа ўрнатмасликка розилик беради. Шунингдек, Россия савдогарларига хонлик тасаруфида бемалол савдо-сотик ишлари билан шугулашишга ҳамда карvonсаойлар қуришга ижозат этилди. Улар тўлайдиган савдо божлари миқдори бухороликлар тўлайдиган божлардан ошмаслиги керак эди. Хуллас, шартнома тузилгандан сўнг Бухоро амири урушни расман тўхтатиб, рус давлатига тобелигини тан олади. Бу эса ватанпарвар ва ҳур фикрли одамларнинг қаттиқ норозилигига сабаб булади. Ҳатто амирнинг угли Катта Тура ва бир неча нуфузли беклар бирлашиб, Музффархон ва чоризм истилочиларига қарши курашни давом эттирадилар. Улар амирнинг таҳтдан маҳрум этилганлигини эълон қилиб, Шаҳрисабз ва Китобда катта куч тўпладилар. Шаҳрисабз беклари Катта Турани хон деб эълон қиласидилар. Натижада, амир Музффарнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Ота-бона қўшинлари уртасида Самарқанд яқинидаги Хом қишлоғида содир бўлган жангда амир сарбозлари енгилади. Шундан сўнг амир Чор маъмуриятига ҳарбий ёрдам сураб мурожаат қиласиди. Буни инобатга олган генерал Абрамов 1870 йилида Шаҳрисабз ва Китобда Журабек ва Бобобек бошчилигидаги қўшин ва оломонни енгигиб, у жойларни амир Музффар ихтиёрига топширади. Бундан илгари, яъни 1868 йилда Чор қўшинлари томонидан босиб олинган Қарши шаҳри ҳам амирга қайтарилади. Бу билан Чор ҳукума-

ти Музаффарнинг Рус давлатига янада итоат этишини мустақамлаб борган. Амир эса сулҳ шартларини оғишмай бажараверади.

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Чор ҳукумати Хива хонлигини босиб олиш учун катта тайёргарлик курди. Ваҳоланки, Хива хонлигига 1869 йилги маълумотларга кура, бир ярим минг кишидан иборат мунтазам армия булиб, ҳарбий техникаси ниҳоятда паст даражада эди. Шунга қарамай, чор ҳукумати хонликка қарши уч тарафдан, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги, Оренбург ва Каспий денгизи томонидан уз ҳарбий кучларини ташлайди. Қушини яхши қуролланган 12 минг кишидан иборат эди. Ҳатто қўшинга император хонадонидан буюк князь Константин Константинович Романовский ва князь Евгений Максимилянович Романовский ҳам қўшилди. Афтидан, бу билан ҳарбий юриш мавқенини янада ошириш мўлжалланган бўлса керак. Қўшинга генерал К. П. Кауфман умумий қўмандонлик қиласи. Чор қўшинлари узоқ ва машаққатли йўлни босиб утиб, Хива хонлиги чегарасига етиб келадилар. 1873 йилнинг май ойида йўлма-йўл хиваликлар қаршилигини ентиб борган чор истилочилари 28 майда Хива



10-расм. Иchan қалъа. Мудофаа девори.

шахри остонасига келиб тұхтайдилар. Бу вақтда Сайд Мұҳаммад Раҳимхон қочишига улгурған. Қүшин генерал Верёвкин бошчилигіда Хива шаҳрига хужум бошлайды. Пировардида уруш тұхтатилади ва генерал К. П. Кауфман Сайд Мұҳаммад Раҳимхон Хивага келиб Рус давлатининг вассали сифатида үз тақтини әгаллайды. 1873 йыл 12 августда үзаро сұлқ тузилиб, Хива хонлиги үз сиёсий мустақиллігини йүқтөді. Шунингдек товон тұлашни ва Россия савдогарлари хонликда бемалол иш юритиши учун шароит яратып беришни бүйніга олади. Амударёнинг үнг қирғоғи Россия ихтиёрига үтказилиб, у ерда генерал губернаторлыкнинг Амударе бұлыми ташкил этилади.

Шундай қилиб, Бухоро ва Хива хонликлари үз мустақилліктарини құлдан бой беріб, Россия таркибига киради. Гарчанд хонлик сақланиб қолған бұлсада, улар Рус давлати манфаатлари доирасыда иш юриттәнлар. Чор хукумати минглаб кишиларнинг ёстигини қуриптегани ва ногирон қылғани етмагандек, уруш ҳаракатларини үндіриш учун Бухоро хонлигини 500 минг сүм, Хива хонлигини эса 2 млн. 200 минг сүм товон тұлашта мажбур этади. Бу оғир жарима мекнаткаш омманиң мушкүл ҳаётини янада оғирлаштиради.

ҚҰҚОН ХОНЛИГИНИҢ ТУГАТИЛИШИ

Чор истилочиларининг галдаги нияти Құқон хонлигини тугатиши зор. Улар Туркистан, Чимкент, Тошкент ва бошқа жойларни босиб олиб, Құқон хонлигига қаттық зарба берган зор. Құқон хони Худоёрхон күрқоқ ва тадбірсіз бұлғанлиғи учун ватан химояси йулида бирон арзугулик иш қылмади. Аксинча, Чор хукумати нігоҳида үз тақтида утиришни үйларди, холос. У 1868 йили чоризм билан сұлқ тузиб, амалда Россияяқа қарам булып қолади.

Бунга күра хонлик ерларидан рус савдо саноат вакилларига катта имтиёзлар берилді. Худоёрхоннинг итоаткорлигини тақдирлаган Чор хукумати уни Россия давлати ордени билан мукофотлади ва үнга «Аслзода» деган фахрий үнвон берилді. Худоёрхоннинг мазкур сиёсати ақолининг газабини тошириб юборди. Бунинг устига хоннинг зулми тобора күчайып борди. Натижада 1873 йылда Пулатхон бошчилигіда Россия тажовузи ва үнга сотилған Худоёрхонга қарши

халқ құзғолони күтарилди. Халқ нафратига учраган Худоёрхон узининг бой хазинасини 40 та аравага юк-лаб Ҳужандга қочиб кетади. Бу ердан Тошкентта юбо-рилади. Генерал Кауфман унинг бойликларини ҳуку-мат фойдасига мусодара қилиб, узини Оренбургга сур-гун қилади. Рус архив манбааларига күра, у бу ердан қочиб Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва сунгра Са-удия Арабистонига бориб ҳаж қилган. Шундан кейин яна Афғонистонга қайтиб күп үтмай вафот этган.

Құзғолончиларга хонликдаги ҳукмрон доиралар-нинг вакиллари Абдураҳмон Офтобачи, Мулла Исо Авлиє, Султон Муродбек ва бошқалар ҳам құшилиб Чор ҳукуматига қарши кураш олиб бордилар. Бу ҳара-кат шу даражада кенг ейдик, бутун Фарғона водийси-ни қамраб олди. Қулай фурсатни кутаётган Чор ҳуку-мати 1875 йил 6 августидә Фарғона водийсига бости-риб киради. Құзғолончилар босқинчиликларга қарши қаттық жаңг қиладилар. Шафқатсиз душман қүшинла-ри билан бир неча аҳоли турар жойларини ер билан яксон этади ва минглаб одамларни қириб ташлайди. Биргина Андижондаги жаңгда құзғолончилардан 20 минг киши ёвузларча ер билан яксон этилди. Бу фо-жеа генерал Скобелевнинг буйруғи ва бевосита ишти-роқида рүй беради.

Халқ құзғолони шафқатсизлик билан бостирилиб, 1876 йил 16 февралда Құқон хонлиги тугатилади.

Шундай қилиб Чор ҳукумати 1853—1876 йилларда, узбек хонликларига қарашли шаҳар ва қышлоқларни бирин-кетин босиб олиб, Урта Осиёни ҳукмдори бўлиб қолади. Минглаб оддий халқ вакиллари болта, таёқ билан қуролланиб, узидан ҳар жиҳатдан бир неча баробар кучли ва яхши қуролланган чор қүшинларига қарши мардонавор курашади. Улар аскарларнинг туплар ва милиқлардан отилган үт-ғимғирларига күкракларини тутадилар. Хонлар эса мамлакат мудо-фаасини мустаҳкамлаш ва ҳарбий техникани такомил-лаштириш ўрнига узаро курашларни давом эттиравер-дилар. Айниқса Бухоро хонлигининг Құқонга нисба-тан олиб борган душманлик сиёсати Чор ҳукумати учун катта фойда келтиради. Уруш ҳаракатлари шуни кўрсатадики, учала хонликнинг ҳукмдорлари ҳарбий жиҳатдан мутлақо саводсиз кимса бўлиб чиқди. Бун-дан Құқон лашкарбошиси Алимхон мустаснодир. У Чор ҳукуматига қарши курашда қўшинга ва халқ

қасоскорларига жасорат билан бошчилик қилди. У жүшкін ватанпарвар ва қаҳрамон шахс сифатида жанг майдонида ҳалок бұлади.

Ўзбек хонликларининг ерларининг босиб олиниши Чор Россиясининг юқори табақаси томонидан зур хурсандчылык билан қарши олинди. Россия молия вазири Вищнегородский бу жойларни «рус тожидаги эңг кимматбаҳо дур» деб баҳолади.

Туркистан генерал-губернаторлигининг чегараси вақт утиши билан кенгайиб борди. Пировардиде Сирдарә, Фаргона, Самарқанд, Еттисув ва Каспий орти ерларини үз қарамогига кирилди.

Бухоро амирлигиде 28 беклик: Чоржуй, Кармана, Зиевуддин, Нурота, Китоб, Шахрисабз, Чироқчи, Яккабог, Гузор, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоз, Болжуван, Шугнон, Рушон, Қулоб, Қўргонтепа, Шеробод, Ҳалиф, Кирки, Бурдалиқ, Қарши ва Ноғизм сингари жойларни үз ичига олган эди.

Хива хонлиги эса Питнак, Ҳазарасп, Ҳонқа, Урганч, Қўшқуприк, Газовот, Қиёт, Шоҳобод (Шовот), Тошқовуз, Омбор, Маноқ, Гурлан, Мангит, Қилич Ниёзбой, Қипчоқ, Порсу, Иләли, Құхна Урганч, Ҳужайли, Шуманай ва Қўнғирот деган жойларини қамраб олган.

Куриниб турибидики, икки хонликларининг ерлари илгари вақтларгача жуда қисқарған. Бундан, айниқса Бухоро амирлиги катта талофат кўрди. Қўқон хонлиги эса бутунлай таг-томири билан кўпориб ташланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Туркистан халқларининг ута ватанпарварлиги ва эркесварлиги орқасида Рус давлати уни тезкорлик билан босиб ололмади. Натижада, уруш урта ҳисобда 25 йил давом этди. Халқ оммасида миллиятпарварлик туйгулари шу даражада кучли эдик, агар ҳарбий маҳорат ва техника талабга жавоб берарли даражада бўлганда Рус давлатини ёвуз ниятини юзага чиқмаслиги турган гап эди. Начора, ўлка хукмдорларининг нодонлиги ва ожизлиги ҳамда бир гуруҳ кишиларнинг хоинлиги Туркистан улкаси ни Россия панжасига тушишига сабаб бўлди. Чор хукумати туб аҳоли вакилларини Олий ва урта мансаблардан маҳрум қилиб ўлкани-бошқариш рус генералларини ва офицерларини қўлига ўтди. Шу равишда миллий давлат тутатилиб рус тили давлат тили ҳисобланади. Миллий тилни ва миллий маданиятни ривож-

ланишига йўл берилмай «улуг милятчилик» сиёсати амалга оширилди. Бутун ўлкада мустамлакачилик ва миллий зулм хукм сурди. Туркистон Россиянинг хомаше манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиб ҳалқнинг бошига сон-саноқсиз азоб-уқубатлар тушди. Шунинг учун ҳам ҳалқ оммасининг миллий-озодлик курашлари давом этди. Масалан, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги ҳалқ ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Чор Россиясининг ҳукмронлигига қарши курашлар

МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМ

Чор ҳукумати бутун Туркистонни қонга белаб, шаҳар, қишлоқ ва овулларни вайрон этиб уни босиб олгандан кейин миллий давлат ва қушинни йўқ қилди. Маҳаллий бошқарув тизими қўпориб ташланди. У минтақани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларидан иборат уч қисмга парчалаб бошқарди.

Үлканинг энг унумдор ва обод ерлари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибиға киритилди. Масалан, у Сирдаре, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспий орти вилоятларини ўз ичига олган эди. Тошкент губернаторликнинг пойтахти ҳисобланди.

Губернаторликнинг олий ва ўрта бугин лавозимларига рус генераллари ва офицерлари тайинланиб қуий мансабларга маҳаллий аҳоли вакиллари қўйилди. Булар рус маъмуриятининг курсатмаларини сўзсиз адo этувчи кишилар эди, холос. Бухоро ва Хива хонликлари сиртдангина мустақил кўриниб амалда уларнинг ҳукмдорлари рус маъмуриятининг хизматкорлари бўлган. Чор ҳукумат иқтисодиёт бўйича ҳам мустамлакачилик сиёсатини изчилиқ билан амалга оширди. У минтақадаги ерсув ва табиий бойликларнинг эгаси сифатида иш юритиб, кўпдан-кўп маблаглар ҳукумат хазинаси ва капиталистларнинг чўнтағига дарё суви каби оқиб бораберди. Айниқса пахта уларга катта даромад келтирди. Гарчан пахтачилик ривожлантiriлган бўлса-да, лекин ундан дехқонлар фойда курмай қашшоқлашди. Бундан ташқари мустамлакачилар үлкага тайёр саноат молларини келтириб сотиш орқали ҳам бойлик орттирадилар.

Шу тариқа үлкани Россиянинг хом-ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилган эди. Бундай ҳолат ўзбек ва бошқа туб аҳолининг маънавий ҳаётини ҳам қашшоқланишига олиб келди. Рус маъмурияти онгли равишда миллий маданият ва миллий

тилни ривожланишига йул бермай халқни урта аср қолоқлигига сақлашга ҳаракат қилди. Рус тилига давлат тили мақоми берилди. Айниңса, халқ маориғига маблаг ажратылмасдан үз ҳолига ташлаб қўйилиши ёмон оқибатларга олиб келди. Натижада, халқнинг деярлик ҳаммаси саводсиз бўлиб қолди. Улкада маҳаллий аҳоли учун бирорта олий ва урта уқув ёки хунар билим юрти очилмади. Аксинча миллий хис-туйгу ва сиёсий уйғонишга қарши чоралар кўрилди. Таъқиб ва назоратлар авжига чиқиб, ислом дини бурчакка сиқиб кўйилди. Халқ оммаси оғир ва хилма-хил солик ва мажбуриятларнинг ҳам азобини бошидан кечирди.

Улкада кўплаб рус посёлкаларини ташкил этилиши фожиали оқибатларни юзага келтирди. Халқ унумдор ер-сувларидан маҳрум булиб, тирикчиликни ўтказиш жуда қийинлашиб кетди.

Биринчи жаҳон уруши даврида (1914—1918) ажвол янада ёмонлашиб қашшоқлик кенг қулоч ёйди. Умуман айтганда, мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм, сиёсий ва инсоний ҳукуқларнинг йўқлиги, адолатсизлик ва зўравонлик мазлум халқнинг озодлик курашларига замин ҳозирлади.¹

1892 ЙИЛ ҚЎЗФОЛОНИ

Улкадаги ниҳоятда оғир ҳаёт, чор ҳукуматининг ободончилик ва соғлиқни сақлашга эътибор бермаслиги орқасида турли касалликлар кучайиб бораверди. Айниңса, вабо касалини пайдо булиши фожеали бўлди. Айрим маълумотларга кўра, 1892 йил 1 июня Жиззах уездидаги вабо касали пайдо бўлган. Шу муносабат билан вилоят ҳарбий губернаторининг фармони билан Сирдарёнинг чап қирғогидаги Чинозда, яъни Тошкентдан 65—70 км. узоклиқдаги жойда тибиёт пункти очилди. Бу ерда вабога чалинган бир нечта кишилар касалхонага ётқизила бошлианди. Уша йилнинг 7 июня эса Тошкент шаҳрида вабо касали борлиги маълум бўлди.² Чор маъмурияти унга қарши чораларни, ҳаётга татбиқ этиб борди. Бунга кўра, вабодан улган кишиларнинг мурдасини врачнинг рухсатисиз кўммаслик лозим эди. Шунингдек, мурдаларни шаҳар

¹ Мазкур масалага доир архив ҳужжатларини тўплаган Тарих институтидаги бир груп ғиммий ходимларга үз миннадорчилигини изҳор этаман.

² Ўз РМ ДА. ФИ-1, 32-рўйхат, 30-иши, 165-бет.

иҷидаги эски мозорларга эмас, унинг чеккароқ жойида очилган янги қабристонларга кўмиш тавсия этилди. Аммо врачларни ва ҳамшираларнинг етишмаслиги орқасида мурдалар 3—4 кун мобайнида қолиб, ҳавонинг иссиқлиги туфайли сасий бошлаган. Аёлларнинг мурдасини рус эркак врачлар кўздан кечирган. «Туб аҳолининг сўзларига кура, — деб ёзади муаллифлардан бири, — санитарларнинг орасида турли касбдаги ва офицерлар кийимини кийган ёшлар полициячилар билан биргаликда «пўшт» дейишиб, маҳаллий аҳолининг уйларидағи аёллар яшайдиган хоналарга киришган. Улар тозаликни назорат қилиш баҳонасида отоналарини хузурида аёлларга ва қизларга нисбатан турли ўринсиз қилиқларни қилишган».¹

Мурдаларни ювиш ва уларни кўпчилик билан қабристонга олиб бориш тақиқланади. Гарчанд, кўрсатилган маъмурият чоралари вабони имкон борича даф этишга қаратилган бўлсада, лекин уларни амалга оширишда қатор қўполликларга ва зўравонликларга йўл қўйилди. Ҳаётда дин ҳукм суриб турган бир пайтда мурдаларни ювмаслик ва бир неча кун сақлашлик, ҳамда ота-боболар мозорларини бекитиш ўша давр шароитига жуда зид ва гуноҳдай булиб кўринарди.

Хуллас, ҳукуматнинг вабога қарши чоралари зулм ва адолатсизликдан сабр-косаси тулиб тошган шаҳарликларни бош кутаришига туртки бўлди. Айни бир пайтда гүё врачлар сувга оқ порошок ташлаб ҳалқни заҳарлаётган ва касалларга ҳам бериб ўлдираётганликлари ҳақида мишиш-мишлар аҳволни янада кескинлаштириди. Бу хусусда манбада шундай дейилади: «Доктор Чинозда касални суриштирмай беморларга дори бериб, одамларни дарҳол ўлдирмоқда, деган сұзлар Тошкентда эшитилмоқда. Шаҳар миршаби савдогарларга мурдаларни кафанга урамаслик ва ҳеч қандай диний расмларсиз кўмиш ҳақида кўрсатма берган».²

Умуман айтганда, вабо касалининг ваҳимаси ва турли хил мишишлар шаҳар ва атроф қишлоқларига тарқалиб, кишиларни газабини қўзғотди. Мурдани кўпчилик билан қабристонга олиб боришнинг тақиқланishi ҳам қаттиқ норозиликни уйғотди. 20 июнда

¹ Терентьев М. История завоевания Средней Азии. Санкт-Петербург, 1906, С. 73.

² ЎзР МДА, ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иш, 170-бет.

шаҳарнинг Себзор даҳасидаги Хонақо масжидида кўпчилик тўпланиб, ораларидан З вакилни сайлашиб норозиликни шаҳар бошлиғига маълум қилишни топширилди. 22 июнда шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Яқуб вакилларни чақириб, мишишиларга ишонмаслика давват этди. Уша куни Шайҳонтохур даҳасидаги Таллак масжидида кишилар йигилишиб шаҳар бошлиғи номига хат ёздилар: «Бизлар мурдаларни янги мозорларга дафн этишга қаршилигимизни ва эски мозорлардан фойдаланишни давом эттиришимизни шаҳар бошлиғига маълум қилишликни мингбошидан ва катта оқсоқолдан сўраган эдик, чунки мурдани янги қабристонларга олиб бориш қийинчиликларни түғдиради. Хусусан, шароитга кўра мурдалар елкаларда кўтариб борилиши шарт. Аммо, шу пайтгача хатга жавоб берилмади».¹ Шаҳар аёллари ҳам Туркистон генерал-губернаторига хат ёзишиб, ўз норозилигини изҳор этган эдилар. Шайҳонтахур даҳасига қараашли ўқчи маҳалласидаги масжидларни бирида ҳам 150 киши чор маъмуриятига ёзилган норозилик хатни муҳокама қилган, унда эллик бошилар Юнус Муҳаммад ва Мулла Мирсадик, Муҳаммад Алимхон, Абдулқосим Домуллаев сингари нуфузли кишилар қатнашган.²

Бутун воқеани жонли гувоҳи ва шаҳар бошлиғи С. Р. Путинцевни тергов вақтида берган кўрсатмаси масалани янада ойдинлаштиради: «Июн ойини бошларида, — деган у, — вабо касалини тарқалишга қарши қаратилган чоралар турли мулоҳазаларни юзага келтириб, халқда уларга ишонч қолмади. Ҳатто врачлар вабо касалига йулиққанларнинг азоб-уқубатларидан тезроқ ҳоли қилиш мақсадида маҳсус порошок бериб одамларни ўлдиromoқдалар деган овозалар тарқалди. Шунингдек, руслар анҳор ариғидаги сувни заҳарлаб туб аҳолини қирмоқчи деган сўзлар эшитилиб турилди. Бундан ташқари маҳаллий халқ вабо касали билан ўлганларни шаҳар ичидаги мозорларга кўмиш тақиқланганига қаршиидирлар. Шаҳар чеккаларида очилган мозорларда мурдаларни маҳсус белгиланган киши томонидан ювилиши, жаноза ўқилиши ва дарҳол дафн этилиши курсатилган эди. Аммо, мурдани кўпчилик билан мозорга олиб боришга рухсат берилмади».³

¹ ЦГВИА России, ф.400, оп-1, д. 1569. л. 32.

² Уша жойда, 4-иш, 83-бет.

³ УзР МДА ФИ-723, 1-рўйхат, 3-иш, 12-бет.

Хуллас чор маъмуриятининг вабога қарши чораларини диний ақидаларини ва умуман маҳаллий шароитни ҳисобга олмай амалга оширишни фойдадан кура зини кўпроқ бўлди. Айрим маълумотларга кура ҳар куни 100 атрофида одамлар ўлган.¹

Расмий маълумотда эса 7—24 июнь давомида вабога 64 киши чалиниб 43 таси ўлганлиги қайд қилинади.² Вабо касалига қарши қаратилган чоралар халқнинг оғир сиёсий ва иқтисодий шароитини янада кескинлаштириб, бамисоли «оловга керосин» қўйгандай бўлди. Натижада кўзголон бошланди. Аммо, чор маъмурияти вакиллари диққатини кўзголонни асосий сабабларидан чалгитиш мақсадида маҳаллий юқори табақа вакилларининг мансабни эгаллаш учун олиб борган курашларининг маҳсали деб тушунтиришга ҳаракат қилди. Шу муносабат билан бу масалаларга тухташ айни муддаодир. Қурилаётган вақтларда Тошкент шахри Себзор, Шайхонтоҳур, Беш-Ёғоч ва Кукчадан иборат тўрт даҳадан иборат бўлган. Ҳар бир даҳада биттадан оқсоқол, қози, мингбоши, юзбоши ва йигитлардан иборат миршаблар хизмат қилган. Улар халқ томонидан «сайланган».³ Вилоят ҳарбий губернатори катта оқсоқолни тайинлаган ва бунга барча даҳанинг оқсоқоллари бўйсундирилган.

Ўз навбатида катта оқсоқол шаҳар бошлиғи булмиш С. Р. Путинцевга бўйсунган. Катта оқсоқоллик лавозими 1884 йилда жорий этилиб, унга уша йили Иноғомхўжа Умархўжаев тайинланган. Иноғомхўжа Умархўжаев С. Р. Путинцевнинг ишончини қозониб, ўлка раҳбариятининг бир неча маротаба мукофотларига сазовор бўлган. «У туб аҳоли орасида обру ва нуфузга эга бўлган киши эди. Буни исботи учун шуни далил қилиб утиш лозимки, одатда бошлиқлар устидан шикоят қилишга мойил халқдан унга қарши икки маротабагина ариза тушган халос. Улардан бири Иноғомхўжани узи фош этган ва сургун қилинган жиноятчидан ва иккинчиси Чимкент уездидаги бир қозоқдан олинган эди. Бу қозоқнинг ёзишича, 1891 йилда Иноғомхўжа Писта кўмири билан савдо қилувчилардан пора олган экан. Вилоят ҳарбий губернатори Гродеков бу шикоятни текшириш ва

¹ Уша жойда, уша бетда.

² Уша жойда, ФИ-1.3-рўйхат, 30-иш, 167-бет.

³ Уша жойда, 169-бет.

тұгрилигини аникламай, 1892 йил 21 майдың Иноғомхұжаны мансабдан¹ четлатиб, үрнига Шайхонтохұр оқсоқоли Мұхаммад Яқубни тайинлаган».²

Натижада Иноғомхұжа ва унинг тарафдорлари үзларини мавқеини йүқотғанликлари учун халқни Мұхаммад Яқубға қарши құзғолон күтаришга даьеват этган эмиш. Шу равищда құзғолон сабаблари икки гурұннинг мансаб учун курашига йыйиб юборилған. Бу ҳақда сұз яна кейинги сақиғаларда үз үрнида бұлишини тақиғидаб айтиб үтиш лозимки, құзғолон юқоридағи қайд қилинганидек сиёсий ва ижтимоий-иктисодий асосларға зәға зәди. Аммо бундан қатын назар маҳаллий юқори табақа вакиллари орасыда үз ватанини мустақиғилдини тиклаш тарафдорлари йүқ әмас зәди. Уларнинг күпчилігі құзғолонда бевосита қатнашишмаган бұлмасаларда, лекин унга ҳайрихөхілек билан қараганлари бор зәди.

Шаҳарнинг катта оқсоқоли Мұхаммад Яқуб вабога қарши қаратылған чораларни амалға ошириш ишига бошчылық қилиб, халқнинг ғазабига учраган. Чunksи, у қуполлық билан ҳаракат қылған. Унинг сұзига қарғанда 23 июня Ҳайит байрамининг биринчи куниша шаҳарнинг жами масжидида эрта соат 5 да номоз үқилгандан кейин С. Р. Путинцев келиб халққа мурожаат қылған: «Халқ орасыда, — деган у — вабога қарши күрилаётгандын чоралар хусусида нотүгри фикрлар юрибди. Ҳозирда унға шаҳар катта маблаг сарфламоқда. Айтилған чоралар вабони тарқалиб кетмаслиги ва халқни фойдаси учун қилинаётір».²

Бу сұзлар тобора кескинлашиб бораётгандын вазиятни юмшатыш мақсадида айтилған, албатта. С. Р. Путинцевни үзи жомеъ масчитидаги учрашувни шундай тасвирлайды: «23 июня эрта соат 5 дан кейин жомеъ масчитига келдім. Бу ерда мен ниҳоятда күп тұпланған одамларни күрдім. Менимча, масчитда ва атрофдаги күчаларда үн минг киши тұпланған зәди. Мени хузуримда ҳайит намоз үқилди. Шундан кейин мен халққа қаратса рус тилида сұзладым. Мени гапларимни рус тилини яхши биладиган Күкча даҳасининг оқсоқоли Иброҳимбек таржима қилиб турды. Бу киши илгари менинг таржимоним зәди. Мени үзим үзбекча-

¹ Үша жойда, үша бетда.

² Үз РМДА.ФИ-723, 1-рүйхат, 3-иш, 12-бет.

ни билганилгим учун таржимани аниқ қилинаётганлигинаи сезиб турдим. Аҳолини байрами билан табриклиб, турли миш-мишларнинг асоссизлиги ва барча ишлар халқни фойдаси учун қилинаётганлигини таъкидладим. Шунингдек курилаётган чоралар туфайли қасаллар камаяётганлиги, агар рус ҳукумати ёмон ниятда булса, 27 йил илгари ўлкани босиб олаётганда барча ерли халқни қириб ташлаши мумкинлигини айтдим».¹

Шайхонтоҳур қозиси Шарифхўжа халқа қарата: «куриб турибсизларки, вабога қарши қандай чоралар курилмоқда, шунинг учун барча миш-мишлар нотўғридир», — деган. Шундан кейин Шарифхўжа жомеъ масҷитида С. Р. Путинцевни, Муҳаммад Яқубни, турт даҳанинг оқсоқолларини меҳмон қилган. Бу ерда Муҳаммад Яқуб чақимчилик қилиб маҳаллаларда, хусусан Себзор даҳасида норозиликлар бўлаётганлигини С. Р. Путинцевга маълум қилди. Бу киши кетгандан кейин Себзор даҳасининг оқсоқоли Комилбек шаҳар бошлиғи олдида айтган сўзлари учун ноқулай аҳволда қолганлигини хафа булиб, Муҳаммад Яқубга билдириган. Бунга жавобан Муҳаммад Яқуб маҳаллаларда мурдалар текширилмасдан ва бекитилган ҳолда шаҳар ичидағи мозорларга кўмилаётганлигини айблаб, бошлиқларга маълумот бериб турган. Унинг бу хатти-ҳаракатлари халқнинг нафратини қўзгатиб, обруйини тўккан.

Бундан ташқари Муҳаммад Яқуб шаҳар атрофидан, яъни қишлоқлардан келган мардикорларни ва «кора ишлар» билан шугулланувчи кишиларни суриштирмай касалхонага ётқизаверганидан ёки ушлаб турганидан улар шаҳардан қочиб кетаверган. Бу ҳолат ҳам мардикорларни Муҳаммад Яқубга нисбатан нафратини уйготган. Шу орада Иногомхужани ишдан олинишидан норози бўлган кишилар Муҳаммад Яқубни қоралашга ўтган. Умуман айтганда, эзилган ва таланган халқ оломони биринчи навбатда Муҳаммад Яқубдан уч олишга аҳд қилди ва бош кўтарди. Қузголон Себзор даҳасида бошланди. Муҳаммад Яқубнинг сўзига қараганда аввало 2000 кишилик халқ оломони уни уйига борганда бу ерда оломон уни тополмагандан кейин уйини остин-устин қилиб, турт минг

¹ Ўша жода.

сүмлик мол-мұлқини талаганлар. Ҳатто уйға үт қүй-
моқчи бұлиб турғанларидә күшін келиб қолған.¹

Бу оломон тепасида Эшон Азизлар (Зайниддин-
хон), Одил Қосимхұжа, бозор оқсоқоли Зиә Иса-
мұхамедовлар турғанлар.²

Құзголончылар Мұхаммад Яқубни үйидан тополма-
ғанларидан кейин янғы шаҳарға, маҳкамамен томон үйл
олдилар. Құзголон қақида унинг қатнашчиси Мұлла
Саримсоқов терговда деган: — «Халойик, шу жумла-
дан мен вабога қарши чораларни бекор қилинишини
сұраб галаған кутардик. Бу ҳаракат мансабдорларни
үлдириши, Мұхаммад Яқубни үйини ёндеришга қара-
тилған чақириклар билан бошланды. Шаҳар ахли мур-
даларни эски мозорларға дағы этишта рухсат бер-
маётган ва бошқа адолатсизликтерни қилаётган катта
оқсоқол Мұхаммад Яқубни ёмон күрардилар. Бизнинг
эгарчи маҳалламизды Шамси Мұхаммад деган киши
вабодан эмас, балки оддий касалдан вафот этди.
Аммо Мұхаммад Яқуб рухсат бермагандан кейин уни
Шайхонтохур мозорига яширинча құмдик. Катта
оқсоқол буни текширишга үз одамини юборди. Рух-
сатсиз дағы этиш Себзор даҳасида ҳам содир бұлған
экан. Шу пайтда бизнинг маҳалламизды орқали Себзор
даҳасининг кишилари утиб қолды. Бизлар ҳам уларға
қушилдик. Уларнинг орасида мен, Ҳасанхұжа Эшон,
Абдурашидхұжа, Тожихон Абдураҳмонов, Назир
Мұхаммад ва бошқалар бор эди. Йұлда бизларға күп
одамлар қушилди. Уларни орасида четдан келған ки-
шилар күп эди. Чунки катта оқсоқол уларни суриш-
тирмай бекордан-бекорға касалхонага ётқиздірді.
Кимнинг боши бойланған бұлса, ұшани ушлаб касал-
хонага жұнатаверди. Мардикорлар ва улпурчи ишлар
билан шүгүлланувчилар шаҳардан қочишиға мажбур
бўлдилар. Оломоннинг сони 2—3 минг кишига етди.
Хеч ким одамларни чақирмади, аксинге улар тамоми-
ла ихтиёрий равишда кутарилдилар. Бизлар маҳкамага
borganımızda, шаҳар бошлиғи С. Р. Путинцев пайдо
бўлди. Халойик бақиришиб, Мұхаммад Яқубни үлди-
ришларини баён этдилар. Мен оломонни тинчланиш-
га чақирғанимда күкрагимдан ушлаб силтадилар».³

¹ Ұша жойда, ұша бетда.

² Ұша жойда, ұша бетда.

³ Ұша жойда, 188—189-бетлар.

С. Р. Путинцев Мұхаммад Яқуб билан маҳкамага Воронцев күчасидан келаётгандың күп сөнли оломонга дүч келган. Бу ерда уларға қарши тошлар отилиб, Мұхаммад Яқубнинг боши, елкаси ва бели жароҳатланды. Құзғолончилар унга: — «Бизларни янги қабристонға жунатмоқчисан, лекин биз сени үзингни үлдириб, у ерга жунатамиз» — деб бақиришган. Мұхаммад Яқуб қочиб, маҳкамага яширинади. Құзғолончилар кетма-кет маҳкамага келишиб: «Оқсоқолни беринглар, үлдирамиз» — деб бақиришди. Шу пайтда икки-уч минг кишидан иборат оломон маҳкама ҳовлисига бостириб кира бошлаганды Мұхаммад Яқуб шу ердаги маҳкама котибини үйига кириб яширина-ди. Ташқаридан «оқсоқолни бер!, Уни үлдирамиз» — деган сүзлар доимо әшитилған.¹ Котибнинг хотини Мұхаммад Яқубни шкафни ичига, ва уни соқчиси Сайфулланы столни тагига яширган эди. Шу вақтда құзғолончилардан бир гурұх кишилар котиб үйига кириб оқсоқолни үлдиришларини айтғанлар. Аммо улар оқсоқолни топа олмаганлар.

Маҳкамада құзғолончилар С. Р. Путинцевга ҳам ҳужум қылғанлар. Уни үзини күрсатишича воқеа қуйидаги тарзда содир бұлған: — Собор күчасида, — дейди у, — менга Мұхаммад Яқуб ва соқчилар қүшилишди. Шунда мишлоаблар оломонни рус (янги) шаҳарига келаётгандығы ҳақида хабарни көлтирдилар. Икон күчаси буйлаб, Воронцов күчасига чиққанимда, — дейди Путинцев, — оломонни Самарқанд күчасига келаётганини күрдім. Мен оломонға яқынлашдым, лекин улар Воронцов ва Самарқанд күчаларини кесадиган жойда мени қуршаб Мұхаммад Яқуб оломонни тұхтатишига күп ҳаракат қылды. Шунда унға оломон томонидан тошлар отилди ва у отға миниб қочди. Орқасидан бир гурұх құзғолончилар қувиб кетдилар. Мен қуршаб олған бир гурұх құзғолончилар билан Урда бозори томонға юрдім, лекин оломонни шаҳар маҳкамасининг ҳовлисига бостириб кирғанлигини әшитиб, орқага қайтдім. Бу ерда Мұхаммад Яқубнинг борлигини аングлаб оломонни түсіш мақсадида дарвозаны олдига туриб олдім. Сұнгра, мен оломондан Мұхаммад Яқубни айби нимада деб сүрадім. Улар қичқирған ҳолда оқсоқол мурдаларни дағн этишга рухсат бермаётір ва

¹ Уша жойда.

ариклардаги сувларни зақарлашда врачларга күмаклашмоқда, деб жавоб бердилар. Айни бир пайтда: «Бизга оқсоқолни беринг, уни урамиз» — деб бақирдилар. Мен оломонни тинчлантиришга ҳаракат қылдим, лекин шовқин-сурон туфайли сұзларимни эшишишни иложи бұлмади. Бу орада маҳқама ҳовлисига бошқа тарафдан одамлар киришиб, орқамдан тортди, олди тарафға оломон сиқиб келаверди. Шу равища мени орқага, ҳовли томонға итариб киришди. Мен маҳқама хонасининг эшиги олдидаги айвонга чиқдим. Бу ерда оломонни тинччишга ҳаракат қылдим, лекин «оқсоқолни беринг, үлдирамиз» — деб бақиришди. Бу талабга оқсоқолни бера олмаслигимни, чунки у хукумат фармонини ижро этган деб жавоб бердим. Шунда оломон тарафидан, агар «оқсоқолни бермасанг, у вақтда үзингни үлдирамиз» — деган овозлар әшитилиб турилди.¹ Шу пайтда оломон мени ҳовлини уртасига итариб юборди ва дүппослади, сұнgra тошбүрон қилишди. Мен йиқілганимда құзғолончилардан түрт киши устимга етишиб, химоя қилишди. Аммо танимни бекитилмаган жойларидан уравердилар. Натижада, бошим, үн құлым ва қовургаларим жароқатланды.²

Шундан кейин бир муддат ҳүшидан кетган С. Р. Путинцев үзиге келганды тепасида оломон турарди. Улар ундан дархол врачларни шаҳардан олиб чиқиб кетилиши ва сувларни зақарламаслик ҳамда, мурдаларни дағн этишга рухсат бериш ҳақида тилхат беришни қатый талаб қылдилар.³ С. Р. Путинцев бунга рад жавобини бергандан кейин оломон уни искаңжага олди. «Айниқса менға, — дейди С. Р. Путинцев, — қаттиқ тиқилинч қилиб, урмоқчи бұлған уч киши булди. Улар бирини лабида тиртиғи бор 20 өшшли йигит эди, иккінчеси үша өшдаги ва энди соқоли униб чиқаёттан қотма үспирин ва үчинчеси қызығыш рангли күйлакдаги, бақувват одам эди. Бу үспирин менға: «Агар бизни талабларимизни қабул қылмасанг сени үлдирамиз» — деб мұштумини күтарди. Бошқа бир новча одам «Үргага чиқ, халқ талабларига розилигингни айт» — деб бақириді».⁴ Шундан кейин оломон яна шовқин-сурон күтариб, С. Путинцевга өпишди, лекин

¹ ҮзР МДА.ФИ-723, 1-рүйхат, 3-иш. 78-бет.

² Үша жойда, 12-бет.

³ Үша жойда, 13-бет.


⁴ Үша жойда, 20-бет.

уни құзголончилардан түрт киши ҳимоя қилиб, маҳкамадаги хонасига киритиб қойиши. Бу хонага ташқаридан тошлар отилди ва улардан бири С. Путинцевни биқинига тегди. У хонадан айвончага қиқиб, оломонни тинчтиишга ҳаракат қилиб курди. Күп утмай солдатлар ва маҳкама атрофида истиқомат қылувчи руслар келишган.

Маҳкамадан оломон кетгандан кейин Мұхаммад Яқуб хонадаги шкафдан чиққан.

Бир гурух құзголончилар кечқурун Мұхаммад Яқубнинг Қорасув аригининг ёндідегі құргончасини ёндиріб ташлашди.¹ Шунингдек, улар Мұхаммад Яқубнинг акасининг уйини талашга ва ёндирішга ҳаракат қылдилар, лекин солдатлар келиб қолиб бу иш амалға ошмади.²

Шаҳар маҳкамасидаги оломоннинг фаолияти хусусида унтер-офицер П. П. Алексеевнинг маълумоти ма-саланы янада ойдиналаشتыради: — Мен Воронцов күчасида Романов күчасидан чиқаётган оломонни шаҳар бошлиғи С. Р. Путинцевнинг орқасидан қувлаб кетаётганини күрдим. Оломон орқасидан маҳкамага келганимизда С. Р. Путинцевни ва маҳкама аъзоси Новогородскийни оломон ўраб олғанлигининг гувоҳи



11-расм. Құзголон қатнашчиларининг қуроллари.

¹ Үз РМДА, ФИ-1, 1-рўйхат, 3-иш, 81-бет.
Уша жойда, уша бетда.

бүлдик. Улар оломон билан узбек тилида м uomала қилмоқда эдилар. Оломоннинг олдинги сафида оқ соқолли ва салласиз бир кекса одам кўпроқ гапирмокда эди. Бу кекса киши Путинцевни қўкрагидан итариб маҳкама ҳовлисига киритишга ҳаракат қилмоқда эди. Оломоннинг бошқа қатнашчилари ҳам Путинцев ва Новогородскийни ҳовлига итардилар. Мен оломонга яқинлашаётганимда бир узбек таёқ билан оғимга уриб ерга йиқитди ва ўзи кўздан гойиб бўлди. Оломон Путинцевни ҳовли ичига кириган вақтда мен бошқа томондан у ерга кирганимда узбекларни маҳкама идорасига тош отиб синдираётганиларини курдим. Менинг кўз ўнгимда улар Путинцевни урдилар ва йиқитдилар. Аммо у маҳкама хонасига қочиб киришга муваффақ бўлди. Унинг боши қонга беланган булиб, шапкаси йўқ эди. Узбеклар очиқ ойнадан Путинцевга тош отардилар. Мен очиқ ойнадан Путинцевнинг қилич ялангочлатиб орқасидан кирган узбекларни курқитаётганигини курдим.¹

Куриниб турибдики, қўзголончилар шаҳар бошлиқларини ва бинони тошбурон қилганлар. Агар, қўзголончиларни орасидаги айрим кишилар уртага тушиб, С. Р. Путинцевни үраб ҳимоя қилмагандан унинг ўлдирилиши турган гап эди. Уша кишилар унинг қатл этилишини фожиали оқибатларини ўйлаб, шундай қилганлар. Ҳақиқатдан ҳам, бордию руслардан бирор киши ҳалокатта учраганда борми, у вақтда бунинг баҳонасида қўзголончилардан излаб, кишиларни солдатлар томонидан қириб ташланиши турган гап эди. С. Р. Путинцевни ҳимоя қилганлардан бири Турк-янги шаҳар маҳалласида яшовчи мардикор Муса Мұхаммад Рустамбоев деган киши бўлган. У маҳкамадаги воқеани шундай таърифлайди: — Мен келган пайтда оломон шаҳар маҳкамасининг ҳовлисида С. Путинцевни тошбурон қилмоқда эди. У ерга йиқилгандা, мен уни гавдам билан тусиб — «мусулмонлар, нима қиляпсизлар, эҳтиёт булинглар, сизларни деб бутун Тошкент ҳалок бўлади» — деб бақирдим. С. Путинцев ўрнидан туриб маҳкамага юраётганда оломон ва мен ҳам орқасидан бордик. У хонага яқинлашганда эшикка суюниб ҳеч кимни утказмасликка ҳаракат қилди. У мени яхши одам экансан, исминг нима ва қайси маҳаллада турасан, деб сўра-

¹ Уша жойда. ФИ-723, 1-рўйхат, 1-иш, 44-бет.

ди. Мен оломондан күркіб исмимни айтмадим. Шу вактда хонада Халтай деган киши ҳам одамларни түсіб турарди. Оломон мени ҳам ура бошладилар, сиёхдонни отдилар ва С. Путинцев хонасига қоцдым. Бу ерда мени стол атрофика кишилар күвлаб юришди. Нихоят улар-нинг орасидан қочиб күчада турган руслар орасига яши-риндим. Солдатлар келиб оломонни ура бошладилар, мен күркіб уйга кетдім.¹

М. Рустамбоевнинг гувоҳлик беришича, М. Иса-байвачча Калмуса, Мұхаммаджон, Юнусбайвачча ва Тошбола деган кишилар катта ғайрат билан ҳаракат қилишиб С. Р. Путинцевни тошбўрон қилишда қат-нашганлар.²

Гувоҳ сифатида тергов қилинган Н. Галкиннинг сүзига қараганда оломоннинг олдинги сафида от мин-ган қора соқолли 22—23 ёшли бир йигит юриб, қузголоннинг бошлиғи сифатида гавдаланиб турган.³ Биринчи ўқчи батальоннинг солдати ва гувоҳ С. Маль-цевнинг терговда айтган сўзлари ҳам қузголон ҳақидаги тасаввурни тўлдиради. Унинг курсатишича, 24 июнь со-ат 9 да минг кишилик оломон маҳкамама томон юрган. Улар тош, темир-терсак, пичоқ ва таёклар билан қурол-ланган эдилар. У дўконда савдо қилувчи Фиёсидин Содикдиновдан нима бўлаяпти деб сураганда «халқни шаҳар бошлиғида иши бор» деб жавоб берган. Шундан кейин С. Мальцев анҳор бозорининг оқсоқоли Қиёт маҳаллалик Алимат Каримбоев билан учрашганда у «халқ шаҳар оқсоқолини ўлдиришмоқчи, уни яшириш керак» — деган. У оломон томонидан маҳкаманинг де-разаси, девори, жиҳозларини тошбўрон қилаётганлик-ларини кўрган. Шу онда маҳкамама идораси ичидан чиққан Себзор даҳасининг полицейсияси Абдуҳолиқ калтакланган. Оломон орасида извошчик ҳайдовчиси қулида таёқ ва тош ушлаган ҳолда «Биз ҳаммангизни ўлдирамиз» — деб, солдатларга бақирган. Қузголонда бозорда темир савдоси билан шугулланувчи Нурмамат Муллаҳайитов ҳам фаол қатнашган.⁴

Солдатлар томонидан оломон маҳкамама ҳовлисидан суреб чиқарилгандан кейин «руслар узбекларни кал-

¹ Ўша жойда, 118-бет.

² Ўша жойда, 187-бет.

³ Ўша жойда, 119-бет.

⁴ Ўша жойда, 37-бет.

таклашни давом эттирилар, губернатор уларга тег-
масликни буюрди. Аммо узбеклар унинг ўзига ҳам
тош отганликлардан кейин у русларга узбекларни
уринглар деб бақирди. Шундан кейин руслар узбек-
ларга ташландилар ва уравердилар. Шу вақтларда ай-
рим узбеклар ушланиб маҳкамага олиб борилди. Рус-
лар узбекларни Ўрда бозоригача қувиб бордилар.
Улар бу ердан тарқалиб кетдилар¹. Бинобарин
қўзголончилар вилоят ҳарбий губернаторининг кур-
сатмасига биноан оддий рус кишилари томонидан
калтакланди. Н. Галкин ҳам оломонни руслар томо-
нидан калтаклаганлитини тасдиқлади.² Менинг 100
ёшдан ошган раҳматли бувамнинг хотирасига кўра,
руслар ва солдатлар оломоннинг орқасидан қувлаб
келаётганда, одамлар шошиб ва ўзини йўқотиб, ўзла-
рини Ўрда сувига ташлашга мажбур бўлганлар. На-
тижада, вилоят ҳарбий губернатори Гротековнинг куз
унгида кўп кишилар ҳалок бўлганлар. Қўзголончилар-
нинг орасида калтак ва тошлар зарбидан жароҳатлан-
ганлар ҳам кўп бўлган.

А. И. Добромусловнинг ёзишича қўзголончилар
маҳкамадан сурib чиқарилгандан кейин орқасидан
солдатлар ва янги шаҳарнинг аҳолиси қувлаганлар.
«Шаҳар бошлигининг уринбосари Н. С. Лыкошин ва
шаҳар бошқармасининг аъзоси В. П. Новогородский
(маҳкамада) оломонни тинчлантиришга ҳаракат қил-
дилар. Аммо кўп утмай қуролланган солдатларнинг
келишлари биланоқ узбеклар қочдилар. Солдатлар ва
руслар уларни қувлаб, қўлга тушганларини шафқат-
сизларча калтакладилар. Охирида улар қўзголончилар-
ни Анҳор бўйида ушлаб, баланд жойдан сувга итардилар.
Айрим кишилар калтакланишдан қўрқиб ўзларни
сувга отдилар. Нечта кишилар ҳалок бўлганлиги
расмий суратда ҳисобланмади. Хусусий санашга кўра,
сувдан 80 та улик олинган. Қўзголон вақтида улган-
ларнинг сони 100 кишига борган»³.

Вилоят прокурорининг кўrsatiшича қўзголоннинг
олдинги сафларидағи кишилар «Қашшоқлашган ёш
йигитлардан» ташкил топган.⁴

¹ Ўша жойда, 43-бет.

² Ўша жойда, 43-бет.

³ Добромуслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С. 488.

⁴ Ўша жойда, 44-бет.

Құзғолонга боғлиқ кейинги воқеалар ҳам фожеали кечди. «Урдадан, — дейди П. Алексеев, — ҳарбий қисм губернатор бошчилигидаги әски шаҳар томонға йүл олдилар. Шундан кейин Урдада яна үша халқ оломонидан одамлар түпленди. Бу ерда мен бошқа руслар билан күча бүйлаб кетаётганимда бизга хонадонлардан тошлар отилди. Биз күча атрофидаги хонадонларни текширдик. Бир полиция тамба билан бекитилган әшикни бузиб очғанда уйның томида 4 киши турған экан. Улардан 3 таси томдан сакраб қочдилар. Бири пичоқ билан полицияға ташланди. Бир солдат унинг қулиға урип пичоқни туширди ва үзини томдан пастта ташлаб юборди».² Шу равищда солдатлар күча ва хонадонларда құзғолон қатнашчиларини ушлаб ва калтаклаб ҳибсга олдилар. Бутун шаҳар йиги-сиги ва мотамга айланди. Миршаблар құзғолончиларни қидириб изгиб қолдилар.

Виляят ҳарбий губернатор Гродеков, С. Путинцев ва бошқа шаҳар катталари солдатлар билан Әски Жува бозорига келдилар. Бу ерда, у солдатларга Жомеъ масжиди билан Хужа Ахрор мадрасаси ўртасидаги құчага жойлашишларини буюрди. Чunksи, бу құчага халқ оломони яқынлашаётгани ҳақида хабар олинган эди. Ҳақиқатдан ҳам оломон масжидга үша құчалардан яқынлашиб келди. С. Путинцев солдатлар борлигини билдириб оломонга тарқалишларини сураганида бежирим соқолли ва мыйловли бир йигит уларнинг орасидан чиқиб: — «Бизни заҳарлаётгандың қандай қилиб тарқаламиз, — деб гапира бошлади. С. Путинцев бу йигитни маҳкамадаги галаёнда ҳам фаол ташкилотчиларидан лигини таниб, солдатта уни ушлашни буюрди. Солдат бу йигитни ушлаб олғанда, оломон чекина бошлади. Шу онда үша йигит: — «Мусулмонлар, мени ёлғиз ташлаб қаёққа қочяпсизлар» — деб бақырди. Шундан кейин оломоннинг күпчилиги қайтиб, солдатларга тошларни отдилар. Сүнгра улар ушланған йигитни озод қилиш мақсадида солдатта ташландилар. Бу вақтда губернатор ва командир Федоров солдатларнинг орқасида турардилар. Шу онда солдатларға «Тайёрланинг» деган буйруқ берилді, йигит эса оломондан рұпарадаги құчага қочишиға улгурди. Худди шу пайтда солдатлар оломонга қарши үқ уздилар ва

² Үз Р МДА.ФИ-1, 31-рүйхат, 30-иш, 170-бет.

улар қоча бошладилар. Булардан 5 киши йикилди, улар жароҳатланди ёки үлдирилди. Иккинчи маротаба ҳам үклар отилди. Ҳаммаси булиб 7 ёки 9 киши ерда ётарди.¹ Құзғолонда аәллардан бири «Одамларни зақарлаб үлдирмоқдалар» деб бақырган. Бу құзғолон үз бағрига аәлларни ҳам тортғанлиги ҳақида далолат беради.²

Бозордаги құзғолончилар билан тұқнашувни Туркистан генерал-губернатори А. Б. Вревский үзининг ҳарбий вазирга юборган ахборотида шундай ифодалайды: «Ҳарбий қисм Эски Шаҳар бозорига келганда тарқатилған құзғолончилар яна тұпланиб, солдатларга тошларни отилиар. Ҳарбий губернаторнинг бир неча маротаба «тарқалинглар» деган мурожаатига оломон бақириш билан жавоб бердилар. Үларнинг орасидан айрим фанатиклар олдинга чиқиб ва муштлари билан күкракларига уриб «руслардан құрқмаймиз», деб бақырдилар. Оломон ҳарбий қисмни орқа тарафидан яқынлашиб келаверди. Шу боис уларга қарши үқ отилиб, бир неча киши үлдирилди... Соат 11 да келган казаклар бозор ичига юборилди. Кейин келган пісіда аскарлар гурухларга ажратылған турли томонларға жұнатылды».³ Демек эски шаҳар бозорида содир бұлған мазкур вөкөа құзғолонни давом эттеганлигини күрсатди. Буни ҳарбий қисм бошлиғи Ш. Малинин терговда берган маълумоти ҳам тасдиқлайды. Уни сұзича уша бозорда ҳарбий қисм бошлиғи құзғолончиларға тарқалишлари ҳақида мурожаат қылған. Акс ҳолда отамиз деган. Бунга құзғолончилар мана отинглар деб күкракларини тутғанлар.

Шу равища оддий халқ оломони ваҳшыйларча үкқа тутилди. Иккинчи ёппасига үқ үзишдан кейин яна алоҳида үклар отилди, сұнгра ҳарбий губернаторнинг буйруги билан тұхтатылды. Оломон қатнащилари қоцдилар. Кейин құзғолончилардан үн киши үлдирилғанлиги маълум бўлди.⁴

Ҳарбий губернатор Греков ва С. Путинцев бозорга киришиб, күнчилик раастасида тұхтадилар. Бу ерда ҳеч ким йўқ эди, лекин узоқроқда одамлар тұпла-

¹ ЎзР МДА. ФИ-723, 1-рўйхат, 3-иш, 21-бет.

² Ўша жойда, 28-бет.

³ ЎзР МДА. ФИ-1, 31-рўйхат, 30-иш, 42-бет.

⁴ Ўша жойда, 261-бет.

ниб турарди. Бу ерга келган С. Путинцев оломонга «тарқалинглар» деб буюрганда, «бир одам, мулла бұлса керак, уртага чиқиб: шаҳарда ҳар куни юзлаб одам ұлмоқда ва маъмурият кимлар вабодан үлаётганинги аниқлашға улгурмаётірлар. Шу боис мурдаларни тұхтатмай күмишта рухсат берилишини сұраған».¹ С. Путинцев бунга жавобан бир ҳафтада борйуги бир неча кишиларгина үлаётганинги айтган. Үнинг буйруги билан сұзлаган одам ва бир неча оломон қатнашчилари ушланди. Пічоқчи маҳалласыда яшовчи ва гувоҳ сифатыда сүроқ қилингандың болашақтың ономастырылғанын көрсеткендегі Қосымхұжа Алибоев сұзича шаҳар маҳкамасыдан кейин оломон Урда күппригидан үтиб, күчаларда турған. Үнинг күрсатишича Урданинг Эски Жұва бозоры билан boglovchi катта күчада жойлашған Сайидкарим Азимбоевнинг ҳовлисіда касалхона жойлашған эди. Бунинг атрофіда әрталаб соат 10да оломон тұпланыб, Мирзабойвачча Мирсалымбоев, Ұсмон қассоб, Азиз Қасабов ва ямоқчи Искандар Шукурбековлар «Биз Мұхаммад Яқубни үлдірдік, уйини таладік, үглини құлға олдік, агар сизлар чиндан ҳам мусулман бұлсаларингиз, дүкендарни әпнинглар ва Шайхонтаұрга борнинглар»² деб бақырганлар.

Шу пайтда шаҳар бошлиғи С. Путинцев ва ҳарбий губернатор солдатлар билан биргаликта келишиб, касалхона атрофіда турған оломонға қарата мурожаат қилиб, тарқалишни талаб этған. Губернатор агар ақоли шаҳар бошлиғидан ёки оқсоқоллардан норози бұлсалар, у вақтда шикоят өзсіншілар, уларнинг үрнігінде шағасини тайинлаймиз, — деган. Шундан кейин губернатор ва бошқалар йүлни давом эттирилділар. Аммо, «оломон — дейді Хұжа Алибоев, — тарқалмай аксина ғана губернатор ва солдатларнинг орқасыдан бордилар. Мен Жомеъ масжидининг яқинидаги болохонага үрнашиб олғанлигім учун ҳамма нарса күринінің сұзлар әшитилиб турди. Искандарбек ва Азимбойвачча яна пайдо бұлып, губернаторнинг шаҳар бошлиғини ва оқсоқолларини алмаштириш ҳақидаги ваядасига «қулоқ солмантлар, ишонманглар, ахир бундай ваядалар күп бұлған-ку», — деб бақырганлар. Калхұжа оломон орасыдан отилиб чиқиб, шаҳар бошлигининг

¹ Үша жойда, 262-бет.

² Үша жойда, үша бетда.

Күриш органларининг тараққий этиши конкрет эколог шароит ва яшаш мұхитига боелиқ. Форларда яшайдыган ҳайвонларда, ёруғлик тушмагани учун, күриш органлари күзлари қисман ёки тұла редукциялашган. Масалан, баъзи қир құнғизлари.

Күшлар узоқ масофаларга, яъни қишлоғайтында жойларғача учганда ёруғлик ёрдамида, аниқ йүлни тәнлайды. Бунда ёруғлик астрономик маньбаи – күёш ва юлдузларга қараб ориентириланади.

Ҳарорат экологик омили. Ҳарорат асосий иқлим омиларидан бири булып, бу ҳәёттің жараёнлар унга боелиқ. Ҳарорат организмларга бевосита ва билвосита таъсир күрсатади. У, үсимликлар ва ҳайвонлар таъсирида үзгариб туради. Масалан, үрмөнлар таъсирида мұхит ҳарорати пасаяди. Асаларилар үз уясида ҳарорат 13°C гача пасайғанда, мускуллар ҳаракати кучайиши натижасида уя ҳароратини $20 - 30^{\circ}\text{C}$ гача күтәради. Ҳайвонлар үз инларида ҳам маълум ҳароратни сақтайдылар.

Ҳарорат ҳайвон ва үсимликлар ҳәёттіда бу экологик омил модда алмашиныш тезлиги, фотосинтез, транспирация ва бошқа биохимик ва физиологик жараёнлар ҳамда экологик ҳұлқатвор реакцияларига таъсир қиласы.

Сайёрәмизда организмлар катта ҳарорат диапазонида яшайды. Күп турлар учун $20 - 30^{\circ}\text{C}$ экологик оптимум ҳисобланади. Күпчилик гидробионтлар эса 35°C дан баланд ҳароратда яшай олмайды. Қуруқликда яшовчи иссиқсевар организмлар 50°C ҳароратта ҳам чидамлидиirlар.

Қисқичбақаларнинг бир тури $45 - 48^{\circ}\text{C}$ да яшайды ва сув ҳарорати 30°C га түшгандан эса үліб қолади. Моллюскаларнинг айрим турлари 60°C гача ҳароратта чидай олади. Бактерияларнинг айрим турлари $70 - 90^{\circ}\text{C}$ ҳароратли манбаларда учрайди, споралари эса $120 - 140^{\circ}\text{C}$ гача чидайды. Бу ҳәёттің энг баланд ҳарорат чегараси ҳисобланади.

Организмларнинг паст температурага чидамлилiği күйидаги. Қүпчилик ҳайвонлар 5°C ҳарорат түшгүнича чидайды, энг тубан ҳарорат 0°C ҳисобланади. Денгиздеги соvuққа чидамли ҳайвонлар эса $- 3,3^{\circ}\text{C}$ га, ҳашаротлар $- 20 - 45^{\circ}\text{C}$ га чидайды.

Ёқутистон шароитида үсимликлар $- 68^{\circ}\text{C}$ га ҳам чидайды Уруғ ва споралар эса $- 190 - 273^{\circ}\text{C}$ чидайды. Келтирил-

ган мисоллардан күриниб турибиди организмлар турли ҳарорат диапазонига эга ва улар турли йўллар билан тубан ҳароратга мослашади.

Ер юзида 5 та иссиқлик зоналари бор. Улар экватор, тропик, субтропик, ўрта ва қутбий иқлиmlардир.

Экологияда атроф муҳитнинг иссиқлик ҳолати ҳарорат орқали ифодаланади, бунинг учун 100°C шкаласи ишлатилади. Географик районларнинг иссиқлик билан таъминланishi, умумий иқлим кўрсаткичлари билан белгиланади. Улар жойнинг ўртасида йиллик ҳарорати, абсолют максимум ва абсолют минимум, энг иссиқ ва энг совуқ ойларнинг ўртаси температуралариидир.

Температуранинг кенг диапозонига чидамли турлар — эвритерм турлар, температуранинг тор диапазонига чидамли турлар стенотерм турлар дейилади.

Ҳарорат ўсимлик ва ҳайвонотнинг зонал тарқалишни белгиловчи омил булиб хизмат қиласи. Характерли табиат зонлари биом дейилади. Биомларнинг тарқалиши географик ва вертикал зоналар бўйича тарқалиш принципига бўйсинади. Географик зоналар: тундра, ўрмон, дашт, чала чўл, чўл. Вертикал зоналар: чўл, адир, тоғ, яйлов.

Температура ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши, морфологик белгилари ва ҳайвонларнинг ҳулқий реакцияларига тўғридан — тўғри таъсир қиласи.

Организмларнинг тана температураси ҳароратга боғлиқ. Ундаги модда алмашинув жараёнларининг ўтиши ҳам температурага боғлиқ. Ҳароратнинг 10°C га ортиши, реакцияни 2 — 3 марта тезлаштиради. (Ван — Гофф қонуни). Ҳайвонлар температура омилига мослашиш даражасига қараб 2 хилга ажратилади.

1. Пойкилотерм.
2. Гомойотерм.

Пойкилотермлар деб ҳаёти, биринчи навбатда, тана температураси ташқи муҳит температурасига боғлиқ равишда ўзгарувчи ҳайвонларга айтилади. Мисол учун: баъзи бир хордайлар ва умуртқалиларни олиш мумкин.

Тана температурасини ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий ҳолатда тутувчи организмлар гемойотерм ҳайвонлар деб аталади.

Пойкилотерм ҳайвонлар шароит яшаш учун нокулай бўлганда, улар уйқуга кетади. Актив ҳолатда, улар тана тем-

пературасини сақлаб туради, пассив ёки актив бўлмаган ҳолатда эса уларнинг тана температураси пасайди. Мисол — юмонқозик, типратикон, кўршапалак; қушлардан: колибри ва бошқалар.

Ҳарорат — организмлар ҳаётининг турли томонларига таъсир қилувчи омил. У организмлар томонидан қабул қилинаётган овқат миқдори, овқатланиш вақти, организмларнинг ҳосилдорлиги — етилиш даражасига таъсир этади, тез ривожланишига ёрдам беради ёки ҳалақит беради, паст ҳароратда эса бунинг акси бўлганида.

Ривожланиш тезлигини аниқлашда мусбат температуralар йигиндиси муҳим омил ҳисобланади, Ўргача температура маълум бўлган ҳолда организмларнинг етилиш вақтининг кўпайишини ва ҳаётининг узоқлигини аниқлашга имкон беради. Нокулай ҳарорат организмларда ривожланишнинг тўхтаб қолишига — диапаузга олиб келиши мумкин. Ўзгариб турувчи ҳарорат ўсишни тезлаштиради, яровизация, тун ва кун ҳароратлари бунинг исботидир.

Эффектив температурани аниқлаш қишлоқ хўжалик амалиётида, заракунандалар билан кураш олиб борилганида, янги турларнинг интродукциясида катта аҳамиятга эга.

Ўсимликларда иссиқликдан сақланиши учун, қуйидаги мослашувлар бор: иссиқликни қайтариш учун анатом — морфологик мослашув, бу шундан иборатки ўсимликларнинг тукчалар билан қопланиши уларга оқиш ранг бериб, иссиқлик тафтини қайтариш ролини ўйнайди.

Баргларнинг ялтираши, уларнинг вертикал ва меридионал шаклда жойлашиши. Фалласимон ўсимликларда баргларнинг ўралиши, барглар сатҳининг қисқариши. Бу мослашишларнинг ҳаммаси, ҳам иссиқликка, ҳам сув буғлатишни қисқартиришга қаратилган комплекс мослашишdir.

Физиологик мослашув. Баргнинг исиб кетишига қарши физиологик мослашув бу —кучли транспирация, органик кислоталар ҳосил қилиш. Александров (1975) бўйича, иссиқликка чидамлилик бу оқсил молекулаларининг чидамилигидир.

Физиологик мослашувлардан яна бири бу тубан ўсимликлардаги анабиоз ҳолатига ўтишдир.

Ўсимликлар жамоасида салқин жойларни эгаллаш.

Баҳорда, салқын фаслдан фойдаланиб иссиқда, уйқуга кетиш — эфемерлар, эфемероидлар.

Температуранинг организмлар хулқ-атворига таъсири на-тижасида, улар нокулай температуралардан ўзлари учун қулай микронклиний шароитга қочишлари мумкин. Бунинг нати-жасида улар катта территорияга миграцияланиши мумкин.

Пойкилотерм ҳайвонларда кимёвий ва физикавий тер-морегуляция тарақкий этмаган. Улар нокулай ҳарорат пай-до бўлиши билан ундан уялarda яширинади, тупроқда, баъзилари эса тўпланиб туришади.

Организмлар температурага физиологик ҳолатни ўзгар-тириш орқали ҳам мослашади. Тиним ёки уйқуга кетиш 2 хил бўлади:

а) ёзги тиним температура баланд ва намлик кам бўлган-да ёзги тиним тұхташи (шувоқ);

б) қишки уйқуга кетиш ёки тиним олиш температура паст бўлганда.

Тинимга кетиш ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай тиним яхши шароит ёки миграцияга ҳам олиб келиши мумкин. Иссиқ шароитда яшовчи ҳайвонларда эса, у суткалик рит-мнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин, масалан, чўл ҳай-вонлари кундузи дам олиб, кечаси актив ҳаёт кечиради.

Пойкилотерм ҳайвонлар тана температурасини қўёшга қаратиб, ўзгартириб бошқаради. Масалан, чигиртка эрталаб қўёш нурларига танасининг кенг томонини, тушда эса тор томонини қаратади.

Ҳарорат ва ҳайвонлар морфологик тузилиши орасидаги қонуниятлар бор. Бу Бергман қонунияти бўлиб, у шундан иборатки, совуқ иқлими жойларда катта ҳажмдаги турлар тарқалган. Ҳайвон қанча катта бўлса, унинг иссиқлик йўқо-тиши шунча кам бўлади. Совуқ иқлими районларда тарқ-алган сут эмизувчи ҳайвонларда кулоқ ва дум юзасининг қисқариши кузатилади, бўйин ва оёқлари қисқарган бўлиб, танаси ерга яқин жойлашади, яъни оёқлари калтароқ бўла-ди, масалан, буни тулкиларда кўриш мумкин.

Физикавий терморегуляция, ҳайвонлар учун экологик томондан фойдалироқ. Бу сутэмизувчи ҳайвонларда тана-нинг юнг билан қопланиши, күшларда пат билан қопла-ниш, тери остида ёғ қатламининг бўлиши.

Температура организмларнинг тиним ҳолатидан чиқи-ши, диапаузага ўтиши ёки миграцияга кетишига сабаб бўла-

ди. У ўсимликлар ва ҳайвонлардаги ҳаёт формаларига таъсир қиласи.

Сув экологик омили. Сув асосий экологик омиллардан бири бўлиб, ер юзида ўсимликлар ва ҳайвонларнинг яшаши учун муҳим омил ҳисобланади. Муҳит билан модда олмашинуви ва фотосинтез жараёнида сув метаболит ва эритувчи сифатида қатнашади. Минерал тузлар ўсимликка тупроқдан сувда эриган ҳолда утади.

Гидробионтлар учун сув яшаши муҳити бўлиб ҳисобланади.

Сувсиз модда алмашинуви давом этмайди. Сув бу ҳаёт демакдир. Тирик организмлар асоси сувдир. ўсимликларда у 40 — 98% ташкил қиласи. Ҳайвонлар танасида ҳам сувнинг миқдори турлича: чўл чигряткасида 35%, ит балиқда 93%, каттасида 77,8%, сичқон боласида 83%, каттасида 79%. Сув етишмаслигига чидамлилик тур экологиясига боғлиқ. Масалан дашт шароитида яшовчи курбақа, танасидаги сувни 50% ни йўқотганда, намликни яхши кўрувчи ўтлоқ курбақаси эса сувнинг 15% ни йўқотганда ўлади.

Ҳайвонларда намликка чидамлилик ўсимликларга нисбатан кучлироқ. Масалан, одам ўз танасидаги сувнинг 10% ни йўқотса, нобуд бўлади. Туя эса 27%, кўй 23 %, ит 17 %, сув йўқотганда ўлади.

Ўсимликларнинг сувга эҳтиёжи жуда юқори. Ўрта иқлимда ўсадиган ўсимликларнинг 1 г қуруқ модда ҳосил қилиши учун 250 — 400 г сув керак.

Организмларнинг Ер юзида зоналар бўйича тарқалишида, сув асосий чекловчи омил бўлиб хизмат қиласи.

Куруклика ўсадиган ўсимликлар учун асосий сув маньбаси сифатида атмосфера ёғини хизмат қиласи. Ўсимликларнинг сув билан таъминланиши жойларнинг умумий характеристикасига боғлиқ.

Экваториал областларда йил давомида 1000 мм ёғин тушади. Чўл зоналарида ёғин миқдори 100 мм ва ундан кам ҳам бўлиши мумкин.

Ўсимликларга сув ўтишининг асосий йўли, бу илдиз системаси бўлиб, ўсимлик илдиз орқали тупроқдан сувни шимади. Тупроқдаги сувлар, механик ушланиши бўйича, 3 хил бўлади, улар:

1. Гравитацион сув

2. Капилляр сув

3. Богланган сувлардир

Гравитацион сув — тупроқнинг катта доначалари орасидаги бүшлиқни тұлдириб турувчи ва тез ҳаракат қилиб, пастки ер ости сувларгача етүвчи сувлардир. Капилляр сувлар — тупроқ доначалари орасидаги майда бүшлиқтарни тұлдирувчи ва катта капилляр күч билан боғланиб турувчи сувлардир. Богланган сувлар эса тупроқ доначалари устиста, адсорбция кучи ёрдамида боғланиб турувчи сувлардир. Бу сувлардан тез үзлаштириладигани гравитацион сувлардир. Богланган сувлар қыйин үзлаштирилади, уларни үлік запас ҳам дейилади.

Үсимликлар ҳәттининг намлика боғлиқлигини билиш учун уларнинг сув режимини аниқлашимиз керак. У эса, бир қатор физиологик күрсатгычлар билан характерлана-

ди:

- барглар ва поядаги сув микдори,
- ҳужайра ширасининг осмотик босими,
- барглардаги сув етишмаслиги,
- транспирация тезлиги,
- үсимликтарнинг сувни үзида сақлаш қобилияты ва бошқалар.

Ер юздеги үсимликлар ҳар хил намлик шароити ва мұхитта мослашиши бүйича, 3 экологик типта бүлинади.

1. Гигрофитлар

2. Мезофитлар

3. Ксерофитлар

Хайвонларда сув баланси

Хайвонлар сувни 3 хил йүл билан қабул қиласы: ичиш үзүли, құл овқатни қабул қилиш ҳамда метаболизм жараёнида, яғни ёғ, оқсил ва углеводларнинг парчаланиши нағијасыда ҳосил бүлганса сувдан фойдаланиш билан биргаликта чиқарылады.

Хайвонлар сувни тери ва нафас органлари орқали бүләнтириш, буйрак орқали фильтрлаш, ҳамда ҳазм қилинмаган овқат қолдиклари билан биргаликта ташқарига чиқарып үзүли билан йүқтөлади.

Хайвонларда сув йүқотиши, сув қабул қилиш орқали тұлдириб турилиши керак. Очликдан күра, сув йүқотиши үлімгә тезроқ олиб келади. Курғоқчилик шароитида ҳай-

вонлар сув манбаларидан узоқда яшай олмайды. Қүшлар ҳам сувсиз яшай олмады. Күп ҳайвонлар сув ичмай яшаши мүмкін, чунки улар сувни ҳұл овқат орқали қабул қылады. Ҳаво намлиги ҳам ҳайвонлар учун жуда зарур, чунки намликтар катта бұлғанда уларнинг танаси орқали буғланадиган сув миқдори камаяди.

Ҳайвонларнинг сув экологик омилига нисбатан муносабати бутун З та гурухға булинади.

1. Гигрофиллар, сувни яхши күрүвчи лар, буларга қон сүрүвчи чивинлар мисол булиши мүмкін.
2. Мезофиллар — намлиқда учровчи ҳайвонлар — ҳашаротлар.
3. Ксерофиллар — қуруқ жойларда яшовчы ҳайвонлар чүл — чигриткаси, чүл құнғизи ва бошқалар.

Шундай қилиб сув экологик омили әңг асосий омиллардан булып, барча организмлар таркибига киради ҳам үсимлик ва ҳайвонларнинг ер юзида тарқалишини белгиловчы асосий омил булып ҳам ҳисобланади.

Әдафик омилнинг үсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги роли

Ҳайвонот ва үсимликлар ҳаётида ҳар хил иқтим омиллари билан бир қаторда тупроқ шароити ҳам мұхит рол үйнайды. Әдафик омил «Эдафос» — грекча тупроқ омилдердин билдиради.

Тупроқ организмларининг сув мұхитидан қуруқликка чиқишида нормал шароит яратып берган мұхит ҳисобланади. Әдафик омил бошқа экологик омиллардан үзининг характерлы томонлари билан ажралип туради. Бириңчидан, иқтим омилларидан фарқ қилиб, у организмларға фақат таъсир қилиб қолмасдан, күпгина микроблар, үсимликлар ва ҳайвонлар учун яшаш мұхити яратувчи омил булып хизмат қылады. Иккінчидан, у төг жинслари, иқтим, органик дүнё билан кишилик жамияти орасыда бир-бирига таъсир қылувчи динамик маңсулот ҳамдир.

Учинчидан, әдафик омилнинг үзиге хос характеристері шундаки, у абиотик ва биотик омиллар чегарасыда туради. Шуннинг учун уни тупроқшунослар биокос модда дейишади.

Тупроқ омилі тури жойларда түрлиша булып, у доимо үзгариб туради. У В. Докучаев анықлаган қонунияттар асосыда көнг географик масштабда миңтақалар үзгаришига хос үзгараади.

Тупроқлар 3 фазали тузилиши билан үзаро фарқланади, чунки у қаттік, жинслар, сув ва ҳаво фазаларидан иборат. Экологик нұқтаи назардан, унда қуидаги элементларни ажартиш керак— уннинг минерал ва органик қисми, сувли эритмаси, тупроқ ҳавоси, микроорганизмлар, үсимликлар ва ҳайвонлар.

Уннинг органик қисми — үсимлик ва ҳайвонлар қолдиқ-ларидан ҳосил бўлади. Органик моддаларнинг миқдори уннинг ҳосилдорлигини белгилайди. Тупроқда жуда кўп миқдорда микроорганизмлар мавжуд. Масалан, 1 г ҳосилдор тупроқда 2 миллиардга яқин бактерия, бир неча миллион актиномицетлар ва замбуруглар, юзлаб бошқа микроорганизмлар, ҳамда яшил сув ўтлари бор.

Тупроқдаги хлорофилсиз организмларнинг роли ҳам катта, улар органик ва анорганик моддаларни үсимликлар учун ўзлаштирадиган ҳолатга келтиради.

Тупроқ баъзи умуртқали ҳайвонлар учун яшаш муҳити бўлиб хизмат қиласи. Унда сув ва қурғоқда яшовчи, судралиб юрувчилар, ҳамда кўпгина қушлар яшайди.

Тупроқ экологик омили үсимликлар учун ҳам муҳимдир.

Биринчидан, у таянч воситаси ҳисобланади, иккинчидан үсимликлар тупроқдан сув ва унда эриган минерал тузларни ўзлаштиради. Үсимликка тупроқнинг механик ва кимёвий таркиби, ҳамда микрофлораси жуда катта таъсир кўрсатади.

Тупроқнинг механик таркиби ҳар хил бўлиб, у қумлик тупроқ, лой тупроқ, қумлок, тупроқ ва ҳоказоларга бўлинади.

Тупроқдаги үсимлик учун муҳим бўлган кимёвий элементларга қуидагилар киради: азот, фосфор, калий, магний, олtingугурт, темир ҳамда бир қатор микроэлементлар- мис, бор, цинк, молибден ва бошқалар. Бу элементларнинг модда алмашинувида роли катта ва бири иккincinnинг ўрнини боса олмайди. Озуқа запасига бой бўлган тупроқларда эутроф үсимликлар учрайди. Озуқага кам бўлган тупроқларда олигатроф үсимликлар учрайди. Ўртacha озуқали тупроқларда мезотроф турлар учрайди.

Сайёрамизнинг 25% ерлари ҳар хил миқдорда шўрланган. Үсимлик учун энг заарлиси бу осон эрийдиган тузлар — ош тузи, магний хлорид. CaSO_4 , MgSO_4 , CaCO_3 , булар нисбатан заарсизроқ, чунки улар қийин эрувчи тузлар.

Тупроқ таркибила кўп миқдорда тузлар учраса, үсимликнинг осмотик босими кўтарилиб уннинг сув билан таъминланиши бузилади ва у захарланади.

Кучли шүрланиш оқсил моддалари синтезланишини секинлаشتыради, ўсиш жараёнини сусайтиради, тупроқ микроорганизмларининг ўлишига ҳам олиб келади. Нам ҳаволи иқлим шароитидаги тупроқларнинг доимо ёмғир сувлари билан ювилиши натижасида уларда тузлар тұпландайды. Уларнинг сув ва туз режими бошқача бұлади.

Ҳаво, рельеф ва бошқа экологик омиллар. Ҳаво — үсимлиklär учун фақат мұхит бұлибгина қолмасдан, уларда кептегендегі бир қатор ҳаёттій жараёнлар ва озиқланишда бирден—бир экологик омил сифатида иштирок этади. Атмосфера ҳавоси бир неча газларнинг аралашмасидан иборат булып, үсимлиklär учун бевосита ақамиятта эга бўлганларни карбонат ангидрид, кислород ва азот ҳисобланади. Карбонат ангидриднинг ҳаводаги миқдори — 0,03%. У атмосферада үсимлик ва ҳайвонларнинг нафас олиши, ёниш жараёнлари ҳамда вулқонлар отилган пайтда ажралиб чиқади. Кислород ҳавода үсимлиklär учун зарур бўлган миқдордан ҳам ортиқроқ бўлади. Азот кўпчилик үсимлиklär учун ақамиятсиз ҳисоблансада, у тубан үсимлиklär, айниқса, туганакли бактериялар, азотобактер ва актиномицетлар, яшил сув ўтлари учун озуқа манбаси сифатида хизмат қилади. Ҳаводаги сульфат ангидрид, азот оксидлари, водород галогенлари, аммиак ва бошқа заарарлы моддалар үсимлиklärдаги газ алмашиттш пайтида, ёрингарчилик вақтида, ерга тушганда ва чангларнинг ўтириши натижасида үсимлик органларига кириб, уларнинг барглари ва бошқа органларини заҳарлайди. Натижада, үсимлиќда ҳаёттій жараёнлар бузилади ва улар бутунлай нобуд булиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳозирги вақтда атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш буйича жуда катта конструктив, технологик, санитар—технологик ва бошқа тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шамол деганда ҳаво массасининг ер юзи бўйлаб кўчиб юриши тушунилади. Үсимлиklärга шамол бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Шамолнинг тўғридан—тўғри таъсири, унинг механик таъсиридир. У дарахтларнинг поясини синдиради, баргларини юлиб кетади.

Шамол үсимлиklärдаги физиологик жараёнларга ҳам таъсир қилади, У үсимлик буғлатаеттган сувни олиб кетади. Унинг ўрнини қуруқ ҳаво массаси эгаллайди. Үсимлик фо-

тосинтез учун зарур бўлган карбонат ангидрид билан шундай таъминланади. Урта Осиё чўлларида эсадиган «гарм-сель» шамоли ўсимликларга жиддий зарар етказади.

Шамолнинг билвосита таъсири шундан иборатки, у қум ва тупроқларни кўчириб юбориши натижасида ўсимликлар илдизлари очилиб қолади. Шамолнинг доимо бир томонга эсиши ўсимликларнинг ташки қиёфасига таъсир қилади. Натижада, улар байроқсизон шакли бўлиб қолади.

Рельефнинг ўсимликларга кўрсатадаган таъсири, айниқса тоғли районларда, баландликларнинг денгиз сатҳидан қараб иқлим, тупроқ ва бошқа омиллар ҳамда ўсимликларнинг ҳарактери ҳам ўзгариб боради. Натижада вертикал минтақалар пайдо бўлади.

Жанубий тоғ ёнбагирларида, шимолий ёнбагирларга нисбатан кўпроқ ёруғевар ва иссиқсевар ўсимликлар тарқалган. Ҳар 100 м га баландга кўтарилигдан температура $0,6^{\circ}\text{C}$ га пасаяди.

Тоғларда ўсимликлар минтақалар бўйича тарқалган бўлади. Бу минтақадаги ўсимликлар ўзига хос хусусиятларга эга.

Урта Осиё шароитида, баландликлар зонаси ва ундан ўсимликлар жамоаси академик Зокиров К.З. томонидан ўрганилган. Бу куйидаги минтақаларга: чўл — баландлиги денгиз сатҳидан 500 — 600 м бўлган жойлар; адир — 600-1600 м гача бўлган жойлар; тоғ-1600 -2800 м.; яйлов -2800 ва ундан юқори жойлар.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Қандай ҳаёт мұхитларини биласиз?
2. Қандай экологик омилларни биласиз?
3. Чекловчи омиллар нима?
4. Фотопериодизм нима?
5. Сув экологик омиліга нисбатан ўсимликлар ва ҳайвонлар қандай экологик гурухларга бўлинади?
6. Пойкилотерм ва гомойотерм организмлар тўғрисида нималарни биласиз?
7. Эдафик омил нима?
8. Галофит нима?
9. Ҳаёт формаси ёки шакли деганда нимани тушунасиз?
10. Қандай ҳаёт формалари класификациялари мавжуд?
11. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг қандай ҳаёт формалари бор?
12. Сувда яшовчи ҳайвонлар нима деб аталади?

4-Боб. ПОПУЛЯЦИЯЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

4.1 Популяция хақида түшүнчә

Популяция деганда биз маълум территория ёки акваторияни эгаллаган бир тур доирасидаги индивидларнинг бирлашмасини түшүнамиз.

Популяциялар экологиясининг обьекти қилиб бутун экосистема, яъни үсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлар популяцияларининг барқарор комплекси ва улар эгаллаб турган территория ёки акваторияси олинади. Бу эса системали ёндашиш дейилади. Экологияда бир неча ёндашиш мавжуд бўлиб, улар ичida қабул қилингани экосистемали ва популяцияларни ўрганиб ёндашишларидир. Улардан биринчиси асосий эътиборни экосистемага, иккинчиси эса популяцияга қаратади. Демак, улар орасидаги фарқ обьектида.

Популяцияли ёндашишда асосий аҳамият турга, айниқса хўжалик аҳамиятига эга бўлган турга берилади. Бу турлар қишлоқ хўжалик заракунандаси, ёки касаллик тарқатувчи ёки муҳофаза қилиниши лозим бўлган ноёб турлар бўлиши мумкин.

Популяциялар экологиясининг асосчиси инглиз олим Ч. Элтон бўлиб, популяциялар экологияси фани 1930-йилда вужудга келди. Ч. Элтон үзининг «Хайвонлар экологияси» китобида айрим организмларни ўрганишдан популяцияларни ўрганишга ўтиш кераклигини айтган. Чунки бу даражада мослашиш ва бошқариш яққол кўринади, бунда асосий масала популяция сонининг динамикаси ҳисобланади.

Популяциялар тўгрисидаги маълумот популяцион генетикада пайдо булиб, систематикада тур мураккаб система деб қаралганидан кейин ривожлана бошлади.

Амалий эҳтиёжлар ҳам популяциялар экологиясининг ривожланишига сабаб бўлди.

Популяциялар экологиясининг ривожланишига С.А. Северцов, С.С.Шварц, Н.П.Наумов, Г.А.Викторов катта ҳисса қуиди. Үсимликлар популяциясини ўрганишга Синская Е.Н. (1948), Т.А.Работнов., А.А.Уранов асос солди. С.С.Шварцнинг «Хозирги экологиянинг услублари» номли асарининг биринчи қисмида «Экология— популяциялар тўгрисидаги

фан» дейилгандар, популяция эса ҳайвонлар учун асосий ва бирдан — бир яшаш формасидир дейилган.

Популяцияни ўрганишда иккита методологик ёндашиш мавжуд: биринчисига мувофиқ, дастлаб организмларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, кейин улар популяциянинг хусусиятлари билан боғланади. Иккинчисига биноан популяциянинг хусусиятлари, яшаш муҳити билан боланади деб таъкидланади.

Популяция, бир бутун система шаклида, ташқи омиллар билан боғланган ҳолда ўрганилади. Ҳозирги вақтда биологияда «популяциялар биологияси» соҳаси мавжуд. Бунда, популяциянинг жойдаги роли — консумент, продуцент ва редуцентлар, ҳар—хил ёшдаги жинсий гурӯҳ ва озуқа занжирининг биоценоздаги роли ўрганилади. Экологик ёндашиш популяцияларнинг муҳит физик—географик омилларига мослашишини ўрганиш билан бирга, биотик боғланишларга боғлиқ, организмларнинг кўпайиш ва бошқа организмлар билан экосистемада бирга яшашини ҳам ўрганилади.

Экологик ёндашишда қуйидагилар ўрганилади:

- 1) популяциянинг экологик структурасини маҳсус ўрганиш;
- 2) популяцияларнинг тур ичидаги бир-бировига боғлиқлиги ва таъсирини ўрганиш;
- 3) ташқи муҳит ўзгаришига боғлиқ, макон ва замонда популяциядаги генотипик таркибининг ўзгаришини ўрганиш.

Популяция-бу табиий тарихий, генетик эволюцион системаидир. Популяциялар экологияси катта аҳамиятга эга бўлган ҳайвон ва ўсимликларни кўпайтириш йўлларини топиш мақсадида вужудга келди. Бунда, ҳар хил паразитлар, касал тарқатувчи организмлар ҳисобга олинади.

Популяциялар экологияси кам учрайдиган ва йўқолиб кетаётган турларни қўриқлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқади. Атроф — муҳитдаги кўп ҳайвон ва ўсимликлар тартибсиз истеъмол килиниши натижасида йўқолиб кетади. Уни тиклаш чоралари популяцион экологиясининг вазифалари қаторига киради. Бунинг учун популяцияларни табиий шароитда ўрганиш керак, масалани ўрганишда ва ҳал қилишда математик — статистик методлари катта рол ўйнайди. Популяция түғрисида айрим омиллар орқали му-

нозара қилинади. Популяциялар эса доимий ўзгаришда бўла-ди. Популяция таркиби унинг замон ва маконда тарқалиши тўғрисда маълумотлар дисперсия орқали аниқланади. Вақт ичидаги ўзгаришлар эса популяциялар сонининг ўзгари-шида билинади. Популяциялар экологиясида ўсиш тезли-ги, популяция сонининг ўзгариши кабиларнинг матема-тик моделлари ишлатилади. Бу моделларни тузиш, яшов-чанлик ва ўлиш терминлари билан боғлиқ.

4.2 Популяциялар динамикаси

Популяциялар экологияси зааркунандаларнинг кўпай-шини олдиндан аниқлади ва унга қарши кураш йўлла-рини ишлаб чиқади. У турларнинг критик сони ва яшов-чанлигини ўрганади. Популяциядаги организмлар сонининг динамикаси узоқ, вақт муддат давомида кузатишлар олиб бориб, унинг ташқи муҳит омилларига боғлиқлиги аниқ-ланади.

Популяциялар экологиясининг предмети популяциянинг тузилиши, динамикасини, ёши ва жинсини ўрганишдан иборат. Чунки улар ҳосилдорлик ва кўпайиш характеристини кўрсатади, бу эса яшаш шароитига мослашиш критерияси бўлиб, ўлиш билан кўпайиш ўртасидаги нисбатан белги-лайди.

Популяциянинг муҳим хусусиятларидан бири, ўзини сон жиҳатидан идора этишdir. Айни шароитда индивидлар оп-тималь соннинг индивидлар сақланиб турилиши популя-циянинг гомеостази дейилади. Таърифдан куриниб туриб-дики популяция гурухий бирлашма ҳисобланади. Индивид-лар ўртасида алоқалар булиши билан бирга, уларнинг яшаб турган жойлари билан ҳам алоқалари мавжуд. Гурухли ҳёт тарзи, популяция учун ўзига хос хусусиятларни келтириб чиқаради. Бундай хусусиятлар қўйидагилардан иборат: по-пуляциянинг сони, зичлиги, туғилиши, ўлиши, популя-циянинг ўсиши, ўсиш суръати, биотик потенциали ва бо-шқалар.

Индивидларнинг маълум худудда тарқалиши, жинси ва ёш бўйича нисбатлари, морфологик, физиологик хулқи ва генетик хусусиятлар популяциянинг тузилмасини ифода-лайди.

Популяциядаги индивидлар бир—биридан ёши, жин-си, ўзаро чатишадиган авлодларига ҳёт циклининг турли

фазалар ва гуруҳчаларга (пода, колония ва бошқалар) мансублиги билан фарқ қиласи. Ҳар қандай тур популяциялар тизимидан таркиб топади. Унинг тузилмаси эса индивидларнинг ҳаракатланиши ёки маълум худудга боғликлек даражаси, табиий тўсиқларни енгиг үта олиш каби биологик хусусиятлари билан белгиланади. У доимий эмас. Популяциялар ичida организмнинг ўсиши, турилиши ва бошқа кўпгина сабабларга кўра, яъни ташқи муҳитнинг ўзгариши, душманлар сонининг ўзгариши каби қатор омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариш вужудга келди.

Популяциянинг жинс тузилмаси, турли ёш ва гуруҳлардаги эркак ва урғочи индивидларнинг сони орқали ифодаланадиган нисбатидир. Популяциядаги жинслар нисбати, биринчидан, жинсий хромосомаларнинг қўшилишига, яъни генетик қонуниятларга боғлиқ. Иккинчидан, унга маълум даражада ташқи муҳит ҳам таъсир этиши мумкин. Популяциянинг эволюцияси учун урғочи организмларнинг сони муҳим аҳамиятга эга, Масалан, одамлар популяциясининг потенциал ўсиши, ўсмир ва қариялар эмас, 15 ёшдан 35 ўшгача бўлган аёллар ҳисобига тўғри келади.

Популяциядаги индивидларнинг нобуд бўлиши ва жинслар нисбати амалий аҳамиятга эга.

Популяциянинг ёш тузилмаси қайта тикланиш жадаллиги, нобуд бўлиши даражаси ва насллар галланишининг тезлиги каби муҳим жараёнларни ифодалайди. У аниқ шароитга қараб, ҳар бир популяция учун турнинг генетик хусусиятига боғлиқ бўлади. Ёш тузилмаси ҳар хил усулларда ифодаланади.

Популяцияни бошқариш, фойдаланиш, мониторинг ва муҳофаза воситаси бўлиб хизмат қиласи. Чунки популяция сонининг бошқарилиши табиатда кузатилади, унинг бир қисми олингандан у яна тикланади. Шунинг учун популяцияни бошқариш муҳофаза воситаси бўлиб хизмат қиласи. У мониторинг воситаси ҳам, чунки тур эмас, уларнинг популяциясини кузатиш керак. Муҳофаза қилгандан эса популяцияларни муҳофаза қилиш орқали ўсимлик ва ҳайвон турларини саклаб қолиш мумкин.

Ҳозирги вақтда антропоген омиллар таъсирида табиий ўсимликлар жамоасида баъзи бир кўп истеъмол қилинадиган доривор ва ем-хашак ўсимликларининг популяцияларидаги организмлар мёёрсиз фойдаланиш натижасида йўқо-

либ кетмокда. Масалан, моллар күп ейдиган ем — ханақ ўтлари меёrsиз фойдаланиш натижасида Ангрен адирлари ва бошқа жойларда камайиб бормоқда, уларнинг жойини эса термопсисга ухшаган моллар истеъмол қилмайдиган ўсимликлар популяцияси эгалламоқда. Шунинг учун фойдали ўсимликлар популяциясини сақлаб қолишиша популяцияларни мониторинг йўли билан кузатиш керак ва фойдали ўсимликлар популяциясининг тикланиши учун табиатдан меъёрда фойдаланиш керак.

Назорат саволлари ва топшириқлар

- 1. Популяция нима?**
- 2. Популяциянинг қандай характеристики белгиларини биласиз?**
- 3. Қандай популяция типлари бор?**
- 4. Популяциялар динамикаси, унинг жойда тарқалиши типлари қандай?**
- 5. Популяциянинг вақтда ўсиши ва модел нима?**
- 6. Нима учун популяция мухофаза воситаси ҳисобланади?**

5-боб. ЭКОСИСТЕМАЛАР

Экологик система деб бирга яшовчи ҳар хил организмлар ва уларнинг яшаш мұхити орасидаги қонуниятли боғланишга айтилади. Бунга ўрмон, ўтлоқ, күл ва бошқалар мисол бұлади. Масалан, ўрмонни шундай таърифласа бұлади: Ўрмон бу географик шаклланган, үз-үзини бошқарувчи үсімлік ва ҳайвонлар популяциялари йиғиндиси бўлиб, улар учун мұхитни бошқарувчи асосий ролни бир тур, ёки бир неча турга мансуб популяция үйнайди. Ана шундай жамоаларни ифодалаш учун академик В.Н Сукачев (1942) биогеоценоз терминини тавсия этганды.

Организмлар жамоаси анерганик мұхит билан боғлик. Үсімліклар ундаги карбонат ангидриди, сув, кислород ва минерал тузлар ҳисобига яшайды. Гетеротроф организмлар эса автотрофлар ҳисобига яшайды. Лекин улар кислород ва сувга ҳам мұхтождир. Жамоалар анерганик мұхит билан маълум системани шакллантиради.

Организмлар ва анерганик компонентлар бирлигига, модда алмашинувини амалга оширади. Шу тарзда экологик система ташкил топади. «Экосистема» тушунчаси ilk бор инглиз экологи А. Тенсли (1935) томонидан құлланилди. У экосистемаларни табиатнинг ер юзидағы эңг асосий бирлиги деб ҳисоблади.

Модда алмашишиниг амалга ошиши учун анерганик моддалар ва яна 3 экологик гурӯҳ организмлари—продуцентлар, консументлар ва редуцентлар булиши лозим.

Продуцентлар — бу автотроф организмлар бўлиб, анерганик бирикмаларидан фойдаланади.

Консументлар—бу гетеротроф организмлар бўлиб, продуцентлар ва бошқа консументлар ҳосил қылган органик моддалардан фойдаланади.


Редуцентлар—органик моддалар ҳисобига яшайды ва улар моддаларни қайта ўзлаштириладиган бирикмаларга айлантиради. Табиатда түрли экосистемалар учрайди. Масалан дараҳтлардаги лишайниклар ёстиқчаси, ёки кичикроқ мұваққат сув ҳавзаси, ўтлоқ, ўрмон, дашт, чўл, океан, бутун ер юзининг ҳаёт билан банд қисми.

Экосистема ва биогеоценоз терминлари бир-бирига яқыннан. «Экосистема» модда алмашинуви амалга ошиб турадиган системани билдиради.

Моддалар айланиши ва организмларнинг экосистемадаги ҳаёти, доимий равишда уларни таъминланиб турадиган энергия оқимиға боғлиқ. Ердаги бутун ҳаёт қүёш нурлари энергияси ёрдамида давом этади. Бунда фотосинтез ёрдамида органик бирикмаларнинг кимёвий боғланишлари ҳосил болади.

Озуқа занжири деганда биз нимани тушунамиз? Жамоалардаги озуқа занжири бу энергиянинг бир организмдан иккинчисига берилиш кетма—кетлигидир. «Ўсимлик-хашорат-бақа-илон-калхат» озуқа занжиринда биринчи бўғиндан кейингиларига қараб биомасса камайиб боради. Экосистемалар озиқ тўрлари орқали ўзаро боғлангандир.

Консументлар томонидан қабул қилинган озуқалар тўлиқ ўзлаштирилмайди ва унинг маълум бир қисми ташқи муҳитга қайтарилади. Ҳайвонларда озуқа моддаларнинг ўзлаштирилиши 30% дан 70% гачани ташкил қилади. Энергиянинг кўп қисми нафас олишда сарфланади. Қабул қилинган овқатнинг оз қисми организмларнинг ўсишига кетади.



7-расм. Экосистемалардаги озуқа тўрлари

Экосистеманинг ҳаёти факат энергия оқимиға боғлиқ бўлиб, у қўёш нури ёки тайёр органик моддалар ҳисобиға таъминланади.

Фотосинтез қилувчи организмлардан бошланувчи озуқа занжирини дейилади. Ўлик ҳайвонлар ва ўсимликларнинг қолдикларидан бошланадиган занжир эса парчаланиш занжирини дейилади.

Экосистемалардаги консу-

ментларга энергия оқими ўсимликларнинг тирик тўқималари ёки ўлик органик моддалар запаси орқали киради.

Ўлик органик моддалар асосини ҳам фотосинтез ташкил қиласи. Ўрмонларда ҳар йили ўсаётган ўсимликлар массасининг 90% баргларининг қуриши натижасида парчаланиш занжирига тушади.

5.1 Экосистемаларнинг биологик маҳсулдорлиги

Жамоалар маҳсулдорлиги, экосистемадаги продуценларнинг күёш энергиясини кимёвий энергиясига айлантириб, органик моддалар синтезлаш самарадорлигига боғлиқ.

Маълум вақт давомида ўсимликлар томонидан ҳосил қилинган органик масса жамоанинг биринчи даражадаги маҳсулдорлиги дейилади. У ўсимликларнинг қуруқ ёки ҳул массаси тарзида ифодаланади. Консумент массасининг маълум вақт ичидағи ўсиши — бу жамоанинг иккинчи даражали маҳсулдорлиги дейилади.

Ҳар бир озуқа занжири, бирламчи ва иккиламчи ҳосилдорлик ҳосил қилиш тезлиги ва маҳсулотларнинг тақсимланиши бўйича турличадир. Экосистемаларда бирламчи ва иккиламчи ҳосилдорликнинг миқдорий кўрсатгичлари мавжуд. Бу ҳосилдорлик пирамидаси қонуни дейилади.

Ҳар бир озуқа занжирида маълум вақт давомида ҳосил қилинадиган биомасса ёки маҳсулдорлик кейинги озуқа занжирига нисбатан кўп.

Ер юзидағи экосистемаларда биомассалар пирамидаси, сон пирамидаси қонуниятлари қайд этилади, яъни ўсимликларнинг умумий массаси, сони уларни ейдиган ҳайвонларнинг массасига ва сонига нисбатан кўп.

Экосистемалар маҳсулдорлиги қонуниятларини ўрганиш, энергия оқими миқдорини ҳисобга олиш амалиётда катта аҳамиятга эга.

Одамлар томонидан фойдаланадиган агроценозлар (биринчи маҳсулдорлиги) маҳсулотлари инсоният жамиятининг овқат заҳираси ҳисобланади. Икиламчи маҳсулдорлик, яъни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳисобига олинадиган маҳсулдорлик ҳам катта аҳамиятга эга.

Энергия оқими ва экосистемалар маҳсулдорлигини аниқ ҳисобга олиш, улардаги модда айланишини бошқариш орқали одамлар учун кўпроқ ҳосил олишда ёрдам беради.

Бундан ташқари табиатдан ўсимлик ва ҳайвонлар биомассасининг қанчасини олиш мумкинлигини билишимиз

ҳам керак. Уларга зарап келтирмаслик, ернинг энг юқори биологик маҳсулдорлигини билиш мақсадида чет мамлакатларда 1969-йилдан бўён халқаро биологик дастур буйича илмий изланишлар олиб борилади.

Ууман, Ер шари буйича ўсимликлар томонидан қўёш энергиясининг фақат бир фойизигина ўзлаштирилади. Чунки фотосинтез активиги кўп омиллар томонидан чекланди.

Ер юзида бирламчи биологик маҳсулдорлик нотекис тақсимланган. Энг яхши экологик шароитда, намлик, ёруғлик, минерал тузлар, иссиқлик етарли бўлган жойларда ўсимликларда энг юқори ўсиши кузатилади.

Шимолий муз океан қирғокларидағи экосистемалар маҳсулдорлиги 20 ц/га. Қора денгизнинг Кавказ томон соҳилида у 200 ц/га дан ошади. Ўрта Осиё чўлларида эса маҳсулдорлик 3 — 20 ц/га ни ташкил этади.

5.2 Экосистемалар динамикаси

Ҳар бир экосистема доимо ундаги организмларнинг ҳаётий ривожланиши ва популяцияларининг ўзгариши кузатилади.

Ўзгаришлар 2 хил:

1. циклик ўзгаришлар;
2. тасодифий ўзгаришлар.

Бундай ўзгаришлар сутка ва мавсум давомида ҳамда ташки муҳит билан бўлиб, турадиган даврийликка эга ўзгаришлар бўлиб, улар организмларнинг ички ритми ўзгаришларида ўз аксини топади. Биоценозда сутка давомида содир бўлиб турадиган ўзгаришлар кун ва тун давомидаги ҳаво температураси, намлик ва бошқа омиллар ўзгаришига кучли боғлиқдир. Ўрта Осиёning қумлик чўлларида, туш пайтларида ҳаёт тўхтаганга ўхшаб туюлади. Ҳайвонлар қўёшдан инларида яшириниб, кечаси фаоллашади. Тунда қўнғиз, сичқон, чаён, илон, ўргимчак, тулкилар тез ҳаракат қиласади. Йилнинг маълум вақтида кўп турлар чукур тинимга кетади.

Даврий ўзгариш ўсимликларнинг яруслар бўйлаб тарқалишида яққол кўринади. Масалан, бир йиллик ўсимликлар эрта баҳоридаги ярусда ўсиб, ёз келганда бутунлай куриб қолади.

Биоценоздаги кўп йиллик ўзгаришлар йиллар давомида метеорологик шароитнинг ўзгаришига боғлиқ. Бундан та-

шқари, у яна эдификатор ўсимликлар ҳәтидаги ўзгаришлар, ҳайвонлар ҳамда патоген микроорганизмларнинг кўпайишига боғлиқ.

1953-йилда чигирткаларнинг кўпайиб кетиши натижасида ўсимликлар жамоасига кучли зарар етди. Улар ўшанда юмшоқ ғалласимон ўсимликларни: пирей, костер, типчакнинг 80 – 90% ни еб битирди. Бу даврда, чигиртка емайдиган ўтлар эса ўсиб кўпайиб кетди.

Фитоценоз ёки ўсимликлар жамоасидаги ўзгаришлар эдификатор ўсимликлар ҳәтига боғлиқ.

Жамоаларда қонуний равишда бир йўналишда жонли организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва уларни ураб олган мұхит билан буладиган муносабатлар туфайли содир буладиган ўзгаришларни сукцессия деб юритилади. «Сукцессия» — лотинча сўз бўлиб «изчилик» ёки «мерос бўлиб қолмоқ» ва «ирсий белги» деган маъноларни билдиради. Биологик айланишнинг тўлиқ эмаслиги сукцессиянинг асосини ташкил этади.

П.Д. Ярошенко жамоаларнинг ўзгаришини бошқачароқ тушунтиришга ҳаракат қилди ва сукцессияларни қўйида-гича бўлди:

A. Табиий ўзгаришлар.

1. Кетма — кет буладиган:

а) эндозекогенетик ва б) гологенетик

2. Тасодифий ўзгаришлар Б. Антропоген ўзгаришлар

1. Кетма — кет буладиган

2. Тасодифий ўзгаришлар.

Сукцессиялар давомида турлар ўртасидаги рақобат, муносабатлар туфайли аста-секин барқарор комбинациялар содир бўлади.

5.3 Қуруқлик ва сув экосистемаларининг тузилиши

Сув экосистемаларида балиқлар, бошқа сув ҳайвонлари ва сув ўтлари ҳар хил чуқурликларда яшайди. Сув билан ердаги экосистемалар орасидаги фарқ уларни яратувчи мұхитда қайд этилади

Сув ҳавзалари 2 та катта гурӯҳга бўлинади:

1. Тинч туриб қолган сув ҳавзалари ёки лентик мұхит.

Бунга — кўллар, ҳавзалар ва ботқоқликлар киради.

2. Оқар сувлар — лотик мұхит — бунга дарёлар ва сойлар киради.

6-боб. БИОСФЕРА ЭКОЛОГИЯСИ

6.1 Биосфера хақидаги таълимот


Ер юзидаги тирик организмлар тарқалған, уларнинг доимий таъсири остида бўлган ва фаолияти маҳсулотлари эгаллаган қобиқ биосфера (юнонча «биос»-ҳаёт, «сфера»-шар) деб юритилади. Биосфера ернинг қаттиқ қобиги-ли-тосферанинг устки қисми (3 км чукурликкача), ҳаво қобиги атмосферанинг қуйи, тропосфера қисмини (15 км гача) ва сув қобиги- гидросферани (11 км гача) ўз ичига олади (8-расм).

Ҳаётнинг юқори чегараси сайёрани ультрабинафша нурланишдан химоя қиласидаган «озон қатлами» дан ўтказилади ва биосферанинг умумий “қалинлиги” 33-35 км деб белгиланади.

«Биосфера» терминини дастлаб француз олимни Ж.Б.Ламарк (1744-1829) ишлатган. Австриялик геолог олим Э.Зюсс 1875 йили Ернинг алоҳида қобиқлари-геосфераларини ўргаётганида ҳаёт тарқалған қобиқни «биосфера» деб ажратдиди.

Биосфера хақидаги таълимотнинг асосчиси рус олими, академик В.И.Вернадский (1863-1945) ҳисобланади. В.И. Вернадский биринчи бўлиб Ер сайёраси эволюциясида тирик организмларнинг роли ва аҳамиятини очиб берган, биосфера ни биогеохимик ўрганишни бошлаган.

Биосферанинг ҳосил бўлишида абиотик, биотик ва нообиотик босқичлар ажратилади. Абиотик босқичда (4,5-3,5 млрд. йил олдин) сайёрада ҳаётнинг вужудга келиши ва ривожланиши



8-расм Биосферанинг Ер геосфералари ўртасидаги ўрни

учун шароитлар юзага келган. Биотик босқичда (3,5 млрд. йил олдин) дастлабки тирик организмлар сув мұхитида пайда болған.

Архей ва Протерозой әраларида ҳаёт содда күринища бўлған ва океан ўсимликларида фотосинтез амалга ошган. 600 млн. йил илгари, Палеозой эрасининг Кембрий даврига келиб океанда ҳаёт турлана бошлади. Кейинчалик, ҳаёт куруқлика чиқади, бутун биосферани эгаллади ва гуркираб ривожланган.

Органик эволюция давомида тирик организмлар атмосфера ҳавосини, Дуне океанининг сувини, тупроқларнинг асосий массасини, минерал биримларининг катта массасини аъзолари, терилари, хужайралари, қонлари орқали минглаб мартараб ўтказган ва бутун ер мұхитини ўзgartирган (1).

Биосферада ҳозирда 500 мингга яқин ўсимлик турлари ва 1,5 млн.дан ортиқ ҳайвон турлари мавжуддир.

Нообиотик босқичининг шаклланиши 40-50 минг йил олдин бошланган деб ҳисобланади.

Биосферанинг умумий массаси бошқа қобиқлардан фарқланади (1-жадвал). Тирик организмлар биргаликда жуда катта иш бажаради.

1-жадвал

Ер қобиқларининг массалари

Ер қобиқлари	Масса(тоннадарда)
Литосфера	$2,08 \times 10^{18}$
Гидросфера	$1,39 \times 10^{18}$
Атмосфера	$5,20 \times 10^{15}$
Биосфера	$1,36 \times 10^{12}$

Ер юзидағи барча тирик организмлар йиғиндисини В.И. Вернадский «тирик модда» деб атайди. Ҳозирги вақтда бу тушунча биота деб ҳам номланади.


Бүйіча биосферанинг қуидаги таркибий қыслар ажратылади:

- ◆ **тирик модда (биота)** – барча тирик организмларнинг йиғиндиси;
- ◆ **ўлик модда** – ҳосил бўлишида тирик организмлар катнашмайдиган тоғ жинслари, сув, минераллар ва бошқалар;
- ◆ **биоген моддалар** – организмлар ҳаёт фаолияти маҳсулни сифатида ҳосил бўлган кўмир, торф, нефть, газ ва бошқалар;

◆ *оралиқ модда* – биоген моддаларнинг нообиоген келиб чиқкан минерал жинслар билан аралашмалари-тупроқ, сланецлар ва бошқалар.

Таркибидаги энергия ёки углерод миқдорига асосланган маълумотлар бўйича биосферадаги тирик, биоген ва оралиқ моддалар миқдори нисбати 1:20:4000 га тўғри кела-ди (1).

Биота биомассаси энг кичик бўлишига қарамай юқори хилма-хилликка эга ва ўз таркибини миллион марта тезроқ янгилайди. В.И.Вернадский тирик организмларнинг биргаликдаги фаолиятини ер юзи табиатини ўзgartирадиган геологик кучга қиёслайди. Эволюцион тараққиёти давоми-



9-расм Биосферада тирик организмларнинг тарқалиши
(44)

да тирик организмлар биосферадаги ҳозирги шароитларни юзага келтирган.

Биосфердаги тирик моддаларнинг умумий массаси биомасса дейилади. Биосфера биомассасининг асосий қисми - 98,6% и қуруқликдаги ўсимликларга (2-жадвал) тұғри келади ва ялпи биомассасининг кимёвий таркибини белгилайди. Дунё океанининг биомассаси биосфера биомассасининг 0,57%ини ташкил қилади, лекин маңсулдорлығи катта.

2-Жадвал Биосферадаги ўсимлик ва ҳайвоnlар биомассаси (1)

	Биомасса	
	Млрд.т	%
Қуруқлик биотаси		
Ўсимликлар	1341,3	98,62
Ҳайвоnlар	10,9	0,81
Жами	1352,2	99,43
Оксан биотаси		
Ўсимликлар	0,7	0,05
Ҳайвоnlар	7,1	0,52
Жами	7,8	0,57
Жамmasи	1360,0	100,0

Биосфера биомасси (куруқ модда ҳисобида) 1,4 трлн. тоннага тенг келса, унинг йиллик маңсулдорлығи үн марта камдир (1).

Биосферада модда ва энергиянинг айланма ҳаракатлари тұхтосыз амалға ошади. Мод-

даларнинг айланма ҳаракати деганда кимёвий элементларнинг күчіб юриши, ёки миграцияси тушунлади. Кичик биологик ва катта геологик айланма ҳаракатлар ажратилади. Биологик айланма ҳаракатда қатнашадиган организмларнинг продуцент, консумент ва редуцент экологик гурұллар ажратилади. Продуцентлар углерод, қуёш энергияси ва сув иштирокида органик маңсулотларни яратади, консументлар бирламчи маңсулотни истеъмол қилади ва редуцентлар органик моддаларни парчалайды. Яшил ўсимликлар қуёш энергиясидан фойдаланиб, тирик моддаларнинг бирламчи маңсулотини ҳосил қилади, CO_2 ни ўзлаشتариб O_2 ни ажратади. Ҳайвоnlар ўсимликлар билан озикланади, кислородни ўзлаشتариб CO_2 ни ажратади. Үлкін ҳайвон ва ўсимлик қолдикларини ҳашаротлар, замбуруулар, бактериялар ва бошқалар парчалайды, минерал ёки ноорганик бирикмаларга айлантиради. Улар тупроққа тушиб, яна ўсимликлар томонидан ўзлаشتарилади. Катта айланма ҳаракатда ушбу жараён қуруқлик ва океан ўртасида амалға ошади.

В.И.Вернадский айланма ҳаракатда иштирок этадиган тирик модданинг қўйидаги беш асосий функциясини ажратади:

- ◆ **газ функцияси** – атмосферадаги асосий газлар тирик организмлар фаолияти натижасида вужудга келган ва янгиланиб туради;
- ◆ **биоген моддаларни тўплаш функцияси** – организмлар танасида кўплаб кимёвий элементларни тўплайди;
- ◆ **оксидланиш** – қайтарилиш функцияси темир, олтингугурт, марганец, азот ва бошқа элементларнинг биоген миграциясини таъминлайди. Тирик хужайралар иштирокида оксидланиш-қайтарилиш реакциялари миллионлаб марта катта тезликда амалга ошади;
- ◆ **биокимёвий функция** – тирик модданинг кўпайиши, ўсиши ва кўчиши, ўлган организмларнинг парчаланиши ва чириши билан боғлиқdir;
- ◆ **инсоннинг биогеохимик фаолияти** – оралиқ моддаларни (кўмир, нефть, газ ва бошқалар) кўплаб чиқариш ва ишлатиш .

Ер юзида тирик модданинг асосий сайдеравий функцияси фотосинтез жараёнида қуёш энергиясини боғлаш ва уни захираға ўтказишdir.

Организмлар тоф жинсларининг нурашида, тупроқ ҳосил булишида, рельеф шаклларини ўзгаришида, ёнилғи қазилма бойликларнинг пайдо булишида ва атмосферанинг ҳозирги таркибини вужудга келтиришда катта рол ўйнайди.


Тўхтовсиз давом этадиган ва тирик организмлар фаолияти туфайли тартибга солиниб турадиган моддаларнинг доимий айланиси биосферанинг ўзига хос белгисидир. Атмосферада сарф буладиган кислород ўрнини фотосинтез ва бошқа жараёнлар натижасида тўлдириб турилади. Ўсимликлар карбонат ангидридни ютиб, органик маҳсулот яратади.

Биосферада сувнинг алмашинувида тирик моддалар катта рол ўйнайди. Биосферадаги организмлар азот, калий, кремний, фосфор, олтингугурт ва бошқаларни айланиб юришида бевосита иштирок этади. Демак, моддаларнинг табиатда тўхтовсиз айланиси юришида тирик мавжудотларнинг аҳамияти жуда катта.

Биотик айланишда миллион тонналаб фосфор ва азот, катта миқдордаги калий, кальций, темир ҳамда жуда күп миқдорда сув иштирок этади.

Сувнинг айланишида буғланиш, транспирация жараёнлари мухим рол уйнайди. Ўсимликларнинг ер устки кисмлари томонидан сувнинг буғлантирилиши кўтариш кучини ҳосил қиласди, тупроқдан эритмаларни олади. Улар ўсимликни сув билан биргаликда минерал тузлар билан ҳам таъминлайди. Сув тупроқдан буф ҳолатида атмосферага кўтарилиб, совийди, кейин конденсацияланиб, ёмғир ҳолида у яна куруқликка ёки океанларга қайтиб тушади.

Биосферада углерод ҳам даврий айланали (10-расм.). Атмосферада 0,03% CO_2 бор. Фотосинтез жараёнида ўсимлик



10-расм. Биосферада CO_2 нинг айланма ҳаракати.

атмосферадан CO_2 ни ютади ва органик модда ҳосил қилали ва озиқ занжирлари орқали ҳайвонларга ўтади. Углерод ўсимликлар ва ҳайвонларнинг нафас олиши ва бошқа жараёнларда ажралиб чиқади.

В.И.Вернадскийнинг бўйича, тирик организмлар биосферада кимёвий элементлар миграцияси (кучиб юриши) — нинг асосий омилларидир. Бу миграцияни иккита қарама — қарши, аммо, ўзаро боғланган жараён келтириб чиқаради: 1) қуёш энергияси ҳисобига анорганик табиат элементларидан тирик модданинг таркиб топиши; 2) органик моддаларнинг энергия ажралиб чиқиши билан бирга давом этадиган емирилиши. Бундай емирилиш жараёнида органик моддалар минерал моддаларга айланади.

Турли моддаларнинг миграция қобилияти мутлақо бир хил эмас. Лекин даврий системадаги кимёвий элементларнинг кўпчилиги биосферада фаол равишда миграцияланиш қобилиятига эга. Бундай фаол мигрантларни икки группа га бўлиш мумкин:

1. Ҳаво мигрантлари — улар миграция жараёнида газсизмон фазани бөсшиб ўтади (қислород, азот, углерод, водород).

2. Сув мигрантлари — оддий ёки комплекс ионлар, ёхуд молекулалар тарзида миграцияланувчи элементлар. Булар жумласига Na , F , S , Cl , K каби элементлар, киради.

Табиатдаги органик моддаларнинг пайдо бўлишида ҳаводаги миграцияланувчи элементлар муҳим аҳамиятга эгадир, улар орасида CO_2 , O_2 , N_2 98,3 фоизни ташкил қиласди.

Биосфера жуда катта маконни эгаллагани туфайли ва сайёранинг турли хил минерал қобиқларига кириб бориш имкониятларига эга бўлганлиги учун организмлар тарқалган муҳит, яъни яшайдиган шароитлар ниҳоятда ҳар хил бўлади.

Шундай қилиб, биосфера Ерда ҳаёт вужудга келгандан кейин ва унинг бир неча миллиард йиллар давомида ривожланиши ҳамда эволюцияси натижасида ҳосил бўлган жуда мураккаб ва бир-бири билан узвий боғлиқ структурадан ташкил топган система, Ер куррасининг ноёб қобигидир. Глобал миқёсда биосферани экосистемага қиёсласа бўлади. Бу экосистеманинг ҳар бир структура элементи бирор сабаб билан ўз функциясини бажара олмай қолса, у вақтда биосферанинг нормал ҳаётий жараёнлари бузилиб, биогеоки-

мёвий мұхиттің бузилишига, ва ҳатто баъзи бир биологик турларнинг мутлақо йүқ бўлиб кетишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги фан ва техника тараққиёти даврида инсоннинг таъсири биринчи навбатда биосферанинг маҳсулдорлигига, унинг энергия балансига қаратилгандир.

Биосферада ҳаёттинг тақсимланиши ниҳоятда мураккаб ва хилма —хилдир. Табиий экосистемалар қанчалик ранг-баранг бўлса биосферанинг барқарорлиги юқори бўлади ва аксинча.

Биосфера учун тоза бирламчи маҳсулоттинг мумкин бўлган сарфланиш улуши 1%дан катта эмас. Бу «1% қоидаси» деб юритилади ва ундан четлашиш биосферадаги табиий энергетик жараёнларнинг бузилиши ва чукур экологик инқизозга олиб келиши мумкин.

В.И. Вернадский таълимоти бўйича биосферада тирик модда яхлитлик хусусиятига эгадир. Бу биосферанинг яхлитлик принципи (тамойили) деб юритилади. Ушбу принцип тирик модданинг физик-кимёвий бирлиги қонунидан келиб чиқади. Биогекимёвий фарқлар бўлиши мумкин.

Биосферадаги тирик модданинг миқдори ўзгармас ҳисобланади. Атмосферадаги кислород миқдори тирик модданинг миқдорига тенг келади (1.5×10^{21} г ва 10^{20} - 10^{21} г). Тирик модданинг миқдори «Кўёш-Ер» тизимидағи энергетик боғланиш билан белгиланади. Тирик организмлар секинаста биосферани ҳозирги чегараларда эгаллаган ва ҳаёттинг тарқалиши давом этапти.

6.2 Биосфера ва инсон

Биосфера инсонларнинг яшаши учун зарур ҳаёттй шароитлар эга ягона макон ҳисобланади. Биосферанинг ягона маконлиги қонун ҳисобланади: биосферани сунъий мұхитта алмаштириб бўлмайди, чунки янги ҳаёт турларини яратиш мумкин эмас. Инсон абадий двигателни яратади, биосфера эса амалда абадий двигателдир.


Кундан- кунга сони ошиб бораётган аҳолининг ҳаёти биосферада мавжуд табиий ресурсларга бевосита боғлиқдир.

Табиий ресурс деганда инсоннинг ҳаёти, хўжалик фаoliyati учун керак бўлган барча табиий жисмлар, ҳодисалар, жараёнлар тушунилади. Хилма-хил табиий ресурслар

жамият мавжудлигининг асосий манбалари ҳисобланади. «Ер» деб номланган космик кемада барча зарур шароитлар ва фазогирлар учун ҳамма керакли маҳсулотлар муҳайёдир.

«Еру осмон нарсалари шундай режали тузилганки, агар биз уни тайёрласайдик, хоҳ ӯзимиз учун ва хоҳ ӯзгалар учун, бу нарсаларнинг ҳаммасини тушуниш у ёқда турсин, лоа-қал хаёл ҳам қила олмас эдик... (31)

Табиий ресурслар тугайдиган ва тугамайдиган гурухларга ажратилади. Тугайдиган ва тикланмайдиган ресурсларга қазилма бойликлар киради. Ӯсимлик ва ҳайвонлар, тупрок, сув ва айрим минерал ресурслар тугайдиган, тикланадиган ресурслар ҳисобланади. Куёш радиацияси, Дунё океани сувлари ва атмосфера ҳавоси тугамайдиган ресурслардир. Лекин океан сувлари ва атмосфера ҳавоси сифат жиҳатидан «тугайдиган» хусусиятга эга.



11-расм. Табиий ресурслар таснифи

Т.А.Акимова ва В.В.Хаскинлар бўйича (1998) сайёра юзасида табиий ресурсларни ўзлаштиришда инсон томонидан кўчириладиган моддаларнинг массаси йилига 4 триллион тоннадан ортади.

Ер остидан қазиб олинадиган ва жаҳон иқтисодиёти томонидан ўзлаштириладиган биомасса ва материаллар йилига 120 млрд. тоннадан ортиқни ташкил қиласди ва унинг фақат 7,5%идан ишлаб чиқариш жараёнинда зарур маҳсулотлар олинади ва катта қисми чиқинди ҳолида атроф мұхитга ташланади.

Хозирги вақтда Ер юзи аҳолиси учун кунига 2 млн. тонна озиқ-овқат, 10 млн. м³ ичимлик суви, нафас олиш учун 2 млрд.м³ кислород зарур бўлади (27).

Илмий-техника революцияси шароитида биосферада амалга ошаётган жараёнлар унинг янги сифат ҳолати-ноосферага ўтишини тақазо қиласди. Ноосфера тушунчасини француз олими Е.Ле-Руа (1927) киритган ва П. Тейяр-де-Шарден томонидан ишлаб чиқилган. Ноосфера таълимотини В.И.Вернадский ривожлантирган. Ноосфера деганда инсон меҳнати ва илмий фаолияти таъсирида ўзгарган ва унинг яшаши учун оптимал бўлган биосфера шароитлари тушунилади.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида инсоннинг биосферадаги жараёнларга таъсири умумсайёравий миқёсга етди ва унинг барқарор мувозанат ҳолатига кучли таъсир кўрсатди. Ер юзидағи мавжуд экосистемаларнинг 63%дан ортиғи ўзлаштирилди, ўзгаририлди ёки бузилди. Сайёрамизда 37% табиий ҳолида сақланган экосистемалар мавжуд ва айнан шулар биосферадаги барқарор мувозанат ҳолатини таъминлаб турибди. Бунда экосистемадаги ўсимлик ва ҳайвон турлари йиғиндиси-биота биосферада ҳал қилувчи, тартибга солувчи рол ўйнайди. Экосистемадаги тирик организмлар ўзаро озиқ занжири, модда ва энергия алмашинув орқали узвий боғланган ва ундаги барқарор мувозанат ҳолати-гомеостазни белгилайди. Табиатдаги ўзгариш ёки салбий таъсир натижасида бирор организм нобуд бўлса, бошқа шунга яқин организм унинг ўрнини дарҳол эгаллайди ва мувозанатни сақлаб туради. Бу жараён ички барқарор мувозанат қонуни таъсирини акс эттиради. Унга мувофиқ модда, энергия, ахборот ва алоҳида табиат тизимлари ва биосфера-нинг сифати ўзаро боғлиқ ва бу кўрсаткичларидан бирининг ҳоҳлаган ўзгариши бошқа барча кўрсаткичларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ле-Шателье-Браун принципига мувофиқ, экосистемадаги ўзгаришлар уни барқарорлигини сақлаб қолиши таъминлайдиган йўналишда амалга ошади ва тургунлигини бузадиган таъсирларга қаршилик кўрсатади.

Экосистемада организмлар қанчалик ранг-баранг бўлса, озиқ тўрлари кенг ва турларнинг экологик ўрнини босиш имкониятлари қанчалик кенг бўлса у шунчалик турғун, барқарор бўлади.

Инсоният томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳеч қачон биосферанинг ўз-ўзини тиклаш қобилияти ўрнини босолмайди. Фақатгина табиий ҳолида сақланиб қолган

биота биосферанинг барқарор мувозанатини тиклаб туриши мумкин. Инсониятнинг бош вазифаси атроф-муҳит ифлосланишларининг олдини олишгина эмас, балки табиий биотани сақлаб қолиш булиши керак. Бунинг учун табиий биота ва очиқ океан биотасини ўзлаштиришни тұхтатиши, шунингдек, ўзлаштирилган қуруқликдаги табиий биотани тиклаш лозимдир.

Табиий муҳит ҳолатининг инсон таъсирида ўзгариши, жонли ва жонсиз компонентларга кучли антропоген таъсири экологик муаммоларни көлтириб чиқаради. Инсон хұжалык фаолиятнинг табиат қонунларига мос келмаслиги, биосферанинг инсонға акс таъсири экологик муаммолар келиб чиқишининг асосий сабабчиси ҳисобланади. Маҳаллий, миллий, регионал ва глобал миқёсдаги экологик муаммоларни ажратиши мумкин.

Табиий ресурслардан нотүғри фойдаланиш, атроф муҳитнинг ифлосланиши, экосистемаларга мейёридан ортиқча босым оқибатида экологик муаммоларнинг кескинлашуви, маҳаллий, миллий, регионал ва глобал экологик ҳалокатта олиб келиши мүқаррардир.

Экологик ҳалокат деганда экосистемаларнинг қайта тикланмайдиган даражада бузилиши натижасида үта салбий иқтисодий оқибатларга ёки ақолининг оммавий нобуд булишига олиб келдиган вазият тушунилади. Мүйиноқ тұмандада маҳаллий экологик ғалокат, бир неча давлатлар ҳудудини әгаллайған Чернобиль АЭС ғалокати, Оролбүйін мұаммоси регионал экологик ҳалокатта яққол мисол бұлади.

Атмосферада «Озон түйнуклари»нинг ҳосил булиши, иқлимининг ўзгариши, чүллашиш, биологик хилма-хилликнинг камайиши ва бошқалар глобал экологик муаммолар ҳисобланади.

Инсон ҳаёти уни ўраб турған атроф муҳит билан чамбарчас бօғлиқ. Бизни ўраб турған табиатни чиндан ҳам она деса бұлади. Чунки у бутун борлықни ҳәётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тұйдиради, кийинтиради. Ана шундай табиатнинг озор топиши у билан бевосита бօғлиқ одамзат ва жониворларни зұр таҳликаға солиб қўйиши мумкин.

Саноат корхоналары чиқындиларининг ҳавога чиқараби ташланишидан ҳосил бұладиган кислотали ёмғирлар үсимдикларга ва тирик организмларға катта зарар көлтиirmоқда. Атроф муҳитнинг ифлосланиши маҳаллий, регионал тус-

да бўлибина қолмай, балки глобал кўлам ҳам касб этмоқда.

Дунё океанининг ифлосланиши ўз навбатида, унинг атмосфера ҳавоси билан газ алмашинувига таъсир этади. «Иссикхона газлари» -карбонат ангидрид (CO_2), метан (CH_4), азот чала оксиди (N_2O) ва бошқаларнинг кўплаб чиқарилиши иқлим ўзгаришига олиб келади.

Инсон сўнгги 100—150 йил давомида биосферани шунчалар ўзгартириб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган барқарор мувозанатига раҳна солинди, ноёб наботот ва жониворлар турлари камайиб кетди.

Инсоннинг табиатга турли йўллар билан таъсир қилиши, фаолияти туфайли бўладиган табиий ўзгаришларга антропоген таъсир дейилади. Ҳозирги энергетиканинг шиддат билан ўсиши натижасида бутун ер курраси атрофидаги ҳаво ҳарорати маълум даражада кўтирилиши кузатилмоқда. Бу эса абадий музликларни эрий бошлишига олиб келиши мумкин.

Атроф—муҳитнинг, жумладан атмосфер ҳавоси, сув, тупроқларнинг кўпдан—кўп саноат корхоналари, автотранспорт воситалари, турли кимёвий моддалар билан ифлосланиши аҳоли саломатлигига катта зарар келтирмоқда.

Ер юзида шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланиши, аҳолиси салмоғининг ортиши-урбанизация жараёни атроф-муҳит ифлосланишининг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарлар аҳолиси салмоғи дунё бўйича 40% дан ортиқни ташкил қиласди ва ҳиссаси катта тезликда ортмоқда. Германияда аҳолининг 90%, АҚШда 80%, Японияда 76%, идан ортиғи шаҳарларда яшайди. Миллионер-шаҳарларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Шаҳарларни ҳаракатдаги вулқонларга ўхшатса бўлади. Шаҳарлардаги саноат корхоналари, транспорт воситалари, майший ташландилар ҳавони, сув ва тупроқларни кучли ифлослайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам инсон қадами етмаган бирорта жой қолмаган. Қаерга борманг, у ерда ҳаёт қайнатганини, одамлар маҳаллий табиат неъматларидан баҳраманд бўлаётганини кўрасиз. Табиат бойликларидан режасиз, исрофгарчилик билан фойдаланиш, унинг эҳсонларини сустеъмол қилиш, кудратли техниканинг турмушга

кириб келиши, кимёвий моддалардан кенг фойдаланиш, ўз навбатида атроф—мухитга заар қелтирмоқда.

Назорат саволлари ва топшириқлар


1. *Биосфера ва унинг чегаралари.*
2. *Тирик организмлар қаерларда тарқалган?*
3. *Биосферада моддалар қандай айланма ҳаракатда булади?*
4. *Углероднинг айланма харакати схемасини тушунтириб беринг.*
5. *Биоген, оралиқ ва ўлик модда нима?*
6. *Биота деганда нима тушунилади?*
7. *Биосфера барқарор мувозанатини асраш учун қандай чоралар кўриш керак?*
8. *Ноосфера таълимоти ва унинг асосчилари*
9. *Қандай глобал, регионал ва маҳаллий экологик муаммолар мавжуд?*
10. *Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?*
11. *Ўзбекистондаги устувор экологик муаммоларни таърифланг*
12. *Экологик қонун ва принципларни тушунтириб беринг.*
13. *Б. Коммонернинг а) «ҳаммаси ўзаро боғланган»; б) «ҳаммаси қаергадир йўқолади»; в) «табиат яхшироқ билади»; г) «ҳаммаси учун тұлаш керак» экологик қонунлар бүйіча маңруза ва рефератлар ёзиси келинг.*

II АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ

7-Боб. АТМОСФЕРА ЭКОЛОГИЯСИ

7.1 Атмосферанинг тузилиши ва асосий хусусиятлари

Атмосфера ер шарининг ҳаво қобиги булиб, биосфера да ҳаёт мавжудлигини тамилловчи асосий манбалардан биридир. Атмосфера барча жонзотларни зарарли космик нурлардан ҳимоя қилиб туради, сайдёра юзасидаги иссиқликни саклайди. Агар ҳаво қобиги бўлмаганида ер юзасида кундузи $+100^{\circ}\text{C}$ ва кечкурун -100°C ҳарорат кузатилган бўлар эди. Атмосферанинг юқори чегараси тахминан 2000 км баландликдан ўтади. Атмосфера бир неча қатламлардан иборат булиб, унинг асосий массаси (90%) 10-16 км баландликкача бўлган қўйи тропосфера қисмидан жойлашган. Тропосферада ҳар 100 метрга кўтарилилганда ҳаво ҳарорати $0,6^{\circ}\text{C}$ га камаяди ва $+40^{\circ}\text{C}$ дан – 50°C гача пасайди. Об-ҳаво ва иқлим асосан тропосферадаги жараёнлар билан боғлиқ. Атмосферанинг шу қатламида барча ёғинлар ва булутлар ҳосил бўлади, буронлар юз беради. Тропосфера ус-



12-расм. Атмосферанинг тузилиши (39).


1-конвекция ва патсимон булатлар; 2-садафсимон булатлар; 3-қўйи ионосферадаги кутб ёғулари; 4-юқори ионосферадаги кутб ёғулари; 5-озон миқдори энг кўп қатлам.

тида 40-50 км. гача баландликда стратосфера жойлашган ва унда ҳарорат пасайиб боради. Стратосферада 22-24 км оралықда Ердаги тирик организмларни химоя қиладиган, ультрабинафша нурланишнинг катта қисмини ютиб қоладиган озон (O_3) қатлами жойлашган. Озон гази йигилгандан юпқа, 2-4 мм қатламни ҳосил қилади, лекин ҳимоя ахамияти жуда ҳам катта.

Стратосферадан кейин, 50 км дан юқорида мезосфера жойлашган ва унда ҳарорат пасайиб боради. 80 км юқорида ҳарорат -70°C ни ташкил қилади. Ундан юқорида термосфера жойлашган бўлиб, 500-600 км баландликда ҳаво ҳарорати $+1600^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. 800-1600 км да экзосфера жойлашган ва унда ҳаво жуда ҳам сийракадир.

Бегона қўшимчалари бўлмаган атмосфера ҳавоси қўйидаги таркиби қисмлардан иборат : азот-78.09%, кислород 20.94% , аргон 0.93 %, углерод қўшоксида- 0.03 %. Бошқа газларнинг миқдори нисбатан кам. Бундан ташқари ҳавода доим 3-4 % сув буғлари мавжуд, чанг зарралари бўлади. Атмосферадаги ҳар бир газ ўзига хос физик ва кимёвий хусусиятларга эгадир.

Атмосферада узоқ вақтдан бери асосий газларнинг нисбатан доимий миқдорлари мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда инсон таъсирининг кучайиши натижасида газлар баланснинг ўзгариши кузатилмоқда. Атмосферадаги азот ва кислороднинг миқдори жуда катта бўлишига қарамасдан салбий таъсир тобора кучайиб бормоқда. Кислороднинг асосий манбаи бўлган ўрмонларнинг майдони тезлик билан қисқармоқда, океаннинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши фитопланктон (сув юзасида сузиб юрадиган микроскопик ўсимликлар) фолиятига таъсир кўрсатмоқда. Ка-



13- расм. «Иссикхона эффекти»:
1-Ер юзасининг исиши; 2-қайтарилган
иссиқлик ; 3-иссиқлик нурланишининг
ушлаб қолиниши (18).

зилма ёқылғилардан фойдаланиш жараёнида ўнлаб милли-ард тонна кислород сарф бўлмоқда. Бу жараёнлар келажакда кислород балансининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Охирги 150 йил давомида инсон фаолияти натижасида атмосферадаги углерод қўшоксида (CO_2) ортган. CO_2 заҳарли эмас, ўсимликлар учун озуқа ҳисобланади. CO_2 қисқа тўлқинли күёш нурларини ўтказади, лекин ердан қайтарилган узун тўлқинли иссиқлик нурланишини ушлаб қолади.

Натижада «иссиқхона эффекти» вужудга келади. Ернинг уртача ҳарорати ($+15^\circ\text{C}$) $0,8-1^0\text{C}$ га ошганлиги қайд қилинмоқда. Ёқылғининг кўплаб ишлатилиши муаммони кескинлаштиради. Атмосферада метан (CH_4) ва азот чала оксиди (N_2O) микдорининг ортиши «иссиқхона эффекти»ни кучайтиrmоқда. Бу иқлим ўзгаришини келтириб чиқармоқда.

Ер тарихида иқлим ўзгариб турган, бир неча маротаба муз босиш даврлари кузатилган. Айрим даврларда сайёрада вулканик фаолиятнинг кучайиши натижасида иқлимининг совиб кетганлиги қайд қилинади. Бунда атмосферанинг юқори қатламларига чиқарилган тутун, газ-чанглар күёш нурларини қайтириб юборади ва ҳарорат пасайиб кетади. Атмосферанинг антропоген ифлосланишининг кучайиши оқибатида ҳарорат пасайиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Бу масалалар охиригача, чуқур ўрганилмаган. Лекин сўнгги йилларда объектив маълумотлар глобал ҳароратнинг ортиши ва иқлимининг исиш томонга ўзгараётганигини кўрсатмоқда. Инсон фаолияти натижасида тобора кўплаб чиқарилаётган CO_2 газини ўсимлик ва океандаги фитопланктон ютиб ултура олмаяпти. Иқлим ўзгариши бўйича халқаро эксперталар гуруҳи (ИЎХЭГ) фикрича, агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса яқин 50 йил ичида ҳарорат $2-4^0\text{C}$ га ортиши мумкин. Бу музликларнинг эриши ва қуруқликни сув босиши, об-ҳаво шароитларининг кескин ўзгаришларига олиб келиши башорат қилинади. Жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришининг экологик, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларини тушунган ҳолда унинг олдини олиш учун илмий тадқиқотлар, турли тадбирларни амалга ошироқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Конвенцияси 1992-йили Рио-Де-Жанейродаги атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Умумжаҳон Конференциясида 155 давлат томонидан имзоланган. Ушбу нуфузли халқаро шартноманинг яқуний мақсади

оксидлари ва бошқалар киради. Атмосферага ўн минглаб модда ва бирикмалар чиқарилган бўлиб, уларнинг ўзаро бирикиб ҳосил қилган аралашмалари тўла ўрганилмаган. Бундай номаълум бирикмаларнинг тирик жонзотларга, шу жумладан инсон соғлиғига таъсири аниқ баҳолангандай эмас.

Атмосферанинг кимёвий, физик, акустик (шовқин), иссиклик, электромагнит ифлосланиши йирик шаҳарлар ва саноат районларида юқори даражага етган.



16-расм. Атмосферанинг ифлосланиши

Фалокатлар ҳисобланади. Радиоактив ифлосланиш рак ва бошқа касалликларнинг ортишига олиб келади. Ҳавонинг кучли ифлосланиши инсон соғлиғига, барча жонзотларга салбий таъсир кўрсатади.

Шаҳарлар ва саноат районларида кишилар ўртасида асаб, юрак-қон томир, сурункали бронхит, эмфизема, нафас қисиши ва ўпка раки касалликларнинг кўпайиши кузатилади. Кўз касалликлари ва болалар касалликларнинг ортиши қайд қилинган. Шаҳар ҳавосида саноат корхоналари ва автотранспорт чиқиндиларида канцероген моддалар бўлиб (бенз (а)пирен, ароматик углеводородлар), уларнинг сурункали таъсири натижасида рак касалликлари келиб чиқади. Автотранспортнинг чиқинди газларидаги қўрошин бирикмалари ҳам инсон соғлиғи учун айниқса ҳавфли ҳисобланади.

Атмосферадаги турли заҳарли газлар ўсимлик ва ҳайвонларга ҳам зарар етказади. Олтингугурт гази, фторли водород, озон, қўрошин, хлор ва бошқалар ўсимликларга айниқса кучли таъсир кўрсатади. Ўсимликларнинг нобуд бўлиши, ҳосилнинг камайиши, фотосинтез интенсивлининг ўзгариши кузатилади. Ҳавонинг кучли ифлосланиши баъзи уй ҳайвонларининг нобуд бўлишига олиб келади.

Атмосфера ҳавосидаги инсон, тирик жонзотларнинг ҳаётини учун зарарли моддаларнинг юқори концентрацияси

чегараси-ПДК ажратилади. Бунда ифлослантирувчи моддаларнинг инсон, ўсимлик ва ҳайвонларга бевосита ёки билвосита заарли таъсир кўрсатмайдиган миқдори кўзда тутилади. Заарли бирикмаларнинг одамнинг меҳнат фаолиятига ва кайфиятига путур етказмаслиги ҳам назарда тутилади. Ҳаво ифлосланишининг мунтазам ПДК дан юқори булиши аҳолининг касалланиш даражасининг кескин ортишига олиб келади. Аҳоли яшаш жойларида ҳавонинг ифлосланганлик даражаси ва таъсири ПДК кўрсаткичлари бўйича белгиланади. Атмосферанинг ифлосланиши индекси-ИЗА комплекс кўрсаткичи ҳам қўлланилади.

Турли моддаларнинг таъсир даражасига қараб хилма-хил ПДК кўрсаткичлари белгиланган. ПДК кўрсаткичлари турли давлатларда фарқланиши мумкин. Ўзбекистонда ПДК кўрсаткичлари маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, халқаро меъёrlар асосида янгидан тасдиқланмоқда.

Ҳаводаги заарли моддаларнинг юқори концентрация чегараси-ПДК таъсири инсоннинг заарланган муҳитда булиши давомийлигига боғлиқ. Шунга қараб, заарли моддаларнинг иш жойидаги (ПДК иш), шаҳар ва қишлоқлардаги мумкинлик даражаси юқори чегарасининг қисқа муддатлилиги (ПДК қ) ва ўртача суткалик (ПДК ў.с) меъёрий миқдорлари 5-жадвалда берилган.

5-жадвал

Ҳаводаги заарли моддалар меъёрий концентрациясининг юқори чегараси, мг/м³ да


Моддалар	ПДК иш	ПДК қ	ПДК ў.с
Аммиак	20	0,2	0,04
Бензол	5	1,5	0,1
Азот(II) –оксиди	5	0,085	0,04
Олтингугурт (II)-оксиди	10	0,5	0,05
Углерод оксида	20	5	3
Водород хлорид	5	0,2	0,2

Атмосфера ифлосланишини меъёrlаш учун саноат ва транспортда чиқинди чиқариш миқдорлари чегаралаб қўйилади ва ПДВ кўрсаткичлари белгиланади. Ҳар бир турғун манбалар учун алоҳида ПДВ меъёrlари тасдиқланади. Ушбу меъёрга амал қилиш аҳоли турар жойларида ҳаво ифлосланишининг ПДК даражасида булишини таъминлайди.

Озон мұаммоси. Атмосферанинг 20-30 км оралығыда жойлашған үзіга хос ҳимоя қобиғи-озон (O_3) қатламининг сийраклашуви ҳам долзарб экологик мұаммолардан ҳисобланади. Ер юзида дастлаб 1970-йилларда стратосферадаги озоннинг камайиши күзатылды. 1980-йилларда Антарктида устида озоннинг 50% та камайиши қайд қилинди. Күпчилик мутағассислар озоннинг камайиши техноген йүл билан келиб чиққан деб ҳисобладылар. Атмосферада озон миқдорининг үзгариши табиий жараёнлар, жумладан, қоюшы фаоллигининг үзгариши, башқа омыллар таъсирида ҳам үзарған булиши ҳам мүмкін. Лекин, сабабларидан қаттың назар ушбу мұаммони ижобий ҳал қилиш йүлларини излаш, чоралар құриш лозимдир.

Озон қатлами инсонлар ва барча жонзотларни қоюшынинг ультрабинафша нурларнинг зарарлы таъсиридан ҳимоя қиласы, сайдерамизни үзіга хос иситувчи «қобиғи» ҳисобланади. Советтікчларда ишлатыладын хлорфторуглеродлар (фреонлар- CFC_1_3 , CF_2ClF , $CHClF_2$), азот оксидлари таъсирида озон парчаланади. Ер юзи қутбларда, айрим ҳудудлар ва йирик шаҳарлар устида озон түйнуклари вужудга келген. Озоннинг сийраклашуви натижасыда тери раки қасалығы күпаяди, күз қасаллары ортада, ҳайвонларға, үсімліктарнинг фотосинтетик фаяоллигига таъсир құрастади. Ҳозирги кунда озоннинг камайиб бориши билан юзага келаётган экологик оқибатларнинг олдини олиш учун миллий, регионал ва умумжағон миқёсида табдирлар амалға оширилмоқда. Озон мұаммосини ҳал қилишта қаратылған Вена Конвенциясы ва мамлакатларнинг озон парчаловчи бирикмаларни чиқаришини камайтириш мажбуриятларини олиш бүйіча Монреаль баённомалари қабул қилинганды.

«Кислотали ёмғир»лар айрим давлатларда ҳақиқий экологик фалокатта айланиб қолған. Ҳар қандай қазилма ёқилғи ёндирилғанда чиқынди газлар таркибида олтингүргүт ва азот құшоксидлари булади. Атмосферага миллионлаб тонна чиқарылған бу бирикмалар ёмғирни кислотага айлантиради.



АҚШ, Канада, Германия, Швеция, Норвегия, Россия ва башқа ривожланған давлатларда кислотали ёмғирлар

таъсирида катта майдондаги ўрмонлар қуриши кузатилган. Бундай ёмғирлар ҳосилдорликни пасайтиради, сув хавзаларини нордонлигини ошириб юборади, бинолар, тарихий ёдгорликларни емиради, инсон соғлигига зарар етказади. Кислотали ёмғирларнинг узоқ масофага күчиши натижасида турли давлатлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Ушбу экологик хатарни бартараф қилиш учун маҳаллий, регионал ва ҳалқаро миқёсда тадбирлар ўтказилади.

Айрим ҳудудлардаги ҳавонинг ҳаракатсиз туриб қолиши-инверсия оқибатида кузатиладиган заҳарли туман-смог (тутун ва туман аралашмаси) инсонлар соғлигига ўта салбий таъсири кўрсатади. 1952 йили 5-9 декабрда Лондонда юз берган смог оқибатида 4000 дан ортиқ киши нобуд бўлган. Кейинги йилларда дунёнинг йирик шаҳарларида Лондон типидаги смог, Лос-Анжелес типидаги смоглар қайд қилинган.



17-расм. Лос-Анжелесда смог
(45)

Фотокимёвий смог деганда саноат ва транспорт чиқинди газларининг қуёш нурлари таъсирида реакцияга киришиб ҳавфли бирикмаларни ҳосил қилиши тушунилади. Жумладан, озон, формальдегид ва бошқа бирикмаларнинг ҳосил бўлиши ва микдорининг ортиши кузатилади. Смогнинг олдини олиш муҳим аҳамиятига эга. Ер юзида атмосфера ҳавосининг

ифлосланишини камайтириш учун тезлик билан зарур чоралар кўрилиши лозим. Америкалик метеоролог Луис Баттан айтганидек: «Ёки инсонлар ҳаводаги тутунни камайтирадилар, акс ҳолда тутун ер юзидаги инсонларни камайтиради».

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши турли ижтимоий-иктисодий оқбатларга олиб келади. Инсонлар соғлигининг ёмонлашуви, бинолар, тарихий обидаларнинг емирилиши,

ўсимлик ва ҳайвонларнинг нобуд булиши ва бошқа ҳодисалар катта иқтисодий зарар етказади.

Атмосфера ҳавоси ўз ўзини тозалаш хусусиятига эга. Лекин йирик саноат районлари, шаҳарларда атмосфера-нинг бу имконияти чекланган. Юқори даражадаги техноген ифлосланишни бартараф қилиш инсонларнинг ўзлари амалга оширишлари лозим бўлган вазифадир.

Ҳаво ифлосланишининг олдини олиш ва камайтиришнинг турли йўллари мавжуд. Чанг, газ тозаловчи қурилмалар ўрнатиш, ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш, айниқса кам чиқитли, чиқиндисиз технологияга утиш ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг истиқболли йўлларидан ҳисобланади. Заарли корхоналар шаҳар чеккасига чиқарилади, санитар-химоя зоналари ташкил қилинади. Заарли таъсири даражасига кўра корхоналар беш синфга бўлинади. Биринчи синф корхоналари учун санитар-химоя зонасининг кенглиги 1000 м, иккинчиси-500 м, учинчиси-300 м, тўртинчиси-100 м, ва бешинчиси-50 м қилиб белгиланади ва кўкалемзорлаштирилади. Санитар-химоя зонасида турар жойлар, мактаблар, спорт майдончаларининг булиши мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда ҳавонинг ифлосланишида автотранспортнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Дунё бўйича 600 млн.дан ортиқ автомобил ҳар куни ҳавога юз минглаб тонна заарли бирикмалар чиқаради.

Автомобил тутунида 200 дан ортиқ заарли бирикмалар, шу жумладан ўпка раки ва бошқа оғир касалликларни келтириб чиқарувчи бирикмалар (бенз (а)пирен, қўрошин ва бошқалар) мавжуд. Транспорт ҳаракатини тартибга солиш, метро, электр транспортини ривожлантириш, ёқилғи сифатини яхшилаш, дизел ва сиқилган газдан фойдаланиш ва бошқа тадбирлар йирик шаҳарлар ҳавосининг ифлосланишини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Экологик тоза транспорт воситаларини яратиш шу куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

7.3 Узбекистонда атмосферанинг ифлосланиши ва унинг олдини олиш муаммолари

Узбекистон Республикасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши асосий экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Шаҳарларнинг асосан тоғ олди ва тоғ оралиқ ботик-

ларида жойлашганлиги, иқлимининг иссиқ ва қуруқлиги Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг нисбатан юқори булишига олиб келган. Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси айниқса аҳоли, саноат ва транспорт юқори даражада түпланган Тошкент ва Фарғона иқтисодий районларида кучли ифлосланган. Атмосферанинг ифлосланиши аҳолининг саломатлиги, ўсимликларнинг ҳолати ва ҳосилдорлиги, бинолар, металл конструкциялар, тарихий обидалар ва бошқаларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши ва сўнгги йилларда турли экологик тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида атмосферага ташланадиган чиқиндилар миқдорининг нисбатан камайиши кузатилади. Ифлословчи бирикмаларнинг ялпи чиқарилишида ҳаракатланадиган манбаларнинг ҳиссаси ортиқдир (6-жадвал).

6-жадвал

1999-2004 йилларда Ўзбекистонда атмосферага ифлословчи бирикмалар чиқарилишининг ўзгариши (минг.т)

Йиллар	Саноат	Транспорт	Ялпи чиқарилиши
1999	776,9	1520,0	2296,9
2000	755,5	1593,0	2348,5
2001	711,8	1583,5	2250,3
2002	729,4	1453,0	2182,4
2003	672,6	1348,6	2021,1
2004	646,5	1310,9	1957,4

Атмосферага ташланадиган чиқиндилар миқдорининг камайиши саноат корхоналари қувватининг пасайиши ва транспортда юк ташиш хажмининг тушиб кетиши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Атмосферага чиқариладиган чиқиндилар миқдори аҳоли жон



18-расм. Ўзбекистонда атмосферага чиқариладиган зарарли бирикмалар ҳиссалари

бошига 1991-йили 183,7 кг дан, 2001-йили 90,1 кг гача камайган.

Атмосферани ифлослайдиган заарли бирикмаларнинг 51% дан ортиғи углерод оксида (ис гази-СО)га, олтингугурт құшоксидига-16%, углеводородларга-17,9%, азот оксидларига-8,9%, қаттық бирикмаларга-6%, ва бошқа заарли чиқындиларга-0,2% түгри келади (2001 йил).

Республикадаги саноат корхоналари томонидан атмосферага 150дан ортиқ ифлословчи бирикмалар чиқарилади. Асосийлари- олтингугурт құшоксиди, углеводородлар ва қаттық бирикмалар ҳисобланади. Учувчан органик бирикмаларни камайтириш аҳамиятта эга. Атмосферага чиқариладиган бирикмаларнинг 90% га яқини асосий экологик «ифлос» ишлаб чиқарыш жойлашган Тошкент, Қашқадарё, Фарғона, Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларининг корхоналари ҳиссасыга түгри келади. Атмосферани ифлослашда энергетика (34,1%), нефть-газ саноати (31,9%), металургия (16,5%), қурилиш индустрияси (3,8%), коммунал хизмат (3,6%) ва кимё саноати (2,6%) корхоналарнинг улушлари (2001 йил) көттадир. Бошқа корхоналарнинг ҳиссаси 7,4%дан ошмайды.

Республикадаги асосий саноат тармоқларыда заарли бирикмаларни ушлаб қолиша ва заарасизлантириш талаб даражасыда эмас. Корхоналарда чанг-газ тозалаш қурилмалари билан таъминланғанлық 85% ни ташкил қылади ва уларнинг иши самарадорлиги 70,86% булиб, қурилмаларнинг 77% эскирган ва яхши ишламайды. Корхоналар учун ҳавони белгиланған миқдордан ортиқча ифлослагани ҳолларыда түлов ва жарималар белгиланған.

Саноатда атмосферанинг ифлосланишини камайтириш учун:

- ◆ янги тозалаш қурилмаларини ишга тушириш ва санарадорлигини ошириш;
- ◆ кам чиқитли ва чиқындисиз технологияларни жорий этиш;
- ◆ заарли корхоналарни четта чиқарыш ва бошқа талбирларни амалға ошириш зарурдир.

Автотранспорт комплекси ҳавони ифлословчи асосий манба ҳисобланади ва атмосфера ифлосланишининг 70% га яқинини ташкил қылади. Асосий ифлословчи бирикма-

лари ис гази, азот оксидлари, углеводородлар, бенз (а)пирен, альдегидлар ва қўрғошин ҳисобланади. Транспорт бевосита ҳаёт муҳитини ифлослайди, инсонлар организмида қурғошин ва бошқа захарли ва канцероген бирикмаларнинг тупланишига сабаб бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларида ҳаво ифлосланишининг 80% дан оруги автотранспорт ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида ҳам ҳаво ифлосланишида транспортнинг ҳиссаси ортиб бормоқда. Бунга сабаб этил қўшилган бензин ва таркибида олtingугурт кўп бўлган дизел ёқилғиси (солярка)-дан фойдаланиш ҳисобланади. Давлат секторидаги автомобилларнинг 50% ва хусусий сектордаги автомобилларнинг 40% дан ортиги 10 йилдан ортиқ фойдаланилади ва атмосферани кучли ифлослайди. Транспортда экологик назорат талабга тўла жавоб бермайди. Газ ёқилғисидан фойдалана-диган автомобиллар сони 7% дан ортиқни ташкил қиласди.

400 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалик техникасида, темир йўл транспорти ва ҳаво транспортида атмосфера ифлосланиши назорати йўлга қўйилмаган.

Бир қатор заарарли бирикмалар бўйича кўрсаткичлари ПДК дан юқори бўлган шаҳарларнинг баъзиларида фотокимёвий смог хавфи мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам «кислотали ёмғир»лар кузатилиади. Айрим вақтларда Олмалиқ-Оҳангарон саноат районининг таъсирида Чотқол қўриқхонаси ҳудудида «кислотали ёмғир»лар қайд қилинади.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг оддини олиш учун транспортда:

- ◆ Бензин таркибидаги қўрғошинга нисбатан стандарт талабларини кучайтириш, этил қўшилган бензиндан астасекин бутунлай воз кечишни таъминлаш;
- ◆ Сиқилган газ ва дизел ёқилғисидан кўпроқ фойдаланиш;
- ◆ Транспорт ҳаракатини оптималлаштириш;
- ◆ Транспорт паркини секин-аста янгилаш;
- ◆ Электр транспорти, метрони ривожлантириш;
- ◆ Яшил-химоя зоналарини ташкил қилиш ва бошқаларни амалга ошириш зарурдир.

Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини ўрганиш, баҳолаш ва бащорат қилиш тизими-мониторинг амалга оширилади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши мониторинги турғун постлар ва кўчма лабараториялар ёрдамида ўтказилади. Ички Ишлар Вазирлиги автотранспортда экологик назорат ҳизматини амалга оширади.


Атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш учун корхоналарни қуришдан олдин, лойиҳа босқичида ва корхоналарда янги қурилмалар ишга туширилганда экологик экспертизадан ўтказилади. Давлат ва жамоат экологик экспертизаси ўтказилиши мумкин. Экологик экспертиза инсон саломатлигини сақлаш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш мақсадларида амалга оширилади. Ўзбекистонда 2000-йили «Экологик экспертиза тўғрисида» қонуни қабул қилинганди.

Мамлакатимиз худуди Россия, Тожикистон, Қозогистон ва бошқа қўшни мамлакатлардан келадиган зарарли бирикмалар билан чегаралараро ҳам ифлосланади. Сурхондарё вилоятида Тожикистон алюминий заводининг таъсирида ҳавонинг фторли бирикмалар, олтингугурт қўшоксиди, азотли бирикмалар билан ифлосланиши кузатилади.

Ҳар йили Орол дengизининг қуриган тубидан кўтарилаётган 15-75 млн. тонна чанг ва тузлар ҳам жуда катта майдонда ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича маҳсус миллий дастур ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Вена Конвенцияси ва Монреал баённомаси томонлари ҳисобланади. Озон парчаловчи бирикмалардан фойдаланиш 1996-йилга нисбатан 80%га камайган, зарарсиз бирикмаларги ўтиш амалга оширилмоқда.

**19-расм. Аҳоли жон бошига CO₂нинг чиқарилиши
(тонна/киши) (26)**



Ўзбекистон ҳудудида ҳам иқлим ўзгариши оқибатлари кузатилмоқда. Иссиқхона газларини чиқариш 1999 иили 160 млн. тоннани ташкил қилди ва бу жаҳон бўйича 0,7% ни ташкил қилди.

Ҳаво ҳарорати $0,8\text{--}1^{\circ}\text{C}$ га ошган. Глобал исиш бундай кейин ҳам экстремал об-ҳаво ҳодисалари, яъни, қурғоқчиликлар ва ёзниг юқори ҳароратли даврлари сонининг ортишига, сув ресурсларининг вужудга келиш режимида ўзгаришга имкон туғдиради ва бу мамлакатда қўшимча салбий оқибатларга олиб келиш мумкин.

Ҳароратнинг ортиши натижасида қуруқ субтропик ва мўътадил иқлим минтақалари ўртасидаги чегара 150-200 км шимолга, баландлик иқлим зоналари 150-200 м юқорига суриласди. Совуқсиз кунлар 8-15 кунга ортади. CO_2 миқдорининг ортиши кўпчилик қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир курсатади, ҳосилдорлик ортиши мумкин. Аммо иқлимининг ўзгариши туфайли юқори ҳароратли кунларнинг ортиши ва намлик етишмаслиги шароитларида ҳосилни йўқотиш сабзовот экинларида 10-50%, пахтада 9-15%, шолида 10-20%, полиз экинларида 10-30%ни ташкил қилиши мумкин.

Иқлимининг кутилаётган ўзгариши Орол ва Оролбўйида қўшимча салбий оқибатлар: буғланишнинг ортиши, туз кўчишининг фаоллашуви, сизот сув захираларининг камайиши, намли ландшафтларнинг қисқариши, оқмас кўллар минераллашувининг ортиши, сув хавзалари ботқоқлашувининг тезлашишига олиб келади. Амударё ва Сирдарё оқимининг камайиши кутилмоқда. Бу Орол танглигининг янада кучайишига ишора қилади.

Иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилиш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тан олиб, Ўзбекистон, ўз устига жаҳон ҳамжамияти олдида маълум мажбуриятларни олиб, 1993 иили БМТ нинг иқлим ўзгариши Конвенциясига қўшилди. 1998 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Киото баённомасини имзолади ва у 1999 йилнинг 20 августида ратификация қилинди. Ушбу йўналишда республикада илмий-тадқиқотлар ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устувор масалалардан ҳисобланади. Саноат корхоналарини экологиялаш-тириш мухим аҳамият касб этади. Ҳаво иф-

лосланишини кузатиш ва назорат қилиш-мониторинг тизмини такомиллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистонда «Атмосферани муҳофаза қилиш түғрисида» маҳсус Қонун (1996-йил, декабрь) қабул қилинган. Қонунга мувофиқ атмосферага салбий таъсири учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун тўловлар белгиланган ва бошқа мажбуриятлар юкланди. Белгиланган меъёрдан ортиқ ифлословчи бирикмаларни чиқариш учун ҳам тўловлар белгиланган.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Атмосферанинг чегаралари, асосий хусусиятлари ва аҳамияти.
2. Атмосфера газ балансининг ўзгариши ва унинг оқибатлари.
3. Атмосферани ифлословчи асосий манбалар ва бирикмаларни ажратинг.
4. Ҳаво ифлосланишининг зарарли оқибатларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.
5. «Озон туйнук»лари, «кислотали ёмғир»лар, смогнинг ҳосил бўлиш сабаблари ва оқибатларини тушунтириб беринг.
6. Атмосфера ифлосланишининг олдини олиш ва камайтириши учун қандай тадбирлар амалга оширилади?
7. Атмосфера ифлосланишини нормалаштириш.
8. Санитар-химоя зonasи нима ва қандай белгиланади?
9. Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беринг.
10. Иқлимининг ўзгариши ва унинг кутилаётган оқибатлари.
11. Мониторинг деганда нима тушунилади?
12. Экологик экспертиза нима?
13. Яшаш жойингиздаги ҳавони ифлословчи асосий манбалар рўйхатини тузинг ва ҳаво ифлосланишини камайтириши тадбирларини белгиланг.

8-Боб. ГИДРОСФЕРА ЭКОЛОГИЯСИ

8.1 Гидросфера хақида түшүнчә

Ер юзидаги барча мавжуд сувлар гидросфераны ташкил қиласы. **Гидросфера** деганда океан, денгиз, күл, дарё, ер ости сувлари ва музликларни үз ичига олган Ернинг сув қобиғи тушунилади. Сайёрамизда ҳаёт дастлаб сув муҳити-да пайдо бўлган ва тирик организмлар учун сувнинг аҳами-яти бекиёсdir. Куръони Каримда «**Аллоҳ ҳамма жониворни сувдан яратди»** («Нур», 45) деб таъкидланган.

Ер юзида сув суюқ, қаттиқ ва газсимон ҳолатда мавжуд булиб, модда ва энергия айланма ҳаракатида катта рол уйнайди. Айниқса атмосферадаги сув буғлари ва тупроқ намлигининг аҳамияти катта. Дунё океани сувлари тугай-майдиган ресурсларга киради ва айланма ҳаракат натижасида сув захиралари доим тикланиб туради. Инсон бевосита ишлатиши мумкин бўлган сув захиралари тугайдиган ва тикланадиган ресурс ҳисобланади. Гидросферадаги барча сувларнинг 97,2 фоизи Дунё океанининг шур сувларига тўғри келади (7-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, ер остидаги сув захираларининг аниқ миқдори белгиланган эмас. Ер юзида ҳозирги вақтда инсон бевосита фойдаланиши мумкин бўлган чучук сувлар миқдори гидросферадаги умумий сув хажмининг тахминан 1% дан ортиқроғини ташкил қиласы.

7-жадвал

Ер юзида сув захираларининг тақсимланиши (2)

Гидросфера компонентлари	Хажми, минг.км ³	%	%
Бүтун гидросфера	1389000	100,0	
Океанлар, денгизлар	1350000	97,2	
Бошқа сувлар:	39000	2,8	(100,00)
Шу жумладан, материк музлари	29000		74,36
Сизот сувлари	9700		24,87
Чучук сувли куллар	123		0,31
Шур куллар	100		0,26
Тупроқ ва ботқоқ сувлари	40		0,10
Атмосфера	23		0,06
Дарё ва сув омборлари	7		0,02
Биомасса	7		0,02

Сайёрамизда дарё ва кўл сувлари бир текис тақсимланмаган ва айрим худудларда сув тугайдиган ҳамда жуда се-кин тикланадиган ресурс ҳисобланади. Дунё аҳолиси тез суратларда ўсиб бораётган ҳозирги вақтда 2 млрд. дан ортиқ киши сифатли ичимлик суви билан етарлича таъминланган эмас.

8.2 Биосферада сувнинг аҳамияти. Сувдан фойдаланиш муаммолари

Биосферадаги жараёнлар ва инсонлар ҳаётида сувнинг аҳамияти жуда каттадир. Сув биосферадаги деярли барча жараёнларда иштирок этади. Сувнинг уч хил агрегат ҳолатда (суюқ, газсимон, қаттиқ) бўлиши турли жойларнинг об-ҳаво ва иқлим шароитининг шаклланишида муҳим рол уйнайди. Биосферада фотосинтез жараёни сув иштирокида амалга ошади. Сув тирик организмлар учун бирламчи ҳаёт муҳити ҳисобланади. Инсон организмининг 65% дан ортиғи, ўсимликларнинг 85-90%, ҳайвонлар массасининг 75% сувдан иборатdir.

Инсоннинг ҳўжалик фаолиятида сув манбалари арzon транспорт ва энергия воситаси, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантиришнинг асоси, саноат корхоналарини тўғри жойлаштиришни белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади. Кишиларнинг кундалик ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сув бўлмаса инсон уч кундан ортиқ яшай олмайди.

Инсонларнинг сувга бўлган эҳтиёжи тобора ўсиб бормоқда. 1 тонна пўлат ишлаб чиқариш учун 250 m^3 , мис ишлаб чиқариш учун- 500m^3 , никел ишлаб чиқариш учун- 4000m^3 сув сарфланади. Йирик корхоналар, электростанциялар бутун бошли дарёнинг сувини сарфлаб юборади.

Деҳқончилик мақсадлари учун айниқса катта ҳажмда сув сарфланади. 1 тонна бўғдой етиштириш учун 1500m^3 дан ортиқ, 1 тонна пахта етиштириш учун 10000 m^3 , шоли учун 12000 m^3 дан ортиқ сув сарфланади.

Сувларнинг саноат ва майшӣ чиқндишлар билан ифлосланиши хам сув етишмаслигининг асосий сабаблари-дан биридир. Сувнинг ифлосланиши деганда унинг таркибida сифатини камайтирувчи бегона бирикмаларнинг мавжудлиги тушунилади. Қайта фойдаланиш учун, ифлосланган ҳар бир m^3 саноат ва майшӣ оқоваларга 10m^3 ҳажмдаги

тоза сувни аралаштириш лозим бўлади. Ер усти ва ер ости сувларини ифлословчи манбалар жуда кўп ва хилма-хилдир.

Сувларни ифлословчи асосий манбаларга саноат корхоналари ва майший хўжаликдан чиқадиган оқова сувлар, қазилма бойликларни ишлаб чиқаришдаги оқовалар; нефти қайта ишлаш корхоналарида ишлатилган чиқинди сувлар; транспортнинг ташланма сувлари; шаҳарлардан, ҳамда кимёвий воситалар ишлатилган далалардан оқиб чиқсан сувлар; касалхоналар ва чорвачилик комплексларидан оқиб чиқадиган тозаланмаган сувлар ва бошқалар киради. Нефть ва нефть маҳсулотлари, сунъий ювиш воситалари, феноллар, пестициллар, рангли металлар, мураккаб кимёвий воситалар сувни ифлословчи асосий бирикмалар ҳисобланади. Оқова сувларга тушадиган минерал, органик, бактериал ва биологик ифлословчи бирикмалар ажратилади. Минерал ифлословчилар одатда кум, лой, турли минерал тузлар кислота ва ишқорлар эритмасидан иборат. Органик ифлословчилар ўсимлик ва ҳайвонларнинг қолдиқлари, инсон ва ҳайвонларнинг физиологик чиқиндиларидан иборат. Бактериал ва биологик ифлословчилар асосан майший оқова сувларда мавжуддир.

Сайёрамизда сувларнинг ифлосланиши натижасида ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киши турли оғир хасталикларга чалинади. Ер юзида сувларнинг радиоактив ифлосланиши ҳам катта хавф туғдирмоқда. Қирғизистон ҳудудида, Майлисууда жойлаштирилган радиоактив чиқиндилар ҳозирда Сирдарё сувларини ифлосланишига хавф солмоқда.

Сувларнинг етишмовчилиги шароитида улардан оқилона фойдаланиш ва оқова сувларни тозалаб, қайта ишлатишни таъминлаш мұхим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда шаҳарлар ва аҳоли пунктларида сув сарфи жон бошига суткада 150 литрни, Россияда 250 литрни ташкил қиласи. Сувларнинг мавжуд ўз-ўзини тозалаш хусусияти ифлословчи бирикмаларни бутунлай бартараф этолмайди.

Оқова сувларни механик, кимёвий ва биологик ва бошқа тозалаш усуллари мавжуддир. Механик усулда сувларни минерал ва органик моддалардан тозаланади. Кимёвий усулда оқова сувларға турли кимёвий бирикмалар қўшиб, зарарли моддалар билан реакцияга киритилиб (чиқиндилар чўкма ҳолига тушириллади) тозаланади. Кимёвий тоза-

лаш корхоналарда сувларни такрор ишлатиш мақсадида, ҳамда оқоваларни сув ҳавзалариға ёки канализация тармоғига ташланишдан олдин үтказилади. Биологик тозалаш услуги құлланилганда, органик ифлословчилар, бактериялар ва микроорганизмлар ёрдамида минерализация қилинади. Биологик тозалаш суғориш майдонлари, биологик ҳовуз ва аэротенкларда амалға оширилади. Шундан сұнг сув хлор ёрдамида дезинфекция қилинади ва ундаги ҳамма бактериялар нобуд бўлади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ичимлик суви маҳсус давлат стандартлари талабига жавоб бериши керак ва доимий соғиқні сақлаш муассасаларининг диққат марказида бўлади. Давлат стандарти сув манбалари ва бош сув олиш иншоотларининг санитария муҳофаза минтақаларини ўюштиришни талаоқ қиласиди.

Ер юзи аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашда ер ости сувларининг аҳамияти каттадир. Турли мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ер ости сувлари, артезиан сувлари ва минерал сувлар катта миқдорда ичимлик учун ишлатилади. Минерал сувлар чиққан жойларда маҳсус шифохоналар курилади. Ҳозирги кунда ер ости сувларининг тартибсиз ишлатилиши, турли манбалар таъсирида ифлосланиши ошиб бормоқда. Ичимлик сувларнинг бебаҳо манбаи бўлган ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишини таъминлаш энг муҳим экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Халқ ҳужалигининг турли тармоқларида сувларнинг такрор ишлатилишини таъминлаш мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятини беради. Дехқончиликда янги, илгор суғориш услубларини жорий қилиш сувларни катта миқдорда тежашни таъминлайди. Америка Құшма Штатларida сувни 3-5 марта кам талаб қиласидиган пахта навини яратиш бир йил давомида пахта ҳосилини 52%га ортишига олиб келган (30).

Сувдаги 1300 дан ортиқ заарли бирикмаларнинг ПДКлари ва корхоналар учун оқоваларни ташлашнинг йўл қўйилган чегаралари белгиланган. Корхоналар сувларнинг белгиланган лимитдан ортиқча ишлатгани ва оқоваларни ташлашни меъеридан оширганлиги учун жарима ва бошқа тўлоқлар тўлайди.

Сўнгі йилларда Дунё океанининг ифлосланиши жаҳон аҳамиятига эга бўлган экологик муаммога айланди. Денгиз ва океанлар асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, саноат ва майший оқовалар, оғир металлар, радиоактив бирикмалар ва бошқалар билан ифлосланади. Ўрта денгиз Ер юзидаги энг ифлосланган денгиз ҳисобланади. Океан юзасининг нефть билан қопланиши «океан-атмосфера» тизимида ўзаро алоқадорликнинг бузилишига ва Ер юзида кислороднинг асосий манбаларидан бири бўлган яшил ўсимликлар - фитопланктоннинг нобуд бўлишига олиб келади. Бу ўз навбатида океандаги биологик маҳсулдорликнинг камайишига сабаб бўлади.

Дунё океани узоқ йиллардан бери ўта захарли ва радиоактив моддалар гўристонига айлантирилган. Дунё океанининг ифлосланиши нафақат глобал экологик, балки ижтимоий оқибатларига ҳам олиб келиши муқаррардир. Ер юзида ҳёт бешиги бўлган Дунё океанини муҳофаза қилиш ва океан ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш фақатгина турли давлатларнинг ҳамкорлиги натижасидагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

8.3 Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш

Ўрта Осиё Дунё океани билан боғланмаган берк хавза булиб, Ер юзида сув етишмайдиган қурғоқчил зона ҳисобланади. Ўрта Осиёнинг текислик қисмида буғланиш йиллик ёғин миқдоридан кўп ва сув олтинга тенг деб баҳоланади. Ўрта Осиёнинг ер усти ва ер ости сув ресурслари чекланган ва оқилона фойдаланишни талаб қиласиди. Икки асосий дарё - Сирдарё ва Амударёнинг сувлари деярли тулиқ ўзлаштирилган ва ер ости сувлари ҳам тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Сувларнинг ифлосланиши муаммоси ичимлик сувларининг етишмаслигини янада кескинлаштириди. Дарёлар сувининг сугоришга кўплаб ишлатилиши Орол денгизининг қуришига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси йирик сугориладиган дехқончилик районларидан бири ҳисобланади. Сув ресурслари Ўзбекистон ва бугун Ўрта Осиё минтақасининг ривожланишини белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади. Қадимда бу катта ҳулудда меҳнат ва мул сув талаб қиласидиган экинлар-пахта, шоли етиштириб келинган. Ўзбекистон ерлари асосан Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сур-

хондарё, Чирчиқ ва Охангарон дарёлари сувлари билан сугорилади. Дарёлар сув оқимини тартибга солиш учун республикада 50 дан ортиқ сув омборлари курилган.

2002-2004-йилларда Ўзбекистонда ўртача $55,1 \text{ км}^3$ сувдан фойдаланилган. Шундан ер ости сувлари $0,5 \text{ км}^3$ ни ташкил қилган. Мавжуд ишлатиладиган сувларнинг 90,2% сугоришга, хўжалик-ичимилик мақсадларида 6,1%, 2,2% саноатга, 1,5% балиқ хўжалигига сарфланган.



20-расм. Ўзбекистонда ишлатиладиган сувларнинг тақсимланиши

фатининг кимёвий кўрсаткичлар бўйича намуналарнинг 16,3%, биологик кўрсаткичлари бўйича 5,5% нормативларга тўғри келмаган. Шаҳарлар аҳолисининг 54% ва қишлоқ аҳолисининг 3% марказлашган канализация системаси билан таъминланган холос (22).

Сувлардан истрофарчилик билан фойдаланиш натижасида сугориладиган майдонлар 4,2 млн. гектарга етганида мавжуд ишлатиладиган сув заҳираларининг тугаши кузатилади. Республикада ер ости сувларнинг 95 та конлари мавжуд бўлиб, ҳозирда ер ости сувлари имкониятининг 52 фоизи ишлатилмоқда.

Сув ресурслари кургоқчил Ўзбекистонда ҳаётгай мухим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги Чирчиқ ва Охангарондан ташқари барча дарёлар трансчегаравий ҳисобланади. Ўзбекистонда эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сувнинг 8% мамлакат ҳудудида, 92% қўшни мамлакатлар ҳудудида шакланади. Дарёларнинг оқими давлатларарабо келишувга кўра ўзаро тақсимланади.

Сувларнинг ифлосланиши ҳам долзарб экологик муаммоларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг асосий да-


Республикада шаҳарлар аҳолисининг 89% (Тошкентдан ташқари) ва қишлоқ аҳолисининг 64,5% марказлашган водопровод сувлари билан таъминланган. 2004 йили коммунал водопроводда сув си-

рёлари Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон худудларидан ифлосланиб келади. Дарёлар суви чорвачилик комплекслари, коммунал-маишӣ оқовалар, саноат оқовалари ва катта ҳажмда коллектор-дренаж сувлари билан ифлосланади. Ўзбекистонда ифлосланган сувларнинг 78% сугориладиган ерларда вужудга келади, 18% саноат ҳиссасига ва 4% коммунал ҳўжаликка тўғри келади (2001-йил). Энг кўп сувлар далаларда ишлатиладиган кимёвий бирикмалар, пестицидлар ва бошқа заҳарлар билан ифлосланади.

Саноат оқоваларининг 80% Тошкент, Фарғона, Навоий ва Самарқанд вилояти саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Коммунал-маишӣ оқоваларининг 50% дан ортиғи Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Сувларга
пестицидлар
ва заҳарли ки-
мёвий бирик-
маларни г
куплаб туши-
ши натижаси-
да республи-
канинг айrim



21-расм. Ўзбекистонда сувларни ифлословчи асосий тармоқлар

Худудларида ичимлик суви муаммоси кескинлашиб кетди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик сув сифатининг ёмонлиги касалликларнинг ортишига олиб келди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг қишлоқ аҳолиси яхши сифатли сув билан нисбатан камроқ таъминлаган.


Охиригина йилларда ер ости сувлари сифатининг ёмонлашуви кузатилмокда. Фарғона-Марғилон саноат районида нефть маҳсулотлари ва феноллар билан ер ости сувининг ифлосланиши ПДК дан юз баробаргача ортганлиги қайд қилинган. Тошкент вилоятида ҳам ер ости сувларининг маҳаллий ўта юқори ифлосланиши кузатилади. Республика бўйича ифлосланган оқава сувлар хажми йилига 150 млн. м³ ни ташкил қиласиди. 2004-йили коллектор-дренаж сувлари оқими 23478 млн. м³ни ташкил қиласиди.

Ўзбекистон Республикасида сувлардан оқилона фойдаланиш мақсадида илғор чет эл технологиялари жорий қилинмоқда. Томчилаб сугориш, сувлардан такрор фойда-


ланиш, сув ҳисоблагичларини ўрнатиш, оқоваларни тозалаш шулар жумласидандир. Сувдан фойдаланувчилар ассоциациялари фаолият олиб бормоқда. Сув ҳавзаларига тушадиган саноат оқовалари кейинги беш йил ичида иккя ярим марта камайган. Сувларни меъёридан ортиқ ифлосланганилиги учун жарима ва тұловлар белгиланған. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш маҳсус «Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисида» (6 май. 1993 й.) қонуни асосида амалға оширилади. Ушбу қонуни такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш тұғрисида құшимча қонунлар, бириңчи навбатда «Ичимлик сув тұғрисида»ғи қонун қабул қилиниши зарурдир. Сувлардан оқилона фойдаланыш ва сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлашни таъминлашда кенг жамоатчиликнинг иштироки, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришнинг ажамияти каттадир.

9.4 Орол ва Оролбүйін муаммолари

Орол ва Оролбуйидаги экологик ахволнинг кескинлашуви жағон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Орол танглиги энг йирик регионал экологик халокатлардан бири бўлиб, дengiz хавзасида яшайдиган 35 миллиондан ортиқ киши, шу жумладан Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми ҳам унинг таъсири остида яшамоқда. Яқин ўтмишда дунёдаги энг йирик кўлларидан ҳисобланадиган Орол дengизи



22-расм. Орол дengизининг куриши



23-расм. Орол дengизи сатхининг ўзгариши (26)

тезлик билан қуриб бормоқда. Орол дengизининг қуришига асосий сабаб Амударё ва Сирдарё сувларининг суғоришига ишлатилиши натижасида оқимининг кескин камайиб кетишидир.

Үрта Осиёда суғориладиган ерлар майдонининг ортиб бориши ва сувдан нотұғри фойдаланиш Орол дengизининг тақдирини ҳал қилиб қўйди.

Сўнгги 40-45 йил ичидаги дengиз сатхи 22 метрга (1961-йилда 53 м.) пасайди ва сув ҳажми 1064 км³дан 115 км³ га тушиб қолди, унинг үрнида шўрхоклар ва ҳаракатчан қумлар вужудга келди. 2004-йил охирида дengиз сатҳи 28,5 метр мутлақ ба-ландликда бўлганлиги қайд этилди.

Бунинг оқибатида унинг 45 минг км² қисми қуриб, қуруқлика айланди. Денгиз суви шўрлигининг ўртача кўп йиллик кўрсаткичи 9-11 г/литр бўлса, ҳозирда 72 г/литрдан ҳам ортган ва дengиз биомаҳсулдор хавза сифатида ўз аҳамиятини йўқотди. Биологик хилма-хиллик кескин камайди. Денгиз минтақасидаги 174 тур ҳайвон турлари сони 38 тагача қисқарди (1).

Орол дengизининг қуриши Оролбўйи минтақасида ижтимоий экологик вазиятнинг оғирлашишига олиб келди.

Ҳар йили Оролнинг қуриган тубидан 15- 75 миллион тоннагача туз ва чант қўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво, тупроқларнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Оролбўйида табиий ва антропоген чўллашишнинг суръатлари ортиб бормоқда. Ичимлик сувда тузлар миқдори 2-4 г/л ни ташкил қиласи ва сув сарфи айрим районларда 5 л дан ошмайди (норма-200-300 л). Аҳоли ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари юқори даражага етган.

Орол дengизини асл ҳолига қайтариш имкониятлари қолмади. Мавжуд шароитларда Орол дengизининг сатхини сақлаб қолишнинг ҳам иложи йўқ.

Оролнинг қуриган үрнида қум ва тузларнинг шамол билан учирилишига қарши чора қўриш учун сунъий ўрмонлар бунёд қилиш катта аҳамиятга эгадир. 1981-йилдан бошлиб дengизнинг қуриган қисмida даражат ва буталар-оқ ва қора саксовул, кандим, черкез ва бошқа ўсимликлар ўстирилиши бошланди, яхши натижалар берди ва ҳозирда ҳар йили 25 минг гектар ўрмонлар ташкил қилинмоқда. Денгизнинг янги очилаётган туби туз билан қопланиб қолаяпти ва ўсимликлар мутлақо ўсмаслиги мумкин.

Орол ва Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишда Марка-зий Осиё мамлакатлари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. АҚШ, Япония, Германия, Франция ва бошқа ривожланган давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки ва турли давлат ҳамда нодавлат халқаро ташкилотлари бу аср муаммосини ижобий ҳал қилишга ўз ҳиссалирини қўшмоқдалар.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Гидросфера деб нимага айтилади? Унинг қандай хусусиятларни биласиз?
2. Сувнинг инсон ҳаёти ва биосферадаги аҳамиятини мисоллар ёрдамида тушунтириңг
3. Ер юзида сувларнинг етишимаслиги ва ифлосланиши муаммолари.
4. Сувларни ифлословчи асосий манбалар ва ифлословчи бирикмалар.
5. Ифлосланган сувларни тозалашнинг қандай усусларини биласиз? Сувларни тақрор ишлатиш технологиясини тушунтириб беринг.
6. Ер усти ва ер ости сувларини муҳофаза қилиш тадбирлари.
7. Дунё океанининг экологик муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.
8. Узбекистоннинг асосий сув манбалари ва улардан оқилона фойдаланиши муаммолари.
9. Узбекистонда сувларнинг ифлосланиши ва унинг олдини олишины йўллари.
10. Орол денгизи муаммосининг келиб чиқиши сабабларини тушунтириңг. Денгизни асл ҳолига келтирса бўладими?
11. Яшайдиган жойингизда сувдан фойдаланиши муаммолари ҳақида реферат ёзинг.

9-Боб. ЛИТОСФЕРА ЭКОЛОГИЯСИ

9.1 Ер ресурслари. Тупроқдан фойдаланишнинг экологик муаммолари

Литосфера (литос-тош, сфера-шар, қобиқ) деганда ернинг 30-80 км. қалинликдаги қаттиқ қобиги тушунилади. Жамият ривожланадиган асос- Ер пўстида микроорганизмлар 3-5км чуқурликкача учрайди. Ер усти ва ер ости ҳозирда фаол ўзлаштирилган. Ҳозирда литосферада ер ости қазилмалари 10 км.гача бўлган чуқурликлардан олиниши мумкин. XXI асрга келиб инсоният литосферага мислсиз таъсир кўрсатмоқда. Шаҳарлар остида ер ости шаҳарлари бунёд қилинган, чиқиндиҳоналар, омборхоналар мавжуддир. Ер остида ядро қуроли синовлари ўтказилади.

Ер ресурслари инсонлар ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ер- инсонлар бевосита яшайдиган асос, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириладиган замин ҳисобланади.



24-расм. Дунё ер фонди

Куруқликнинг умумий майдони 148000 млн.га ни ташкил қиласиди. Шундан 4060 млн.га (28%) ни ўрмонлар, 2600 млн.га (17%)ни ўтлоқ ва яйловлар, 1450 млн.га (10%) хайдаладиган ерлар ва 6690 млн.га (45%)ни чул, чала чўллар, музликлар, шаҳар, қишлоқлар ерлари ва бошқа мақсадда фойдаланадиган ерлардир. Ер юзида деҳқончилик мақсадларида ишлатиладиган ерлар мавжуд ерлар ҳудудининг 10%ни ташкил қиласи ва дунё аҳолиси жон бошига 0,5 га дан тўғри келади.

Унумдорлик хусусиятига эга бўлган ер юзасининг устки ғовак қатлами **тупроқ** дейилади. Тупроқларнинг табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли ғоят бекіёсdir. Тупроқ биосферадаги модда айланма ҳаракатида асосий рол ўйнайди. Тупроқ организмлар учун ҳаёт муҳити, озуқа манбаи ҳисобланади, моддаларнинг кичик биологик ва катта геологик айланма ҳаракатида муҳим роль ўйнайди. Тупроқ қаттиқ, суюқ, ва газсимон компонентлардан иборат бўлиб, иқлим, тоғжинслари, ўсимликлар ва ҳайвонлар, микроорганизмларнинг ўзаро мураккаб таъсири натижасида ҳосил бўлади. I

грамм тупроқда миллиондан ортиқ содда ҳайвонлар ва ту ban үсимликлар учрайди.

Тупроқ тугайдиган ва тикланадиган ресурсларга киради. Тупроқ тарихий таркиб топган мураккаб, мустақил табиий жисм бўлиб, ўзгарувчан динамик ҳосиладир. Ер юзи турли қобиқлари ўртасидаги алоқадорлик тупроқ орқали амалга ошади. Тупроқ табиий ландшафтларнинг асоси ҳисобланади. Биосферада бажарадиган фаолиятига қараб тупроқни органик ҳаёт занжирининг энг муҳим халқаси деб юритса бўлади. Тупроқда у ёки бу микроэлементлар етишмаслиги ёки ортиқчалиги организмларнинг ривожланиши ва инсоннинг соғлиғига бевосита таъсир кўрсатади. Тупроқ, касаллик тарқатадиган кўплаб микроорганизмлар учун зарур ҳаёт муҳити ҳисобланади.

Тупроқда сил, вабо, улат, ич-терлама, бруцеллез ва бошқа касалликларнинг қўзғатувчилари бўлиши мумкин. Биосферада тупроқнинг энг муҳим роли шундаки, барча организмларнинг қолдиқлари тупроқда парчаланади ва яна минерал бирикмаларга айланади. Тупроқ қатламисиз ер юзида ҳаётни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Деҳқончиликнинг юзага келиши билан тупроқнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти кескин ошиб кетган. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча озиқ маҳсулотлари ва кўплаб бошқа воситаларни бевосита ёки билвосита тупроқдан олади. Ер юзидаги ҳозирги мавжуд тупроқ қатлами жамият тараққиёти натижасида кучли ўзгарган.

Инсоният тарихи давомида 2 млрд. гектардан ортиқ унумдор тупроқли ерлар яроқсиз ҳолга келтирилган. Ҳар йили сайёрамиздаги қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майдони шўр босиши, емирилиши натижасида 5-7 млн. гектарга камаймоқда. Тупроқларга инсон таъсирининг кучайиши сугориладиган деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан боғлиқ. Сугориладиган (обикор) деҳқончилик Мовароуннахрда ҳам қарийиб 5 минг йиллик тарихга эга.

Ер юзи тупроқ қатламининг ҳозирги ҳолати биринчи навбатда кишилик жамиятининг фаолияти билан белгиланади. Инсон тупроқларга ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Инсон тупроқларнинг ҳосилдорлигини ошириши, ерларнинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Шунинг билан бирга шаҳар қурилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши,

агротехник тадбирларнинг талабга жавоб бермаслиги натижасида тупроқлар бевосита йўқ қилиниши, яроқсиз ҳолга келиши, емирилиши мумкин. Ҳозирги кунда тупроқлар майдонининг камайиши унинг тикланишидан минглаб марта тезроқ амалга ошмоқда.

Табиятда шамол ва сув таъсирида тупроқларнинг емирилиши ёки эрозияси кузатилади. Инсон фаолияти натижасида тезлашган сув ва шамол эрозияси амалга ошади, жарлар ҳосил бўлади.

Антрапоген эрозия тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланишининг оқибати булиб, унинг асосий сабаблари ўрмон ва тўқайларни қирқиб юбориш, яйловларда чорва молларини боқиш нормасига амал қиласлиқ, дехқончилик юритишнинг нотўғри методларидан фойдаланиш ва бошқалардир. Турли малумотларга кўра ҳар куни ер юзида эрозия натижасида 3500 га унумдор тупроқли ерлар ишдан чиқали. Сув эрозияси кўпроқ тоғ олди ва тоғли районларда, шамол эрозияси текисликларда кузатилади. Чанг буронлари натижасида бир неча соат ичидан тупроқнинг 25 сантиметргача бўлган қатламини шамол бутунлай учирив кетганилиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Эрозия жарабёнларининг олдини олиш ва унга қарши кураш учун кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Буларга ўсимлик қопламини тиклаш, агротехник тадбирларни тўғри олиб бориш, яшил химоя қалқонларини бунёд қилиш, гидротехник тадбирларни режали ўтказиш ва бошқалар киради.

Суториладиган дехқончилик районларида тупроқларнинг шўрланиши асосий экологик муаммолардан ҳисобланади. Тупроқларнинг шўрланиши суторишни нотўғри олиб борганда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида рўй беради. Бирламчи ва иккиласмачи шўрланиш кузатилади. Иккиласмачи шўрланишда сув каппилярлар орқали кўтарилиб тузи тупроқда қолади ёки ортиқча суториш натижасида ер ости сувлари эриган тузлар билан шўрланади. Иккиласмачи шўрланиш кўпроқ зарар етказади. Тупроқларнинг шўрланиши Осиё, Америка ва Африканинг кўпчилик мамлакатларида кузатилади. Шўрланишининг олдини олиш учун зовурлар ўтказилади, ерларнинг шўри ювилади. Тупроқларнинг ботқоқланиши асосан намлиқ кўп жойларда кузатилади. Сув омборлари атрофида ҳам ботқоқланган участ-

калар вужудга келади. Ботқоқларни қуритиш учун маҳсус мелиорация тадбирлари ўтказилади.

Тупроқларни ифлосланишдан сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш тупроқларнинг турли кимёвий бирикмалар билан ифлосланишини кучайтириб юборади. Минерал ўғитлар тўғри танланмаса ва меъёрида ишлатилмаса тупроқнинг ҳолати ўзгаради, унумдорлик хусусияти бузилади. Айниқса, зааркунандаларга қарши, бегона ўтларга ва ўсимлик касалликларига чора сифатида кенг фойдланиладиган пестицидлар, гербицидлар, инсектицидлар, дефолиантларни меъёридан ортиқ ишлатиш тупроқга жуда салбий таъсир кўрсатади. Пестицидлар тупроқдаги фойдали микроорганизмларни нобуд қилади ва чириндининг камайишига олиб келади. Масалан, ДДТ пестициди ишлатилганидан 20 йил кейин ҳам тупроқ таркибida унинг ҳали мавжудлиги аниқланган. Пестицидлар озиқ занжири орқали ўтиб, инсон соғлиғига ҳам зарар етказади. Ҳозирги кунда олимлар қисқа вақт таъсир этиб, сўнг парчаланиб кетадиган биоцидлар устида ишламоқдалар.

Тупроқлар саноат корхоналари, транспорт чиқиндилари, коммунал-маиший чиқиндилаар билан ҳам ифосланади. Кимё ва металлургия корхоналари, тоғ-кон саноати чиқиндилари тупроқларни айниқса кучли ифлослайди ва ишдан чиқаради. Тупроқда симоб, қўрошин, фтор ва бошқа ўта захарли бирикмалар тўпланади. Бу ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади, баъзилари нобуд бўлади ва инсонларда турли хавфли касалликларни келтириб чиқаради.

Тупроқларни маҳсус тадбирлар ўтказиб тозалаш қийин. Шунинг учун тупроқларни ифлосланишидан сақлаш тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши ва қонуний назорат ўрнатилиши керак.

Курғочил ерларда чўллашиб жараёнларининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Чўллашиб деганда табиий жараёнлар ва инсон фаолияти натижасида ерларинг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши ёки табиий экосистемаларнинг деградацияси тушунилади. Чўллашиб натижасида экологик системаларнинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятининг бутунлай издан чиқишига олиб келиши мумкин. Ҳаракатчан қумларнинг йўлини тусишиб, яшил қалқонлар бунёд қилиш тупроқларни сақлаб қолади. Тупроқ қатламиининг турли йўллар билан нест-нобут қилиниши муаммоси ҳам мавжуд.



25-расм. Ҳаддан ортиқ мол боқиши ва қурғоқчил экосистемаларда чўллашиб жараёнинг бошланиши (32)

Шаҳар ва йўл қурилиши натижасида унумдор тупроқлар нобуд қилинади. Қонунга мувофиқ, бундай шароитларда тупроқлар кўчириб олинади ва керакли ерларга ётқизлади. Ер ости бойликларини қазиб олишда ҳам қўплаб тупроқлар нобуд бўлади. Бундай жараёнларнинг олдини олишнинг маҳсус тадбирлари мавжуд, қонуний жавобгарлик бор.

9.2 Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланишининг муаммолари

Ўзбекистон Республикаси ер фонди 44,9 млн. га ни ташкил қиласди. Ер фонди қуйидаги тоифаларга ажратилади:

1. қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2. аҳоли пунктларининг ерлари;
3. саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
4. табиятни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
5. тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
6. ўрмон фонди ерлари;
7. сув фонди ерлари;
8. захира ерлар.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер фонди уч тоифага бўлинади: сугориладиган ерлар, лалмикор ерлар, табиий яйловлар.

Табиий яйловлар 50,1%, сугориладиган ерлар 9,7%, лалмикор ерлар 1,7%, ўрмонлар 3,2% , бошқа ва фойдаланил-

майдиган ерлар 35,3% ни ташкил қиласи. Суғориладиган ерлар 4,3 млн. га ни ташкил қиласи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 93%дан ортигини беради (26-расм)



Ўзбекистонда мавжуд суғориладиган ерларнинг 50 % дан ортиги шўрланган. Айниқса Қорақалпогистон республикаси, Бухоро ва Сирдарё вилояти тупроқлари кучли шўрланган. Тупроқларда чиринди миқдори 30-50%гача камайган.

2 млн. гектардан ортиқ ерлар эрозияга учраган. Шамол эрозияси катта майдонни эгаллаган. Сув эрозияси асосан тоғ олди, тоғли ҳудудларда кузатилиди ва яйловлардан нотӯри фойдаланиш, тик ён бағирларни нотӯри ҳайдаш ва ўсимлик қопламишининг камайиши натижасида амалга ошиди. Бундай ерлар Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида кенг тарқалган.

Ўзбекистонда тупроқларнинг минерал ўғит ва захарли кимёвий моддалар билан ифлосланиш даражаси доимо юқори бўлган. Бундай вазиятнинг асосий сабаби узоқ вақт давомида юқор ҳосил олиш ва заракунандаларга қарши кураш мақсадларида кимёвий модаларнинг ҳаддан ташқари ортиқча ишлатилганлигиdir. Охирги йилларда паҳта майдонларининг камайиши, алмасиб экишнинг кенгрок жорий қилиниши, минерал ўғитлар, пестицид ва гербицидлар ишлатилишининг меъёrlаштирилиши ва бошқа тадбирлар тупроқлар ҳолатининг яхшиланишига олиб келмоқда.

Шаҳарлар ва саноат районларида тупроқларнинг оғир металлар ва бошқа заҳарли бирикмалар, шу жумладан кўро-

шин, мис, кадмий билан кучли ифлосланиши кузатилади. Айниқса Олмалиқ, Навойй, Тошкент шаҳри ва атрофи тупроқлари кучли ифлосланган.

Ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тутатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими- ер мониторинги ўтказилади.

Ўзбекистон жуда ҳам бой ер ресурсларга эга. Лекин шу кунгача улардан самарали фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Республикада 160 минг гектардан ортиқ ерлар техноген бузилгандир. Ер ва ер ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 1998-йили «Ер кодекси» қабул қилинган.

9.3 Ер ости қазилмаларидан оқилона фойдаланиш мумомлари

Ер ости қазилмаларини муҳофаза қилиш деганда инсоннинг кучли таъсири остида бўлган ер қатламини муҳофаза қилиш, ўзгартариш ва фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш масалалари тушунилади. Инсоният хужалик фаолияти натижасида ернинг устки қатламига кучли таъсир кўрсатади. Ер пўсти устки қатламида жойлашган минерал ресурслар инсоният ҳаётида жуда муҳим рол ўйнайди. Минерал ресурслар деганда ҳалқ хўжалигида кенг ишлатиладиган турли қазилма бойликлар тушунилади. Қазилма бойликлар ҳалқ хўжалигида ишлатилишга қараб ёнувчи фойдали қазилмалар-кўмир, нефть, газ; металл фойдали қазилмалар- турли рудалар; металл бўлмаган фойдали қазилмалар тоғ-кимё хом ашёлари, оловга чидамли материаллар, курилиш материаллари ва бошқаларга бўлинади.

Инсонлар қадимдан ер остидан керакли фойдали қазилмаларни олиб ишлатиб келган. Жамият тарихи асосий ишлатилган қазилмалар номига мос равишда «тош даври», «жез даври», «темир даври» деб номланган. Вақт ўтиши билан фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва ишлатиш суратлари ҳам ошиб борди. Ҳозирги кунда инсоният эҳтиёжлари учун йилига 120 млрд. тоннадан ортиқ фойдали қазилмалар, турли жисмлар ишга солинмоқда. Фойдали қазилмалар ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари учун хом ашё бўлиб ҳизмат қиласи. Фан ва техниканинг ривожланиши, инсоният эҳтиёжларининг ўсиши натижасида фойда-

ли қазилмаларни қидириш, ишлатиш хажми ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсоният фойдаланадиган минераллар ва төг жинсларининг сони 3500 дан ортиқдир. Төг-кон саноатида асосан 250 турдан ортиқ минерал хом-ашёлар: ёқилғи ва энергетик хом ашё – нефть, газ, күмир, уран ва бошқалар; қора ва рангли металлар; кимёвий хом ашёлар, курилиш материалларидан фойдаланилади..

Қазилма бойликлар тугайдиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурсларга киради. Қазиб олиш жараённанда технологиянинг талабга жавоб бермаслиги натижасида күмирнинг 45 фоизи, нефтрнинг 60 фоизигача, металларнинг 25 фоизигача қолиб кетади. Металл рудалари бойитилганда металлнинг бир қисми ва рудамас минераллар ташлаб юборилади. Бундай нобудгарчиликлар конларнинг тезда яроқсиз аҳволга келишига сабаб бўлади. Минерал хом ашёларни очиқ ва ёпиқ (шахта) усуllibаридан қазиб чиқарилади. Ўзбекистонда очиқ конларнинг чукурлиги 50-350 м, ёпиқ шахтадарда 100-700 м атрофида ва чукурлиги ошиб бормоқда.

Очиқ усулда олинганда қазилмадан анча тўлиқ фойдаланиш мумкин. Қазилмаларни йўқотиш 15-25%ни ташкил қиласи. Лекин атроф муҳитга салбий таъсир жуда ошиб кетади. Қазилмаларни ёпиқ (шахта) усулида қазиб чиқарилганда атроф муҳитга



27-расм. Карьер. Очиқ усулда қазиб олиш (45)

таъсир кам бўлади, лекин йўқотиш 40-60%ни ташкил қиласи. Ер ости қазилмаларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш минерал ресурслар танқислигига сабаб бўлади. Дунё океани истиқболда табиий ресурсларнинг катта манбай ҳисобланади. Океанлар сувида Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар мавжуддир. Океанлар тубида темирмарганец конкрецияларининг катта захиралари аниқланган.

Сүнгги йилларда океаннинг ҳаётга энг бой қирғоқ зонаси - 200 м.гача чукурлик даги шельф қисмидаги нефть-газ конлари тобора құпроқ ишга солинмоқда. Бу үз нағатыда океан сувлары ифлосланышыннинг кескин кучайишига олиб келди.

Хозиргача аниқланган қазилма бойлар захиралари исрофгарчылық билан фойдаланилганда тез тугаб қолиши мүмкін. Баъзи ҳисобларга қараганда нефть ва газ захиралари XXI асрнинг ўрталаригача етиши мүмкін, холос. Бундай шароитларда ёқилғи қазилмалардан оқилюна фойдаланиш ва янги, ноананавий энергетик манбаларни (қуёш энергияси, шамол энергияси, ернинг ички энергияси ва бошқалар) ишга солиш мұхим ақамият касб этади.

Тоғ-кон саноатида минерал қазилма бойлуклар олинаеттеганда атроф мұхитта салбий таъсир күрсатилади ва унинг оқибатлари «занжир рекцияси» күринишида намоён бўлади. Чиқиндилар уюmlаридан гектарига 200 т. дан ортиқ чанг учириласди. Ўн минглаб гектар унумдор ерлар индустрималь даштларга айланади. Сув, ҳаво, тупроқ ифлосланади, ўсимлик ва ҳайвонлар зарар кўради.

Ташландик ерларни тиклаш рекультивация деб юритилади. Рекультивация иккى босқичда амалга оширилади: 1-кон техник рекультивация, 2-биологик рекультивация. Биринчи босқичда ер юзаси текисланади, ҳолати яхшиланади ва биологик рекультивациядан сунг тупроқ қатлами ва ўсимлиги тикланади. Бундай участкалардан дам олиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мүмкін.

Ер остидан турли зарарли чиқиндиларни жойлаштиришда ва бошқа турли мақсадларда ҳам фойдаланилади. Тоғ-кон саноати чиқиндиҳоналарида минглаб тонна захарли бирималар сақланади ва атроф мұхитта доимий хавф солиб туради. Геологик мұхитта инсон таъсирини меъёrlаш-



28-расм. Океан тубидан нефть қазиб олиш

тириш ва ундаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш мұхим аҳамиятiga әгадир.

9.4 Ўзбекистонда минерал ресурслардан фойдаланыши

Ўзбекистон Республикаси минерал хом-ашё ресурсларига бойдир. Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалинде деярли барча элементлар конлари мавжуд деса муболага бўлмайди. Ҳар йили ўнлаб минерал хом-ашё конлари ишга туширилаётган.

Хозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдалы қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-хом ашё турларини ўзичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топлган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга умумий минерал-хом ашё потенциал 3,3 триллион АҚШ долларидан ортикроқ баҳоланади (13).

Ўзбекистонда қазилма бойликларни қидириб топиш, ишга тушириш, қазиб олиш, ташиш жараёнларида кўплаб ерлар қазилади, кераксиз тоғ жинслари ағдармалари вужудга келади.

Зилзила, суримла ва сел хавфи бўлган Ўзбекистоннинг тоғолди ва тоғли худудларида жойлашган чиқиндиҳоналар экологик хавфсизлик талабларига тўла жавоб бермайди. Газ, нефть ва бошқа қазилмаларни кўплаб чиқарилиши зилзила ва суримлаларга сабаб бўлиши мумкин.

Узоқ вақт давомида Ўзбекистон хом-ашё базаси ҳисобланиб, олтин, вольфрам, мис, уран, нефть, газ, күмирнинг кўплаб қазиб чиқарилиши қайта тикланмайдиган бу ресурслар захирасига салбий таъсир кўрсатди. Айрим конлардаги газ захираси туташ арафасида. Қазилма бойликлардан тулиқ фойдаланишнинг таъминланманганилиги натижасида тоғ-кон саноатида ҳосил бўладиган чиқиндиҳолар атроф мұхитнинг кучли ифлосланишига сабаб бўлмоқдади.

Ўзбекистонда 60 йилдан ортиқ вақт давомида уран қазиб олинади. Бу давр ичига 150 га яқин радиоактив ифлосланган участкалар ҳосил бўлган ва уларда маҳсус дастур бўйича дезактивация, рекультивация қилиш лозимдир. Ўзбекистондан 30 км. масофада Майлисув (Кирғизистон) дарёви Кирғоқларида 23 чиқиндиҳона ва 13 ағдармаларда катта хаж-

мдаги радиоактив чиқиндилар сақланади. Бу регионал экологик ҳалокат манбасидир. Сел ёки сурима нағтижасида бу чиқиндиларнинг Майлисув, Қорадарё ва Сирдаарёга тушиши Ўзбекистонда 300 км² майдонда, 1,5 млн.дан ортиқ аҳоли яшайдиган ҳудудда экологик ҳалокат келтириш иб чиқариш мумкин (22).

Минерал ресурслардан фойдаланишини тартибиға солиш учун Ўзбекистонда «Ер ости қазилмалари түғрисида»ги (2002) қонун қабул қилинган.

Чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш Ўзбекистондаги энг долзарб экологик муаммолардан ҳисобланади. Тоғ-кон саноати энг катта хажмдаги чиқиндиларни беради. Ҳар йили ўрта ҳисобда 100 млн.тоннадан ортиқ саноат, майший ва бошқа чиқиндилар вужудга келади ва 15-20% захарлидир. Республикада чиқиндиларни жойлаштириш ва зараарсизлантириш, қайта ишлаш талабга тұла жавоб бермайды. Навоий, Тошкент, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрида энг күп чиқиндилар ҳосил бўлади ва жойлаштирилмади. Қайта ишланадиган қаттиқ чиқиндилар 14-15%ни ташкил қилди. Бу соҳадаги фаолиятни тартибиға солиш мақсадларида Ўзбекистонда 2002-йили «Чиқиндилар түғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Дунё ер фонди қандай тақсимланган?
2. Тупроқ деб нимага айтилади? Тупроқнинг биосфера ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини баҳоланг.
3. Инсоннинг тупроқларга таъсири ва унинг өқибатлари
4. Эрозия деб нимага айтилади? Қандай эрозия турлари биласиз? Эрозияга қарши қандай кураш чоралари мавжуд?
5. Тупроқларнинг шурланиши ва унинг олдинни олиш муаммолари.
6. Тупроқларнинг ифлосланиши манбалари өзая асосий ифлословчи модда ва бироксалар.
7. Чўлга айланиш ва унга қарши кураш чоралари.
8. Ўзбекистон тупроқлари ва улардан фойдаланишининг экологик муаммолари.
9. Ер ости қазилмаларини муҳофаза қилиши ҳаётидаги нима тушунилади? Қандай фойдалы қазилмаларни биласиз
10. Ер ости қазилмаларининг жамият ҳаётидаги ролини баҳоланг.

11. Минерал ресурсларни қазиб олиш ва унинг экологик оқибатларини тушунтириши.

12. Рекультивация деганда нима тушунилади ва у қандай босқичларда амалга оширилади?

13. Ўзбекистондаги минерал ресурслар захиралари хақида нималарни биласиз?

14. Ўзбекистонда төғ-кон саноатининг ривожланиши ва унинг экологик оқибатларини тушунтириб беринг.

15. Саноатдаги чиқиндилар муаммосини қандай йўллар билан ижобий хал қилиш мумкин?

10-Боб. БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

10.1 Үсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш

Үсимлик ва ҳайвонлар Ернинг ҳаёт қобиги-биосферанинг асосий компонентларидан бўлиб, табиий ресурслар орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Оқилона фойдаланилганда үсимлик ва ҳайвонлар тикланадиган ва чексиз маҳсулот берадиган манбага айланishi мумкин. Биосферадаги ўзига хос баракарор мувозанат кўп жиҳатдан үсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хилма-хиллигининг мавжудлиги билан боғлиқдир.

«Рұҳлар ва жисмлар оламини яратганидан кейин Парвардигор уч фарзанд: маъдан, үсимлик ва ҳайвонни яратди, сунг ниҳоясида Одамни яратди» (20) Үсимликлар ва ҳайвонлар сайёрамизнинг генофонди ҳисобланади ва ҳар бир тур табиатдаги ўз ўрнига эга. Биосфера моддаларнинг айланма ҳаракати фақат тирик организмлар иштироқида амалга ошади. Бу жараённи биосферада углерод (CO_2)-нинг айланма ҳаракати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Үсимлик ва ҳайвонларнинг маҳсулотисиз инсон ҳаётини тасавур қилиб бўлмайди.

Үсимликлар Ер юзидағи ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Сайёрамизда 500 мингдан ортиқ үсимлик турлари мавжудdir. Үсимликларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамиятига кўра бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин. Сув үсимликларидан инсон кам фойдаланади, лекин улар табиатда кислород ва озуқа манбаи ҳисобланади. Сувларнинг нефть маҳсулотлари ва оқовалар билан ифлосланиши сув үсимликларига зарар етказади ва муҳофаза чораларини кўришни талаб қиласди.

Тупроқ үсимликлари- бактериялар, айрим қўзиқоринлар ва сув утлари тупроқнинг унумдорлик хусусиятига таъсир кўрсатади, организмлар қолдиқларини парчалайди. Тупроқларнинг саноат ва майший чиқиндилар билан ифлосланиши оқибатида үсимликларни муҳофаза қилиш зарурати келиб чиқди.

Турлар сони энг ками ер ости үсимликлари бўлиб, улар асосан бактериялардан иборат ва 3 км гача ва ундан ортиқ чукурликлarda учрайди.

Ер усти үсимликлари турларга энг бой, шунинг билан бирга энг кўп ишлатиладиган ва инсоннинг кучли таъсири остидаги үсимликлардир

Ислом динида ўсимликни экиш ва уни ҳосил бергүнича парваришилаш ибратли амаллардан ҳисобланади ва ал батта тақдирланиши қайд этилади. Кимdir дараҳт ёки экин экса ва унинг ҳосилидан инсонлар, ҳайвонлар ва күшлар баҳраманд бўлса, у киши ҳатто вафотидан сўнг ҳам кўплаб савобга эга бўлади.

Ер юзидағи яшил ўсимликлар продуцент (автотроф) организмларга киради ва биосферада моддаларнинг айланма ҳаракатида асосий рол ўйнайди. Ўсимликлар фотосинтез жараёни натижасида ҳаводан карбонат ангирид газини ютиб, йилига $5\cdot10^{11}$ тонна кислород чиқаради ва 200 млрд. тоннага яқин органик маҳсулот яратади. Инсон ва ҳайвонлар ҳаётида асосий озуқа ва кислороднинг манбаи бўлган ўсимликларнинг аҳамияти катта. 30 мингдан ортиқ ўсимлик турлари йўқолиб кетганлиги қайд қилинади. Мавжуд 300 мингдан ортиқ юксак ўсимликларнинг 2500 туридан доимий, 20 мингга яқин турларидан эҳтиёжларга қараб фойдаланилади. Инсон ҳаётида доривор ўсимликлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Шаҳарларда яшил ўсимликлар ҳавони тозалайди, кишиларга эстетик завқ беради, далаларни шамоллардан химоя қилиди. Ўсимликлар ҳавони тозалайди, тупроқларни емирилишдан сақлайди, ёғинларни ушлаб қолади ва дарёларни сув билан бир маромда таъминлайди. кишиларга эстетик завқ беради.

Биосфера биомассасининг энг катта қисми- $\%7$ фоизи ўрмонларда тўпланган. Ўрмон биоценозининг ҳамма компонентлари ўзаро ва атроф муҳит билан узвий боғланган. Ўрмонларда қимматли ҳайвон ва ўсимлик турлари жамланган. Ёғочдан инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган 20 мингга яқин турли маҳсулотлар олинади.



29-расм. Ўрмонларнинг кесилиши (45)

Инсоннинг ўсимликларга ижобий ва салбий таъсири бўлади. Ўрмонларни тиклаш, кўкаламзорлаштириш, ўсимликларнинг навларини яратиш ва бошқалар ижобий таъсирга киради.

Инсоннинг салбий таъсири оқибатида охирги ўн минг йил ичидаги сайдерамиздан үрмонларнинг катта қисми йўқ қилинган, кўплаб қимматли ўсимлик турлари йўқолиб кетган. Үрмонларнинг майдони 62 млн. km^2 дан 40 млн. km^2 (1994)гача қисқарган.

Хозирги вақтда үрмонлар майдонининг кескин қисқариш жараёнлари давом этмоқда. Сайдерамизнинг «ұпкаси» ҳисобланган тропик үрмонлар минутига 15-20 гектардан кесилмоқда. Бу жараёнлар биосферадаги барқарор мувозанат ҳолатини издан чиқариб, экологик халокат хавфини кучайтириши мумкин. Янги ерларни үзлаштириш, атроф мұхиттің іфлосланиши оқибатида ўнлаб ўсимлик турлари йўқолмоқда.

Ҳайвонлар биомассаси тирик мавжудотлар биомассасининг 2 фоизини ташкил қилишга қарамасдан улар биосферадаги модда алмашинуви, бошқа турли жараёнларда мұхим рол ўйнайды. Биосферадаги ҳайвон турларининг аниқланған сони 1,5 млн.дан ошади. Содда ҳайвонлар тупроқ ҳосил бўлишда мұхим рол ўйнайды. Ҳайвонлар ўсимликлар ҳаётига ҳам катта таъсир кўрсатади. Ҳайвонлар консумент (гетеротроф) организм сифатида биосферада моддаларнинг айланма ҳаракатида ўзининг экологик аҳамиятига эга. Инсон учун ҳайвонлар озиқ маҳсули, ҳом ашё манбаи, уй ҳайвонлари зотларини яхшилаш ва эстетик завқ манбаидир.


Ҳайвонларнинг 1 млн.дан ортиқ тури хашоратларга тўғри келади.

Хашоратлар ўсимликларни чанглайди, қушлар, бошқа умуртқали ҳайвонлар учун озуқа манбаидир. Ер юзидағи ҳайвонлар биомассасининг 95 фоиздан ортиғи умуртқасизларга тўғри келади. Умуртқали ҳайвонлар ичидаги суг эмизувчиilar, қушлар, балиқлар, судралиб юрувчиilar энг катта аҳамиятга эгадир.

Дунё океанида ҳайвонлар биомассаси ўсимликлар биомассасидан каттадир.

Ер юзида инсон учун заарли бўлган йиртқичлар, турли касаллик тарқатувчи ҳайвонлар, экинларнинг зааркунандалари ҳам мавжуддир. Инсоннинг бевосита таъсири натижасида охирги икки юз йил ичидаги 300 дан ортиқ сут эмизувчиilar ва қушлар турлари йўқ қилинган. Үрмонларнинг

кесилиши, ерларнинг ўзлаштирилиши, ҳаёт муҳитининг ифлосланиши орқали инсон катта миқёсда ҳайвонот дунёсига билвосита таъсир кўрсатади. Ер юзидағи ҳамма биологик турлар керакли ва улар ўзига хос экологик маконни эгалладилар.



30-расм. Биологик турлар хилма-хиллиги

Экосистемаларда организмлар қанчалик хилма-хил бўлса, унинг ташки таъсирга чидамлилиги ҳам шунчалик кучли бўлади. Шунинг учун биосферадаги мавжуд хилма-хилликни сақлаб қолиш табиатни муҳофаза қилишнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Генетик хилма-хиллик, турлар хилма-хиллиги, экосистемалар хилма-хиллиги ажратилади. Биосферадаги мувозанатни сақлаб қолишида ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу мақсадга эришиш учун турли тадбирлар ўтказилади. XIX асрдан бошлаб қўриқхоналар, миллий боғлар, буюртмахоналар ташкил қилиши фаолияти жадаллашган.

Қўриқхона деганда инсоннинг ҳар қандай хўжалик фаолияти тақиқланган, табиат комплекси асл ҳолида сақлана-диган ҳудудларга айтилади.

Миллий боғларда табиатдан фойдаланиш, аҳоли дам олиши учун шароитлар ҳам мавжуддир.

Буюртмахоналарда қисман муҳофаза ёки тўлиқ муҳофаза таъминланиши мумкин. Бундай алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда йўқолиб бораётган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар, табиат комплекси муҳофаза қилинади.

Ноёб ва йўқолиб бораётган турларнинг муҳофазасига эътиборни кучайтириш учун 1966-йили Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи томонидан халқаро «Қизил китоб» ташкил қилинганди. Алоҳида давлатлар ўз «Қизил китоби»га эга. «Қизил китоб» фақатгина хатар даракчиси бўлмай, балки муҳофаза ҳаракатларининг дастури ҳамдир. Ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш фақатгина турли давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик йули билангина муваффақиятли олиб борилиши мумкин. Кўчиб юрувчи ҳайвонлар, Дунё океани ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, чегаралараро дарёларда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонлар давлатларро келишув йули билан муҳофаза қилинади. 1992-йили Рио-де-Жанейрода «Биологик хилма-хилликни сақлаш» халқаро Конвенциясининг имзоланиши бошланган ва ҳозирда бу конвенцияга дунёдаги 170 дан ортиқ давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам қўшилган. Ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ало-

ҳида маҳсус ҳалқаро ва миллий даражадаги қонунлар орқали назорат қилинади.

10.2 Ўзбекистондаги ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга. Сўнгги йилларда инсоннинг хўжалик фолияти натижасида флора ва фаунага салбий таъсир кучайди. Ўзбекистонда мавжуд 4500 га яқин ўсимлик турларининг 10-12 фоизи муҳофазаталаб. Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га ўсимликларнинг 301 тури киритилган. «Қизил китоб»га киритилган ўсимлик турлари Табиатни муҳофаза қилиш Ҳалқаро Иттифоқи (ТМХИ) томонидан ишлаб чиқилган таснифга биноан 4 тоифага ажратилди:

- 1. Йўқолган ёки йўқолиши арафасидаги турлар.** Бир неча йиллар давомида табиатда учратилмаган, лекин айрим йиғиб олиш қийин бўлган жойлардагина ёки маданий шароитда сақланиб қолиш эҳтимолига эга бўлган ўсимлик турлари.

- 2. Йўқолиб бораётган турлар.** Йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиши учун маҳсус муҳофаза талаб этадиган турлар.

- 3. Ноёб турлар.** Маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолитб кетиши муҳимкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар.

- 4. Камайиб бораёттан турлар.** Маълум вақт ичida сони ва тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида қисқариб кетаётган турлар. Айни вақтда, бундай ўсимликлар ҳар томонлама назорат қилиб туришни талаб этади.

«Қизил китоб» да алоҳида ўсимлик бўйича қуйидаги маълумотлар берилади: 1. Камёблик даражаси (мақоми). 2. Тарқалиши. 3. Ўсиш шароити. 4. Сони. 5. Кўпайиши. 6. Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. 7. Маданийлаштирилиши. 8. Муҳофаза чоралари.

Қатор сабабларга кўра ўсимлик ўз мақомини у ёки бу томонга ўзгартириб туриши, яъни ўсимлик бутунлай йўқолиши ёки муҳофазага эҳтиёж қолмаслиги мумкин.

Ўзбекистонда ўрмон ресурслари чекланган, ўрмонлик 4%га яқинни ташкил қиласи. Тоғ, чўл, қайир ва водий ўрмонлари мавжуд.

Тоғ ўрмонлари 311 минг. га, ёки ўрмонларнинг 11% ини ташкил этади. Шундан арча ўрмонлари 204 минг. га ёки 7% ни ташкил қиласи.

Чўл ўрмонлар майдони 2,4 млн га ёки бутун ўрмонлар худудининг 87%ни ташкил этади. Асосан саксовул ва буталардан иборат.

Дарё қайирларининг ўрмонлари-тўқайлар атиги 25 минг гектарда сақланиб қолган ва умумий ўрмонлар ҳудудининг 1% дан камроғини ташкил қиласи. Водий сунъий ўрмонлари 12 минг га ни ташкил қиласи (ўрмонларнинг 0,4%). Энг қимматли тоғ ўрмонларининг майдони ўнлаб марта қисқарib кетган. Тўқайлар кўплаб кесиб ташланган. Ҳозирда ўрмонларни қайта тиклаш ишлари талабга тұла жавоб бермайди.

Ўзбекистонда доривор ва озуқабоп ўсимликларнинг турлари ҳам кўплаб учрайди ва уларнинг аксарияти ҳозирги вақтда муҳофаза талаб қиласи. Ҳар йили республикада юзлаб тонна доривор ва озуқа ўсимликлари тайёрланади (8-жадвал).

8-жадвал

Ўсимлик хом ашёсини тайёрлаш хажмлари(тонна)			
Ўзбекистон бўйича жами:	2002 й.	2003 й.	2004 й.
Тайёрлаш нормаси(квота)	508,3	491,7	581,76
Амалда тайёрланган	490,3	250,6	301,3

Ўзбекистонда яйловлар 23 млн. гектарни, ёхуд мавжуд майдонларнинг ярмини ташкил этади. Чорва молларини ҳаддан ташқари боқилганлиги натижасида 70% яйлов яроқсиз аҳволга тушиб қолган. Тоғ яйловларидан меъердан ортиқ фойдаланиш ўсимликларнинг нобуд бўлиши, ерларнинг бузилиши, эрозия, сел тошқинларининг кўпайishi га олиб келмоқда.

Республикамизда ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадада турли тадбирлар ўtkazilmоқда.

Ўзбекистон фаунаси 677 тур умуртқали ҳайвонлар (сүтэмизувчилар-108, қушлар-432, судралиб юрувчилар-58, амфибиялар-2 ва балиқлар-77) ва 32484 тур умуртқасиз ҳайвон турларидан иборат. Ўзбекистонда турон йўлбарси, қизил бури, гепард, йўл-йўл гиена каби турлар қирилиб кетган. Устюрт қўйи, морхўр, илвирс (қор қоплони), бухоро бугуси, қоплон ва бошқа айрим турлар йўқолиш арафа-сидадир. Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га ҳайвонларнинг 184 тури киритилган.

Орол денгизининг қуриши, дарёлар сувининг ифлосланиши ва сув омборларининг қурилиши кўплаб қўмматли балиқ турларининг камайишига олиб келди.

Ўзбекистонда ҳар йили маҳсус руҳсатномалар асосида турли ҳайвонлар ов қилинади. Руҳсатсиз ов қилиш айрим ноёб ҳайвон турларининг йўқолишига олиб келмоқда. Ўзбекистонда ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар қонун томонидан химоя қилинади ва улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш учун хилма-хил тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва ҳаракат режаси қабул қилинган (апрел, 1998) ва зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Ўрмон тўғрисида» (1999 й.), «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й.), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й.) қонунлари қабул қилинган. Ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун қуриқхоналар ва буюртмахона, парваришишоналар ташкил этилган.



31-расм. Тоғ ўрмони (45)

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 9 қуриқхона (9-жадвал), 2 миллий бое, 9 давлат буюртмахоналари, 1 экомарказ фаолият кўрсатаяпти.

Ажойиб табиат гўшалари, тоғ, қайир ва тўқай ўрмонлари муҳофазага олинган. Алоҳида аҳамиятга эга бўлган шаршаралар, қоя, кекса дараҳтлар ва бошқулар табиат ёдгорликлари сифатида қуриқланади. Алоҳида қуриқланадиган худудлар 2 млн. гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бўлиб, бу республика ҳудудининг 5% дан зиёдини ташкил қиласди.

Мамлакатнинг бар-

қарор ривожланишини таъминлаш учун алоҳида қуриқланадиган худудлар майдони 10% дан кам бўлмаслиги керак.



33-расм. Бухоро бугуси (32)



34-расм. Морхўр (16)



32-расм. Илвирс

9-жадвал

Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар

№	Номи	Ташкил этилган йили	Майдони га	Ихтиосослашви	Вилоят
Қўриқхоналар					
1.	Зомин	1926	21 735	Тоғ-арча қўриқхонаси	Жиззах
2.	Чотқол биосфера қўриқхонаси	1947	35 724	Тоғ-арча қўриқхонаси	Тошкент вилояти
3.	Бадай-тўқай	1971	6 462	Қайир-тўқай қўриқхонаси	Қоракалпогистон
4.	Қизилкум	1971	10 311	Кумли тўқай қўриқхонаси	Хоразм. Бухоро
5.	Зарафшон	1971	2 352	Қайир-тўқай қўриқхонаси	Самарқанд
6.	Китоб	1979	3 938	Геологик қўриқхона	Қашқадарё
7.	Нурота	1975	21 137	Тоғ-ёнгөк мевали	Жиззах
8.	Хисор	1983	80 986	Тоғ-ўрмон	Қашқадарё
9.	Сурхон	1987	28 895	Тоғ-ўрмон	Сурхондарё
Миллӣй боялар					
1.	Зомин	1976	24 110	Тоғ-ўрмон. Рекреация	Жиззах
2.	Угом-Чотқол	1990	574 590	Тоғ экосистемаларини сақлаш. Рекреация.	Тошкент

Ўзбекистоннинг қўриқхоналарида 350 дан ортиқ ҳайвон турлари, 700 дан ортиқ ўсимлик турлари ҳимояга олинган. Улардан қоплон, бухоро буғуси, Мензбир суғури, илвирс халқаро (ТМХИ) «Қизил китобга» киритилган. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тартибини бузганлиги учун моддий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Мамлакатимиздаги мавжуд қўриқланадиган ҳудудлар тўри биологик хилма-хилликни самарали муҳофаза қилиш имконини бермайди. Сақланиб қолган табиий ландшафтларда янги қўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилиш лозимdir.

Назорат саволлари ва тошириқлар

1. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг биосфера, ва инсон ҳаётидаги аҳамияти хақида нималарни биласиз?
2. Ер юзида қанча ўсимлик ва ҳайвон турлари мавжуд? Ўсимлик ва ҳайвонларнинг биомассалари қандай тақсимланган?
3. Инсонинг ўсимлик ва ҳайвонларга қандай таъсир шакллари мавжуд?

4. Үсімлік ва ҳайвонларни мұхофаза қилишининг қандай үйләрі мавжуд?
5. Нима учун үсімлік ва ҳайвонларни популяция даражасыда мұхофаза қилиш керак
6. «Қизил китоб» ва унинг ақамияти.
7. Ўзбекистоннинг үсімлік ва ҳайвонлари ва улардан фойдаланышынг экологик муаммолари.
8. Үсімлік ва ҳайвонларни мұхофаза қилишда құрықхоналарнинг ақамияти. Ўзбекистон құрықхоналари.
9. Ўз яшайдиган жойингиздаги ноёб үсімлік ва ҳайвон тұрлары бүйіча маълумоттарни түтіланға үларни мұхофаза қилиш табдірларини белгиланғ.

III. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

11-Боб. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

11.1 Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Экологик хавфсизлик деганда атроф табиий муҳит ҳолатини организмларнинг ҳаёти учун эҳтиёжларига жавоб беради, ёки инсонлар учун соглом, тоза ва кулай табиий шароитга эга атроф-муҳит тушунилади. Экологик хавфсизликни таъминлаш учун ҳар бир алоҳида давлат маълум экологик сиёсатни олиб боради.

Экологик таҳдидлар деганда атроф-муҳит ҳолати ва инсонларнинг ҳаёт фаолиятига бевосита ёки билвосита зарар етказадиган табиий ва техноген характердаги ҳодисалар тушунилади. Экологик таҳдидларнинг маҳаллий, миллий, регионал ва глобал даражалари ажратилади. Ўзбекистондаги экологик хавфсизликка таҳдидлар 35-расмда берилган. Экологик таҳдидлар даражалари шартли ажратилган. Аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиши, ҳавонинг ифлосланиши, чиқиндилар муаммосини маҳаллий даражадаги экологик таҳдидлар қаторига ҳам киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш стратегияси экология соҳасидаги шахс, жамият ва давлатнинг Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси ва Конституциясида белгиланган ҳаётий зарур манфаатларидан келиб чиқади (22).

Шахснинг ҳаётий зарур манфаатларига:

- инсоннинг ҳаёт фаолияти учун оптималь экологик шароитларни таъминлаш, аҳоли саломатлигини химоя қилиш киради;

Жамиятнинг ҳаётий зарур манфаатларига:

- барқарор экологик вазиятни қарор топтириш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, соглом авлодни шакллантириш киради;

Жамиятнинг ҳаётий зарур манфаатларига:

- барқарор ривожлантириш, регионада экологик вазиятнинг барқарорлиги, соглом турмуш тарзини шакллантириш;

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ТАХДИДЛАРИ

Глобал

* Иктиим
үзгәрүшү

- * Оролбүйүй мұаммопары
- * Сүв ресурсларидан фойдала-
нишине миттақавый мұам-
мопары
- * Аттроф-мухиттика трансче-
гардасын ифлосланышы
- * Озон омылу
- * Чүллашашы
- * Ючумны ва башка ўтта хәсапи
касалыптарнинг тарғалышы
- * Табиий өз технологияның турады-
шынан
- * Орол дөңгөзи
мұаммоси

Минтайвий

* Оролбүйүй мұаммопары

- * Сүв ресурсларидан фойдала-
нишине миттақавый мұам-
мопары
- * Аттроф-мухиттика трансче-
гардасын ифлосланышы
- * Озон омылу
- * Чүллашашы
- * Ючумны ва башка ўтта хәсапи
касалыптарнинг тарғалышы
- * Табиий өз технологияның турады-
шынан

Миллій

* Сүв ресурслари етеш-
масындағы булаңанылы-
ғы

- * Ахолининг ичимлик сүзи
билин таъминланиши
- * Күчкілар ва сүв тошқи-
лары
- * Ҳаюонине ифлосланган-
лиги
- * Биохимикалыкни сақ-
лаб қолиши
- * Ахоли саломаттығын ҳола-
тишинең өмөнтішіші
- * Ҳалокаттар
- * Табиий ресурслардан
оқынаға фойдаланылышы
- * Саноат ва машиний чыкын-
дилар

Локал

* Майдан ҳудуд-
парнинде
радиацияны
ифлосланышы

- * Ерости сувларын-
дағы
ифлосланышы

35-расм. Экологик хавфсизликка тахдидлар (22)

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларида илмий-техник ривожлантиришнинг юқори даражасини таъминлаш;

- миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш, Ўзбекистоннинг колектив хавфсизлик ва ҳамкорликнинг регионал ва глобал тизимлари таркибига табиий қўшилишини таъминлаш киради.

Ҳар бир алоҳида мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари мавжуддир. Ўзбекистонда, бозор иқтисодига ўтиш шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш борасида ижобий ўзгаришлар амалга ошди.

Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таддилларнинг олдини олиш учун Ўзбекистонда биринчи навбатда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Табиий ресурслардан, шу жумладан, сув, ер, минерал ҳом-ашё ва биологик ресурслардан комплекс фойдаланиш;

2. Республика ҳудудида атроф-муҳит ифлосланишини эколого-гигиеник ва санитар меъёрларгача камайтириш;

3. Экологик фалокат зонаси-Оролбўйида, шунингдек мамлакатнинг бошқа экологик номақбул ҳудудларида экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

4. Республика аҳолисини сифатли ичимлик суви, озиқ маҳсулотлари, дори-дармонлар билан таъминлаш;

5. Экологик тоза ва кам чиқитли технологияларни жорий қилиш;

6. Экология соҳасида илмий-техник салоҳиятни ошириш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

7. Аҳолининг экологик таълими, маданияти, тарбияси тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

8. Экологик ҳалокатлар, оғатлар, фавқулодда вазиятлар, аварияларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш;

9. Экологик муаммоларни ҳал қилишда жаҳон ҳамжамиятч билан ҳамкорликни чуқурлатиш ва бошқалар.

Мамлакатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини жаҳон таалблари доирасида олиб борицда қонуний хужжатлар ҳал қилуви рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 120 дан ортиқ қонун ва қонун ости хужжатлари қабул қилинган.

Экологик қонунчиликнинг мақсади инсонларнинг саломатлиги, меҳнат ва майший шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

Экологик қонунчилик бир неча даражаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг нормалари экологик қонунчиликнинг асосини ташкил қиласди. 1992- йил 8- декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республика Конституцияси асосий қонун ҳисобланаби, ҳамма учун мажбурий ва олий юридик кучга эгадир.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Конституциянинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида берилган. Конституциянинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб таъкидланади. Ушбу талабга кўра Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш талабларига тұла амал қилиши шартдир.

Асосий қонуннинг 54-моддасига кўра, жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулкий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос равишда эътироф этилади. Лекин мулқдор ўз хоҳиҷа эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳеч қачон экологик муҳитга, яъни атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмаслиги кепрек.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида-дир».

Умуммиллий бойлик тушунчаси Ўзбекистон конституциялари тарихида биринчи бор қўлланилган бўлиб, у барча турдаги мулк шаклини инобатга олади. Лекин барча табиий обьектлар ўзбек ҳалқининг мулки бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси илк бор мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эта бўлди. Эндиликда миллий бойлик бўлган барча табиий заҳиралардан ўта самарадорлик билан фойдаланиш мамлакатимиз ривожининг заминидир. Шунинг учун ҳам давлат уларни ўз муҳофазасига олади (23).

Конституциянинг 100 моддасига биноан илк бор шаҳар, туман, вилоят маҳаллий ҳокимиятларига ўз маъмурий-худудий бўлинмаларида атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш ваколати топширилган. Уларда яшовчи аҳолини экологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий-экологик тадбирларни уйғунлаштириш, ҳамда келажак истиқболларни белгилаш мақсадида табиий объексларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини тегишли ҳудудлар бўйича ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, эгаллаш, ижара-лаш ва мулк сифатида бериш ҳуқуқини яратди, назорат-жавобгарлик механизмини такомиллаштиришга имкон берди.

1992-йил 9-декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонун экология соҳасидаги асосий қонун ҳисобланади. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: «Умумий қоидалар; давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари; Узбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш; табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш; экология экспертизаси; экологик назорат; табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари; фавқулодда экология вазиятлари; ҳужалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари; табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал қилиш».

Илмий-техник тараққиёт ва унинг билан боғлиқ табиий муҳитнинг бузилиши муҳофазани кучайтириш, алоҳида ресурслардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш учун «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993); «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (1993); «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996); «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997) ва бошқа қонунлар қабул қилинган. Мавжуд қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларига катта ўрин берилган.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг муқаддимасида-«Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўтасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объекслар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг

кулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir» деб таъкидланади. Қонуннинг 12-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга».

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга».

Демак, ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган жойдаги экологик вазият ва унинг келгуси ўзгариши бўйича мутассадди ташкилотлардан мавжуд маълумотларни олиш, ўрганиш ва ундан фойдаланишга ҳақлидир. Ҳар бир киши ўз ҳоҳиши бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳиссасини қўшиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бирор корхона ёки бошқа обьектлар фаолияти натижасида инсонлар саломатлигига зарарли таъсири кўрсатаётган бўлса шикоят орқали, хокимият, бошқарув ва табиатни муҳофаза қилиш идораларнинг қарори билан уларнинг фаолияти чекланиши, тұхтатиб қўйилиши, тугатилиши ёки ўзгартирилишига эришиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар экологик зарарли корхона фаолиятини тұхтатиш тұғрисида судга даъво билан мурожат қилишга ҳақлидирлар.

Захарли чиқиндиларни ташлаш натижасида экинларни, балиқларни нобуд қилиш, табиий обьектларни бузиш, етказилган зарар учун корхоналар, мансабдор шахслардан ва фуқаролардан белгиланган тартибда товон пулини ундириш мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликда табиатдан оқилона фойдаланиш, янги, кам чиқитли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирларини амалга оширган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун раббатлантириш күнда тутилган.

Асосий қонунда табиатдан умумий ва маҳсус йўсунда фойдаланиш шартлари берилган. Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш-табиат қўйнида дам олиш, балиқ овлаш, ўсимликлар териш ва бошқалар фуқаролар учун текинга, ҳеч қандай рұҳсатномаларсиз амалга оширилади. Табиатдан маҳсус фойдаланиш корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзига хос фаолиятни амалга оши-

риш учун табиий ресурслардан ҳақ олиб ва маҳсус руҳсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади. Табиий ресурслардан фойдаланишда маҳсус меъёрлар (лимит) белгиланади. Табиатдан фойдаланишда ижарага олиш, лицензия, шартнома ва бошқа шакллари мавжуддир. Табиатдан фойдаланиш талаб ва меъёрлар даражасида бўлмаса руҳсатномалар ва ижара шартномалари бекор қилинади ва табиатдан фойдаланувчи келтирилган зарарни қоплаши мажбур бўлади.

Атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарар етказадиган фаолият, экологик қонунбузарликлар учун мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддасига кўра-

«Тубандаги ҳолларда:

- табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларни бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа обьектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назардан ҳавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

- табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

- табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир қўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган хақни тўлашдан бош тортганикда;

- табиатни муҳофаза қилиш обьектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

- атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

-табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

-алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳукуқий тартиботини бузганликда;

-ишлаб чиқариш ва истеъмолчиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва заарали кимёвий моддаларни сақлаш, ташиб, улардан фойдаланиш, уларни заарасизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

-атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ҳуқук ва вазифаларини рӯёбга чиқаришларига тўсқинлик қилинганда;

-атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Узбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

Экология соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этилганда қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевоста шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 3) майян шахсни унга берилган маҳсус ҳуқуқдан (масалан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш.

Экология соҳасидаги ижтимоий хавфли, оғир оқибатларга олиб келадиган қонунбузарликлар учун мансабдор шахслар ва фуқаролар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Табиатдан фойдаланиш талабларини қўпол бузиш, атроф муҳитнинг ифлосланиши оқибатида аҳолининг оммавий қасалланиши ёхуд нобуд бўлиши; ҳайвонлар, паррандалар, балиқларнинг қирилиб кетиши; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини бузиш; «Қизил китоб»га киритилган турларни нобуд қилиш ва бошқалар шундай жиноятларга киради.

Экологик жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;

- 2) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 3) аҳлоқ тузатиш ишлари;
- 4) қамоқ;
- 5) озодликдан маҳрум қилиш.

Күшимча тарықасида мол-мұлкни мусодара қилиш ҳам құлланилиши мүмкін.

Экологик қонунбұзарларларнинг олдини олиш кatta аҳамияттаға әгадір. Бунда аҳоли үртасида зарур таълим-тарбия, тарғибот ишларини мұнтазам олиб бориш, оммавиіт ахборот воситаларыда бу масалаларни ёритиб бориш ижобий натижаларни беради.

Экологик қонунчиликни ривожлантириш, қонулар ва бошқа норматив хужжатларга тегишли үзгартырғыштар киритиб бориш, шу соңадаги янги қонунларни қабул қилиш кatta аҳамияттаға әгадір. Ҳар бир фуқаро үзининг экологик ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, қонунларға риоя қилиши лозимдір.

11.2 Экологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий асослари

Экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилюна фойдаланышип атроф мұхитни мұхофаза қилиши бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқдір.

Ўзбекистон Республикасынинг Олий Мажлиси табиатни мұхофаза қилиш сиёсатининг асосий йұналишларини белгилайди. Қонун хужжатларини қабул қиласы да табиатни мұхофаза қилиш давлат құмитасининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Табиий ресурслардан фойдаланғанлық учун ҳақ олишнинг энг күп-кам ҳажмини, шунингдек, тұловларини үндериб олишдаги имтиёздарни белгилайди. Шунингдек, худудларни фавқулодда экология ҳолаты, экология оғати ва экология фалокати минтақалардың деб-эълон қиласы да бундай минтақаларнинг ҳуқуқтың режими-ни ва жафо күрганларнинг мақомини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасынинг Президентига давлат да ижро этувчи қокимият бошлиғи сифатида куйидаги вако-латлар берилған:

-экологик ҳавфсиз мұхитни таъминлаш учун зарурый чора-тадбирлар құради;

-экология борасидаги қонунларни имзолайди да уларға оид фармон, фармойиш да қарорлар қабул қиласы;

-экологик қонун меъёрларини бузувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноэкологик хужжатларини бекор қилади;

-Олий Мажлис сенати тасдигига Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг раиси лавозимига номзод тақдим этади;

-экологик инқироз ёки талофот кўрган ҳудудлар ёки бутун ҳудуд бўйича фавқулодда ҳолат жорий этади;

-республика ички ва халқаро экологик сиёсатига доир ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширади, экология соҳасидаги давлат дастурларини қабул қиласди, уларнинг бажарилишини назорат қилади, табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва баҳолашни ташкил этади, экология маорифи ва тарбияси тизимини яратади ҳамда унинг амал қилишини таъминлади.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

Бир қатор вазирликлар ва муассасалар, корхоналарида табиатни муҳофаза қилишни бошқариш бўлимлари иш олиб боради.

Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бош ижро этувчи орган Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси бўлиб, у бевосита Олий Мажлис Сенатига бўйсунади. Кўмитанинг ваколатларига қўйидагилар киради:

- вазирликлар, идоралар, корхоналар ва фуқаролар, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун хужжатларига риоя этицилари устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- табиатни муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқиш;

- давлат экология экспертизасини ўтказиш;

- атроф муҳит сифатининг меъёрларини тасдиқлаш;

- иғлослантирувчи моддаларни ҳавога чиқариб ташлаша ва сувга оқизиш, шунингдек, чиқиндиларни жойлаштиришга руҳсатномалар бериш ва уларни бекор қилиш;

- экология масалаларида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш.

Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Қорақалпоғистон Республикасида, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, маъму-

рий туманлар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталаридан иборат тузилмага эга.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати-ни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан ташқари Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Геология ва минерал ресурслар қўмитаси амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати амалга оширилади.

11.3 Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий чора-тадбирлари

Бизнинг мамлакатимизда узоқ вақт давомида табиатдан фойдаланиш бепул бўлган. Корхоналар ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишган, атроф мұхитни ифлослантирганлар ва бунинг учун ҳеч қандай тўлов тўламаганлар. Фақатгина атроф мұхитнинг жуда кучли ифлосланиши кузатилган айрим ҳолларда корхоналар жарима тўлашиб билан чекланганлар. Табиатдан хўжасизларча фойдаланиш экологик инқизорз вазиятлари вужудга келишининг асосий сабаби ҳисобланади. Табиий ресурсларни қидириш, қазиб олиш ва атроф- мұхитни муҳофаза қилиш харажатлари давлатнинг зиммасида бўлган. Лекин ҳозиргача бу харажатлар табиий мұхитга етказилган заардан анча кам ва фарқ чукурлашиб бормоқда.

Табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф-мұхитни ифлослаганлиги, чиқиндилярни жойлаштиргани ва бошқа таъсир турлари учун тўловларни жорий қилиш иқтисодий-экологик муаммоларни ҳал қилишнинг самарали йили ҳисобланади.

Иқтисодий услублардан фойдаланиб ҳалқ хўжалиигига етказилаётган экологик зиённи баҳолаш мумкин. Бу куйдаги формула орқали ифодаланади:

$$3_{xx} + 3_a + 3_k + 3_c + 3_e$$

Бу ерда: 3_{xx} - ҳалқ хўжалиигига зиён;

3_a - аҳоли саломатлигига зиён;

3_k - қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиигига зиён;

3_c - коммунал, турар жой, майший хўжаликка зиён;

3_e - саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш объек-тларига зиён.

Табиатта фойда келтирадиган, унинг ҳолатини яхшилотлар ва алоҳида шахсларга турли имтиёзлар берилади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

-табиий ресурслардан маҳсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир қўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

-камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

-экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўллаганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан маҳсус солиқлар жорий этишни;

-табиий муҳитнинг куляй ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

-табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда тону пули ундиришни ва бошқаларни кўзда тутади”.

Ушбу қонунга мувофиқ табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун тўловлар атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат булади. Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига келиб тушади ва унинг бир кисми экологик мақсадларга сарғланади.

Ўзбекистонда атроф табиий муҳитни белгиланган норматив (лимит)дан ортиқча ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқин-

диларни жойлаштирганлик) учун, норматив ифлослантирганлик ва табиий ресурслардан нооқилона, комплекс бўлмаган фойдаланиш учун тўловлар мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурга қилинади.

Назорат саволлари ва топшириқлар

- 1. Экологик ҳавфсизлик деганда нима тушунилади?**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида табиатдан фойдаланиш масалалари қандай акс эттирилган?**
- 3. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишининг давлат бошқаруви тизимини таҳлил қилинг?**
- 4. Ўзбекистонда табиат муҳофазаси соҳасида қабул қилинган қандай қонуналарни биласиз ?**
- 5. Ўзбекистонда экологик ҳуқуқбузарликлар учун қандай жазо чоралари белгиланган?**
- 6. Табиатни муҳофаза қилишининг қандай чора-тадбирлари мавжуд?**
- 7. Табиатдан маҳсус фойдаланганлик учун қандай тўловлар жорий қилинган?**
- 8. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш соҳасида қандай тўлов турлари мавжуд?**

12-Боб. ЭКОЛОГИЯ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

12.1 Экологик ҳамкорликнинг зарурияти

Ер сайдераси инсониятнинг умумий яшаш жойи, ягона уйи ҳисобланади ва ер юзида экологик халокатни барта-раф қилиш мавжуд 200 дан ортиқ давлатларнинг, 6,5 млрд. дан ортиқ инсонларнинг умумий вазифасидир. Мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш халқаро келишув асосида, умумжаҳон миқёсида амалга оширилгандағина ўз самарасини бериши мүмкин. Давлатлараро ҳамкорликнинг зарурлиги сай-ёрамизда биосферанинг ягоналигидан ва инсонларнинг таъсири ҳеч қандай давлат чегаралари билан чекланмаслигидан келиб келиб чиқади. Охирги йилларда инсониятни ташвишга солаётган күплаб регионал ва умумсайёравий экологик муаммолар фақатгина давлатлараро ҳамкорлик йули билан ҳал қилиниши мүмкінлиги маълум бўлиб қолди.

Ҳозирги вақтда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликнинг иккى асосий шакли ажратилади: 1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган иккى томонлама ва кўп томонлама шартнома ва конвенциялар; 2. Халқаро экологик ташкилотлар фаолияти.

Турли давлатларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун давлатларро шартномалар ва конвенциялар кенг қўлланилади. Бундай ҳамкорлик дастлаб XIX асрнинг биринчи ярмида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишни тартибга солиш йўналишида вужудга келган. Айниқса кўчиб юрувчи ҳайвонларни муҳофаза қилишга катта эътибор берилган. Фақатгина балиқ, кит ва бошқа океан ҳайвонларини овлашни тартибга солиш хақида 70дан ортиқ шартномалар, конвенциялар мавжуд. Китларни овлашни чеклашга оид биринчи халқаро конвенция 1931-йилда тузилиб, унда Анктарктида атрофидаги сувлардан ҳар йили 15 мингдан ортиқ кит овланмаслик кўrsатилган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги вақтда табиатни муҳофаза қилишга оид 300 га яқин турли шартнома ва конвенциялар тузилган. Уларнинг орасида 1963- йили Москва-да тузилган атмосфера, сув ости, космик фазодаги ядро

синовларини таъқиқлаш хақидаги шартнома алоҳида аҳамиятта эга.

1973 йилда нодир ҳайвон ва ўсимлик турлари билан савдо қилишни чегаралаш тұғрисидаги (СИТЕС) халқаро конвенция түзилди.

1972 йили Стокгольмда атроф мұхитни муҳофаза қилиш бүйіча ұтказылған Бирлашған Миллаттар Ташкилоти (БМТ)нинг I-Умумжакон конференциясида 5-июн Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни деб әзілген қилинган. 1973-йили Лондонда денгизларни нефть ва бошқа захарлы химикатлар билан ифлосланишининг олдини олиш юзасыдан янги халқаро конвенция қабул қилинди. 1978-йили Ашхободда ұттан Халқаро Табиатни Муҳофаза қилиш Иттифоқи (ХТМИ) бosh ассамблеясида Жаңон табиатни муҳофаза қилиш стратегияси қабул қилинди.

1982 йил БМТда Табиатни муҳофаза қилишнинг умумжахон Хартияси қабул қилинди. Бу мұхим ұжжатларда табиатни муҳофаза қилишнинг принциплари ва күп йилга мүлжалланған асосий йұналишлари белгилаб берилған.

Атроф мұхитта инсон таъсирининг кучайиши 1985-йили Венада озон қатламини муҳофаза қилиш конвенцияси, 1992 йили Рио-Де-Жанейрода Биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлимининг үзгариши, چұллашиб бүйіча ва бошқа конвенцияларнинг тузилишига сабаб бўлди.

Атроф мұхитни муҳофаза қилиш соҳасыда ҳамкорлик турли давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятида ҳам амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик мақсадлари, тузилиши ва фаолияти билан фарқланади, ҳамкорлик характеристига кўра икки томонлама ёки кўп томонлама, регионал ва субрегионал бўлиши мумкин.

БМТ атроф мұхит муҳофазаси масалаларига катта аҳамият беради. БМТнинг 1972 йилда ташкил қилинган атроф мұхит бүйіча махсус дастури- ЮНЕП халқаро ҳамкорликни амалга оширишда мұхим роль ўйнайды. 1948 йили тузилған нодавлат ташкилот-Табиатни Муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи (ТМХИ) юздан ортиқ давлатлар, 300 га яқин миллий, давлат ва жамоат ташкилотларини бирластиради. Ҳозирги вақтда табиат муҳофазаси соҳасыда 250 дан ортиқ йирик халқаро нодавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. БМТ нинг фан, маориф, таълим ва санъет масалалари билан шугулланувчи ташкилоти-ЮНЕСКОнинг

14 лойиҳадан иборат «Инсон ва биосфера» дастури кўп йиллардан бери ҳалқаро ҳамкорликда амалга оширилаётган энг йирик дастурлардан биридир.

ТМХИ 1966 йилдан ҳалқаро «Қизил китоб»ни эълон қилиб келади. Биологик ресурсларни химоя қилишда унинг аҳамияти каттадир.

Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар энг зиддиатли босқичига етган ҳозирги даврда атроф мұхитни мұхофаза қилиш соҳасида барқарор ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёда «Оролни кутқариш ҳалқаро фонди», Марказий Осиё Минтақавий Экологик Маркази ва бошқа ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

12.2 Ўзбекистоннинг экология соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йили 2 марта БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши экология соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик учун ҳам кенг йўл очиб берди. Биринчи навбатда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш катта аҳамияга эгадир. Айниқса, Орол ва Оролбўйидаги экологик муаммолар Марказий Осиё давлатлари, ҳалқаро ташкилотларнинг дикъат марказида бўлиб, ушбу йўналишда турли тадбирлар ўтказилди ва амалга оширилмоқда. Оролбўйи аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамкорликнинг асосий масалаларидан ҳисобланади.

Жаҳон Банки, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (EXXT) ва бошқалар Ўзбекистондаги экологик муаммоларни ҳал қилиш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистондаги Экология ва саломатлик фонди- «Экосан», нодавлат ташкилотлари экологик муаммоларни ҳал қилишда, ҳалқаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари қелишувига биноан экология соҳасидаги ҳамкорлик 1992-йил тузилган Давлатлараро Экологик Иттифоқ (ДЭИ) орқали амалга оширилади. Экология ва табиатни мұхофоза қилиш муаммоларини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари, Осиё, Европа, Америка

ва Тинч океани миңтақаси мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантироқда. Халқаро ҳамкорликни амалга оширишда экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси 1985-йилги озон қатламини химоя қилиш бўйича Вена конвенцияси, 1987-йилги озон қатламини емирувчи бирикмалар бўйича Баённома (Монреаль), 1989-йилги (Базель) хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташишни назорат қилиш конвенцияси, 1992-йилги Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенция, Киото Баённомаси (1998), Чўллашибашга қарши кураш (1992), Биологик хилма-хилликни сақлаш (1993) каби ўнга яқин конвенцияларга қўшилган. Ушбу йўналишда фаол ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Экология ва табиатни муҳофазаси соҳасидаги ҳар қандай давлатлараро ҳамкорлик экологик вазиятни маҳаллий, миллий, регионал ва глобал даражада яхшилашнинг асосидир.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Давлатлараро экологик ҳамкорликнинг зарурлигини асослаб беринг.
2. Табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилишида халқаро ҳамкорликнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг тарихи.
4. Экология ва табиат муҳофазаси фаолияти билан шуғулланувчи қандай халқаро ташкилотларни биласиз?
5. Табиат муҳофазаси соҳасидаги асосий конвенция ва шартномалар.
6. ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» дастури тўғрисида нималарни биласиз?
7. Фақатгина халқаро келишув, ҳамкорлик йўли билан ҳал қиласа бўладиган қандай минтақавий ва глобал муаммоларни биласиз? Ўзбекистонда фаолият кўрсататётган, экология масалалари билан шуғулланувчи қандай давлат ва нодавлат ташкилотларини биласиз?
8. Ўзбекистон қайси халқаро конвенцияларга қўшилган?

13-Боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Ҳозирги авлод кўз ўнгидаги маҳаллий ва регионал экологик инқироз вазиятлари кузатилмоқда. Бунда инсон томонидан ўзгартирилган табиатнинг ижтимоий тараққиётга таъсирининг кескин ортиши кузатилади.

Инсоният тарихида экологик инқирозлар кўплаб кузатилган. Уларнинг натижасида миллионлаб гектар ерлар чўлга айланган, минглаб ўсимлик ва ҳайвон турлари қирилиб кетган, ўрмонларнинг майдони қисқарган, гуллаб яшнаган цивилизациялар инқирозга юз тутган.

Атроф муҳитдаги катта кўламидаги салбий экологик ўзгаришлар XVII асрдан бошланган ва XX асрнинг бошлигига келиб ер юзидағи экологик системаларнинг 20% бузилган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб қисман ва тўла бузилган экосистемалар ҳиссаси 63% дан ошди.

1960-йиллар охирида ривожланган гарб мамлакатларда атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши кучли жамоатчилик ҳаракати вужудга келган, дастлабки экологик қонунлар қабул қилинган, мингга яқин экология ва ривожланиш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар тузишли.

1968- йили 10 та давлатдан 30 кишидан иборат фан, маданият, маориф, бизнес вакиллари «Рим клуби» деб номланган нодавлат ташкилотини тузишли. Клуб аъзолари инсониятнинг ҳозирги ва келажакдаги мураккаб аҳволини муҳокама қилиш ва инқироздан чиқиш йўлларини ўрганишни асосий мақсад деб белгиладилар. 1972 -йил 13 -мартда «Рим клуби» учун тайёрланган «Ўсиш чегаралари» маърузаси эълон қилинди. Маърузада сайёрамиз келгуси экологик ҳолатини башорат қилиш бўйича глобал модел таҳлил қилинган. Моделда сайёрада ўсишни ва унинг чегарасини белгилайдиган беш асосий омил: аҳоли сони, қишлоқ ҳужалик ишлаб чиқариши, табиий ресурслар, саноат ишлаб чиқариши ва атроф муҳитнинг ифлосланиши асос қилиб олинган. Маърузада аҳоли сонининг ортиши суръатлари ва истеъмол модели ўзгармаса XXI асрнинг 30-йилларига келиб чукур экологик инқирозлар башорат қилинган.

«Рим клуби»нинг эълон қилинган кейинги глобал моделиларида (1974; 1990; 1992) янги шароитлар ҳисобга олин-

◆ Барча турдаги ўрмонлардан унумли фойдаланиш, уларни сақлаш ва ўзлаштириш принциплари тұғрисидаги Баённома;

◆ “XXI асрға Күн тартиби” - жаҳон ҳамжамияттінің яқын келажакнинг экологик-иктисодий ва ижтимоий-икти-содий муаммоларини ҳал қилишга тайёргарлігига йұнал-тирилган хужжат.

Бундан ташқари Конференция доирасыда Иқlim үзга-риши буйича чегаравий Конвенция ва Биологик хилма-хилликни сақлаш Конвенциялари тайёрланди.

27 принципдан иборат «Рио декларациясы» ҳалқаро ҳуқуқий хужжат булиб, унга күра давлатлар бошқа мамла-катларнинг муҳитига зарап етказадиган ҳар қандай фаоли-ят учун жавобгарлықни тан олиши, экологик қонунчиллик-нинг самарадорлыгини ошириш, фалокатлардан огоҳлан-тириш, экологик ҳаф манбаларини бошқа давлатлар ҳуду-дига үтказмасликка чақиради.

«XXI асрға Күн тартиби» инсонияттінің янги асрда бар-қарор тараққиётини таъминлашга қаратилған муҳим хуж-жат булиб, унда атроф муҳит муҳофазаси ва ривожланиш-га доир муаммоларни ҳал қилиш йұллари ва воситалари күрсатылған. Конференция қароорларида ҳар бир алоҳида мамлакатда барқарор ривожланиш концепцияси ва мил-лий даражада «XXI асрға Күн тартиби» ни ишлаб чиқиши ва амалға ошириш мажбурияты юкленған.

«Рио-92» Конференциясыда ўрмонларнинг тартибсиз кесилишининг олдини олиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилған муҳим Баённома қабул қилинди. Конференцияды эңг долзарб глобал муаммолар- иқlimнинг үзгариши ва биологик хилма-хилликни сақлаш буйича Конвенцияларнинг имзоланиши бошланди.

«Рио-92» Конференцияси алоҳида давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланишининг стратегик вази-фаларини белгилаб берди ва уни амалға оширишнинг таш-килий, ҳуқуқий ва молиявий асосларини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Рио декларациясини ратифи-кация қилди. Ўзбекистон Иқlimнинг үзгариши тұғрисидаги Конвенция ва Биологик хилма-хиллик тұғрисидаги Кон-венцияларга құшилди. 1998-йили Барқарор ривожланиш Концепцияси тайёрланди. 1999-йили Барқарор ривожланиш нинг Миллий стратегиясини ишлаб чиқылди. 2002-йили

Ўзбекистонда «XXI асрга Кун тартиби» қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланишни таъминлаш устувор масалага айланди.

90-йилларда алоҳида давлатлар, жаҳон ҳамжамияти, ҳалқаро ташкилотлар «XXI асрга Кун тартиби»ни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни амалга оширидилар.

2000-йили Нью-Йоркда Минг йилик Саммити бўлиб ўтди ва унда «Минг йиллик Декларацияси» қабул қилинди. Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича жаҳоннинг барча мамлакатларида саъий-ҳаракатлар бошлианди.

Қилинган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида 2002-йил Йоханнесбургда БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон Саммити бўлиб ўтди. Унда «Барқарор ривожланиш Бутунжаҳон Саммити қарорларини бажариш режаси» ва «Йоханнесбург декларацияси» қабул қилинди. Саммит режасида сайёрамизнинг турли минтақаларида бақарор ривожланишни таъминлашга асосий эътибор берилди ва унинг принциплари барқарор ривожланишнинг учтаркибий қисми: иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига жавоб беради. Бутунжаҳон Саммитида қашшоқликни йўқотиш ва атроф муҳит муаммоси бош масалалар сифатида таҳдил қилинди. Дунёдаги ривожланаётган камбағал мамлакатларда 1 млрд. дан ортиқ аҳоли доимий овқат етшмаслиги шароитларида яшайди. Бу давлатларга молиявий ёрдам бериш масалалари кўрилди. Йоханнесбург Саммити барқарор ижтимоий-иқтисодий-экологик ривожланиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ривожланган давлатлардаги юқори ҳаёт даражасини таъминлаш табиий ресурслардан катта миқдорда фойдаланиш ва ўз навбатида атроф муҳитни кучли ифлослаш ҳисобига амалга ошади. 36-расмда ривожланган мамлакат- Германия Федератив Республикаси (ГФР) ва ривожланаётган мамлакат фуқаросининг атроф-муҳитга таъсири солиширилган.


Хозирги вақтда ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси ГФР ёки АҚШ аҳолиси ҳаёт даражасига етишиши учун яна бир Ер саёраси ресурсларини ўзлаштириш лозим бўлади. Ер эса Коинотда ягонадир. Табиат ва жамиятнинг мутаносиб, бир-бирига мос ривожланиши - **коэволюция** деб юритилади. Жамиятнин ривожланиши суръатлари жуда юқори,

табиат эволюцияси тезлиги ўзгармайды. Коэволюцияга эришиш учун жамият ўзининг айрим эҳтиёжларидан воз кечада олиши лозимдир.



36-расм. ГФР ва ривожланган мамлакат фуқаросининг атроф-муҳитта таъсирини солиши (Гладкий, 2002).

XXI асрга келиб, атроф муҳитга таъсир суръати юқори-лигича қолмоқда. Дунё океанининг ифлосланиши, чуллашиш, биологик хилма-хилликнинг камайиши, чучук суветиши маслиги ва бошқа муаммолар тезкор чоралар кўришни талаб этади. Аҳоли сонининг ўсиш суратлари юқорилигича қолмоқда. Экологик ҳавфсиз, барқарор ривожланиш йўлидаги саъи-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини ҳам бермоқда. Ривожланган мамлакатларда атроф-муҳит мухофазасига сарфланадиган маблағлар ошмоқда ва ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин (37-расм).



37-расм. Ривожланган мамлакатларда атроф-муҳитни мухофаза қилишга сарфланган (1994) маблағлар (Ички Ялпи Маҳсулот (ИЯМ)га % ҳисобида, млрд.доллар). (9)

XXI аср бошларига келиб ривожланган давлатларда экологик инқирознинг олдини олиш тадбирларига Ички Ялпи Маҳсулот (ИЯМ)нинг 1,5-2,5% улуши сарфланиши лозим. Атроф-муҳит анча аянчли аҳволга тушиб қолган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 4-5%дан кам бўлмаслиги кераклиги таъкидланади.


Экологик таълим-тарбияни ривожлантириш, жамоатчилик ролини ошириш, экологик технологияларни жорий қилиш барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамияга эгадир.

Ҳозирги вақтда табиат ва инсон ҳаётининг экологик хавф остида қолиш жараёни янада мураккаблашиб, мушкуллашиб бормоқда. Атроф-муҳит билан жамият ўргасидаги алоқалар мувозанатининг бузилиши табиий ҳолатга путур етказмоқда. Ер юзи табиатининг барқарорлиги, турғунлиги ва унинг ўзига хос қонунларини инсоният томонидан бузилишининг асосий сабабларидан бири кишиларнинг атроф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги билимларининг этишмаслиги ҳамда табиатнинг келажакдаги экологик ҳолатини кура билмасликлариdir.

Экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун экологик сиёсатга ўз таъсирини курсатиши мумкин бўлган вазирликлар, корхона ва ташкилот раҳбар кадрларининг фаолиятида ижтимоий – экологик вазиятга тўғри баҳо бериш, уни химоя қилиш, сақлаш ва такомиллаштириш каби тушунчаларни қалдан ҳис этишни шакллантириш, яъни уларда экологик муаммоларга муҳим ижтимоий-сиёсий иш сифатида қарашни тарбиялашдир. Ушбу раҳбар кадрларида табиатни муҳофaza қилиш муаммоларини тўғри ечиш ва башорат қилишни уддалаш, юзага чиқиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни олдини олиш шароитларини яратиш каби ҳислатларни барпо этиш ҳисобланади.

Экологик тарбия оиласдан бошланиши лозим. Ота-оналар экологик саводхон бўлишлари лозимдир. «Боғча-мактаб-олий мактаб-малака ошириш» тизимида узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Узлуксиз экологик таълим қўйидагича бўлмоғи зарур: 1- босқич – оиласдан мактабгача таълим муассасаларида; 2-босқич мактаб-академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги экологик таълим; 3-босқич – олий ўқув юртларида-



38-расм. Экологик фаолият имкониятлари (18)

ги таълим; олий таълимдан кейинги босқич – кадрларни қайта тайёрлаш ва мунтазам равищда малакасини ошириб бориш; олий босқич - аспирантура, докторантура.

Ўзбекистонда «Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида» ги қонунда «...барча таълим муассасаларида экологик таълим мажбурий» деб белгиланган. Үрта мактаб, лицей ва коллежларда экология бүйічә алоқида фан үқитилиши зарурдир. Бу барқарор ривожланиш учун таълимнинг асосини ташкил қилиши лозимдір. БМТ барқарор ривожланиш учун таълимни 2005-2014 йиллар давомида хар бир мамлакатда амалға оширишни режалаштирган.

XXI аср-экология асри булиши шубҳасиздир. Ҳар бир инсон она сайёрамиз табиатига зиён етказмасдан ўзгартириши, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиши ва яшаш мұхитини сақлашдек муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозимдир.

Назорат саволлари ва топшириқлар

1. Инсоннинг табиатга таъсирининг ҳозирги замон босқичи хусусиятларини тушунтиринг.
2. Экологик билимларни ривожлантириш зарурияти сабабларини очиб беринг.
3. Барқарор ривожланиши тушунчасининг вужудга келиш шарт-шароитларини тушунтиринг.
4. Биосфера барқарорлигини нима таъминлайди?
5. Барқарор ривожланиши бўйича қандай конференциялар ўтказилган ва уларда қандай ҳужжатлар қабул қилинган?
6. Ўзбекистонда барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича қандай ҳужжатлар, қарорлар мавжуд?
7. 49-расмни таҳлил қилинг. Яшайдиган жойингиздаги экологик муаммолар ва уларни ҳал қилишда, атроф- мұхит масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирокингиз ҳақида маъруза тайёрланг.
8. Яшайдиган жойингиз (шаҳар, қишлоқ, туман)ни экологик барқарор ривожлантириши масалаларини ўрганиб чиқинг ва реферат ёзинг.

«Экология» курси бүйіча тест саволлары

1. Тартибга солинган Коинот нима деб аталади?
 А. Галактика В. Сомон йұлы
 С. Космос D. Метагалактика

2. Инсон қандай мөхияттаға эга?
 А. Биосоциал В. Биоэкологик
 С. Биологик D. Ижтимаий

3. Экология алоқида фан сифатида қачон вужудға келди?
 А. Эрамиздан аввалғы II-III асрларда. В. XYIII асрда
 С. XIX асрда D. XX аср бошида

4. Экология фанининг асосчиси ким?
 А. Ч.Дарвин B. В.Вернадский
 С. Э.Геккель D. Ж.Ламарк

5. Экологик омиллар таъсирига чидамли организмлар гурухини ажратинг.
 А. продуцентлар B. эврибионтлар
 С. стенобионтлар D. автотрофлар

6. Абиотик омиллар гурухини ажратинг.
 А. рельеф, үсімлік таъсири B. ҳайвон, тупроқ таъсири
 С. инсон таъсири D. ёргулік, намлық, ҳарорат

7. «Экосистема» термини ва тушунчасини фанга ким кириктегі?
 А. К.Мебиус B. А.Тенсли
 С. Э.Геккель D. Ж.Ламарк

8. Популяциялар экологиясыннинг асосчиси ким?
 А. К.Рулье B. К.Мебиус
 С. Ч.Элтон D. А.Тенсли

9. Биоценоздаги иккала организм учун ҳам фойдалы бүлгап муносабат
 А. Мутуализм B. Нейтрализм
 С. Рақобат D. Паразитизм

10. Экосистемада моддаларнинг айланма ҳаракатида орғанизмларнинг нечта гуруҳи иштирок этади?

- A. 2 B. 3
C. 4 D. 5

11. Ернинг «ҳаёт қобиги»ни ажратинг

- A. Гидросфера B. Литосфера
C. Атмосфера D. Биосфера

12. Биосфера хақидаги таълимотнинг асосчиси

- A. В.Докучаев B. В.Вернадский
C. А.Гумбольдт D. Э.Зюсс

13. Ер юзида барча тирик организмлар йифиндиси

- A. биотоп B. биогеоценоз
C. биота D. экотоп

14. Тугайдиган, тикланмайдиган ресурсларни ажратинг

- A. сув, хаво, тупроқ B. ўсимлик ва ҳайвонлар
C. ер ости қазилмалари D. тупроқ, сув, ўсимликлар

15. Биосферанинг янги сифат ҳолати

- A. тропосфера B. литосфера
C. ноосфера D. ионосфера

16. Асосий иссиқхона газларини ажратинг

- A. CO_2 , N_2O , CH_4 B. SO , CO , CO_2
C. SO_2 , O_2 , NO_2 D. CO_2 , SO , NO_2

17. Ер юзида сўнгги 100 йил ичидаги ҳаво ҳарорати неча градусга ошган?

- A. 0,8- 1°C B. 2-3°C
C. 3-4°C D. 4-5°C

18. Ўзбекистонда атмосферани ифлословчи асосий тармоқ

- A. қишлоқ ҳўялиги B. саноат
C. транспорт D. коммунал-маиший

19. Ўзбекистонда атмосферани ифлословчи асосий газ

- A. углерод оксида B. азот оксида
C. олтингугурт қүшоксида D. метан

20. Иқлим ўзгариши бўйича Халқаро Конвенциянинг имзоланиши қачондан бошланган?

- A. 1985 –йилдан B. 1990-йилдан
C. 1992- йилдан D. 1993- йилдан.

21. Океан ва денгизлар суви гидросферанинг неча фоизини ташкил қиласи?

- A. 65,5% B. 80,7%
C. 93,8% D. 97,2%

22. Ўрта Осиёдаги энг серсув дарё

- A. Сирдарё B. Зарафшон
C. Амударё D. Чирчиқ

23. Орол денгизини тиклаш мумкинми?

- A. Сибир дарёлари суви билан тўлдирса бўлади
B. Каспий денгизидан сув келтириб, тиклаш мумкин
C. Ер ости сувларини чиқариб, тикласа бўлади
D. Мавжуд сув ресурслари билан тиклаб бўлмайди.

24. Ўзбекистонда сувларни ифлословчи асосий тармоқ

- A. Саноат B. Энергетика
C. Коммунал-маиший D. Қишлоқ хўялиги

25. Ернинг қаттиқ қобигни ажратинг

- A. гидросфера B. литосфера
C. атмосфера D. биосфера

26. Ўзбекистонда суғориладиган ерлар неча фоизни ташкил қиласи?

- A. 8,5% B. 9,7%
C. 35,3% D. 50%

27. Тоғ-кон саноатида асосан неча турдаги минерал-хом ашёллардан фойдаланилади?

- A. 150 B. 200
C. 250 D. 300

28. Ўзбекистонинг минерал ҳом-ашиё салоҳиятини баҳоланг
A. 2,3 трил. АҚШ доллари B. 2,8 трил. АҚШ доллари
C. 3,3 трил. АҚШ доллари D. 4 трил. АҚШ доллари

29. Ўзбекистонда ҳар йили қанча чиқиндилар вужудга
келади?
A. 65 млн. т B. 75 млн.т
C. 86 млн.т D. 100 млн.т

30. Дунё ўсимлик ва ҳайвон турлари хилма хиллиги
A. ўсимликлар 250 минг, ҳайвонлар 600 минг
B. ўсимликлар 350 минг, ҳайвонлар 800 минг
C. ўсимликлар 400 минг, ҳайвонлар 1 млн
D. ўсимликлар 500 минг, ҳайвонлар 1,5 млн

31. Қўриқхоналарда:
А. Ўсимлик ва ҳайвонлар муҳофаза қилинади ва дам олиш
мумкин
B. Ноёб турлар муҳофаза қилинади ва иқлимлаштирилади
C. Ноёб турлар муҳофаза қилинади ва чекланган фойда-
ланилади
D. Ҳар қандай хўжалик фаолияти таъқиқланади

32. Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд-
ларни ажратинг
A. 8 кўриқхона, 10 буюртмахона, 1 миљий боғ
C. 9 кўриқхона, 9 буюртмахона, 2 миллий боғ
D. 9 кўриқхона, 10 буюртмахона, 3 миллий боғ
E. 10 кўриқхона, 12 буюртмахона, 4 миллий боғ

33. Ўзбекистон Конституциясининг қайси мoddalariда
атроф-муҳит масалалари кўрилган?
A. 50, 54, 55, 100 B. 50, 53, 58, 102
C. 49, 51, 53, 100 D. 50, 53, 55, 105

34. Ўзбекистонда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғриси-
да»ги қонун қачон қабул қилинган?
A. 1990 йил, 2 август B. 1991 йил, 12 ноябр
C. 1992 йил, 9 декабр D. 1993 йил, 12 декабр

35. БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича Конферен-
цияси қачон ва қаерда бўлиб ўтган?
A. Берн, 1990 йил B. Рио-де-Жанейро, 1992 йил
C. Лондон, 1995 йил D. Нью-йорк, 2001 йил

**“Экология” курсидан реферат ва маъruzаларнинг
мавзулари**

1. Табиат ва инсон
2. Коинот, инсон, экология
3. Инсон –биосоциал мавжудот
4. “Табиат ва жамият “муносабатлари эволюцияси
5. Экологиянинг фан сифатида шаклланиши
6. Биосфера ва инсон
7. Биосфера ва ноосфера
8. Глобал экологик муаммолар
9. Барқарор ривожланиш
10. Табиий ресурслар таснифи
11. Табиий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш
12. Ўзбекистондаги экологик муаммолар
13. Урбанизация ва атроф-муҳит
14. Демография ва экология
15. Экология ва ҳалқар ҳамкорлик
16. Атмосферанинг ифлосланиши муаммолари
17. Ўзбекистонда атмосферанинг ифлосланиши ва унинг олдини олиш чоралари
18. Атмосферани тозалаш методлари
19. Транспорт ва атроф-муҳит
20. Атмосфера ифлосланишининг олдини олиш тадбирлари
21. Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши муаммолари
22. Кам чиқитли ва чиқиндисиз технологиялар
23. Атмосфера ҳавоси ифлосланишини меъёрлаштириш
24. Иқлиминг ўзгариши муаммолари
25. Ўзбекистонда иқлиминг ўзгариши ва унинг кутилаётган оқибатлари
26. Сувдан фойдаланиш муаммолари
27. Сувларни тозалаш методлари
28. Сувларнинг етишмаслиги муаммолари
29. Дунё океанининг ифлосланиши муаммолари
30. Ўзбекистонда сувларнинг ифлосланиши муаммоси
31. Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш масалалари
32. Орол дengизи муаммолари
33. Тупроқларни муҳофаза қилиш муаммолари
34. Ўсимликларни муҳофаза қилиш
35. Ҳайвонларни муҳофаза қилиш

36. «Қизил китоб» ва унинг аҳамияти
37. Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»лари
38. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар
39. Ўзбекистоннинг қуриқхоналари
40. Экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари
41. Экологик жиноятлар
42. Экология ва ҳалқаро ҳамкорлик
43. Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини бошқариш муаммолари
44. Экология ва қонун
45. Экологик мониторинг
46. Экологик экспертиза
47. Чиқиндилар муаммоси
48. Қишлоқ ҳўжалиги ва атроф-муҳит
49. Экологик таълим ва тарбия
50. Барқарор ривожланиш
51. XXI асрга Кун тартиби
52. Барқарор ривожланиш учун таълим
53. Алоҳида ҳудудни барқарор ривожлантириш масалалари
54. Экология ва ахлоқ

ЭКОЛОГИК АТАМАЛАР ЛУФАТИ

Автотроф – организмларнинг фотосинтез ёки хемосинтез йуллари билан ҳаво ва тупроқдаги анорганик моддалардан фойдаланиб озиқланиши.

Антропоген таъсир – инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида табиат ва унинг ресурсларига кўрсатадиган таъсири

Аутэкология – экологиянинг айrim турларнинг ташқи муҳит шароитига мослашишини ўрганадиган бўлими

Биоген моддалар – тирик организмларнинг яшаши учун зарур бўлган ва уларнинг хаёти фаолияти натижасида синтезланадиган моддалар

Биогеоценоз – 1. Ер юзаси маълум ҳудудидаги бир ҳил табиат элементларининг йигинди; 2. муайян тупроқ шароитида ўсимликлар, ҳайвонлар ва замбуруғлар ҳамда айrim содда ҳайвонлардан ташкил топган микроорганизмларнинг биргаликда яшashi

Биологик маҳсулдорлик – экосистемаларнинг ҳаёт фаолияти натижаси ҳисобланиб, маълум вақт оралиғида экосистемадаги организмлар томонидан тўпланган органик моддалар

Биологик хилма-хиллик – турларнинг хилма-хиллиги, генетик хилма-хиллик, экосистемалар хилма-хиллиги.

Биомасса – тирик организмларнинг маълум майдон бирлигига тўғри келувчи оғирлик ёки энергия бирликларида ифодаланган умумий вазни

Биосфера – ҳозирги даврда яшаб, фаоллик кўрсатиб турган организмлар тарқалган қобиқ

Биота – флора (ўсимлик турлари) ва фауна (ҳайвон турлари)нинг йигинди

Биотоп – нисбатан бир хил abiотик муҳит билан тавсифланувчи биоценоз эгаллаган майдон

Биотик алоқалар – биоценоздаги организмларнинг турли шакллардаги ўзаро муносабатлари.

Гетеротроф - тайёр органик моддалар ҳисобига ҳаёт кечириувчи организмлар, уларга барча ҳайвонлар, текинхўр ўсимлик турлари, замбуруғлар ҳамда кўпчилик микроорганизмлар киради.

Генофонд – маълум гуруҳдаги индивидларнинг (популяциялар, популяциялар гуруҳи ёки турнинг) барча генлари йигинди

Генотип – организмнинг барча генлари йигиндиси

Гомойотерм – ташқи мұхит ҳароратига боғлиқ бүлмаган ҳолда тана ҳарорати доимий бўлган (иссиқ қонли) ҳайвондар

Канцерогенлар – ҳавфли ўсмалар келиб чиқишига сабабчи бўладиган моддалар ёки физик омиллар

Консументлар – фотосинтез ёки хемосинтез йўли билан тўпланган тайёр органик моддаларни истеъмол қилувчи организмлар йигиндиси

Коэволюция – табиат ва жамиятнинг бир-бирига мос, ўзаро мутаносиб ривожланиши

Литосфера – Ернинг устки «қаттиқ» қобиги

Мониторинг – атроф-мұхит ҳолатининг кузатиш, баҳолаш ва олдиндан башорат қилиш тизими

Мутаген – мутацияни келтириб чиқарувчи ҳар қандай омил

Ноосфера – «акл қобиги», биосфера тараққиётининг юқори босқичи

Озуқа занжирни – бири иккинчисига озуқа бўладиган организмларнинг кетма – кет келадиган занжир

ПДК- атмосфера ҳавосидаги заарли моддаларнинг инсон, тирик жонзорларнинг ҳаёти учун ҳавфсиз бўлган юқори концентрацияси чегараси

ПДВ- Атмосфера ифлосланишини меъёrlаш учун саноат ва транспортда чиқынди чиқариш миқдорлари чегараси

Продуцентлар – анорганик моддалардан органик моддалар яратувчи автотроф организмлар

Популяция – бир турга мансуб бўлган индивидлар йигиндиси ҳисобланиб, умумий генофондга эга, муайян шароитда ва майдонда тарқалган бўлади.

Редуцентлар – ҳаёт фаолияти давомида (бактериялар, замбуруғлар) органик қолдиқларни анорганик моддаларга парчаловчи организмлар

Реинтродукция – организмларни йўқолиб кетган жойларда сунъий қайта тиклаш

Синэкология – экологиянинг ҳамжамоалар тузилиши, энергетикаси, динамикаси, шакилланиши, ташқи мұхит билан ўзаро алоқаси кабиларни ўрганадиган бўлими

Сукцессия –муайян ҳудудлардаги биоценозларнинг табии омиллар ёки инсон таъсирида кетма-кет алмашиниши

Табиий ресурслар – жамиятнинг моддий, илмий-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ёки фойдаланиш мумкин бўлган табиий обьектлар, жараёнлар

Трофик алоқа – бир турнинг иккинчи тур билан озиқлашидаги муносабат

Тупроқ эрозияси – тупроқнинг табиий ёки инсон хўжалик фаолияти натижасида емирилиш жараёни. Табиий эрозия одатда жуда секин боради ва хавфли эмас. У сув ва шамол эрозияларига ажратилади

Фотосинтез – ёруғлик энергияси ёрдамида органик моддалар синтезини амалга оширувчи оксидланиш-қайтарилиш реакцияси

Экологик императив – табиат қонунларига бўйсуниш талаби

Экологик инқиroz – экологик система, табиат комплексидаги мувозанат холатининг қайта тикласа бўладиган ўзгаришлар

Экологик омил – тирик организмнинг мослашиш характеристига жавоб берадиган ташқи муҳитнинг ҳар қандай элементи. Унинг абиотик, биотик ва антропоген турлари ажратилади

Экосистема – организмлар ва уларнинг яшаш муҳитидан иборат табиий ёки сунъий антропоген мажмуи; ундаги тирик ва нотирик экологик таркибий қисмлар бир- бирлари билан чамбарчас боғланган

Үлкек модда – В.И. Вернадский таълимоти бўйича, унинг ҳосил бўлиш жараёнда тирик молда иштирок этмайди.

Фойдаланилган манбалар

1. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология- М.: 1998.-455с.
2. Акимова Т.А., Кузьмин А.П., Хаскин В.В. Экология- М.: ЮНИТИ, 2001.
3. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, Ўқитувчи, 1991.
4. Бекназов Р.У., Ю.В. Новиков. Охрана природы Т."Ўқитувчи" 1995.
5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича рамкавий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Миллий ахбороти. Тошкент., 1999.
6. Борейко В.Е. Постижение экологической теологии. Киевский эколого-культурный центр, 2000.
7. Валуконис Г.Ю, Мурадов Ш.О. Основы экологии. Том I Общая экология, Ташкент, «Мехнат», 2001.
8. Горелов А.А. Экология. –М.: «Центр», 1998.
9. Гладкий Ю.Н., Лавров С.Б. Глобальная география.- М.: Дрофа, 2002.
10. Данило Ж.Маркович Социальная экология. М.: «Пропаганда», 1991.
11. Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. «Экологический вызов и устойчивое развитие » М.: 2000.
12. Демина Т.А. Экология, природопользование, окружающая среда М., Аспект Пресс 1996.- 143с.
13. Каримов И.А.. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997 .
14. Клечек Й., Якеш П. Вселенная и Земля. Артия
15. Коробкин В.И., Передельский Л.В. Экология в вопросах и ответах. – Ростов-на-Дону.: Феникс, 2002.
16. Красная Книга Узбекской ССР. Том I. Ташкент., «Фан», 1983.
17. Красная Книга Узбекской ССР. Том II. Ташкент., «Фан», 1984.
18. Криксунов Е.А., Пасечник В.В., Сидорин А.П. Экология. -М.: Дрофа, 1995.-240с.
19. Мавришев В.В. Основы общей экологии. Минск,: «Вышэйшая школа», 2000.

20. Насафий А. Зубдат ул ҳақойиқ. Тошкент. «Камалак», 1995.
21. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республики Узбекистан (2001 г.). Т. Chinor ENK,- 2002.
22. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республики Узбекистан (2002-2004 год). Т. Chinor ENK,- 2005.
23. Нигматов А. Экология нима?- Т, 2002.
24. Общая экология. Автор- составитель А.С.Степановских.- М.: ЮНИТИ.-2001.508с.
25. Одум Ю. Экология. В двух томах. М: Мир, 1986.
26. Ососкова Т.А., Спекторман Т.Ю., Чуб В.Е. Изменение климата. Т.: 2005.
27. Охрана окружающей среды: Учебник для вузов / Автор-составитель А.С.Степановских.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.-559 с.
28. Постнова Е.А., Коротенко В.А., Домашов И.А. В мастерской предмета «Экология»: пособие для учителей. Б.: 2003.-168с.
29. Раҳимбеков Р.У. Отечественная экологическая школа: история её формирования и развития. Тошкент, 1995.
30. Реймерс Н.Ф. Природопользование.- М.: «Мысль», 1990.
31. Сайдо ал-Жазарий М.Н. Ҳақиқатлар уруғи. Тошкент.,2003.
32. Сохранение биологического разнообразия. Национальная стратегия и план действий. Ташкент, 1998.
33. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабр Қонуни// Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент., «Адолат», 1993.
34. Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари. Қодиров Э.В. ва бошқалар. Тошкент, «Ўзбекистон»,1999.-158 бет.
35. Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997.
36. Тұхтаев А.С. Экология. Тошкент., Ўқитувчи, 2001.-144 бет.
37. Чернова Н.М, Галушин В.. Константинов В.М. Основы экологии.- М.: «Просвещение», 1995.

38. Экологические основы природопользования. Под ред. Ю.М.Соломенцева.- М.: Высшая школа, 2002.
39. Экология. Интерактив құлланма. Тошкент., ЮНЕСКО
40. Энциклопедический словарь юного биолога. М.: «Педагогика», 1986.
41. Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби. Том I. Ўсимликлар, “Chinor ENK”, 1998.
42. Ўзбекистон Республикаси Қизил Китоби . Том II. Ҳайвонот олами, “Chinor ENK”, 2003.
43. Куръони Карим.-Тошкент, Чўлпон.
44. Umumiy biologiya. Toshkent, “SHARQ”, 2004.
45. Environmental Science: A Global Concern, Fifth Edition-1999.
46. www.nature.uz
47. www.uznature.uz
48. www.carec.kz
49. www.ecoforum.sk.uz

4970

Х.Т.Турсунов, Т.У.Рахимова

ЭКОЛОГИЯ

Ўқув кўлланма

«Chinor ENK» экологик нашриёт компанияси.
Манзили: Тошкент ш., Сугалмий ота кўч., 7.
www.econews.uznature.uz

Босишига руҳсат этилди 03.11.2006. Ўлчами 60 x 84/16.
Ҳажми 10 б.т. Гарнитура Times.
Офсет усулида босилди. Адади 500 нусха.

ДП «POLI-PRESS» босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент ш., Авлиё ота кўч., 93

Ўзбекистоннинг табиий экосистемалари
ва алоҳида қўриқчандиган ҳуяллари

